



ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

Журналга 1958 йил январда
Ойбек асос солган

Бир йилда олти марта чиқади

Бош муҳаррир:

Низомиддин МАҲМУДОВ

Таҳрир ҳайъати:

Раҳматулла БАРАКАЕВ

Наим КАРИМОВ

Баҳодир КАРИМОВ

Дурдона ЛУТФУЛЛАЕВА

Абдуваҳоб МАДВАЛИЕВ

(бош муҳаррир ўринбосари)

Бахтиёр НАЗАРОВ

(бош муҳаррир ўринбосари)

Ёрқинжон ОДИЛОВ

Эрғаш ОЧИЛОВ

(масъул котиб)

Шомирза ТУРДИМОВ

Боқижон ТЎХЛИЕВ

Алмаз УЛВИЙ

Дурдона ХУДОЙБЕРГАНОВА

Жаббор ЭШОНҚУЛОВ

Бердак ЮСУФ

Қурдош ҚАҲРАМОНОВ

Улуғбек ҲАМДАМОВ

Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ

6
2021

Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси
Ўзбек тили, адабиёти
ва фольклори институти

Тошкент - 2021

Манзилимиз:
100060, Тошкент, Шахрисабз тор кўчаси, 5-уй
Телефон: (71) 233-71-44
E-mail: jurnal_uzlit@mail.ru

Ўзбек тили ва адабиёти
№ 6, 2021

Мухаррир Э. Очилов
Компьютерда саҳифаловчи Г. Эшмуродова

Журнал Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
19.10.2017 йилда рўйхатга олинган.
Гувоҳнома №0053

МЧЖ "GLOBAL POLIGRAF DIZAYN"
Босмахонасида чоп этилди.
Буюртма № 04
Манзил: Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани,
Нурмакон кўчаси, 1-уй.
Қоғоз бичими 70x108, 1/16
Офсет босма. "Times New Roman" гарнитураси.
Шартли-босма табоғи 8.4
Тираж 430 нусха. Келишилган нархда.

CONTENT

Linguistics

Y.Odilov. The relations between language and thinking.....	3
D.Lutfullaeva. Problems in choosing a name for commercial objects, consumer goods.....	11

Literature studies

D.Kuranov. On the issue of reading "The days gone by".....	16
Y.Kosim. Symbolic-metaphorical images in Abdulla Aripov's first lyrics.....	24
M.Khudoykulov. The first editions of the Uzbek comic press.....	31

100th anniversary of Shukrullo's birthday

S.Tulaganova. A literary expression of the writer's experiences.....	37
M.Kuchkarova. The study of Shukrullo's life and work in Uzbek and Turkish literature.....	41

Scientific information

A.Eshonboboev. "Lison ut-tayr" in the interpretation of Russian orientalists.....	45
I.Ismoilov. The genesis of the image of the conflict between Darius and Alexander.....	51
R.Sharipov, N.Khujaeva. Educational issues in Fitrat's work "Discussion".....	56
B.Rajabova. A description of the cultural environment in "Majlis un-nafois".....	61
R.Mullakhujeva. Meaningful aspects of the image of the sun in the poetry of Ghafur Ghulam.....	66
M.Yadgorova. Letters from the novel "Golden Stainless".....	70
M.Khudayorova. About some mystical concepts on the Navoi kit'a.....	75
H.Shokirova, Sh.Sadikova. About miniatures for Navoi "Khamsa".....	78
Y.Babakulov. Depiction of a psychological image in a literary work.....	82
O.Abdullaev. Symbolic image in the poems of Usman Azim.....	87
G.Soatova. Journal "Education and Teacher" and the work of Elbek.....	89
G.Zoyirova. Possibilities of expression of the octave genre.....	92
H.Zakirova. Sinsemantic sign of hypothalamic parts.....	96
O.Tursunova. Poetic features of phonetic devices in the prose text.....	101
N.Allamuratov. The structure of component legal terms in the Karakalpak language.....	104
N.Mahmudova. Thematic groups of telecommunication terms.....	108
N.Boynazarova. The semantic relationship between folklore terms.....	112
K.Yusupova. Pragmalinguistic issues of imperative expression in advertising text.....	116
D.Hakimov. Classification analysis of the introduction of foreign words into the Uzbek language.....	120

Doers of science

H.Homidiy. Well-known literature scientists	124
---	-----

Criticism. Review. Bibliography

A.Rahmonqulov, B.Jabborov. Another dictionary of folk dialects.....	126
---	-----

Scientific life

Mamatkul Juraev	128
-----------------------	-----

ТИЛШУНОСЛИК

Ёрқинжон ОДИЛОВ

ТИЛ ВА ТАФАККУРНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТИ

Тил ҳақидаги фан пайдо бўлибдики, бу фан вакиллари тил ва борлиқ, тил ва тафаккур муносабатларини аниқлаш, тилнинг тафаккур ривожига ва тафаккурнинг тил таракқиётидаги ўрнини белгилаш илинжида тер тўқади. Тилшуносликнинг барча даврларида “Тил қандай пайдо бўлган?”, “Тил қандай ривожланади?”, “Нутқий фаолиятда тафаккур, фикрий жараёнда тил қандай иштирок этади?”, “Инсоннинг билиш фаолиятида тафаккур бирламчими ёки тил?” каби муаммолар хусусида мулоҳаза юритилади, турли гипотезалар илгари сурилади. Айниқса, тил ва тафаккур муносабатини ўрганишга тилни тўғри тадқиқ қилишнинг биринчи муаммоси сифатида ёндашилади. Бу борадаги тадқиқотларда баъзан тафаккурга, баъзан тилга устуворлик берилади. Аммо кейинроқ тилнинг тафаккурсиз, тафаккурнинг тилсиз мавжуд бўлмаслиги ҳақидаги ғоя устуворлашди.

Тил ва тафаккур муносабатини белгилашга йўналтирилган тадқиқотлар кўпайиб боргани сари ҳар икки ҳодисанинг ҳали ўрганилмаган жиҳатлари ўртага чиқавердики, бунини тил ва тафаккур серқирра ҳодисалиги; тил ва тафаккурнинг ўзгариш ва янгиланишга мойиллиги; объектга ёндашув турличалиги билан изоҳлаш мумкин. Агар бу борадаги тадқиқотлар умумлаштирилса, тил ва тафаккур муносабати: гносеологик, психологик (ёки психолингвистик) ва нейролингвистик аспектда ўрганилгани маълум бўлади.

Гносеологик ёндашув (гносеология юнончада “билишга доир қараш, таълимот” маъносини билдиради) назарий тилшуносликда тил ва тафаккур муносабатини аниқлашдаги дастлабки методологик усулдир. Бундай ёндашувга кўра, оламни билиб бориш натижасида дастлаб киши тафаккурида нарсалар-ҳодисалар ҳақида муайян тушунча пайдо бўлади, кейин шу тушунчалар тил воситасида ифодаланади, яъни тил инсон ақлий фаолияти натижасида юзага келган тушунчаларни қайд этади ва тингловчига етказди.

Тил ва тафаккур муносабатини бундай тушуниш ўзбек тилшунослигида ҳам мавжуд ва назарий тилшунослигимизнинг гносеологик ёндашув асосида “оёққа тургани” рост, ўзбек тилига ўзбекча тафаккурни акс эттирадиган восита сифатида қаралгани ҳам бор гап. Дастлабки назарий қарашларни ўзида жамлаган “Тилшуносликка кириш” қўлланмасида тил ва тафаккурнинг бир-бирисиз мавжуд бўлмаслиги айтилади. Бу тўғри, аммо “тафаккур тилдан олдинда юради”, “тафаккурдаги тушунчалар тил орқали ифодаланади”, “тил тафаккурнинг барча турларини акс эттиришда ягона восита” деб тушунтириладики¹, бу тафаккур тилга нисбатан бирламчи ва устувор; тилнинг вазифаси фақат тафаккурдаги тушунчаларни акс эттиради, деган

¹ И р и с к у л о в М. Тилшуносликка кириш. Дорилфунун ва педагогика институтлари талабаларига қўлланма. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1992, 237-бет.

таассурот уйғотади. Ёки: “Табиийки, ғояларнинг такомиллашиши жараёнида янги тушунчалар, янги назариялар пайдо бўлади, уларни қайд этиш учун ҳамма вақт ҳам тилда тайёр сўзлар, сўз бирикмалари бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда тил тафаккур фаолияти маҳсулини тўла-тўқис ўзида акс эттириши учун мазкур янгиликка ҳар томонлама мос келадиган сўз ва ибораларни топиши зарур. Шу тариқа тил ҳам қотиб қолмай тафаккур билан биргаликда ривожланиб, такомиллашиб боради”². Бундай қарашларнинг зимнида айни ривожланиш жараёнларининг тафаккур ҳисобигагина юз беришидек фикр турибди. Ушбу иқтибосларни келтиришдан мурод зинҳор қўлланманинг “кемтиги”ни топиш эмас, балки гносеологик ёндашувнинг ўзбек тилига татбиқини кўрсатмоқдир.

Тилнинг тафаккурда бор тушунчани акс эттириши тўғри, шунинг учун тилга тафаккурни акс эттирувчи восита деб ёндашиш бир қарашда маъбулдек. Негаки тафаккур тил билан доимий алоқада бўлади, нарсалар ҳодиса, белгилар хусусият ва ҳаракат-ҳолатлар онг орқали идрок қилинади ва тилга узатилади. Аммо шундай дейиш билан чекланиш тилнинг билишдаги иштироки ҳамда вазифасини “пассив”лаштириб юборади, тилнинг “маҳсул” эмас, “фаолият” эканлигини (В.Гумбольдт) шубҳа остига қўяди. Таассуфки, тилшунослигимизда тил ва тафаккур муносабатида тилнинг тафаккурий тушунчаларни акс эттириш вазифасинигина таъкидлаш, тилни алоқа воситаси сифатида тушунтириш устувор бўлди. Дарсликларда “тил – инсонлар ўртасидаги алоқа воситаси”, “тил – алоқа қуроли” тарзида тавсифланди, холос, тилнинг бошқа вазифалари эса очилмай қолди. Аслида, Н.Маҳмудов айтганидек: “Тил, энг аввало, инсоннинг ички дунёси, оламни идрок қилиши, тафаккур тарзи ва камолотини белгилайдиган восита. ...Тил фақат алоқа воситасигина эмас, у инсоннинг тафаккур тарзини тайин қиладиган, дунёни билиши, дунёни кўриши, эшитиши воситаси”³ тарзида тушунтирган маъкул.

Бизнингча, тил ва тафаккур алоқасини ўзаро тенг таъсирлашув тарзида талқин қилиш керак, чунки улар ўртасида мунтазам таъсирлашув жараёнлари амал қилади. Гносеологик ёндашувда тафаккурнинг тилга таъсири очиб берилди, бу тарз таъсирлашувда шакллантириш вазифасини тафаккур бажаради, тилга бундай хусусият хос эмас, деб тушунилди. Ваҳоланки, тилга ҳам шакллантириш вазифаси хос ва бу қуйидагича кечади:

Тилнинг тафаккурни шакллантиришдаги иштироки тафаккур учун янги объектни билиш жараёнидаги номлаш вазифасида кўринади. Инсон бирор нарсанинг моҳиятини билиш учун аввал шу нарсанинг хосса ва хусусиятларини аниқлайди. Бунда унга махсус ном остида рамзланган мавжуд билимлари ёрдам беради. Агар тафаккурда мавжуд билимлар махсус ном билан рамзланмаганда эди, инсонда билимнинг ўзи бўлмасди. Демак, билимлар рамзланган номлари билангина тафаккурда мавжуд. Инсон ўзи дуч келган янги нарсанинг моҳиятини рамзланган номлар остидаги билимлари

² Ўша манба, 237–238-бетлар.

³ Маҳмудов Н. Тилимизнинг тилла сандиғи. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015, 19-бет.

СОДЕРЖАНИЕ

Языкознание

Я.Адылов. Взаимоотношение языка и мышления.....	3
Д.Лутфуллаева. Проблемы выбора названий для коммерческих объектов и товаров потребления	11

Литературоведение

Д.Куранов. К вопросу осмысления “Минувших дней”.....	16
Я.Касым. Символично-метафорические образы в ранней лирике	
Абдуллы Арипова.....	24
М.Худайкулов. Первые издания узбекской юмористической печати.....	31

100-летие со дня рождения Шукрулло

С.Туляганова. Художественное выражение переживаний писателя	37
М.Кучкарова. Изучение жизни и творчества Шукрулло в узбекском и турецком литературоведении.....	41

Научные сообщения

А.Ишанбабаев. “Лисон ут-тайр” в интерпретации русских востоковедов	45
И.Исмаилов. Генезис описания интриг между Доро и Искандером.....	51
Р.Шарипов, Н.Ходжаева. Вопросы образования и воспитания в произведении “Мунозара” Фитрата	56
Б.Раджабова. Описание культурной среды в произведении “Маджалис ун-нафоис”	61
Р.Муллаходжаева. Семантические аспекты образа солнца в поэзии Гафура Гуляма	66
М.Ядгарова. Письма в романе “Олтин зангламас” (Золото не заржавеет).....	70
М.Худаярова. О некоторых суфийских понятиях в китах Навои.....	75
Х.Шакирова, Ш.Садыкова. О миниатюрах, написанных для Навоийской “Хамсы”	78
Ю. Бабакулов. Изображение психологического образа в художественном произведении.....	82
А. Абдуллоев. Символическое изображение в стихах Усмана Азима	87
Г. Саатова. Журнал “Маориф ва ўқитғувчи” и творчество Эльбека	89
Г. Заирова. Выразительные возможности жанра восьмистишия	92
Х. Закирова. Синсемантические признаки гипотаксических частей.....	96
О. Турсунова. Поэтические особенности фонетических средств в прозаическом тексте.....	101
Н.Алламуратов. Структура компонентных юридических терминов в каракалпакском языке.....	104
Н. Махмудова. Тематические группы телекоммуникационных терминов.....	108
Н. Байназарова. Семантические отношения между фольклорными терминами.....	112
К.Юсупова. Прагмалингвистические вопросы выражения императивности в рекламных текстах.....	116
Д.Хакимов. Классификационный анализ заимствования иностранных слов в узбекском языке.....	120

Деятели науки

Х.Хамиди. Проницательный литературовед.....	124
---	-----

Критика. Рецензия. Библиография

А.Рахманкулов, Б.Джаббаров. Еще один словарь народных диалектов	126
---	-----

Научная жизнь

Маматкул Джураев	128
------------------------	-----

МУНДАРИЖА

Тилшунослик

Ё.Одилов. Тил ва тафаккурнинг ўзаро муносабати.....	3
Д.Лутфуллаева. Тижорат объектлари, истеъмол товарларига ном танлашдаги муаммолар	11

Адабиётшунослик

Д.Куროнов. “Ўткан кунлар”нинг уқилиши масаласига доир.....	16
Я.Қосим. Абдулла Ориповнинг илк лирикасида рамзий-метафорик образлар....	24
М.Худойкулов. Ўзбек ҳажвий матбуотининг илк нашрлари.....	31

Шукрулло таваллудининг 100 йиллиги

С.Тўлаганова. Ёзувчи кечинмаларининг бадиий ифодаси.....	37
М.Қўчқорова. Шукрулло ҳаёти ва ижодининг ўзбек ва турк адабиётшунос-ликларида ўрганилиши.....	41

Илмий ахборот

А.Эшонбобоев. “Лисон ут-тайр” рус шарқшунослари талқинида.....	45
И.Исмоилов. Доро ва Искандар можароси тасвирининг генезиси.....	51
Р.Шарипов, Н.Хўжаева. Фитратнинг “Мунозара” асарида таълим-тарбия масалалари	56
Б.Ражабова. “Мажолис ун-нафоис”да маданий муҳит тасвири.....	61
Р.Муллахўжаева. Ғафур Ғулом шеърлятида куёш образининг маъно кирралари.....	66
М.Ёдгорова. “Олтин зангламас” романидаги мактублар.....	70
М.Худоёрова. Навоий қитъаларидаги баъзи тасаввуфий тушунчалар ҳақида.....	75
Ҳ.Шокирова, Ш.Содиқова. Навоий “Хамса”сига ишланган миниатюралар ҳақида.....	78
Ю.Бабакулов. Адабий асарда психологик образ тасвири.....	82
О.Абдуллоев. Усмон Азим шеърлярида рамзий тасвир	87
Г.Соатова. “Маориф ва ўқитғувчи” журнали ва Элбек ижоди	89
Г.Зойирова. Саккизлик жанрининг ифода имкониятлари	92
Ҳ.Закирова. Гипотаксис қисмларининг синсемантик белгиси.....	96
О.Турсунова. Фонетик воситаларнинг насрий матндаги поэтик хусусиятлари.....	101
Н.Алламуратов. Қорақалпоқ тилида компонентли юридик терминларнинг тузилиши.....	104
Н.Маҳмудова. Телекоммуникация терминларининг мавзуий гуруҳлари.....	108
Н.Бойназарова. Фольклор терминлари ўртасидаги семантик муносабатлар.....	112
К.Юсупова. Реклама матнида императивлик ифодаланишининг прагматингвистик масалалари.....	116
Д.Ҳакимов. Ўзбек тилига хориж сўзлари кириб келишининг таснифий таҳлили.....	120

Фанимиз заҳматкашлари

Ҳ.Ҳомидий. Нуктадон адабиётшунос.....	124
---------------------------------------	-----

Танқид. Тақриз. Библиография

А.Раҳмонкулов, Б.Жабборов. Халқ шеваларига оид яна бир луғат.....	126
---	-----

Илмий ҳаёт

Маматқул Жўраев	128
-----------------------	-----

ёрдамида англайди ва шу англанган нарсани мавжуд нарсалардан фарқлаш мақсадида уни номлайди. Агар англанган нарсанинг номи бўлмаса, яъни нарсага ном берилмаса, тафаккуринг тушунчаларни бир-биридан фарқлаб бўлмайди. Тушунчаларни фарқламаслик эса тафаккурнинг ўзини “ишдан чиқаради”, идрокдаги интизомни бузади. Демак, тилнинг номлаш вазифаси туфайли тафаккуринг тушунчалар шаклланади ва фарқланади. Фарқланган тушунча махсус ном остида маънога бириктирилади ва лисоний хотирадан жой олади, шундан кейингина нутқий фаолият учун яроқли бўлади.

Гносеологик ёндашув дастлабки ёндашув сифатида тил ва тафаккур муносабати масаласига анча-мунча аниқликлар киритди – бу йўналишдаги тадқиқотларни ҳеч бир камситмаслик лозим. Масалан, лисоний маънонинг тушунчага муносабати шундай ёндашувдаги тадқиқотларда аниқлаштирилди. Унгача, сўз маъноси тушунчанинг айна ўзидир; тушунча лисоний маънонинг ядросини ташкил этади, деб келинди⁴, тушунча ва маънога бир лингвистик ҳодиса деб қаралди. Маъно ва тушунчанинг фарқини А.Ҳожиев жуда аниқ фарқлаган ҳамда “лексик маъно” ва “тушунча”нинг алоҳида фанлар категориялари эканини айтган ва маънонинг лингвистик, тушунчанинг логик характери кўрсатиб берган⁵.

Гносеологик ёндашувдаги тадқиқотларда тил ва тафаккур муносабати бир қадар ойдинлаштирилган бўлса ҳам, тилнинг билиш жараёнидаги иштироки тўла аниқлаштирилмади, бу икки ҳодисанинг конкрет нутқий шароитдаги иштироки очиқ қолиб кетди. Шу ва бошқа бўшлиқларни тўлдириш мақсадида тил ва тафаккур муносабати тадқиқида психологик (ёки психоллингвистик) ёндашув қўллана бошлади⁶. Унга кўра: 1) тил ва тафаккур бир-бири билан боғлиқ ва тафаккур тил воситасида ифодаланади (бунда гносеологик ёндашув маъқулланган); 2) тил билан тафаккур бир-биридан мустақил ва тафаккур тилсиз намоён бўла олади⁷. Ўз вақтида А.Потебня ва Б.Серебренниковлар ҳам тафаккурнинг тилсиз мавжуд бўлиши мумкинлигини айтган ва буни рассом, мусиқачи, ҳайкалтарош ва шахматчиларнинг ижодий тафаккури тил орқали ифодаланмаслиги билан изоҳлаган эди⁸.

Тил ва тафаккур ўртасида тақозоланган алоқа борлигини инкор этувчи тилшунослар тафаккурнинг ақлий жараён эканлиги, шу боис лисоний белгиларга эмас, образларга таяниши ва бу образларнинг, лисоний белгилардан фарқли равишда, модалликка эгалигини сабаб қилиб кўрсатадилар. Психологик ёндашувга асосланган тадқиқотларнинг аксарида

⁴ Бу ҳақда батафсил қаранг: Хроленко А.Т., Бондалетов В.Д. Теория языка. – М.: “Наука”, 2004. – С.182.

⁵ Семасиология \ \ Ўзбек тили лексикологияси. – Тошкент: “Фан”, 1981, 200-бет.

⁶ Петренко В.Ф. Экспериментальная психосемантика: исследование форм репрезентации в обыденном сознании. – М., 1983; Шмелев А.Г. Введение в экспериментальную психосемантику: теоретико-методологические основания и психодиагностические возможности. – М., 1983.

⁷ Глухов В.П. Основы психоллингвистики. – М.: “Высшая школа”, 2005. – С. 288.

⁸ Потебня А.А. Слово и миф. – М.: “Правда”, 1989. – С.145–146; Серебренников Б.А. Роль человеческого фактора в языке. Язык и мышление. Издание второе. – М.: Книжный дом “Либроком”, 2010. – С. 194.

тил ва тафаккур муносабати бола психикаси ва нутқнинг шаклланиши мисолида ўрганилади. Бунда болада она тили кўникмаларининг шаклланишида тафаккурнинг қандай иштирок этишига диққат қаратилади.

Шундай мазмундаги ишларнинг бирида айтилишича, боланинг билиш фаолияти – тафаккури нутқий фаолиятдан – тилидан олдинда юради, чунки боланинг тили ўзлаштирилган тушунчалар асосида шаклланади. Бола англаган нарсалар миқдорининг бола билган сўзлар миқдоридан кўплиги англаган нарсаларнинг вербал ифода топавермаслигини кўрсатади ва бу тафаккурга устуворлик беради. Л.С.Виготский шунга асосланиб, ақлий ва нутқий ривожланишнинг ўзаро номутаносиблиги ғоясини илгари сурди⁹. Психологик ёндашувдаги баҳсталаб ҳолат шундаки, унда ҳам онгга, демакки, тафаккурга устуворлик берилди. Зеро, психоллингвистикада психикадан (тафаккурдан) тилга тарзидаги вертикал тадқиқ тарзи амал қилади ва асли бу соҳа тилни шу тарз тадқиқ қилиб кўриш эҳтиёжи билан юзага келган. Ваҳоланки, шундай ҳолатлар борки, бунда тилнинг иштироки устувордек кўринади. Масалан, гўдакнинг дастлаб унли товушларни, кейинроқ очиқ бўғинларни талаффуз эта бошлаши тил кўникмаларининг тафаккурдан олдин пайдо бўла бошлашини кўрсатади. Агар тил ва тафаккур алоқаси ўзаро тенг таъсирлашув тарзида тушунилса, улар ўртасида ўзаро тақозоланиш амал қилади деб талқин қилинса ҳамда тадқиқотлар шунга йўналтирилса, тилга ҳам, тафаккурга ҳам устуворлик берилмайди.

Тилга эгалик тафаккур ривожига таъсир кўрсатади. Буни Й.Вайсгербер кар ва соқов болалар билан ўтказган тажрибалари орқали аниқлаган. Олимнинг фикрича, бундай нуқсонли болаларнинг тафаккури соғлом тенгдошлариникидан ортда қолади, чунки улар фақат кўрган нарсалари асосида фикрлайди. Тилга эгалик инсонга абстракт фикрлаш имконини берадики¹⁰, бу тилнинг тафаккур шаклланишини белгилаши тўғрилигини кўрсатади. Демак, тилнинг вазифаси тафаккурий тушунчаларни лисоний белгилар орқали воқелантиришигина эмас, балки уларни муайян ном остида шакллантириш, сақлаш ва нутққа узатиш ҳамдир. Тафаккурнинг вазифаси борлиқни рамзланган мавжуд билимлар ва тил ёрдамида идрок этишдир.

Тил ва тафаккурнинг мустақиллигини, бир-биридан мустақил ривожланишини таъкидловчи психоллингвистлар¹¹, хусусан, А.Бондаренко, ўз қарашларини билингвизм муҳитида кишилар икки тилда фикрлай олмаслиги билан изоҳлайди ва шундай мисол келтиради: русча “забыл” (унутмоқ) – полякча “запомнял” (эсламоқ)га, русча “свежие фрукты” (янги мевалар) – чехча “черствы овощи” (эскирган мевалар)га тўғри келади. Рус-поляк, рус-чех билингвизмида кишилар бу сўзларни, шаклан ўхшаш, мазмунан зид бўлса ҳам, лозим маъноларида тушунаверади. Бу тафаккурнинг ўз жамиятига хос

⁹ Бу ҳақда батафсил қаранг: В и г о т с к и й Л.С. Избранные психоллингвистические исследования. – М., 1956; С л о б и н Д.И. Когнитивные предпосылки развития грамматики // Психоллингвистика, 1994.

¹⁰ В а й с г е р б е р Й.Л. Родной язык и формирование духа. – М.: Книжный дом “Либроком”, 2009. – С.50–59.

¹¹ А.Потебня, Л.Виготский, Ж.Пиже, Н.Жинкин, Ж.Вандриес, Б.Рассел, Л.Блумфилд, Х.Жексон, У.Чейф, Л.Сахарный кабилар.

М.Жўраевнинг тадқиқотларида илгари сурилган назарий қарашлар ва илмий концепциялар филология, маданият ва санъат йўналишидаги олий ўқув юртлари талабалари учун яратилган “Фольклоршунослик асослари” (2009), “Фольклоршуносликка кириш” (2017, ҳаммуаллифликда) каби ўқув кўлланмалари ҳамда “Ўзбек фольклори” (2020, ҳаммуаллифликда), “Ўзбек мифологияси” (ҳаммуаллифликда) каби дарсликларда ўз ифодасини топган. Ўриндошлик асосида Самарқанд ва Бухоро давлат университетларида магистрларга илмий раҳбарлик қилиш орқали юқори малакали филолог кадрлар тайёрлашда иштирок этган.

М.Жўраев вафотига қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги ПҚ-4320-сон “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилаётган “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш ва уни текстологик ўрганиш масалалари” фундаментал илмий тадқиқотга раҳбарлик қилиб келаётган эди. Унинг раҳбарлиги ва бевосита иштирокида мазкур 100 жилдликнинг 65 жилди нашрга тайёрланиб, дастлабки 20 жилди чоп этилди.

М.Жўраев 2003–2011 йилларда ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги Д 015.04.01 рақамли Ихтисослашган кенгаш илмий котиби, 2011–2012 йилларда ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Филология фанлари бўйича экспертлар кенгаши раиси, 2013–2016 йилларда ОАК Педагогика, психология ва филология фанлари бўйича экспертлар кенгаши раиси, 2017–2021 йилларда (вафотигача) Филология фанлари бўйича экспертлар кенгаши раиси сифатида юқори малакали илмий кадрлар тайёрлашда самарали меҳнат қилиб келган. Унинг илмий раҳбарлигида 4 нафар фан доктори (DSc), 9 нафар фан номзоди, 6 нафар филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ва 11 та магистр тайёрланган.

У хорижий мамлакатларда чоп этиладиган нуфузли илмий журналлар, жумладан, “Milli folklor” (Туркия, 1997–2005), “Türk dili ve edebiyatı araştırmaları dergisi” (Туркия, 2012–2017), “Azərbaycan şifahi xalq ədəbiyyatına dair tədqiqatlar” (Озарбайжон, 2014–2018), “Türkologiya” (Озарбайжон, 2014–2020), “Тюркология” (Қозоғистон, 2014–2020), “Научное обозрение Саяно-Алтая” (Россия федерацияси, 2020) ва “The Journal of Eurasian Turkic Studies” (Корея республикаси, 2020) каби журналларнинг тахририят аъзоси бўлган.

Маматқул Жўраевнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. У 2003 йилда “Шухрат” медали, 2011 йилда “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими” унвони билан мукофотланган.

Фидойи ва заҳматкаш олим, талабчан устоз, дилкаш инсон Маматқул Жўраевнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

*“Ўзбек тили ва адабиёти”
журнали тахририяти*

Баворис бобо, ўзбекларда “шамол пири” тарзида тасаввур қилинган Ҳайдар ёки Мирҳайдар, ёмғир чақириш маросимида алоқадор Суст хотин, серҳосиллик ғоясини ташувчи Амбар она синғари мифологик образларнинг тарихий асосларини ҳам тадқиқ этди. Ўзбек мавсумий маросимлар фольклорининг ўзига хос табиати, тарихий асослари ва жанрлар таркибини яхлит ҳолда тадқиқ этган М.Жўраев халқимизнинг турмуш тарзидан ўрин олган “шерда”, “бойчечак хабари”, “лой тутиш”, “козон тўлди”, “сумалак бевити”, “шохмойлар”, “ҳалинчак учиш”, “наврўзгули сайли”, “лола сайли”, “қизил гул сайли”, “гули сурх сайли”, “обло барака”, “ҳакулло”, “қовун сайли”, “барот келди”, “сафар қочди”, “рамазон айтиш” каби маросимларда ижро этиладиган айтим ва қўшиқларни таҳлил қилди.

М.Жўраевнинг илмий фаолиятида Ўзбекистондаги қадимги моддий маданият ёдгорликлари, хусусан, Саймалитош, Зараутсой, Сармиш қоятошларидаги петроглифлар, Хоразм воҳаси, Сурхондарё, Бухоро, Самарқанд ва бошқа вилоятлар ҳудудида олиб борилган археологик қазилмалар чоғида топилган осори атиқаларда акс этган образ ва сюжетларни ўзбек фольклори материаллари билан қиёсий ўрганиш масалалари ҳам алоҳида ўрин тутди. Унинг Маҳмуд Кошғарий, Алишер Навоий каби алломалар ижодида фольклор материалларининг талқинига доир ишлари, шунингдек, Т.Мирзаев, К.Имомов, Ғ.Жаҳонгиров, Х.Эгамов, Б.Саримсоқов, О.Сафаров, Ҳ.Абдуллаев ва бошқа таниқли фольклоршунос олимларнинг илмий ижодига бағишлаб ёзган мақолалари эса фольклоршунослик тарихини яратишда муҳим ўрин тутди.

М.Жўраев 1980 йилдан буён ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтининг анъанавий Фольклор экспедициясида мунтазам қатнашиб келган. Бундан ташқари, у Бухоро давлат университети, Навоий ва Тошкент вилоят давлат педагогика институтлари талабалари билан биргаликда ҳамкорликдаги фольклор экспедицияларини ташкил этишда фаол иштирок этган. 1996 йилдан вафотига қадар Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Санъатшунослик илмий-текшириш институти, Ўзбекистон телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда ўтказилган “Остонаси тиллодан” фольклор экспедицияси ҳамда 2001–2004 йилларда ЮНЕСКО ташаббуси билан ўтказилган “Бойсун” халқаро фольклор экспедициясининг аъзоси сифатида ўзбек фольклорини тўплаш ва системалаштиришга катта ҳисса қўшган.

У 1999–2004 йилларда Республика Маънавият ва маърифат кенгаши қошидаги “Ўзбекистон халқлари урф-одат, маросим ва анъаналари” илмий-методик кенгашининг аъзоси, 1995 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳузуридаги Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар Республика маркази Фольклор илмий кенгашининг аъзоси, 2007–2009 йилларда мазкур кенгаш раиси сифатида фаолият кўрсатган.

М.Жўраевнинг 750 дан ортиқ илмий ва илмий-оммабоп мақолалари нашр этилган. У ўзбек фольклоршунослигининг долзарб масалаларига доир 60 та китоб, шу жумладан, 18 монография, 3 та дарслик, 6 ўқув қўлланмаси ва хорижий мамлакатларда босилган 4 та китоб муаллифидир. Америка Қўшма Штатлари, Германия, Жанубий Корея, Хитой Халқ Республикаси, Нидерландия, Россия Федерацияси, Туркия, Туркменистон, Озарбайжон, Қозғистон каби мамлакатларнинг илмий нашрларида 55 та илмий мақола ва ахборотлари чоп этилган.

тарихий-маданий тажрибани қайд қилаверишини кўрсатади¹². Олим мазкур мисолни келтириш билан рус-польяк, рус-чех билингвизмида протосўзнинг славян тилларида шаклий-мазмуний номувофиқликда идрок қилинишига тўсиқ бўлолмайдиган, муҳими – тафаккурдаги тарихий-маданий тажриба, сўз – тушунчанинг либоси холос, демоқчи. Аслида, русча, польякча ва чехча тафаккурнинг бундай имконияти тил туфайлидир. Урғуланаётган тарихий-маданий тажриба нутқий жараёнга аниқ ном билан бириктирилган ва шу номда тил хотирасида рамзланган.

Билингвизм шароитида оламни билиш вазифасини она тили бажаради, аммо фанда бошқача қараш ҳам мавжуд. Ғ.Раҳимовнинг куйидаги маълумоти бу масалага ойдинлик киритади: “Ева Ҳофманнинг асл насаби – польшалик яхудийлардан ва она тили польяк тили, инглиз тилини эса АҚШ фуқаросига айлангандан сўнг ўзлаштирган. Қарангки, Америкада таълим олиб, инглиз тилида чоп қилинадиган нуфузли нашр муҳаррири касбини эгаллаган шахс бирваракайига икки тилда фикр юрита олмайди ва унинг когнитив фаолияти икки босқичли: аввал поляк тили негизида фикрлайди ва кейин уни инглиз тилида баён қилади¹³.”

Хуллас, тил ва тафаккур муносабатига психологик ёндашувда ҳам тилнинг билиш жараёнидаги, тафаккур шаклланишидаги ўрни бирмунча очик қолди. Шу боис тилшунослик эски муаммога жавоб топишда янги ёндашувга эҳтиёж сезди ва нейролингвистик ёндашув юзага келди.

Нейролингвистика фанининг ривожланиши натижасида тил (нутқий қобилият) ва тафаккур муносабати нейрофизиологик жиҳатдан ўрганила бошлади. Нейролингвист А.Лурия ва унинг издошлари томонидан тил ва мия ўртасида тўғридан-тўғри алоқа йўқлиги аниқланди, тилга туғма қобилият эмас, мураккаб ижтимоий-тарихий ривожланиш натижаси, ўзгаришга мойил ҳодиса сифатида ёндашилди, мия эса нисбатан ўзгармас биологик система деб баҳоланди¹⁴. Нейролингвистларни тилнинг билиш жараёнидаги иштироки эмас, тил ва тафаккурнинг моддий макони, миянинг қайси қисми нутқий фаолият учун хизмат қилиши, лисоний малакаларни миянинг қайси қисми шакллантириши, турли миллат вакилларининг тилни қандай ўзлаштириши кўпроқ қизиқтирди. Инглиз, немис, француз, чех, рус тиллари вакиллари билан ўтказилган тажрибалар орқали ўнг ярим шар кўриш ва сезиш билан боғлиқ жараёнларга жавоб бериши; чап ярим шар ақлий-мантикий ва лисоний жараёнларни бошқариши аниқланди¹⁵.

Америкалик олимлар В.Пенфилд ва Л.Робертс чап ярим шарда нутқий фаолиятга жавоб берадиган Брок ва Вернике¹⁶ зоналаридан бошқа зона

¹² Б о н д а р е н к о А.О. Психоллингвистический взгляд на проблему соотношения языка и мышления \\\ Язык. Культура. Коммуникации, 2016. №1. – С. 4.

¹³ Р а ҳ и м о в Ғ. Инглиз тили Ўзбекистонда: социоллингвистик ва прагматик кўрсаткичлар. – Тошкент: “Тамаддун”, 2017, 60–61-бетлар.

¹⁴ Бу ҳақда батафсил қаранг: Л у р и я А.Р. Основные проблемы нейролингвистики. – М., 1975; Л у р и я А.Р., Ю д о в и ч Ф.Я. Речь и развитие психических процессов у ребёнка. – М., 1956.

¹⁵ С т е р н и н В.Н. Язык и мышление. Учебное пособие. – Воронеж, 2004. – С. 10–11.

¹⁶ Чап ярим шардаги бу зоналар шу зоналарни аниқлаган олимлар номи билан аталган.

борлигини ва унинг чап ярим шарнинг юқори қисмида жойлашганини аниқладилар. Ёки: “Агар чап ярим шардаги Брок зонаси зарарланса, нуткий функциялар Вернике зонасига ўтказилади. Чап ярим шар тамоман яроқсиз бўлиб қолгандагина нуткий функциялар ўнг ярим шарда бошқарилиши мумкин. Агар бундай зарарланиш болаликнинг эрта даврида юз берса, нуткий фаолият катталарга нисбатан осонроқ тикланади¹⁷.”

Бошқа тадқиқотларда, масалан, Цунода Таданобунинг “Японлар мияси” китобида ёзилишича, японлар ва полинезияликларда, америкалик, европалар ва бошқа осиеликлардан фарқли равишда, тил ўзлаштиришни миянинг ўнг ва чап ярим шарлари биргаликда назорат қилади. Яъни ўнг ярим шар ундош товушлар, чап ярим шарда унли товушлар қабул қилинади. Япон тилида фикрлаш ва сўзлаш уларга шундай устунликни беради¹⁸. Она тилиси навахо ва хоппи тиллари бўлган Америка ҳиндуларининг тил ўзлаштиришида ўнг ярим шар етакчилик қилар экан. Япон болалари бўғинли алифбо ва оғзаки нутқ чап ярим шар, иероглифлар ўнг ярим шар орқали ўзлашади¹⁹.

Цунода Таданобунинг қарашлари инглиз тилшуноси Р.Э.Миллер, рус тилшуноси В.Алпатовлар томонидан жуда жиддий танқид қилинган. Хусусан, В.Алпатов япон олимнинг хулосалари япон тили ва маданиятини улуғлаш учун хизмат қилдирилган, дейди²⁰.

Тил ва тафаккур муносабатини тушунтиришда тилга ҳам устуворлик берилади. Бундай қараш назарий тилшуносликнинг асосчиларидан бири В.Гумбольдт ишларида кузатилади. У ҳали тилшунослик назарий баркамоллашмаган даврлардаёқ тилга ўз эгаси билан бирга яшайдиган мавжудлик тарзида қараган, тадқиқотларини “тил – халқнинг руҳи ва халқнинг руҳи тилида” тамойилига қурган, тил туфайли онг янгиланади ва шунинг учун товушлар фикр ифодалашга қодир бўлади, деган эди²¹.

Дарҳақиқат, борлиқ ва тил ўртасида тафаккур туради ва сўз ўзича оламдаги нарса-ҳодисаларни акс эттирмайди, балки инсон нарса-ҳодисани қандай кўрса, тасаввур онгда шундай ўрнашади²². Биз тажриба деб атайдиган малакалар ҳам, ажодлардан ўзлаштирилган билимлар ҳам тил орқали шаклланган ва тил орқали мавжуд. Тилнинг билиш жараёнидаги бундай вазифасига XVIII асрда И.Аделунг ҳам диққат қаратган. У тилнинг оламини билишдаги вазифасини тасаввурларни ойдинлаштиришда деб тушунтиради²³. Шу жиҳатдан В.Гумбольдт ва И.Аделунгнинг лингвистик қарашларида муштараклик бор, чунки улар инсоннинг олам ҳақидаги тасаввурларининг “анализи ва синтези” тили орқали бўлишини айтган эди.

¹⁷ Стернин В.Н. Язык и мышление. – С.11.

¹⁸ <https://konnihiwa.ru/page/44/>. Бу ҳақда яна қаранг: Алпатов В.М. Япония: язык и культура. – М.: Языки славянских культур, 2008. – С.40–59.

¹⁹ Иктибосдаги фикрлар бўйича қаранг: Хроленко А.Т., Бондалетов В.Д. Теория языка. – С.186; Иванов В.В. Нейролингвистика \ Биологические и кибернетические аспекты речевой деятельности. Сборник обзоров. – М., 1985. – С.26–70.

²⁰ Бу ҳақда батафсил қаранг: Алпатов В.М. Япония: язык и культура. – С. 49–59.

²¹ Гумбольдт В. Избранные труды по языкознанию. – М.: “Прогресс”, 1984. – С. 47.

²² Дербашева З.М. Язык и этнос. – М.: “Флинта”, 2017. – С. 22.

²³ Бу ҳақда батафсил қаранг: Даниленко В.П. Введение в языкознание. – М.: “Флинта”, 2010. – С. 28.

тадрижий ривож қонуниятларини очиб беришга доир тадқиқотлари билан амалий ва назарий фольклоршунослик ривожига катта ҳисса қўшган. У ўзбек халқ насри жанрларининг изчил таснифини, ўзбек фольклоршунослигида маросим фольклорини яхлит бадий тизим сифатида тадқиқ ва тарғиб этиш бўйича янги илмий концепцияни яратган. Унинг “Ипак йўли афсоналари” (1993), “Ўзбек халқ самовий афсоналари” (1995), “Ўзбек мифологияси” (2001), “Миф, фольклор ва адабиёт” (2006), “Ўзбек мавсумий маросим фольклори” (2008), “Миф, маросим ва эртак” (2014), “Ипак йўли халқлари астромифологияси” (2018), “Эпический сюжет: истоки и эволюция” (2021) каби тадқиқотларида қадимги мифологик тасаввурларнинг генетик асослари ва поэтик трансформацияси масалалари ўрганилиб, халқимиз бадий тафаккурининг Марказий Осиё халқлари цивилизациясида тутган ўрни кенг ёритиб берилган. Унинг раҳбарлиги ва бевосита иштирокида “XX аср ўзбек фольклоршунослиги” (2017) антологияси нашр этилган. М.Жўраевнинг халқ ижодиётини илмий ўрганиш борасида самарали меҳнат қилган заҳматкаш олимлар ва фидойи фольклор тўпловчиларнинг фаолияти ҳақида кенг маълумот берувчи “Ўзбек фольклоршунослиги” (2021) илмий биобиблиографияси ўзбек фольклоршунослиги фанининг ўзига хос кўзгуси бўлди. 2017 йилда Германияда Габриелле Келлер ва Хуррам Раҳимов билан ҳамкорликда ўзбек халқ сеҳрли эртакларининг 2 жилдлик каталогини (“Typenkatalog Usbekischer Zaubermärchen (Klassifizierung mit Kommentaren). Band I-II. – Vorabdruck, 2017. – 800 p) чоп эттирган.

М.Жўраев ўзбек халқининг номоддий маданий мероси ёдгорликлари, хусусан, Наврўз байрами билан боғлиқ халқ ижоди асарларини тўплаш ва тадқиқ этиш билан изчил шуғулланиб келди. Унинг ташаббуси ва илмий изланишлари натижасида Наврўз байрами ва баҳорий удумлар билан алоқадор фольклор асарлари ва маросим кўшиқлари тўпланиб, “Наврўз” (1992), “Наврўз кўшиқлари” (2007), “Наврўз байрами” (2009), “Наврўз тароналари” (2016) каби фольклор тўпламлари ва илмий тадқиқотлар тарзида чоп этирилганлиги халқимизнинг номоддий маданий меросини асраб-авайлаш ва муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этган.

М.Жўраев XX асрнинг 80-йилларидан эътиборан Зарафшон воҳаси бўйлаб ўтказган фольклор экспедициялари мобайнида ўзбекларнинг табиат ҳодисалари билан боғлиқ мифологик тасаввурларини изчил тўплади. Натижада унинг шамол чақириш ва уни тўхтатиш, ёмғир ёғдириш ва уни тўхтатиш, ой ва қуёш тутилиши, камалак, чакмоқ, қуюн билан боғлиқ эътиқодий қарашлар таҳлилига доир асарлари юзага келди. Бу асарларда ўзбек фольклоридаги Ҳайдар, Ялли момо, Чоймомо, Яланғоч ота, Аждар бобо, Ядачи бобо культининг генезиси хусусида янги илмий концепциялар баён қилинди. Олимнинг халқ тақвимида доир тадқиқотлари натижасида ўзбек ҳисобдонлари амалиётида шаклланган “деҳқон ҳисоби”, “чорва ҳисоби”, “юлдуз ҳисоби”, “тўқуш ҳисоби”, “қуш қайи” ёки “долға ҳисоби”, “юз ҳисоби”, “чилла ҳисоби”, “тўқсон ҳисоби”, “тошув ҳисоби” каби вақт ҳисоби усуллари тўпланиб, илмий тавсифланди ва ўзбек халқ тақвимининг генезиси ойдинлаштирилди. Ўзбекларнинг об-ҳаво ўзгаришлари билан алоқадор халқ таъбирлари тўплаб, оммалаштирилди. У “Авесто”нинг ўзбек фольклорига таъсири, хусусан, қассоблар пири сифатида эътироф этилган Жўмард, ўзида сув культини ифода этган Ҳубби, Амударё култи билан алоқадор Аранглар, Аранжа бобо, Оролча авлиё, Наврўз байрами ва баҳорий удумларнинг мифопоэтик тимсоли сифатида сақланиб қолган Ашшадарози,

МАМАТҚУЛ ЖЎРАЕВ

Ўзбек фольклоршунослигининг забардаст намоёндаси, ўзбек мифологияси, маросим фольклори, халқ насрининг жанрлар таркиби, фольклоршунослик тарихи ва “постфольклор” масалаларини тадқиқ этган, маънавий қадриятларимизни тадқиқ ва тарғиб этишга бениҳоя катта ҳисса қўшган атоқли фольклоршунос олим, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, филология фанлари доктори, профессор Маматқул Жўраев шу йилнинг 24 август куни оғир хасталикдан кейин вафот этди.

Ўзбек фольклорини дунёга танитиш борасида сермахсул ижод қилган Маматқул Жўраев 1956 йил 1 октябрда Қорақўл тумани Жигачи қишлоғида туғилган. 1978 йилда ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)ни тугатган. 1978 йилдан ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор бўлимида лаборант, стажёр-тадқиқотчи, катта лаборант, кичик илмий ходим, илмий ходим, катта илмий ходим, докторант, етакчи илмий ходим, Фольклор архивининг мудири лавозимларида фаолият кўрсатиб келган. 2003 йилдан умрининг охиригача Фольклор бўлимининг мудири вазифасида ишлаган. 2016–2019 йилларда ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти директори ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатган. 1987 йилда “Ўзбек халқ эртақларидаги “сеҳрли” рақамларнинг тарихий асослари ва поэтик вазибалари” мавзуида номзодлик, 1996 йилда “Ўзбек халқ самовий афсоналарининг тарихий асослари” мавзуида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

М.Жўраев ўзбек мифологияси, халқ насрининг жанрлар таркиби, маросим фольклори, эпик сюжетларнинг генезиси ва мотивлар таркиби, ўзбек фольклорининг типологияси, маросим қўшиқлари бадиияти ва ҳозирги тарихий-фольклорий жараён масалаларини ўрганиш бўйича йирик мутахассис эди. У “сеҳрли”-магик рақамларнинг тарихий асослари ва ўзбек халқ эртақларидаги бадиий вазибалари, эпик образлар тизимининг генезиси ва шаклланиш тарихи, миф ва халқ оғзаки бадиий ижоди муносабати, миф ва ёзма адабиёт, мифологиянинг эпик диффузияси, мифологик персонажлар, маросим фольклорининг жанрлар таркиби ва поэтикаси, ўзбек халқ эртақлари бадииятини тадқиқ этиб, янги назарий қарашларни илгари сурган. Олим ўзбек халқ насри жанрлар таркибининг илмий таснифини яратди, афсона жанрининг спецификаси, генезиси, типологияси ва поэтикаси масалаларини чуқур ўрганди. Ўзбекларнинг Сомон йўли, Етти қароқчи, Темир қозиқ, Хулкар, Тарози, Оқбўзот ва Кўкбўзот, Зухра ва бошқа юлдузлар тўғрисидаги космогоник миф ва афсоналарини туркий ва жаҳон халқлари мифологияси контекстида қиёсий-типологик жиҳатдан тадқиқ этди. Унинг ўзбек фольклорини дунё халқлари оғзаки бадиий ижодиёти тизимида тадқиқ қилишга бағишланган илмий ишлари илмий жамоатчилик томонидан юқори баҳоланди.

М.Жўраев халқ ижоди асарларини тўплаш, архивлаштириш, фольклор намуналарининг илмий-академик, оммабоп ва мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган нашрларини яратиш, мифология, халқ дostonлари ва эпик сюжетлар тизимини изчил ўрганиш ҳамда ўзбек халқи бадиий тафаккурининг

“Сепир-Уорф гипотезаси”да В.Гумбольдт ва И.Аделунг қарашлари ижодий ривожлантирилган ва тил ва тафаккур муносабатида тилнинг устуворлиги ғояси илгари сурилган: “...тил шунчаки ўй-фикрни шакллантириш воситаси эмас. Аслида биз дунёни сўзлаганимиздек кўрамиз, англаймиз ...оламни билиш тил орқали шу тарз амалга ошади”²⁴. Тилга бундай устуворлик берилиши жиддий баҳсларга сабаб бўлди ва гипотезанинг кучли ва кучсиз талқин версиялари юзага келди.

Кучли версия тарафдорлари, масалан, Уорфнинг ўзи шундай ёзади: “Тафаккур тўғридан-тўғри тилга боғлиқ. Биз оламни тилимиз кўрсатган йўналишда бўлаклаймиз. Биз олам ҳақидаги тасаввурларимиз онгда туради деб ўйлаймиз, аслида улар тил хотирамизда сақланади”²⁵. Кучсиз версия тарафдорларининг фикрича, тиллар улар ёрдамида нимани ифодалаш мумкинлиги билан унча фарқ қилмайди, балки муайян нарсалар ҳодисани осон ифодалаш билан катта фарқ қилади. Бошқача айтганда, тил эгалари онгда ҳар хил тушунчалар мавжуд. Агар бирор тилда шундай тушунчаларни ифодаладиган сўз йўқ бўлса, бу шу тил эгаларининг айна тушунчалар ҳақида фикрлай олмаслигини билдирмайди, чунки улар шундай тушунчалар хусусида фикр юрита олади. Фарқ шундаки, тушунчани ифодаловчи сўз бор тил эгалари уларга нисбатан осонроқ фикрлайди. Демак, муайян тушунчани ифодаловчи сўзнинг бор-йўқлиги ўша тушунчалар ҳақида фикр юритишни ё осонлаштиради, ё қийинлаштиради.

“Лингвистик нисбийлик гипотезаси”²⁶ кучсиз версиясининг тўғрилиги Америкадаги зундларнинг рангларни идрок қилишига доир тадқиқотларида тасдиқланган. Масалан, зундларнинг тилида “сарик” ва “оловранг” тушунчалари фарқланмайди. Тажиба жараёнида фақат она тилида гапирадиган зундлар бу рангларни билиш ва фарқлашда қийналган. Бироқ сўнгги ўн йилликда кучсиз версиянинг тўғрилиги ҳам шубҳа остида қолмоқда, чунки культуролог, антрополог, этнолингвист ва лингвокультурологлар янги-янги тил фактларини топмоқда²⁷.

Рус тилшуноси Т.Радбил тилнинг билиш жараёнидаги ўрни борасида баъзан мувозанат сақлайди. Масалан, у: “Тилда турли сўзлар (синонимлар)нинг мавжудлиги муайян нарсани турлича ифодалаш туфайли эмас, балки уни турли томондан кўриш сабаблидир. Сўз нарсалар онгда қандай турса, унинг шундай изи, акси эмас, балки лисоний ижодкорлик натижаси, тил призмасидан ўтган ҳосиласидир. Тил оламни англамайди, балки оламнинг алоҳида, ўзига хос манзарасини яратади”²⁸, – деганида ҳақ. Баъзан тилнинг иштирокини устуворлаштириб юборади: “Биз яшаб турган олам

²⁴ Иктибос ушбу манбадан олинган: Д е р б и ш е в а З. Язык и этнос. – С.20.

²⁵ У о р ф Б.Л. Отношение норм поведения и мышления к языку \ Новое в лингвистике. Вып. 1. – М., 1960. – С. 169.

²⁶ Бенжамин Ли Уорф гипотезани кейинроқ шундай атаган.

²⁷ К р а с н ы х В.В. Этнопсихоллингвистика и лингвокультурология. Лекционный курс. – М.: “Гнозис”, 2002. – С. 15–16.

²⁸ Р а д б и л ь Т.Б Основы изучения языкового менталитета. Учебное пособие. – М.: “Наука”, 2010. – С.25.

шунинг учун ҳам оламки, унда биз сўзлайдиган тил мавжуд”²⁹. Хуллас, тилнинг билиш жараёнидаги иштирокини ҳам, тилнинг репрезентатив функциясини ҳам жуда жўн тушунмаслик керак, чунки тил оламни ойнадек, нусха кўчиргандек акс эттирмайди. Борлиқдаги нарсалар тилга чиқишдан олдин эгасининг маданияти, менталитети таъсирига берилади. Биргина ранглар спектрининг халқларда ҳар хиллиги шундан.

Сўнгги йилларда тил ва тафаккурга яхлит бир ҳодиса сифатида қараш шаклланимўқда. Инсон миясидаги бу қисм – *ментал-лисоний комплекс*нинг вазифаси маълумотларни қабул қилиш, тушуниш, баҳолаш, сақлаш, шакллантириш ва етказишни таъминлашдан иборат³⁰, дейилмўқда. Аммо улар таклиф этилаётган термин ҳодиса моҳиятини ифодалай олмайди: термин таркибидаги *комплекс* сўзи, барибир, тил ва тафаккурни алоҳида ҳодисалар қилиб кўяди.

Хуллас, тил ва тафаккур муносабати икки ҳодисанинг жуда жўн алоқаси эмас, балки бири иккинчисига фаол таъсир этадиган, бирининг таъсири иккинчисининг ривожини таъминлайдиган, шакллантирадиган жараёндир. Шундай ҳолатлар бўладики, ўзаро таъсирлашувда баъзан тил тафаккурни тайин этса, баъзан тафаккур тилни белгилайди. Демак, уларни “тенг кўриш” керак. Тил ва тафаккур мустақил ҳодисалар бўлса ҳам, лекин бу мустақиллик мутлақ эмас, чунки тил функциялари тафаккурда рўёбга чиқади, тафаккурий жараёнларда тил албатта иштирок этади. Инсон нутқий фаолияти эса лисоний-фикрий жараёнлар “ҳамжиҳатлигида” юзага чиқади. Тил эгаларининг кундалик тажрибаларни лисонда қайд қилиб бориши баробарида оламнинг концептуал ва лисоний манзаралари вужудга келади.

РЕЗЮМЕ. Мақола тилнинг билиш жараёнидаги иштирокини аниқлашга, тил ва тафаккур муносабатига гносеологик, психологик ва нейролингвистик ёндашувларни таҳлил қилишга бағишланган.

РЕЗЮМЕ. Статья посвящена выявлению участия языка в познавательном процессе и анализу гносеологических, психологических и нейролингвистических подходов во взаимосвязи языка и мышления.

RESUME. The article is devoted to the define of the participation of language in the cognitive process, the analysis of gnoseological, psychological and neurolinguistic approaches in the relationship between language and thinking.

Таянч сўз ва иборалар: тил, тафаккур, тил ва тафаккур таъсирлашуви, номинатив вазифа, гносеологик ёндашув, психологик ёндашув, нейролингвистик ёндашув.

Ключевые слова выражения: язык, мышление, взаимовлияние языка и мышлении, номинативная функция, гносеологической подход, психологической подход, нейролингвистической подход.

Key words and word expressions: language, thinking, influence of language and thinking, nominative function, gnoseological approach, psychological approach, neurolinguistic approach.

²⁹ Ўша асар, 25-бет.

³⁰ Морковкин В.В., Морковкина А.В. Язык, мышление и сознание \\\ Русский язык за рубежом, 1994. №1. – С.63–70.

5. Текширилаётган шева вакиллари Тожикистон Республикасида тожик халқи вакиллари билан бирга яшаётганлиги сабабли уларнинг нутқида тожикча сўзларнинг учраши табиий. Шунинг учун луғатдан **гурвэ** (мушук), **зэмынкэн** (ер тўла), **гэврэжуммэн** (бешиктерватар) каби сўзлар жой олган.

6. Луғатда бир неча маънони билдирган бош сўзнинг ҳар бир маъноси алоҳида (1,2,3 каби арабча рақамлар орқали) кўрсатилган. Жумладан: **сэтыл** 1. челак 2. кичик кострюлка. 3. сирти, устига сир берилган тунука коса. Шунингдек, маънолари тамоман бошқа-бошқа бўлган, лекин фонетик таркибига кўра ўхшаш сўзлар ҳам бир-биридан I, II каби рим рақамлари билан ажратиб берилган. Чунончи: **бэчки** I (қора жўхори), **бэчки** II (хиштак) каби.

7. Ўзбек халқ шеваларидаги метатезага хос сўзлар ҳам тилнинг қимматли бойлиги эканлиги, уларнинг ҳам халқ шеваларини бойитишда роли борлиги, айримларининг ёзма ёдгорликларида учратиш ҳисобга олиб, мазкур луғатга киритилган: **элтэ** (отлар), **ьлтэ** (итлар), **қултуғ** (қутлуғ) каби.

Француз диалектолог Жан Жильероннинг фикрича, адабий тилнинг маҳаллий шеваларга таъсири кучли бўлиб, натижада шеваларнинг йўқолишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун улар (шевэллар)ни гербарийдаги гуллар каби харита ва атласларда сақлаш лозим. Академик Тўра Мирзаев қайд этганидек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида олдиндан тўпланган салмоқли диалектологик материаллар мавжуд. Ана шулар асосида катта диалектологик луғатлар тузиш ва нашр этиш вақти келди. Эрали Шералиев ва Дилором Абдуллаевларнинг “Шимолий Тожикистондаги ўзбек халқ шеваларининг луғати” бу йўлдаги дастлабки қадамдир.

Абдуназар РАҲМОНҚУЛОВ, Баҳром ЖАББОРОВ

ХАЛҚ ШЕВАЛАРИГА ОИД ЯНА БИР ЛУҒАТ

Ўзбек шевашунослигига катта ҳисса қўшган таниқли тилшунос олим, филология фанлари номзоди, академик Б.Ғафуров номидаги Хўжанд давлат университети доценти Эрали Шералиевнинг Дилором Абдуллаева билан ҳаммуаллифликдаги “Шимолий Тожикистондаги ўзбек халқ шеваларининг луғати” (Ашт, Исфара, Конибодом, Мастчоҳ, Спитамен (Нов), Жаббор Расулов (Пролетар), Бобожон Ғафуров (Хўжанд) туманлари, I жилд (Хўжанд: “Нури маърифат” нашриёти, 2021, 484 саҳифа) нашрдан чиқди. Ушбу луғатни тузишга муаллифлар 1968 йилдан киришган бўлиб, унинг маълум қисми 1974 йилда ҳимоя қилинган диссертациясига¹ илова қилинган, бинобарин, умумий ҳисобда бу иш олимларнинг ярим асрга тенг изланишлари маҳсули деб қараш жоиз.

Маҳаллий халқ орасида кезиб шева материалини тўпловчи, ўрганувчи диалектолог-луғатшуноснинг ишини ҳам ғаввослар ишига қиёслаш мумкин. Шевашунос халқ оғзидан шеваларни қанчалик кўп ёзиб олмасин, ишини давом эттириб, яна тўплайверади, эртасига бугунгидан кўпроқ ёзгиси келади. Ғаввос дурни қанча кўп тўпласа ҳам кўнгли жойига тушмагани каби, шевашунос ҳам бу борадаги фаолиятига нуқта қўя олмайди, чунки шева ҳам хазина, уни халқдан сўраб-суриштираверсангиз, яна ва яна шевага хос сўзлар топилаверади, поёнига етказиш мушкул ишдир.

“Луғат”га 7.577 та диалектал сўз ва иборалар киритилган. Унга сўз танлашда қуйидаги тамойил (принцип)ларга амал қилинган:

1. Луғатга материал объекти бўлган шеваларнинг ҳозирги ўзбек адабий тилида учрамайдиган муқобиллари киритилган: **безгәлдак** (чаён), **эгўл** (ўтов), **эймәш** (норин) каби.

2. Шева фонетик хусусиятларини ўзида акс эттирган, адабий тилга нисбатан эса сезиларли фонетик ўзгаришларга учраган сўзлар ҳам киритилган: **дөгўш** (товуш), **тохлэт** (тўхтат), **бэй** (барг) каби.

3. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг шева вакиллари нутқида қўшимча ёки тамоман бошқа маънога эга бўлган сўзларига ўрин ажратилган: **көрпә** (беданинг охирги ўримида кейин ерда қолган қолдиғи), **мәш** (пилла куртининг иккинчи уйкуси), **эшәк** (чаён) каби. Адабий тилда бир неча маънога эга бўлган сўзларни фарқлаш учун баъзи ўринларда русча таржимаси берилган: **фәллә** (оғиз – рус. “молозиво”), **хүсмәк** (сузмок – рус “бодать”) каби.

4. Шева вакиллари нутқида истеъмоли чекланган архаик ва тарихий сўзлар ҳам ўзбек тили тарихи ва тарихий диалектологияси учун фойдадан холи бўлмас, деган умидда, луғатга киритилган: **ўлтәрмә** этик (енгил, товонсиз этик), **увәл/увәл** (чангалдан ясалган оғир мола), **оқсәчар** (қадимги милтиқ), **дудәк** (лаб) каби.

¹ Қаранг: Ш е р а л и е в Э. Шимоли-шарқий Тожикистондаги ўзбек шеваларининг лексикаси. – Тошкент, 1974. – 432 бет.

ТИЖОРАТ ОБЪЕКТЛАРИ, ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИГА НОМ ТАНЛАШДАГИ МУАММОЛАР

Дунё бозорида истеъмол товарларининг рақобатбардошлиги, муваффақияти муайян даражада тўғри танланган номга боғлиқлиги сир эмас. Муваффақиятли танланган ҳар қандай ном истеъмолчининг диққатини маҳсулотга жалб эта олади.

Кейинги йилларда республикамизда тижорат объектлари, истеъмол товарларини хориж тилларида номлаш урфга айланиб бормокда. Жумладан, “7 Небо” (ресторан), “CAFFEE ISSIMO”, “TAKA YUMMY” (кафе), “6 FLOOR GRILL&BAR” (ресторан-бар), “ADEL” (ресторан), “RUXSALIS”, “DAYEL WORLD” (хусусий корхона) каби хориж сўзларидан ёки “KAMTAR-NEO”, “SAIDKOMOL KONSALT”, “MUNAVVAR MARKET”, “AMIRSAID-LYUKS” (хусусий корхоналар) каби ўз тил ва хориж тиллари бирликларида фойдаланиб, ном ҳосил қилиш амалиёти кенг тарқалмокда. Номнинг бошқа тилларда берилиши, бир томондан, тилнинг софлигига путур етказишга олиб келса, бошқа томондан, кишиларда миллий тилга беписандлик кайфиятини ҳосил қилади.

Янги ном ҳосил қилиш ёки тилдаги мавжуд лексик захира ичидан мосини танлаб олиш осон иш эмас, бу мураккаб ижодий жараёндир. Янги ном яратишда муайян тилнинг лингвистик меъёрларига амал қилиш баробарида халқ маданияти, дунёқараши, менталитети, психологияси кабиларни ҳам инобатга олиш лозим бўлади. Шундагина бу ном маҳсулот ва истеъмолчи ёки ишлаб чиқариш объекти ва истеъмолчи ўртасида манфаатли коммуникатив алоқа вазифасини бажаришга хизмат қилади, маҳсулотнинг кенг тарқалишига, бозор рақобатида кучли позицияни эгаллашига ёрдам беради.

Номлаш амалиётида маҳсулот номининг кенг тарқалиши ва машҳур бўлишига сабабчи бўлган ҳолатлар ҳам кузатилади. Бундай номлар аслида тижорат объекти, корхона, фирма, истеъмол товарлари ҳақида ҳеч қандай маълумот ташимайди, аммо маҳсулотнинг юқори даражадаги сифат белгиси, харидорбоплиги каби қатор ташқи омиллар номнинг тез ва осон ўзлаштирилиши ҳамда инсон хотирасида осон сақланиб қолишига олиб келади. Бундай вазиятда ном эмас, балки маҳсулот номининг кенг ёйилиши, оммалашувида хизмат қилади. Жумладан, машҳур бавариялик тадбиркор Ади Дасслерга тегишли “ADIDAS” фирмаси унинг номи асосида яратилганлиги маълум. Бу ном маҳсулот ҳақида бирон-бир маълумот ташимайди, аммо маҳсулотнинг дунё бренди даражасига кўтарилиши фирма номининг ҳам машҳур бўлишига олиб келган. Худди шундай, дунёда “MARS” номи билан танилган шоколадга унинг асосчиси қандолатчи Форрест Марс фамилияси берилган. Бу номнинг машҳур бўлиши ва оммалашувида эса маҳсулотнинг сифати муҳим роль ўйнаган.

Номлаш амалиётида айрим номларнинг кишиларнинг қизиқишлари, истак-хоҳишларини ифода этиш мақсади асосида ҳам юзага келганлиги кузатилади. Аммо бундай номларнинг муваффақиятли танланган номларга айланишида ҳам маҳсулотнинг юқори даражада сифатлилиги, харидорбоплиги, истеъмолчанлиги кабилар муҳим аҳамиятга эга бўлган. Масалан, машҳур “APPLE” компаниясининг номи унинг эгаси

америкалик тадбиркор Стив Жобснинг энг ёқтирган меваси номи билан аталганлиги ҳам ушбу номнинг махсулот машҳурлиги орқали кенг тарқалганидан далолат беради. Англашиладики, муваффақиятли танланган ном ва сифатли, харидоргир махсулот номнинг машҳур бўлишига, махсулотнинг дунё бозорида тез тарқалишига олиб келади.

Тижорат мақсадларида муайян эҳтиёж асосида ҳосил қилинган номлар объектни қай тарзда тавсифлаши, ўзига хос мақсадни кўзда тутиши, истеъмолчига таъсир кўрсатиши, у билан ўзаро мулоқот муҳитини ярата олиши каби хусусиятларга эга бўлиши жиҳатидан бошқа турдаги номлардан ажралиб туради. Бу каби номлар нафақат сўз, сўз бирикмаси ва гап шаклида тузилади, номлаш амалиётида ҳатто айрим товушлардан иборат номлар ҳам учраб туради. Демак, бундай номлар тилнинг турли сатҳ бирликларини қамраб олади. Масалан, “ЎРИКЗОР” (савдо маркази, Тошкент шаҳри), “БАҲОР” (ресторан, Тошкент шаҳри), “ГАШТАК” (ресторан, Тошкент шаҳри) номлари лексик сатҳ тизимига мансуб бўлса, “ОҚТОШ КЕЛАЖАГИ” (хусусий корхона, Қашқадарё вилояти), “КЎКЧА КОШОНАСИ” (тўйхона, Тошкент шаҳри) номлари синтактик сатҳга тегишлидир. Пойтахтимизда фаолият юритаётган “Х.О”, “Б&Б”, “Л&Л” ресторанларига ном сифатида ҳарфлардан иборат қисқартмалар танланган. Кўринадики, номлар мазмунан ранг-баранг бўлиши билан бирга, структураси, бажарадиган вазифасига кўра ҳам бири-биридан фарқланади.

Ном яратиш ўзига хос жараён бўлиб, муайян талаб, қоидалар ҳамда лингвистик мезонларга бўйсунди. Ҳар бир тилда янги ном, аввало, шу тилнинг ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда махсус тил воситалари ёрдамида ҳосил қилинади. Шунингдек, номлар объект муҳиятига мос тарзда тилдаги мавжуд номлар захирасидан танлаб олиниши ҳисобига шакллантирилиши ҳам мумкин. Ном яратишда номинатор ташқи олам ҳақидаги билимларини ишга солади, уларни саралайди, таҳлил қилади; тил билими, лексик бирликлар захирасига мурожаат қилади ва ўзи истаганидек, ном ҳосил қилишга ҳаракат қилади.

Бугунги кунда маркетинг соҳасида тижорат объектлари, корхона, муассаса, ишлаб чиқарилган янги махсулотлар учун ном яратиш алоҳида фаолият тури сифатида баҳоланиб, унга нисбатан *нейминг* термини қўлланмоқда, яратилган номлар *нейм*, ном ижодкорлари эса *неймерлар* деб аталмоқда.

Нейминг термини аслида инглиз тилидаги “*то наме*” (номлаш, ном бериш) сўзидан олинган бўлиб, XIX аср охирларида маркетинг соҳасига кириб келди ва ном яратиш фаолиятига нисбатан ишлатилди.

Ўтган асрдан бошлаб дунё иқтисодиётида бозор рақобатининг тобора кучайиб бориши тадбиркорлик фаолияти объектлари, корхона, фирма, истеъмол товарларига ном бериш, номни дунё бренди даражасига кўтариш масаласига жиддий ёндашувларни тақозо қила бошлади. Мана шу эҳтиёж маркетинг соҳасида нейминг хизматининг юзага келишига олиб келди ва уни касбий фаолият даражасига кўтарди. Фаолият соҳаларига кўра ҳатто неймингнинг *реклама нейминги*, *илмий*, *сиёсий*, *диний*; *ташқи* ва *ички нейминг* каби турлари ҳам ажратилди. Айрим олимлар неймингни гендер, ёш, миллий хусусиятлар асосида ҳам таснифлаш мумкинлигини эътироф этишди¹. Шунингдек, *паранейминг*, яъни расмий бўлмаган, ноҳолис нейминг, ўзгалар яратган номни ўзгартириб бериш ҳолати (масалан, хитой ишбилармонлари томонидан ўз махсулотига “АДИДАС”

жилдлик нашрларини тайёрлашда фаол қатнашди, алоҳида боб ва қисмларини ёзди.

Маълумки, асл негизи халқ оғзаки ижодига бориб туташидиган Фарҳод ва Ширин образлари Шарқ халқлари ёзма адабиётида анъанавий образларга айланганди. Натижада ўрта асрлардаёқ озар, форс, тожик, туркман, уйғур, ўзбек тилларида Фарҳод ва Ширин мавзусида, уларнинг севги саргузашти хусусида кўплаб ҳикоятлар, достонлар, ривоят куллар вужудга келди. Бу мавзу Низомийдан бошлаб “Хамса”лардан алоҳида ўрин олди. С.Эркинов бўлимнинг фундаментал тадқиқотларини бажаришда фидойилик кўрсатиш билан бирга турли халқлар адабиётида Фарҳоду Ширин ишқий можаросининг бадиий инъикосини илк сарчашмалар асосида кенг қамровли режа билан кузатишга қарор қилди.

Мавзунинг генезиси, тарихий илдизларини кузатар экан, олим сюжет, композиция, образлар силсиласи, алоҳида лавҳаларнинг асардан-асарга, достондан-достонга кўчиб, ўзгариб, янги муҳият касб этиб борганлигига, ҳар бир санъаткорнинг бу образларни қайта яратишда ўз ижодий ниятларидан келиб чиққанига эътибор қаратди. Энг муҳими, муайян бадиий образнинг у ёки бу шоир санъатхонасида қай даражада янгича муҳият касб этиб борганлигини, яъни мусанниф бадиий маҳоратини илғай олишга ҳаракат қилди. Қўлёзмалар, дастхатлар билан чекилган заҳматлар ҳосиласи сифатида бир қанча мақолалар оммалаштирилди; халқаро ва республика анжуманларида маърузалар қилинди. Бир неча йиллик қиёсий-типологияк йўсиндаги олиб борилган тадқиқот таҳлиллар якуни – ҳулосаси ўлароқ 1974 йили “Фан” нашриёти олимнинг “Навоий “Фарҳод ва Ширин” достони ва унинг қиёсий таҳлили” номли монографиясини чоп этди. 1979 йили эса “Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони ва унинг қиёсий ўрганишининг баъзи бир масалалари” мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади. Ҳимояда сўзга чиққан академиклар В.Зоҳидов, А.Қаюмов, профессорлар Ҳ.Сулаймонов, А.Ҳайитметов, Ҳ.Ораслилар илмий ишни навоийшуносликка, қиёсий адабиётшуносликка қўшилган улкан ҳисса сифатида баҳоладилар.

Ана шу фундаментал тадқиқотида Содир Эркинов Навоий “Хамса”си ҳамсанависликда барча жиҳатлари билан янги чўкки бўлганлигини асослаб кўрсатиб, ўзининг навоийшунос сифатида шаклланганлигини намоиш этди. Кейинги йилларда унинг “Асрлар оша мушоира”, “Шарқ адабиётида Фарҳод қиссаси” китоблари чоп этилди. Қиёсий адабиётшуносликнинг забардаст донишманди Тил ва адабиёт институтида 1976–1986 йилларда матншунослик бўлимини бошқариб, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Ҳамид Олимжон ва Ғафур Ғуломлар кўп жилдлик танланган асарларининг академик нашрларини яратишда закий матншунос ва манбашунос сифатида бош-қош бўлди.

Абу Райҳон Беруний номидаги Республика Давлат мукофоти соҳиби С.Эркинов умрларининг охири (2009) гача ижодий ишлар билан, ёшларга раҳнамолик қилиш билан машғул бўлдилар. Устознинг бевосита раҳбарлигида бир неча иқтидорли ёшлар номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилишган. Устоз илмий ижод билан бирга бадиий асарлар, жумладан ғазаллар ёзиш билан ҳам машғул эдилар. Афсуски, олим бисотидаги шеърят намуналари ҳанузгача тўплаб, нашр этирилмаган. Улар кенг китобхонлар оммаси эътиборига ҳавола қилинса арзийдиган асарлардир.

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ

¹ Елистратов В.С., Пименов П.А. Нейминг искусство называть: учебно-практическое пособие. 2-е изд., стер. – М.: Издательство “Омега-Л”, 2014. – С. 18.

НУКТАДОН АДАБИЁТШУНОС

Мумтоз адабиётимиз закийлари орасида шундай заҳматкашлар борки, улар классик матнни қандай тушуниб талқину таҳлил этсалар, унинг матнини шу даражада аъло кироат қиладилар. Бугина эмас, бу тоифадаги донишмандлар ана шу билганлари, уққанлари таъсирида ўзлари ҳам аҳли тамизга манзур бўладиган назм инжуларини яратиб, нашр этиб юрадилар, уларда илмий ва бадиий ижод эгизак бўлади: айна илмда шоир, шеърда олимлик зухур этади. Устозларимиз Азизхон Қаюмов, Тўхтасин Жалолов, Холид Расул, Анвар Ҳожаҳмедов, Ҳошимжон Раззоқов, Ботирхон Акрамлар ана шу зумрага кирадиган соҳибқаламлар эдилар. Улардан Содир Эркинов ғазални воизлардек ўқирдилар.

Бўлғуси қўшқанот ижодкор Содирхон Эркинов 1930 йили Фарғона вилоятининг Риштон туманида туғилган. Ўрта мактаб хатмидан сўнг С.Эркинов Фарғона педагогика институтининг Ўзбек тили ва адабиёти факультетига дохил бўлди. Беш йиллик ўқишни имтиёзли диплом билан яқунлаган С.Эркинов Муқимий номидаги Қўқон педагогика институтига ишга таклиф қилинди. Бу ерда у талабаларга ўзбек адабиёти фанидан маърузалар ўқиди, семинар, амалий машғулотлар олиб борди. Табиатан бадиий ва илмий ижодга завқи бўлган С.Эркиновнинг фикру зикри ўқишни давом эттириш, адабиётшунослик бўйича изланиш олиб боришда эди. Ёш ходимдаги бу интилишни сезган институт маъмурияти уни В.М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг аспирантурасига йўллади. Натижада у 1953–1956 йилларда аспирантурада ўқиб, жаҳонга машҳур шарқшунос Е.Э.Бертельс раҳбарлигида илмий кузатишлар олиб борди: “Малик ул-калом” Лутфийнинг ҳаёти, ижодий меросини биринчи манбалар асосида жиддий ўрганиб, ўзбек ва рус тилларида кўплаб мақолалар ёзди, илмий анжуманларда маърузалари билан қатнашди. Узлуксиз чекилган заҳмат ҳосиласи ўлароқ С.Эркинов 1958 йили “Лутфий ва унинг “Тул ва Наврўз” достони” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Ўтган асрнинг 60–70-йилларида Лутфий меросини ўрганиш, тарғиб этиш, кенг халқ оммасига етказиш борасидаги барча ишлар С.Эркинов қаламига мансуб. Гап шундаки, аввал Қўқон пединститутда ўқитувчи, шаҳардаги Адабиёт музейида директор, 1962 йилдан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг илмий ходими С.Эркинов бутун фаолиятини Лутфий ижодини тадқиқ этишга қаратди: дастлаб “Лутфий” номли илмий монография яратди; шоир ижодининг муайян қирралари хусусида соҳа журналлари, илмий тўпламларда мақолалар эълон қилди. Натижада Лутфийнинг мукаммал илмий биографиясини яратишга муваффақ бўлди. Айна пайтда С.Эркинов Лутфий асарларини ўзбек ва рус тилларида нисбатан мукаммал сўзбоши, луғат ва изоҳлар билан нашр этишга эришди. Энг муҳими, муаллиф халқ оғзаки ижоди, қаламий сарчашмаларга таяниб қиёсий-типологик йўсинда Шарқ халқлари адабиётида “Тул ва Наврўз” саргузашти, генезисини аниқлашга муваффақ бўлди. Ана шу йиллари С.Эркинов бошқа касбдошлари билан ҳамкорликда “Ўзбек адабиёти тарихи”нинг рус ва ўзбек тилидаги кўп

номини “АБИБАС” тарзида ўзгартириб берилиши) ҳам амал қилишини кўрсатишди².

Нейминг термини ном яратиш фаолиятини англатувчи бирлик сифатида маркетингологияга дахлдор бўлса-да, кенг маънода нейминг сифатида ҳар қандай номлаш тушунилади. Аммо нейминг технологияси термини, асосан, тадбиркорлик фаолияти объектлари, корхона, фирма, истеъмол товарлари, уларнинг бренди учун ном яратиш жараёнига нисбатан фаол қўлланилади.

“Нейминг искусство называть” ўқув қўлланмаси муаллифлари В.С.Елистратов, П.А.Пименовлар ҳам нейминг тушунчасининг кенг ва тор маъноларда қўлланилиб келаётганлигини қайд этишади. Уларнинг фикрича, нейминг тўғри, демак, омадли ва муваффақиятли ном яратиш, номинациянинг назарий ва амалий масалалари билан шуғулланувчи соҳадир. Тор маънода нейминг иккиламчи ном яратиш технологияси, яъни тижорат жиҳатидан муваффақиятли ном ҳосил қилишдир³.

Айрим тилшунослар компаниялар, савдо маркалари (бренди) учун ном яратиш лингвистика, психология, маркетинг соҳалари доирасида амал қилишини инобатга олиб, неймингнинг турли фанлар ҳамкорлигидаги алоҳида соҳа – лингвопареологияга мансуб эканлигини таъкидлашмоқда⁴. Л.П.Казанская ҳам нейминг нафақат лингвистлар, балки иқтисодчилар, юристлар, психологларнинг ҳам касбий қизиқишлари кесишган соҳа эканлигини қайд этади. Унинг фикрича, нейминг турли соҳаларда ўрганилса-да, унинг асосий компоненти айнан лингвистик жиҳати ҳисобланади, неймингнинг лингвистик моҳияти бренднинг ёрқин элементи саналади: бир сўз ёки фразада бренднинг бутун моҳияти, унинг барча қимматли белгиси ифодаланади⁵. Англашиладики, нейминг термини муайян фаолият турига нисбатан қўлланилади, унинг айнан ном яратиш (янги сўз ҳосил қилиш)га нисбатан ишлатилиши лингвистик аспектга алоқадорлигини кўрсатади.

Бугунги кунда тилшуносликда тижорат объектлари, истеъмол товарларини номлашнинг лингвистик аспекти билан боғлиқ турли муаммолар ўрганилмоқда. Бундай муаммолар сифатида куйидаги масалалар таҳлиliga жиддий эътибор қаратилмоқда:

1. Ҳар бир тилда шу тилнинг ички имкониятлари асосида ном ҳосил қилиш ҳамда тилнинг мавжуд захирасидан ном танлашнинг лингвистик меъёрларини белгилаб бериш.
2. Ҳар бир тилнинг ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ном ҳосил қилиш ва танлашнинг лингвистик методикасини ишлаб чиқиш.
3. Тилдаги номларни лингвистик жиҳатдан таҳлил қилиш, уларни тартибга солиш.
4. Ҳар бир тилда янги номлар захирасини яратиш.

Бизнингча, бу муаммоларнинг ўрганилиши тижорат объектлари, корхона, фирма, истеъмол товарларига берилаётган номларни тартибга солиш, янги ном ҳосил қилиш ёки тилимиз захирасида мавжудларидан танлаб олишда давлат тилига ҳурмат билан ёндашиш, унинг имкониятларидан тўғри фойдаланиш кабиларга хизмат қилади.

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда..

⁴ С а с и н а С.А., Б р и ч е в а М.М. Лингвистические аспекты нейминга (на материале англоязычных брендов) \\\ “Вестник АГУ”, вып. 2 (197). 2017. – С. 114.

⁵ К а з а н с к а я Л.П. Лингвистические проблемы нейминга \\\ Linguistica Bidgostiana. – Bydgoszcz. 2012. – С. 92.

Биргина мисол. Кейинги вақтларда республикаимизда ном яратишда хориж сўзларидан фойдаланишга ҳаддан ташқари ружу қўйилмоқда. Назаримизда, бу ҳолат давлат тилининг ўз имкониятларини эътиборга олмаслик, уни назарга илмаслик оқибатидир. Жумладан, Тошкент шаҳрида қуриладиган “замонавий шаҳарча”ларга берилган “ТОШКЕНТ СИТИ”, “АКАЙ СИТИ”, “ОЛМАЗОР СИТИ” каби номлар бунинг яққол далилидир. Бу номлардаги хориж сўзлари ҳаммага ҳам тушунарли бўлмаслиги мумкин. Бу ҳолат тил эгаларида ном билан боғлиқ тушунмовчиликларни юзага келтириб чиқариши аниқ. Бу ўринда савол туғилиши табиий: хориж сўзларини ўзбекча номларга сунъий тарзда “тиқиштириш”дан мақсад нима? Чет тилини билишликни тарғиб қилишми ёки хориж сўзлари ёрдамида оммани жалб этишни кўзлашми? “Ўзбек тилида яратилган” бундай номлар ўзбек тилига ҳурматсизлик белгиси эмасми? Наҳотки, бу каби “замонавий шаҳарчалар”га ўзбекча ном топиш шунчалик мушкул иш бўлса?

Сир эмаски, мустақилликка эришилгандан сўнг юртимизда ўзбек тилининг нуфузини ошириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, миллий конституциямиз ўзбек тилида яратилди, халқаро майдонларда мадҳиямиз она тилимизда янграмоқда, ўзбек тилининг қўлланилиш доираси ниҳоятда кенгайди. Аммо, шу билан бирга, янги объектларга, маҳсулотларга ном бериш масаласида кўплаб муаммолар ҳам юзага келди. Президентимиз ўз нутқида бундай муаммоларга эътибор қаратар экан, қуйидагиларни алоҳида таъкидлади: “Жамиятимизда тил билан боғлиқ энг кўп муҳокама қилинаётган, ҳақли эътирозларга сабаб бўлаётган мавзу – бу жой номларини белгилаш масаласи десак, хато бўлмайди. Афсуски, жамоат жойларида, кўчаларда, бинолар пештоқида топонимик белгилар, турли лавҳа ва рекламалар кўпинча хорижий тилларда, маънавийтимизга ёт мазмун ва шаклларда акс эттирилмоқда. Бу давлат тили талабларига, миллий маданият ва қадриятларимизга беписандликдан, умумий саводхонлик даражаси эса тушиб кетаётганидан далолат беради. Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамаси Атамалар комиссияси билан биргаликда ушбу масалаларни кенг жамоатчилик иштирокида жиддий ўрганиб чиқиши ва тартибга солиши зарур. Чунки ижтимоий объектларга ном бериш – бу шунчаки шахсий ёки хусусий иш эмас. Бу барчамизнинг ватанпарварлик ва маънавий савиямизни яққол кўрсатадиган ўзига хос мезондир. Буни ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслиги керак. Биз халқимизнинг тақдири, эртанги куни ҳақида ўйлар эканмиз, энг аввало, миллатимизнинг асл фазилатларини, гўзал урф-одатларимиз, бетакрор санъатимиз ва адабиётимизни, она тилимизни кўз қорачиғидай сақлашимиз зарур”⁶.

Юртбошимиз кўрсатган бу муаммоларни ҳал қилишда нейминг лингвистикасининг ўрни алоҳида. Ном яратиш, амалда қўлланилаётган номларни тартибга солиш масаласи билан шуғулланувчи бу соҳани ривожлантириш тилшуносликнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Маълумки, тижорат объектлари, истеъмол товарлари номлари бир вақтда бир неча вазифа бажаришига кўра ажралиб туради. Тижорат объектлари, истеъмол товарлари номларига хос энг муҳим белгилар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Бу турдаги номлар тадбиркорлик фаолияти объектлари, корхона, фирма, истеъмол товарларини номловчи лингвистик бирликлар

⁶ Ш.М.Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 30 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // <https://www.gazeta.uz/oz/2019/10/22/uzbek-language/>

қўлланиши; г) тил эгалари оммаси учун тузилган матнда изох ва шарҳ талаб қилиши каби ҳодисалар билан чегараланади.

Сўзлар ўзлашмалikka ўтишининг ўзи икки хил мазмунда бўлиши мумкин: биринчидан, мажбурий-ихтиёрий равишда *адрес, квартал, пенсия, билет, отпуск, остановка* каби юзлаб сўзлар шўролар жамиятининг сиёсий босими остида ўзлашмалikka ўтказилган. Истиқлолдан кейин мазкур бирликларнинг миллий тилда *манзил, мавзе, нафақа, чипта, таътил, бекат* каби параллеллари фаоллашди. Иккинчидан, миллатнинг маънавий-ижтимоий савиясини кўрсатадиган воситалардан бири сифатида *ассалому алайкум, бисмиллоҳ, омин, интенсив, иммунитет, интеграллашмоқ* кабиларнинг тилда фаоллашиши ва ана шу сўзлар ифодаляётган зарурий маъноларни тўлақонли бера оладиган бошқа вариантлар бўлмаганлиги натижасида уларни тўғридан-тўғри ўзлашма сўзларга айланишига имконият юзага келган.

Умуман олганда, келтирилган мисоллар ўзбек тилида ўзга тил сўзлари (тил лексикасининг тараққиёти, ривожланиши ва бойиб боришининг икки асосий омилининг иккинчиси – **ташқи омил**)га тилнинг лексик тараққиётида “нохуш ҳодиса сифатида” бирёқлама қараш ўзини тўлиқ оқламаслигини кўрсатади. Ўзга тил сўзларининг тилимизга кириб келиши эҳтиёж туфайли, зарурат юзасидан бўлганда ижобий; аксинча, ўзбек тилида тўлақонли муқобил варианты бўла туриб сунъий равишда сохтакорлик билан зўрма-зўраки ҳолатда бегона тил сўзларини қўллаш салбий ҳодиса ҳисобланади, деб айтиш тўғрироқ бўлади.

РЕЗЮМЕ. Мақолада қўлланма (олинма), параллелизм ва ўзлашма сўзлар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, тилнинг лексик тараққиётида чет сўзлар зарурат юзасидан ёки, аксинча, зўрма-зўраки тарзда ноўрин қўлланиши, миллий тил ўзида миллий менталитетни акс эттириши каби масалалар таҳлил қилинди.

РЕЗЮМЕ. В статье проанализированы такие вопросы, как мануальные (деривационные), параллелизм и ассимиляция слов, их особенности, необходимость иностранных слов в лексическом развитии языка, по необходимости либо, принудительное использование в не совместимых случаях, сам национальный язык, воплощающий в себе национальный менталитет.

RESUME. In the article - manual (derivation), parallelism and assimilation words, their interrelationships, the use of foreign words in the lexical development of the language out of necessity or, conversely, forcibly, issues such as the national language itself embodying the national mentality were analyzed.

Таянч сўз ва иборалар: тил, сўз, она тили, лексика, нутк, бирликлар, сўзлашув нутки, ўзлашма сўз, истеъмолчи тил, чет сўзлар, ўзга тиллар, миллий менталитет.

Ключевые слова и выражения: язык, слово, родной язык, лексика, речь, единицы, разговорная речь, заимствованное слово, потребительский язык, иностранные слова, иностранные языки, национальный менталитет.

Key words and word expressions: Language, word, native language, vocabulary, speech, units, colloquial speech, borrowed word, consumer language, foreign words, foreign languages, national mentality

соҳанинг билимдони, тафтиш қилувчи, қораловчи, рақиб ва бошқа маъноларни ифодалайди. Эркин ва тўғри фикрлайдиган, очиқ ва самимий кишиларга нисбатан, сўзлашув нутқида баъзан – *бу киши демократ*, деб баҳо берилади. Аксинча, қатъиятли, ўта талабчан инсонга нисбатан гоҳида – *бу одам диктатор*, деб сиёсий терминлар кўчма маънода инсон характери очишда қўлланади. Ўзбек тилининг мулкига айланган ана шундай бирликлардан – *салом, бисмиллоҳ, омин, дуо, фотиҳа* ҳамда *шукур* кабилар тақводорликка боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳам кўпинча ҳар бир воқеа-ҳодисани, ҳаракат-ҳолатнинг: ўтириш-туриш, остонадан ташқарига қадам қўйиш ва ташқаридан ичкарига кириш, ейиш-ичишни бошлаш ва якунланиши ҳақидаги тушунчаларни ифодалашда доминант восита эканлиги мазкур сўзларнинг истеъмоли уларни ўзлашмаликдан-да ўтиб, ҳаёт тарзимизга, миллий менталитетга айланиб улгурганлигидан далолат беради.

Юқорида четдан кириб келган сўзларни – дастлаб қўлланма (олинма); иккинчи босқичда параллелизмга; учинчи босқичда ўзлашмаликка ўтиши тартибида умумий тарзда тадрижий таҳлил қилинди. Таҳлил натижасида кўзга ташланган: узоқ муддат ёки доимий равишда қўлланма сўз сифатида яшаб келадиган бирликлар; айрим ҳолларда миллий тилда муқобил сўз вариантлари шаклланиши натижасида қўлланма ва ўзлашма сўзлар истеъмолдан чиқиши ёки нофаол ҳолатга келиши; баъзан хориж сўзлари дастлабки икки (қўлланма ва параллелизм) босқични четлаб, тўғридан-тўғри ўзлашмаликка ўтиши каби ҳолатлар масаланинг айна жиҳатларига бошқа бир шаклда тўхталиб ўтишни тақозо этади.

Мақоланинг қўлланма сўзлар қисмида кузатганимиз: *алайҳиссалом, саллоллоҳу алайҳи васаллам, сура, оят, жузв, ринд, сужуд, фикҳ, маъсият, хилват дар аржуман* кабилар халқнинг эътиқоди билан чамбарчас боғлиқ ва асрлар давомида тилимизда мавжуд бўлган бўлса-да, ҳали-ҳануз ўзлашма эмас, балки қўлланма (олинма) сўзлар сифатида қолишининг сабаби: 1) тилимизда бир маънони ифодалайдиган хориж сўзлари синонимиясида *алайҳиссалом, саллоллоҳу алайҳи васаллам, пайғамбар* кабилардан доминант бирлик – *пайғамбар* ўзлашма сифатида қабул қилинади; истеъмол аудиторияси нисбатан торроқ бўлган, муайян соҳа вакиллари томонидан истифода қилинадиган *алайҳиссалом, саллоллоҳу алайҳи васаллам* кабилар тилда қўлланма сўзлар сифатида сақланади. 2) *сура, оят, жузв*га нисбатан – синекдоха, бутуннинг номи билан қисмни ёки аксинча қисмнинг номи билан бутуннинг номланиши қондасига асосан⁵, бутун – *Қуръон*нинг қисмлари *сура, оят, жузв* ўрнида *Қуръон* фаол қўлланиши; қисмларни истеъмол доираси пассивлашиб, уларни қўлланма сўз сифатида сақланишига олиб келган; 3) *сужуд, равоқ, раиҳа (тариқат қондаларидан бири, улар 11 та), маъсият* кабилар қўлланма (олинма) сўзларга тааллуқли бўлган умумий хусусиятлар: а) сўз ўзи мансуб бўлган тилдаги тушунчани ифодалаш билан чекланиши; б) истеъмолчи тилда янги маъно ифодаламаслиги; в) истеъмол аудиторияси нисбатан тор, муайян соҳа вакиллари томонидангина

⁵ Ш о а б д у р а ҳ м о н о в ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили, 109-бет

ҳисобланса-да, объектнинг инсон психологик тасаввурига асосланган иккиламчи номлари саналади.

2. Номлар тадбиркорлик фаолияти объектлари, корхона, фирма, истеъмол товарларини номлаш баробарида сўзга янги семантик моҳият, прагматик вазифа, коннотатив, миллий-маданий бўёқ юклайди. Бундай номларда номинаторларнинг воқеликни идрок этиши, ассоциатив тафаккури ҳам намоён бўлади.

3. Тадбиркорлик фаолияти объектлари, корхона, фирма, истеъмол товарларига берилган номлар объектни шунчаки номлаш вазифасини бажармайди, балки фаолият туридан кўзланган мақсад, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг табиий хусусияти ҳақида бирламчи маълумотларни ҳам ташийд.

4. Бу турдаги номлар тадбиркор, унинг маҳсулоти ва истеъмолчи ўртасида коммуникатив алоқа ўрнатиш вазифасини бажаради. Шу билан бирга, истеъмолчи хиссий таъсир кўрсатиш, уни ўзига жалб қилиш вазифасини бажаради.

5. Тадбиркорлик фаолияти объектлари, корхона, фирма, истеъмол товарларига берилган номлар фаолият эгаларига, улар ишлаб чиқарган товарларга берилган баҳо ҳисобланади.

Англашиладики, номлаш алоҳида фаолиятни, ижодий жараёни тақозо этади. Тижорат объекти, истеъмол маҳсулотларини номлаш бир қарашда жуда осондек туюлади. Аммо тадбиркор-номинатор мукаммал ном ҳосил қилиши учун лингвистик билимга эга бўлиши, яъни ўзбек адабий тилининг сўз яшаш, сўз танлаш, услубий, орфографик меъёрларини яхши эгаллаган бўлиши лозим; объектга ном беришнинг ҳуқуқий, этик-эстетик тамойилларини билиши, ўзбек халқи менталитети, миллий-маданий қадриятларидан хабардор бўлиши мақсадга мувофиқ. Шу боис тадбиркорлик фаолияти объектлари, корхона, фирма ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотларга янги ном яратиш ёки танлашда лингвист-номинаторлар ёрдами, албатта, зарур бўлади.

Хуллас, номлар тил эгаларининг ақл-идроки, тафаккури, ташки оламга муносабатини акс эттирувчи ўзига хос ижод маҳсули сифатида намоён бўлади. Шу боис номлаш жараёни номинатордан нафақат тижорат объекти, истеъмол товари ҳақида маълумотга эга бўлишликни, балки тил билимига, тўғрироғи, мукаммал нутқ яратувчи ва уни идрок этувчи лисоний шахс мақомида бўлишлик; ном ҳосил қилиш малакаси, кўникмаси ҳамда ижодий фикрлаш қобилиятининг мавжудлиги ва уни намоёниш эта олишликни талаб қилади.

РЕЗЮМЕ. Мақолада ўзбек тилида ном яратишнинг назарий масалалари, ном яратиш ва танлашга қўйиладиган талаблар, юртимизда тижорат объектлари, истеъмол товарларига берилган номлар таҳлилий-танқидий жиҳатдан ўрганилиб, ном танлаш билан боғлиқ муаммоларга муносабат билдирилди.

РЕЗЮМЕ. В статье изучены с аналитической и критической точек зрения теоретические вопросы создания имен на узбекском языке, требования к созданию и выбору названий, наименования коммерческих объектов, товаров народного потребления в нашей стране, а также проблемы, связанные с выбором имен.

RESUME. The article analyzes the theoretical issues of name creation in the Uzbek language, the requirements for the creation and selection of names, the names of commercial objects, consumer goods in our country, and the problems associated with the choice of names.

Таянч сўз ва иборалар: номлаш амалиёти, нейминг, нейминг лингвистикаси, ном яратиш технологияси, тадбиркор-номинатор, ном ҳосил қилиш усуллари.

Ключевые слова и выражения: практика нейминга, нейминг, лингвистика нейминга, технология создания имен, предприниматель-номинатор, методы создания имен.

Key words and word expressions: naming practice, naming, naming linguistics, name creation technology, entrepreneur-nominator, name creation methods.

Дилмурод ҚУРОНОВ

“ЎТКАН КУНЛАР”НИНГ УҚИЛИШИ МАСАЛАСИГА ДОИР

Ўз вақтида В.Г.Белинский “Евгений Онегин” романини “рус ҳаётининг энциклопедияси” деб атагани каби, “Ўткан кунлар”ни “ўзбек ҳаётининг энциклопедияси” дейишга тўла асос борлигига ҳеч бир зиёли ўзбек шубҳа қилмаса керак. Зеро, миллий турмушни, ўзбекка хос миллий характер хусусиятларини, миллий тафаккур тарзини бу қадар ёрқин тасвирлаган иккинчи бир асарни топиш мушкул. Фақат бундай ҳулоса эндиликда исбот талаб қилмайдиган аксиомага айланиб қолаётгандек туюлади. “Хўш, бунинг нимаси ёмон? Ахир, асарнинг буюклигию миллий аҳамияти сўзсиз эътироф этилса, яхши эмасми?!” дерсиз, эҳтимол. Ҳеч ким инкор этмаса керакки, “Ўткан кунлар”ни ҳижжалаб ўқиган ҳолда жозибасига асир бўлиш билан ўқимасданоқ “ўзбек ҳаётининг энциклопедияси” ўлароқ эътироф этиш орасида ер билан осмонча фарқ бор. Афсуски, ёкса-ёкмаса бир ҳақиқатни тан олишга мажбурмиз: ҳозир “Ўткан кунлар”нинг буюклигини исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат сифатида ҳамма сўзсиз эътироф этади, бироқ унинг ўқилганлик ва уқилганлик даражаси ҳамон кўнгилдагидек эмас. Бу эса мазкур ҳол сабаблари муҳокамасини адабиётшунослик, хусусан, кодирийшунослик олдидаги муҳим ва долзарб масалалардан бирига айлантирадики, шу ҳақда мулоҳаза юритишга жазм қиламиз.

Энг аввал, роман ёзилганига қарийб бир аср бўлгани, ўшанда навқирон адиб етмиш йиллар илгариги “мозийга қайтгани”ни ҳам ёдга олиш керак бўлади. Шуни ўйлаганда беихтиёр “бутунги ўқувчи асар бадиий воқелигини қийналмай тасаввурда қайта ярата оладими? Роман воқелигидаги ҳамма нарса унга танишми? Турфа ҳаётини ҳолатлар тасвири қатида пинҳон нозик маъно жилваларини илғай оладими?” қабалидаги саволлар сафи тизилади. Ўзимни ўйлатган шундай саволларни жойини топиб талабаларга ҳам, ҳамкасбларга ҳам, адабиёт ихлосмандларига ҳам бериб кўрдим. Жавоблардан шунга амин бўлдимки, бу масалада ўзимизга борида кўра баландроқ баҳо қўямиз экан, яъни ҳаммамиз “Ўткан кунлар”ни ҳеч бир қийинчиликсиз тушуна олишимизга амин эканмиз. Ҳолбуки, романни синчиклаб ўқиш чоғи қаршимизда ўнлаб саволлар қалқиб чиқиши ҳам айни ҳақиқат. Муталаа чоғи шунинг нелигини билишга қизиқиш ҳам, зарурлигини ҳис қилиш ҳам туғилади, лекин умумий маъноси тушунарли бўлгани боис кунт қилинмайди, кейин яна унутилиб кетади. Ҳақиқатда эса, агарки матндаги сўзни, унинг ортидаги нарса, ҳодиса ё тушунчани билмас эканмиз, тасаввуримизда ўша матн асосида яралувчи бадиий воқелик ҳам, унда тажассум топган маъни ҳам кемтик бўлиб қолиши шубҳасиз. Қулайлиги учунми ё дурустроқ тартиб ҳадеганда ақлимга келавермаганимиз, ҳартугул, фикр-мулоҳазаларим баёнини асарни ўқиш асносидаги дуч келиш тартибида бошлаганим ўнғайга ўхшади.

Қонида савдогарлик бор эмасми, Отабекни саройга йўқлаб борган Раҳмат унинг Тошкентдан нималар келтиргани билан қизиқади. Отабекнинг жавоби ҳам лўндагина: “*Арзимаган нарсалар: газмол, қалапой афзали ва бир оз қозон*”. Хўп, “газмол” билан “қозон” – тушунарли, “қалапой афзали” нима?

бузилишига қарши курашувчи юқори давлат органларидан бири ҳисобланади. Ана шундай сўз, сўз бирикмаси ва қурилмаларнинг баъзилари кўлланишига кўра қадимийлигидан қатъи назар донор тилдаги маъноси билан чекланиб, *алайҳиссалом*, *саллоллоҳу алайҳи васаллам*, *ринд*, *сура*, *оят*, *маъсият*, *сужуд*, *фано* кабилар тилимизда шарҳ ва изоҳ орқали маъносига аниқлик киритилади (мазкур сўзларнинг таҳлилига қуйироқда яна тўхталамиз). Истеъмолчи тилда янги ёки кўчма маъно ифодаламайдиган бирликлардан бошқа бир тоифаси – *черков*, *канисо*, *монастир*, *браҳман*, *коҳин*, *роҳиб*, *падре* кабилар ўзи мансуб бўлган тилларда олий мақомдаги табаррук тушунчани ифодалайди. Ўзига кўра ўзбек тилида ўзга тилдаги муайян ҳодисанинг индикатор кўрсаткичи вазифасини бажаради, холос. Бундай бирликлар, Низомиддин Маҳмудов таъбири билан айтганда, тилда олинма сўз⁴ сифатида мавжуд.

Иккинчи тоифа – параллелизмлар четдан кириб келган тушунча ёки предметнинг номи ўзбекча вариантдаги атамаси билан параллель: онлайн – *масофа (дан)вий ўқитиш*, *таълим*; оффлайн – *анъанавий (ўқитиш) таълим*; инвестиция – *сармоя*; инвестор – *сармоядор*; мобил алоқа – *уяли алоқа*; скачать – *юклаб олиш*; дилер – *воситача*; вакцинация – *эмлаш*; план – *режа*; программа – *дастур*; проект – *лойиҳа*; парник – *иссиқхона*; пациент – *мижоз*; ксерокопия – *нусха кўчириш*; мышка – *сичқонча*; лекция – *маъруза*; наушник – *қулоқчин*; бухгалтер – *ҳисобчи* тарзида кўлланиши ҳолатлари анча кенг тарқалган. Бироқ айрим параллелизмларда, жумладан сутканинг муайян пайтларининг – *эрта тонг*, *кун ўртаси*, *туш пайти*, *кун оққанда*, *қош қорайган пайт*, *тун қоронгиси* каби миллий тилдаги вариантларига нисбатан – *азон*, *пешин*, *аср*, *шом*, *хуфтон* сингари хориж терминлари фаолроқ кўлланади. Мазкур терминлар матнда, хусусан шеърда – *Шому саҳар тиним билмай шарҳ айладинг дилингни (А.Орипов)* ёки сўзлашув нутқида эрталабда барвақт шошган кишига нисбатан – *Азон “о” демасдан* деган иборанинг кўлланилиши ҳамда гуллардан бири – *номозшомгул* тарзида номланиши ўзбек тилида айни хориж терминларининг турли вариантларда кўлланиши уларни параллелизмдан секин-аста ўзлашмаликка томон ўтиб бораётганлигини кўрсатади. Чет сўзларни параллелизмдан ўзлашмаликка томон ўтиши натижасида синонимик, баъзан омонимик қатор бойиб боради.

Учинчи тоифа – истеъмолчи тилда кўлланиладиган хориж сўзларидан *оптимал(лаштириш)*, *либерал(лаштириш)*, *бренд*, *эксперт*, *демократия*, *диктатура*, *кластер*, *интенсив(лаштириш)*, *парламент*, *палата* (юқори, қуйи), *интеграллашмоқ*, *монитор*, *иммунитет*, *глобал*, *компьютер*, *корпус* (машинанинг корпуси, депутатлар корпуси), *орган* (давлат идоралари; инсоннинг тана аъзолари, хужайралар), *бисмиллоҳ*, *омин*, *дуо*, *шукур*, *шайтон* кабилар ўзбек тилда параллелига эга бўлмаган ҳолда, ўз маъноси билан бир қаторда эҳтиёж, зарурат юзасидан кўчма маънода кўлланиладиган ўзлашма сўзларга айланган. Масалан: *оптимал* – сараланган, энг яхши, талаб даражасида, қулай, содда, маъқул маъноларида; *эксперт* – қайсидир аниқ бир

⁴ Маҳмудов Н. Ўзбек тилида ўзашма сўзлар: меъёр ва миллийлик // “Ўзбек тили ва адабиёти”, 2010, 6-сон, 6-бет.

ЎЗБЕК ТИЛИГА ХОРИЖ СЎЗЛАРИ
КИРИБ КЕЛИШИНИНГ ТАСНИФИЙ ТАҲЛИЛИ

Маълумки, жамиятдаги ҳар қандай ўзгариш дастлаб тилнинг лексик тизимида намоён бўлади¹. Шу маънода тил – тирик организм. У ижтимоий ҳаётда бошқа тиллар билан бирга яшайди, мунтазам алоқада бўлади. Доимий равишда бошқа тиллардан сўз олади ва ўзга тилларга донорлик вазифасини ўтайди. Тилнинг лексик тараққиёти, ривожланиши ва бойиб боришининг икки асосий омили мавжуд бўлиб, буларнинг биринчиси – **ички омил**, яъни илм-фанга, шеваларга, турли касб-хунарга оид ҳамда жамиятдаги ўзгаришлар натижасида ҳосил бўладиган янги бирликларнинг адабий тилда фаоллашиши билан боғлиқ; иккинчиси – **ташқи омил**:² бунда асосан чет сўзларнинг қўлланиши назарда тутилади. Тилшунослигимизда азалий ва абадий муаммолардан бири, табиийки, тилнинг софлиги масаласидир. Бу эса ўз навбатида тилнинг лексик тараққиётида ички омилни фаоллаштириш, ташқи омилдан эҳтиёт бўлишни тақозо этади.

Четдан кириб келаётган сўзларни тилдаги истеъмол доирасига кўра: қўлланма (олинма) сўзлар; параллелизмлар – бир предмет ёки тушунчани номлашда ўз ва ўзга лисоний-нутқий бирликларнинг параллель қўлланиши; ўзлашма сўзлар тарзида уч тоифага ажратиш мумкин.

Биринчи тоифа – “қўлланма сўзлар”:³ *лицензия, критерия, координат, блоггер, пандемия, патронаж, спикер, чартер рейс, сенат, сенатор, ландшафт, департамент, гидропоника, инновация, логистика, лизинг, портал, сити, креатив, мотивация, феномен, толерант, бонус, субсидия, трансформация, тендер, гибрид (аралаш), юсби, черков, калисо, бараҳман, роҳиб, коҳин* кабилар тилимизда ўзга тилдаги, яъни сўз ўзи мансуб бўлган донор тилдаги тушунчанинг номини ифодалаш билан чекланади. Масалан: *лицензия* – муайян фаолиятни олиб бориш учун белгиланган қонун талабларига мос келадиган жисмоний ва юридик шахсларга масъул идоралар томонидан бериладиган рухсатнома, ҳужжат; *критерия* – алоҳида олинган соҳанинг мутахассиси, касб эгасининг билиши ва амал қилиши шарт бўлган талаблар мажмуаси. Бундай сўзлар истеъмолчи тилда баъзан ўзи тегишли бўлган тилдаги мақомига эга бўлмаслиги ҳам мумкин ёки аксинча. Яъни *ландшафт* – аслида табиат гўзаллиги маъносида бўлиб, бизда ана шу табиат гўзаллигини ҳовлида, ташкилот ҳудуди, сайилгоҳ, истироҳат боғи ва бошқа жойларда сунъий тарзда ихчамроқ ҳолатда шакллантирилган кўриниши назарда тутилади. *Департамент* – ўзи мансуб бўлган тилда турли даражадаги расмий бошқарув идораларни англатади. Бизда эса қонун талабларининг

¹Ш о а б д у р а х м о н о в ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1980, 105-бет.

²N u r m o n o v va b. Hozirgi o'zbek adabiy tili 3-nashri. – Toshkent: “Ilm ziyo”, 2015, 209-btn.

³Ўзбек тили лекаси – Тошкент, 1981, 88-бет.

Қизиги, роман нашрларида бу сўз бирикмаси турлича кўринишда учрайди: “Инкилоб” журнали нашрида “қала пой афзали” (قلا پاي افضل) шаклида берилиб, бу ерда қисмларнинг аниқ ажратиб ёзилгани эски ўзбек ёзуви қоидасига мувофиқ. 1925 йил нашрида “қала” ва “пой” қисмларининг бир-бирига яқин (قالپاي) эканлиги боис (ёзувда қўшилмагани учун қўшиб ёзилган дейишдан тийилиб турамиз) битта сўздек кўринади, “афзали” қисми эса алоҳида ажратиб ёзилган. Ҳолбуки, кейинги ҳолда (“афзал”нинг “пой”дан ажратилишида) ҳам “Инкилоб”да амал қилинган қоидадан келиб чиқилган. Яъни бир ўринда қоидага амал қилиб, иккинчи ўринда инкор қилиш ҳолати кузатилаётгани, бу мазкур ҳол техник сабаблар билан юзага келган бўлиши ҳам мумкин, деган андишага олиб келади.

1933 йил нашрида “қалапой афзали” (“qalapoy afzali”) тарзида айнан 1925 йил нашридаги шаклда, 1958 йил нашрида эса “қолапой афзали” (7-бет) шаклида берилган, кейинги нашрларда ҳам, асосан, шу шакл устуворлик қилади. Жумладан, Хондамир Қодирий томонидан тайёрланиб, 2014 йилда “Шарқ” нашриёти чоп этган “Танланган асарлар”да ҳам бирикма “қалапой афзали” шаклида берилса-да, саҳифа остида “Қалапой афзали – пошнаси баланд, рандли ковуш” (9-бет) дея изоҳланганки, бунда биринчи сўзнинг учинчи бўғинида ҳам “а” ёзилган. Хуллас, айтмоқчимизки, бугунги кун ўқувчисига шундоқ ҳам таниш бўлмаган сўзларнинг тушунилиши турлича ёзилиш ҳисобига янада қийинлашган. Боз устига, изоҳдаги “рандли”¹ сифатловчисининг ўзи ҳам изоҳга муҳтож, бугунги ўқувчи унинг нималигини тушунмайди, аксари тушунишга ҳаракат ҳам қилмайди. Мабодо тушунмоқ қасдида “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”га мурожаат қилиб қолгудек бўлса, унга бу сўзнинг киритилмаганига амин бўлади. Иложсиз қолиб, у ҳам гап нима ҳақдалигини чала тасаввур қилган ҳолда ўқишда давом этади. Кейинроқ, Кумушбиби билан илк бор таништирилгач, адабнинг у ҳақда “Кичкина латиф оёқлариға отасининг яқиндағина олиб берган қала кавишини кийди ва ошхона юмиши билан қоришиб ётқан онасининг олдиға борди” деган гапини ўқигач, зеҳн солсаки, бунда “қалапой” эмас, кўпроқ “қала”нинг ўзи сифатловчига ўхшайдигандек. Сал кейинроқ, куёвнакарлар ҳамроҳлигида кириб келган Отабекнинг “*бошида симоби шоҳи салла, устидан қора мовут сирилган совсар пўстин, ичида ўзининг Шамайда тиктиргани осмони ранг мовут камзул, мовут шим, оёғида қалапой афзали*” кўргач, андишаси яна кучаяди. Дарвоқе, 1958 йил нашрининг айни ўрнида *қолапойафзали* шаклида қўшиб ёзилган (55).

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “қалапой” сўзи бўлмаса-да, “қала” сўзига ғоят мухтасар изоҳ берилган: “Қала шв. Шаҳар, қалъа”². Бироқ луғатда бизни қизиқтирган сўзга яқин “қалача сўзига: “Қалача эск. Шаҳарга хос, шаҳарча” тарзида изоҳ берилган-да, Собир Абдулланинг “Мавлави Мирсиддиқнинг ижодлари” ҳикоясидан мана бу гап мисол қилинган: “Куз, деҳқон бозорини мўлжаллаб, беш юз пар амиркон хиром заифона маҳси ва юз пар қалача кавуш ғамлаган эдим”³. Айтилганлардан келиб чиқсак, Отабекнинг гапидаги “қала” сўзи ҳам айни шу маънода, яъни “шаҳарча фасондаги пойабзал”, “шаҳарбоп пойабзал” маъноларида қўлланган бўлиши,

¹Р а н д – пойабзалнинг тағчарми билан устчарми орасига ёпиштириладиган, аксар гулдор тасма; функционал жиҳатдан безак сифатида қаралади.

²Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 5-жилд – Тошкент, 2020, 223-бет.

³Ўша жойда, 226-бет.

бизнингча, мантиқан тўғрироқ кўринади. Шунга кўра, романнинг кейинги нашрларида мазкур сўз бирикмасининг “қалапой афзали” шаклида эмас, “қала пойафзали” шаклида ёзилгани мақсадга мувофиқ, зеро, ҳақиқатан ҳам Отабекнинг Марғилонга “газмол, қала пойафзали ва бир оз қозон” келтиргани ҳақиқатга яқинроқ бўлади. Хўп, бу-ку майли, савдогар келтириб сарой хужраларига босиб қўйган турфа молларнинг бири-да, дермиз-кўярмиз. Бироқ, агарки “қала пойафзали” нелигию қандайлигини билмас эканмиз, демак, “қала ковуш” кийган Кумушни ҳам, куёв сарупосидаги Отабекни ҳам чала тасаввур қилаётган бўлишимиз тайин.

Шунга ўхшаш, роман яратилган давр ўқувчиси тасаввурида Қодирий биргина чизги билан уйғота олган тасвир ҳозирги ўқувчи нигоҳига жудаям хира бўлиб кўринади – бамисоли аслида суратга рангли олинган фильмни телевизор носозлиги сабаб оқ-қора тасвирда кўрилатган каби. Масалан, илк ўқувчи “ичидан атлас кўйнак, устидан одми хон атлас гуппи кийган, бошига оқ даканани хом ташлаган, ўттуз беш ёшлар чамалиқ гўзал, хуш бичим бир хотин” дея таништирилган Офтоб ойимни аниқ-тиниқ кўз олдига келтирган. Ҳозирги ўқувчи тасаввуридаги сурат эса бир қадар мавҳум. Зеро, унинг учун Офтоб ойим эгнидаги кўйлак матоси билан гуппи матоси фарқли эмас – у умуман атласни тасаввур қилади. Ҳолбуки, романда хонадонлару ўрдадаги атлас кўрпа-тўшак, Офтоб ойим устидаги “одми хон атлас гуппи”, Азизбек юзбошиларига инъом этган “атлас чопон”дан ташқари яна бир неча ўринда шу мато тилга олинадики, айримларини эслатиб ўтамиз:

- 1) илк бор кўрганимизда Кумушнинг эгнидаги “сарик рупоҳ атлас”;
- 2) йўл қараб ўтирган Кумуш куёви ёқтиргани учун танлаб кийган “совсар гулли қора атлас”;
- 3) уста Алим фитр рўза баҳона олиб борган “Саодат учун саккиз тепки хон атлас”;
- 4) Ўзбек ойим “ўз уйида ўлтурғанида ҳам” устида бўлувчи “атлас кўйнак”;
- 5) “Кумуш билан Зайнабка аталиб олинган хон атлас”.

Аввало, булар атласнинг универсаллиги, унинг миллий турмушда ғоят кенг ўрин тутганини кўрсатади: у рўзгорда ҳам, эркагу аёл, ёшу қарининг ёзлигу кишлоқ кийимида ҳам ишлатилган. Айни пайтда, ҳар бир конкрет ўринда атлас шунга мос бўлгани ҳам ақлга тайин: Кумуш кийган атлас билан Ўзбек ойимнинг кўйлак матоси бошқа, юзбошиларга тўхфа этилган чопон матоси билан Отабек ўтирган тўшак матоси бошқа. Атлас маросимлардагина кийиладиган либосга айланган бугунги кун ўқувчиси шу фарқларни ёрқин тасаввур эта оладими? Ўйлашимизча, йўқ. Шундай экан, романдаги тасвир ранглариининг туссизлашуви ҳам муқаррар экан-да?!

Офтоб ойим энгил-бошидаги тагин бир муҳим деталь – “бошига оқ даканани хом ташлаган”ча ўтиргани. Кўп катори мен ҳам буни “бошига катта оқ рўмолни ташлаб” ўтирибди деб тушунаман, кўз олдимга болалигимда кўп кўрганим шундай ҳолат келади. Шу тасаввуримда қолаверсам ҳам бўларди, лекин бунга бир жиддий монелик бор. У ҳам бўлса, дакананинг кўпроқ доқадан бўлиши ҳақидаги маълумот билан ҳам танишлигим: “Тошкент ва унинг атрофида катта ёшли хотинларнинг локки, пешонабанд устидан бош узра ташлаб юриладиган оқ доқа рўмолни *дакана* дейилади”⁴. Агар Офтоб ойим эри ва онаси билан “чорхари айвоннинг ўрта бир ерида, устига атлас

⁴ А с о м и д д и н о в а М. Кийим-кечак номлари. – Тошкент: “Фан”, 1981, 55-бет.

ҳолатларнинг қайси бири амалга оширилиши реклама матни мазмуни, тури, муассаса, шахслар муносабати каби жуда кўплаб омилларга боғлиқ. Масалан, реклама матни ваколатли расмий идора томонидан берилган бўлса, сўзловчининг нутқи тингловчи томонидан бажарилиши шарт ҳолати амал қилади. Ички ишлар вазирлиги томонидан тақдим қилинган реклама якунидаги “Коррупцион ҳолатларга йўл қўйманг!” жумласи қайд этилган биринчи ҳолатни; “Жазирамада Fanta ичинг!” жумласи иккинчи ҳолатни; “Ўзингизда ушбу аломатларни ҳис қилсангиз, дарҳол тиббиёт ходимларини хабардор қилинг” жумласи учинчи ҳолатни акс эттиради.

“Бир умр соғлом бўлай десанг, балиқ е” жумласидаги буйруқ шаклда қўлланилган “е” феълида буйруқни эмас, шунчаки маслаҳат ёки таклифни англатувчи маънони кўришимиз мумкин. Тилимиз коммуникацион хусусиятларидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, сўзловчи нутқида акс эттирилатган буйруқ шаклидаги сўзлар тингловчи томонидан бирор-бир ҳаракатни амалга оширилишини талаб қилиб қолмасдан турли маъноларни ҳам ифодалаш имконига эга. Ўзбек тилида реклама мантиларида императивлик ифодаси мураккабликларида бири халқимизнинг ментал хусусиятлари узоқ асрлар давомида шаклланиб босиб унда сўзловчи (реклама эгаси)нинг фикри баён этирилган нутқни тўғри талқин қилиш ва аниқ хулоса чиқариш тингловчидан катта маҳорат ва тажриба талаб қилинади. Шу билан бирга, реклама эгасига императивликнинг ифодасини тил имкониятлари ва тил соҳиблари ментал хусусиятлари уйғунлигида топа олиш салоҳияти керак бўлади.

Бугун кунда мавзуга оид муаммолар – реклама матнларига тааллуқли масалаларнинг катта қисми ментал хусусиятларни эътиборга олмасликдан келиб чиқмоқда. Императивлик тил соҳибларининг ёш, ижтимоий мақом, гендер каби жуда кўплаб жиҳатларига оид масалалар. Бошқача айтганда, императивлик миллий хусусиятлар яққол акс этувчи кўзгудир.

Демак, реклама матнларини тадқиқи ҳамда таҳлили жараёнида шуни таъкидлаш лозимки, ҳар бир шахс (мавзудан келиб чиққанда муассаса, шахслар)нинг ундаш этикети у(лар)нинг маданияти кўзгуси, хулосага асос мезони бўлиб, бу инсонларнинг муомала маданияти, одоб-ахлоқини кўрсатади ва мулоқотнинг самарали ҳамда муваффақиятли чиқишига хизмат қилади.

РЕЗЮМЕ. Мақолада реклама матнида императивлик ифодаланишининг прагмалингвистик масалалари ўрганилади.

РЕЗЮМЕ. В статье исследуются прагмалингвистические вопросы выражения императивности в рекламных текстах.

RESUME. The article examines the pragmalinguistic issues of imperative expression in the advertising text.

Таянч сўз ва иборалар: реклама, матн, императивлик, антропоцентрик, прагмалингвистика, перформатив, локутив, иллюкутив, перлокутив.

Ключевые слова выражения: реклама, текст, императивность, антропоцентричный, прагмалингвистика, перформативный, локутивный, иллюкутивный, перлокутивный.

Key words and word expressions: advertising, text, imperative, anthropocentric, pragmalinguistics, performative, locutive, illocutive, perlocutive.

етарлича наф келтира оладиган мавзулардан саналади. Чунки буйруқ гаплардан фойдаланишда сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги ўзаро алоқа муносабатлари муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Одатда, буйруқ гап дейилганда сўзловчи томонидан тингловчига нисбатан қўйиладиган талаб ёки буйруқ ва уларнинг амалда ўз ифодаси талаб қилинишини англатадиган ҳолат тушунилади. Лекин айрим тилларда тил соҳибларининг ментал хусусиятларидан келиб чиқиб, бундай жараён баъзан сўзловчининг тингловчига бўлган яқин ва дўстона муносабатини англатувчи грамматик шакл сифатида ҳам хизмат қилишини кўришимиз мумкин. Масалан, “Сафардан қайтгач отам: “Сен бирор кун дам ол”, – деганларида хурсанд бўлдим”. Ана шу жиҳатини эътиборга олганда, буйруқ шакллари ўзбек тилида ҳам кўпгина Шарқ тиллари каби а) мавқеи баланд шахслар томонидан жамоага нисбатан тайинланадиган буйруқ; б) давлат ташкилотлари томонидан ўрнатиладиган қонун-қоидаларни акс эттирувчи буйруқ; в) ташкилотлар томонидан махсус шахсларга юклатиладиган вазифаларнинг амалда натижаларини акс эттиришни талаб қиладиган буйруқ; г) раҳбар лавозимидаги шахс томонидан, иш юзасидан, ходимга нисбатан тайинланадиган буйруқ; д) ҳукукий қонун-қоидаларга оид буйруқ кабиларда кўп ишлатилади.

Реклама матнларидаги буйруқ ифодаси алоҳида типни ташкил қилади. Дунёнинг кўпгина тилларида буйруқ гап дарак гап, сўроқ гап, ҳис-ҳаяжон гаплар қатори гапнинг бир тури сифатида талқин қилинади. Бундай гапларнинг бир-биридан фарқли жиҳати шундан иборатки, дарак гап ва сўроқ гапларда замон тушунчаси мавжуд, яъни сўзловчи нутқини замонларда туслаш ва иш-ҳаракатнинг содир бўлган вақтини аниқ кўрсатиш имконига эга бўлади. Одатда, дарак гап ва сўроқ гапларда тингловчи сўзловчи томонидан баён этилган фикрга нисбатан жавоб қайтарувчи шахс сифатида намоён бўлади. Ҳис-ҳаяжон гаплар эса сўзловчининг ҳиссиётини акс эттирувчи фикр баён қилинган вақтда ва замон тушунчасида ўз ифодасини топади. Бошқача айтганда, ҳаяжонни ифодаловчи жумлаларни замонларда туслай олмаймиз ва бундай гаплар учун тингловчи сўзловчининг нутқига нисбатан жавоб қайтариши шарт бўлган шахс сифатида иштирок этиши ҳам муҳим аҳамият касб этмайди. Буйруқ гапларда эса, бунинг акси бўлиб, сўзловчи томонидан баён қилинган буйруқни амалга оширувчи шахс сифатида тингловчининг иштироки муҳим ҳисобланади. Буйруқ гапнинг ҳис-ҳаяжон гапдан фарқли томони билан бир қаторда, уларнинг ўзаро ўхшаш жиҳатлари ҳам мавжуд: одатда, буйруқ гап ва ҳис-ҳаяжон гаплар доимо феълнинг ҳозирги замон шаклида нутқимизда намоён бўлади ва шу ҳолича тингловчига етказилади. Ўзбек реклама матнларида кўпинча “буйруқ” деганда сўзловчи тингловчини бирор-бир ҳаракатни амалга оширишга ва унинг натижасини амалда намоён қилишга ундаш кузатилади. Аслида “буйруқ берувчи” (реклама эгаси) ва “буйруқ берилувчи” (тингловчи, ўқувчи)нинг ўзаро муносабатини, мантиқан чуқурроқ ўйлайдиган бўлсак, қуйидаги ҳолат бўйича таҳлил қилишимиз мумкин: а) сўзловчининг нутқи тингловчи томонидан бажарилиши шарт; б) сўзловчининг нутқи тингловчи томонидан бажарилиши ихтиёрий; в) сўзловчининг нутқи тингловчи томонидан бажарилгани маъқул. Бу

кўрпалар ёпилган танча”да ўтирганларини, бунинг “1264-инчи ҳижрий, далв ойининг ўн еттинчиси”дан кейинги бир ҳафта-ўн кун орасига, яъни февраль ойининг ўрталарига тўғри келиши эътиборга олинса, ҳартугул, бошига дока рўмол ташлаб ўтиришга бироз эртароқ эмасми деган андиша келади. Шундан фориг бўлиш ниятида “Миллий энциклопедия”ни варақлайман: “ДАКАНА – аёллар рўмоли; одатда қора ёки оқ сатиндан тайёрланади ва соч фарқини беркитиб, сочни тутиб туришга хизмат қилади. Кўпроқ ўрта ёшли ва кекса аёллар катта (кўпинча оқ дока) рўмол тагидан ўрайдилар. Айрим жойлар (Фарғона водийси)да дурра, дуррача ҳам дейилади”⁵. Кўриб турганингиздек, тасаввурим ойдинлашиш ўрнига баттар чалкашди. Аввалги манбада “локки, пешонабанд устидан” дейилган бўлса, бунисида “рўмол тагидан ўрайдилар” дейилмоқда, яъни аввалгисида тилга олинган пешонабанднинг худди ўзи бўлиб чиқаётир. Дакананинг айрим манбаларда “рўмолнинг кичик ҳажмдаги турлари” қаторида саналгани⁶ ҳам шунга далолат қилади. Хўп, шундай бўлса ва яна Фарғона водийсида даканани “дурра, дуррача” деб ҳам аталса, унда февралнинг ўрталарида Офтоб ойим бошига “оқ дурра (дуррача)ни хом ташлаб” айвонда ўтирган бўлиб чиқадими? Эсли-хушли аёл бундай қилмаса керак, бунинг устига “дуррачани хом ташлаб” дейиш ҳам, бизнингча, ғализ бўлади. Зеро, бу ўринда “хом” равиш бўлиб, рўмолнинг қай тарзда ташланганини англатаётганини сезиш қийин эмаски, “хом ташламоқ”ни “дуррача”га боғлаш мушкул. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”даги таъриф мазкур андишаларимиз бежиз эмаслигини, Офтоб ойим портретидаги деталь бироз ўзгачароқ бўлса керак деган иштибоҳимизни қувватлайди: “Дакана. Ўрта яшар ва кекса аёлларнинг (кўпинча оқ докадан) саллага ўхшатиб ўраладиган рўмоли”. *Ўзбек ойим тўйга борадиган хотинлардек ясанган, эғнида одми хонатлас кўйлак, бошида оқ шоҳи дакана, кўзида сурма эди. А.Қодирий, Ўткан кунлар. Бошида кўкимтир шоҳидан саллача – дакана, бу дакана Хадича бегимнинг бўйи-қоматини баланд кўрсатар эди. Ойбек, Навоий*⁷.

Бир қарашда, “Ўткан кунлар”дан мисол қилинган парчада даканани “Тошкент ва унинг атрофида” деб бошланувчи юқоридаги таърифга мос, яъни Ўзбек ойимни бошига оқ рўмол ташлаган ҳолда тасаввур қилиш мумкиндек. Бироқ у ҳолда “дакана” деб таъкидлашга зарурат бўлармиди? Шундай “бошида оқ шоҳи рўмол” дейиш кифоя қилмасмиди? Бунинг устига, “дакана” деб номлашнинг ўзида “докадан қилинганлик” маъноси бор, ўзгача ҳолда эса, биз кўраётган эпизоддаги каби, “шоҳи дакана” деб аниқлаштириш зарурати туғилади. Яна бир жиҳати, “бошида оқ шоҳи дакана” билан Ўзбек ойим қудаларни кутишга тайёрланаётган бўлса, унинг хонадонига илк бор қадам қўяётган Кумушнинг бошида ҳам “оқ шоҳи рўймол” эди. Яъни агар қайнона билан келин бошида турлича бош кийими бўлмаса, адиб бирини “оқ шоҳи дакана”, иккинчисини “оқ шоҳи рўймол” деб атармиди? Бизнингчв, йўқ. А.Қодирий ҳам, худди Ойбек каби, “дакана” деганида саллачани назарда тутгани ҳақиқатга яқинроқ. Этнографияга оид манбаларда ҳам XIX асрнинг ўрталарига қадар ўрта ёшли ва кекса аёлларнинг саллача ўрашлари кенгрок

⁵ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3-жилд. – Тошкент, 2002, 174-бет.

⁶ А с о м и д д и н о в а М. Кийим-кечак номлари, 30-бет.

⁷ Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 1-жилд. – Тошкент, 2020, 546-бет.

оммалашгани таъкидланади⁸. “Ўткан кунлар”да эса, маълумки, айти шу давр каламга олинган.

Айтилганлардан келиб чиқилса, “даканани хом ташлаб” бирикмасида “саллачани чала ўралган ҳолда кийиб” қабилидаги маъно кўзда тутилган эмасмикан деган андиша келади. Фикримизча, бу ҳолда чала ўралган салла бошни совуқдан ҳимоя қилиш учун кифоя қила олади, яъни Офтоб ойимнинг февраль ўрталарида “даканани хом ташлаб” айвонда ўтириши ғайритабиий кўринмайди. Албатта, манбалардаги юқоридагича турличалик назарда тутилса, бу фикримиз ҳам тахмин мақомида бўлиб қолади, яъни турличаликни тагин бир даража орттиради, холос.

Эҳтимол, кимгадир муаммони ноўрин кўпиртираётгандек кўринарман, бироқ ҳозирги ўқувчи “дарбозанинг икки буржида алачами, бўзданми узун чопонлар кийиб, бошлариға кулоқчин кўндирган” йигитлар ҳақидаги хабарни кўпроқ “умуман чопон кийган йигитлар” сифатида қабул қилади. Ҳолбуки, юқорида тилга олинганлардан ташқари роман персонажлари яна “кимхоб”, “духоба”, “адрес”, “мовут” ё “Бухоронинг ола байроқ матаси”дан тикилган, ҳуллас, хилма-хил уст кийимларда ўқувчига рўбарў бўлишади. Шунинг эътиборга олинса, асарда тасвирланган бадиий воқеликнинг тўлақонли қайта яралиши учун ўқувчининг, масалан, Азизбекнинг эғнидаги “ёқа ва этакларига олтин уқа тутилган кимхоб тўн”ни, унинг ўнг қўли бўлмиш Райимбек додхоҳ кийган “зангори мовутдан уқалик тўн”ни ёки улардан орқароқда келаётган Юсуфбек ҳожи устидаги “Бухоронинг ола байроқ матасидан” тикилган ва камар боғлаш ўрнига “туғмаланган” чопонни қай даражада аниқ кўз олдига келтира билиши муҳим эканини англаш қийин эмас. Равшанки, асар ёзилган давр ўқувчиси ушбу матолар ва улардан тикилган кийимларни аниқ тасаввур қила билган, яъни ҳар бир персонаж унинг кўз олдига конкрет жонланган. Ҳозирги ўқувчининг тасаввури эса бу каби конкретликлдан йироқ, демак, унинг тасаввуридаги бадиий образ, роман бадиий воқелиги хиралашгандир.

Яна бир жиҳати, портрет деталлари сифатида қаралувчи персонаж кийим-боши характерологик хусусиятга эга. А.Қодирий романдаги кўплаб персонажларни тақдим этаркан, уларнинг кийимлари ҳақида лўнда, лекин ўзида жуда зич информация сақловчи маълумот бериб ўтади. Масалан, дарбозабон ҳақидаги шундай маълумот: “ошланган қўй пўстагидан пўстун кийиб, белига бутун бир бўздан белбоғ боғлаган ва белбоғига ярим газ чамалиқ калид оскан, туркман попоқлик бир киши”. Ушбу кийим дарвозада қоровул мақомида турадиган, вазифаси ҳам уни очиб-ёпишдангина иборат бўлган оддий бир одамга тегишли. Эғнидаги пўстин – “ошланган қўй пўстаги”дан, яъни энг арзон материалдан, шунга мувофиқ равишда ишлари маҳалладан четга чиқмаган қўлбола пўстиндўз томонидан тикилган бўлиб чиқади. Пўстини туғмали ҳам эмас, белига камар ҳам боғланмаган – “бутун бир бўздан белбоғ боғлаган”и унинг мақоми ва моддий имконларини таъкидлаб туради. Шунга ўхшаш, бошидаги “туркман попоғи” ҳам қўлбола, маҳаллий маҳсулот – ошланган қўй терисидан, эҳтимолки, ўша пўстиндўзнинг ўзи тиккан бўлиши ҳақиқатга яқинроқ, зеро, шу ҳолига Хива хонлигидан буюртириб келиши амримаҳол. Ҳуллас, персонаж ўзининг вазифаси – қишнинг аёзида уззукун дарвозада туриши кераклигини ҳисобга олган ҳолда ва ўз имкони даражасида кийинган. Ёки Тошкент мудофиълари

⁸ Қаранг: С о д и қ о в а Н. Ўзбек миллий кийимлари. XIX-XX асрлар. – Тошкент: “Шарк”, 2003, 34-бет.

ифодалаб келади”⁶. Алоҳида таъкидга боис бўлган жиҳат ушбу таърифдаги *ният* тушунчаси айнан ҳозирги вақтда тилни инсон вужуди билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилувчи антропоцентриқ тадқиқ аломатларини зоҳир қилиб турибди. Ҳақиқатан, императивликни юзага келтирувчи омил *ният*дир. Шунинг учун ҳам императивлик турли шаклларда ифода қилина олади. Агар ушбу омил бирламчи бўлмаганда унинг ифода шакллари чекланган бўларди. Шу ўринда, назаримизда, юқоридаги саволларимизнинг бирига бир қадар қониқарли жавоб оламиз: биринчи навбатда, императив инсон табиатиға, буйруқ майли эса тил табиатиға хос тушунчалардир. Қолган ажратувчи белгилар мана шу бош мезон асосида вужудга келади.

Мана шу каби жиҳатларни эътиборга олиб, жаҳон тилшунослигида императивликни функционал-семантик категория сифатида ўрганишга катта эътибор қаратилган. Масалан, А.И.Изотов императивлик функционал-семантик категориясини прагматингвистик феномен сифатида ўрганган⁷. Зеро, прагматика семиотика ва тилшуносликнинг нутқда тил белгиларининг амал қилишини ўрганувчи соҳаси; бошқача айтганда, муайян белгилар тизимини ўзлаштириб, ундан фойдаланувчи субъектларнинг айти шу белгилар тизимига муносабатини ўрганувчи фан тармоғидир. Тилшуносликнинг нутқда тил бирликларининг вазифасини ўрганадиган лингвистик прагматика (прагматингвистика)нинг мақсади “тилни матнда ўрганиш” – ижтимоий-руҳий ва ҳоказо алоқа воситаси сифатида тилни тадқиқ этишдан иборат экан, реклама матнлари бундан ташқарида қолиши мумкин эмас.

Умуман, рус тилшунослигида кейинги даврларда бажарилган сарлавҳасида “императив” (императив), “императивный” (императив), “побуждение” (буйруқ), побудительный (ундов гап), “директив” (буйруқ, кўрсатма), “директивный” (директив) терминлари таркибли 47 та диссертация мавжудлигини кўрамиз⁸. Жумладан, А.В.Бондарко императивликнинг функционал-семантик майдони ва императив вазият тушунчалари устида тадқиқот олиб борган бўлса, В.С.Храковский ва Л.А.Бирюлинлар томонидан таҳлил қилинган буйруқ англатувчи бирликларнинг нутқ актидаги ўрни назарий жиҳатдан асосланган ҳамда истак (*ният*)нинг семантик интерпретацияси (маъновий талқини)га таъсир қилувчи прагматик омиллар санаб берилган⁹.

Эътибор қаратадиган бўлсак, императивлик тадқиқи аслида жамиятда кишилар ўртасида бўладиган ўзаро нутқий акт фаолиятининг жадал ривожига

⁶ Ўзбек тили грамматикаси. II. – Тошкент: “Фан”, 1976, 108-бет.

⁷ И з о т о в А. И. Функционально-семантическая категория императивности в современном чешском языке как прагматингвистический феномен. АДД. – М., 2007.

⁸ <http://db.rulib.com/>

⁹ Типология императивных конструкций. – СПб.: “Наука”, 1992, 301 с.; Б е л я е в а Е.И. Грамматика и прагматика побуждения: английский язык. – Воронеж: Изд-во Воронежск. ун-та, 1992. 167 с.; К р е к и ч Й. Побудительные перформативные высказывания. – Szeged: JgytfKiado, 1993. 241 с.; Б и р ю л и н Л. А. Семантика и прагматика русского императива. – Helsinki, 1994. 229 с.; Х р а к о в с к и й В.С., В о л о д и н А.П. Семантика и типология императива: Русский императив. – Л.: “Наука”, 1986. 270 с.; Б е з я е в а М. Г. Семантика коммуникативного уровня звучащего языка: Волеизъявление и выражение желания говорящего в русском диалоге. – М.: Изд-во Моск. ун-та, 2002, 752 с.

РЕКЛАМА МАТНИДА ИМПЕРАТИВЛИК ИФОДАЛАНИШИНИНГ ПРАГМАЛИНГВИСТИК МАСАЛАЛАРИ

Ўзбек тилшунослигида императивлик тушунчасига нисбатан умумий қараш мавжуд. Шунинг учун ҳам миллий қомусимизда *императив* лотинча *imperativus*, яъни буюрувчи сўздан олиниб, талаб, буйруқ, қонун маъносини англатиши, немис файласуфи И. Кант “Амалий ақлни танқид” (1788) асарида императивни этика тушунчасига киритгани, унга кўра, шахсий принцип (максима)га қарама-қарши ўлароқ, императив ҳаммага мажбурий бўлган расмий ахлоқ-одоб талаби экани қайд этилган¹. Шунингдек, ушбу манбадан императив шартли ва қатъий императивга бўлиниши, шартли (тахминий) императив маълум шарт-шароитлардагина амал қилиши, қатъий императив муқаррарлик (бўлиши кераклик)ни ифода этиши, у юриш-туришда риоя этилиши керак бўлган шакл ва қонидани белгилаб бериши ҳақида маълумотларга эга бўламиз. Шунингдек, ушбу термин А.Ҳожиёвнинг “Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати”дан² жой олмагани, унинг тилшунослик доирасида кенг истеъмолга кирмагани асримиз ибтидосида мазкур термин фаоллашмаганини билдирса ҳам, масала моҳиятига оид ишлар Ш.Сафаров каби олимларимиз тадқиқотларида учрайди³. Қирғиз олими А.Абдулатов диссертациясининг иккинчи боби “Императив когнитив-лингвистик категория сифатида” деб номланиб, унда императив тушунчаси буйруқни англатиб, фалсафа, этика, лингвистика, педагогика ва бошқа соҳаларда ишлатилиши, у, худди шунингдек, диншуносликка оид термин экани ҳам қайд этилади⁴. “Русча-ўзбекча луғат”да бу тушунчага фалсафий термин сифатида қатъий талаб, амр, буйруқ ҳамда грамматик термин сифатида буйруқ майли⁵ деб изоҳ берилган. Шу ўринда “императив лингвистика термини сифатида айнан буйруқ майлини ифодалайдими ёки улар ўртасида муайян маъно фарқи борми, агар бор бўлса нималардан иборат, йўқ бўлса, мутлақ бир хил маъно англатувчи икки терминни қўллашдан мақсад нима?” каби қатор саволларга жавоб топиш керак бўлади.

Бугунга қадар яратилган грамматикага оид дарслик, ўқув қўлланма ва бошқа тип адабиётлар ичида буйруқ гапларга берилган таърифлар ичида “Ўзбек тили грамматикаси”да келтирилган қуйидаги таъриф ўзига хослиги билан эътиборни тортади: “Буйруқ гаплар кишининг хоҳиши, илтимоси, маслаҳати, буйруғи каби турли *ниятларини* (таъкид бизники – К.Ю.)

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 4-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2002, 139-бет.

² Ҳ о ж и е в А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2002.

³ С а ф а р о в Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент, 2008, 213-бет; И с х а к о в а Х. Ф., Н а с и л о в Д. М., С а ф а р о в Ш. С. Повелительные предложения в тюркских языках // Типология императивных конструкций. – СПб, 1992. – С. 106–119; Г у с е в В. Ю. Типология специализированных глагольных форм императива. КД. – М., 2005. – С. 284.

⁴ А б д у л а т о в А. Кыргыз паремияларын когнитивдик-лингвистикалык өңүттө сыпаттоонун айрым проблемалары. – Бишкек, 2008, 10–11-бетлар.

⁵ Русча-ўзбекча луғат. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбек совет энциклопедияси Бош редакцияси, 1983, 388-бет.

сафини айланиб юрган Азизбек аъёнлари орасида Юсуфбек хожининг кийими якқол ажралиб туришини қаранг: “устига Бухоронинг ола байроқ матасидан чопон кийиб, камар ўрнига чопонини тугмалаган, бошига катта салла ўраб, қамчи сопи билан эгарнинг қошига таъя қилган”. Ушбу деталлар аъёндан кўра мулло одамга хос бўлиб, Отабек Зиё шоҳичиникидаги мажлисда у ҳақда айтган гапларни тасдиқлайди. Кийимларнинг одмилиги дарвешнамо, дунёга кўнгил бермаган, эл-юрт ташвиши билан яшаётган одамга хос. Шу ернинг ўзида Тошкент мудофиъларининг таянчи бўлган Райимбек додхонинг уст-боши мана бундай тасвирланган: “зангори мовутдан уқалик тўн кийган, кумуш камарнинг ўнг томонига қилич, сўлига тўфангча қистирган, бошига барра попоқ кийган”. Кўриб турганимиздек, Райимбек додхо ҳарбий одамга хос, уқасини (у ҳақда қуйироқда тўхталамиз) айтмаса, ҳашамсиз, жангга киришга қулай тарзда кийинган: аввало, мовутдан тикилган тўн, кимхоб ёки силлиқ ипак матодан тикилган либосдан фарқли ўлароқ, жанг олиб боришга қулай; попоқ эса бошда мустаҳкам ўрнашиб туради. Кийинишини ҳашамат эмас, зарурат белгилагани додхони иш одами сифатида тавсифлайди. Худди шунингдек кийиниш услуби Мусулмонқулга ҳам хос, у: “Ўратепа чакмани устидан қайиш камар боғлаб, соддагина қилич тақинган, бошига оқ барра попоқ кийган”. Мусулмонқул кўпроқ золим сифатида танилган бўлса-да, унинг хонлик равнақи йўлида кўп куч-ғайрат сарфлагани ҳам эътироф этиладики, кийиниши ҳам шундай ишчан табиатида мос келади. Хусусан, “соддагина қилич тақингани” унинг учун қилич ҳашамат ё савлат эмаслиги, керак бўлса сўқишга киришишга ҳам тайёрлигини кўрсатади.

Сирасини айтганда, ҳозирги ўқувчи хонлик хизматида бўлган ота-боболаримизнинг энгил-бошидан кўра қироллик хизматидаги корейслар ёки халифалик хизматидаги туркларнинг кийимларини яхшироқ тасаввур қилади. Ҳолбуки, хонлик хизматидагилар кийим-боши ҳам ҳар бирининг рутбасига яраша бўлган. Масалан, романда XIX аср ўрталаридаги сипоҳийлар кийими – ҳозирчасига ҳарбий формаси Тошкент қалъасини айланиб юрган Азизбекка ҳамроҳ сипоҳийлар мисолида мана бундай тасвирланган: “... зангор мовутдан тиззагача тушкан калта камзул, қизил мовутдан шим, оёғида сағри этик, бошда Райимбек додхоҳнинг бошидагидек попоқ, аммо уст томони қизил мовутдан, оқ қайишдан камар, сўлига қилич осилиб, ўнг томонига тўфангча қистирилган ҳар қаторда тўрттадан отлик келмакда эдилар”. Бироз кейинроқ, Худоёрхон ўрдасида “Тошкандда кўриб танишқан равишча кийимлик” қилич солиш машқи билан машғул сипоҳларга дуч келамиз. Сипоҳийлар кийими таърифидаги бир муҳим нуктага алоҳида эътибор бериш зарур: уларнинг бошида “Райимбек додхоҳнинг бошидагидек попоқ, аммо уст томони қизил мовутдан”. Райимбек додхо билан Мусулмонқулнинг уст-бошида ҳам умумийлик бор: иккисида ҳам бошида барра попоқ, уст кийими ҳам ҳарб ишига – сўқишга қулай: бирида мовут тўн, иккинчисида чакман. Яъни, бир томондан, кўмондонларнинг попоғи сипоҳлар попоғига ўхшаш (ҳарбий либосдаги умумий жиҳат), иккинчи томондан, уларда кўзга якқол ташланиб (ҳарбийнинг мақомини кўрсатиб) турадиган фарқ ҳам бор. Шунга ўхшаш, сипоҳлар билан додхонинг уст кийими бир хил мато – зангори мовутдан тикилган, додхо тўнининг уқали эканлиги эса унинг даражасини кўрсатиб туради. Булар эса, бизнингча, ҳарбий кийим-бош хонликда муайян тартибга мос ишлаб чиқилгани, тикилгани ва кийилганидан дарак беради. Маълум бўляптики, хоннинг мунтазам қўшини ўзининг соҳага махсус бичимдаги ҳарбий кийимига эга бўлган, афсуски, буни ҳозир кўпчилик ҳаёлига ҳам

келтирмайди. Ҳолбуки, ўқувчи омманинг буни аниқ тасаввур қилиши нафақат “Ўткан кунлар”нинг ўқиши, балки тарихнинг англаниши нуқтаи назаридан ҳам ғоят муҳим. Ўқувчи оммада бу ҳақда визуал тасаввур ҳосил қилиш, жумладан, “Ўткан кунлар” ва бошқа манбалардан фойдаланган ҳолда суратлар ишлаш ва оммалаштириш, айниқса, фильмлар учун тарихий-этнографик жиҳатдан ҳужжатли асосга эга костюмлар бичиб-тикиш зарур.

Дарвоқе, сипоҳлар ва додхоҳ бошидаги “барра попоқ”дан ташқари романда яна бир неча турли бош кийим тилга олинганки, уларни шунчаки эслатиб ўтамиз:

- 1) “кимхоб тўн кийиб, симоби салла ўраган ... бир бек”;
- 2) “бошига симоби шоҳи салла ўраган” (Худоёрхон);
- 3) “туркман попоқлик бир киши”;
- 4) “бошига эски телпак ... кийиб” (Қовок девона);
- 5) “йигит бошидаги қалпоғини қўлига олди-да” (Содик);
- 6) “бошлариға қулоқчин қўндирган ... икки йигит”;
- 7) “саллалик, қалпоқлик ва попоқлик Тошканд мудофиълари”;
- 8) “келинлигидан ўралмай қолган қалмоқи саллачаси” (Ўзбек ойим).

Ҳозирги кун ўқувчиларининг аксариятида мазкур “телпак”, “қалпоқ”, “попоқ”, “қулоқчин” каби сўзлар атаётган бош кийимлар ўзига хос бичими, алоҳида деталлари билан намоён бўлувчи жонли тасаввур йўқ. Шунинг учун ҳам мутолаа жараёнида уларни кўз олдида келтиролмаслиги турган гапки, бу ҳол тўлақонли бадиий образни тасаввур қилишга ҳалал бериши табиий. Айтмоқчимизки, романнинг илк ўқувчилари билан бугунги кун ўқувчилари асар бадиий воқелигини қайта ярата олиш имконлари нуқтаи назаридан бир-биридан кескин фарқланади. Бу эса бизда ҳозирга қадар жиддий эътибор ва аҳамият бермай келинаётган рецептив муаммодир. Фикримизча, бу муаммо илдизларини маданий-маърифий ҳаётимиздаги кемтиклардан излаш керак. Тўғри, мустақилликка эришганимиздан бери тарихни ўрганишга эътибор ниҳоятда кучайгани ҳаммага маълум. Бироқ бунда, таълим тизими мисолида қарасак, диққат марказида кўпроқ тарихий воқеалар, шахслар тургани ҳолда, миллий маданият, миллий турмуш тарзини тарихий аспектда ўргатишга кам эътибор қаратилаётгани ҳам сир эмас. Иккинчи муҳим жиҳати, кино ва телевидениеда тарихий мавзудаги асарларни суратга олишда тасвирланаётган даврга хос турмуш тарзи, кийим-бош, урф-одат каби муҳим деталларни аслига монанд акс этириш ҳануз қатъий қоидага айланганича йўқ. Фильмлар, турли кўрсатувларда тарихий ўтмиш билан боғлиқ деталлар муаллифлар билганча ва харажатлар сметаси имкон берган даражада акс этирилади. Масалан, 1997 йилда суратга олинган “Ўткан кунлар” фильмида романда айтилган “ҳар қаторда тўрттадан отлик” бўлиб Азизбек ортидан келаётган сипоҳийлар умуман йўқ. Йўқ, бу ўринда кино ижодкорларини айблаш тўғри бўлмайди. Буни англаш учун бисотимиздаги ҳаминқадар арифметик билим етарли: ҳар қаторида тўрттадан отлик бўлиб келаётган сипоҳийлар сафи ҳеч бўлмаса ўнта бўлганда ҳам, қирқ кишига либос тиктириш керак бўлади, бу эса – харажат, харажат бўлганда ҳам озмунча эмас. Юқорида кўрдикки, хон хизматидаги ҳарбийлар оддий сипоҳийсидан тортиб мингбоши қадар барра попоқ кийган эди. Фильмда эса Мусулмонқул мингбоши сувсар қулоқчин кийган ҳолда гавдаланадики, натижада романдаги тасвир туфайли эришилган самара буткул йўққа чиқади. Ёки, ёзувчи Юсуфбек ҳожининг мулланамо кийинишини таъкидлаган бўлса, фильмда Азизбек ҳузурига чақиртирилган хожи эрталабдан уқали ва орқасига ҳам заррин гул тикилган чопонда бўлади.

*ит йиқилиш бўлиб, пойга бетда ётар эди. П қовушиш, интим муносабат: Барчин ҳам канизларига кулиб ўтирибди: – бий бобомнинг ўғли тушимга кирибди ... пок бўлмаса, ит йиқилиш бўлайлик, деб қопмиз*¹⁸.

Корсон. I катта товоқ: ... қўнғирот элининг одамиман деганини жийиб, шўрвасига тўйиб, гўштини корсонга соп ... II. от анжоми, эгарнинг орқа томони:

*Бисмилло, деб солди отнинг устига,
Тилло корсон, қоши олтин эгарни*¹⁹.

Таҳлиллар натижасида терминологик омонимияни юзага келтирувчи омил сифатида кўп маъноли сўзларнинг маънолари ўртасидаги боғлиқликнинг узилиши ва терминлаштишни қайд қилиш мумкин.

Терминологик система, ўз навбатида, ички мавзуий гуруҳларга бўлинувчи, мазкур майдонлар ва уларнинг элементлари ўртасида турли парадигматик муносабатлар мавжуд бўлган очик, барқарор, мустақил, айни вақтда тилга нисбатан микро, ўз семантик гуруҳларига нисбатан макросистемадир. Ҳеч бир соҳа мутлақ дахлсизликда тараққий эта олмайди. Зеро, жамиятдаги ҳар бир жабҳа вертикал ва горизонтал йўналишда ўзаро бириккан яхлит ижтимоий система занжири таркибидаги бир бўғиндир. Демакки, ҳар қандай соҳа терминологияси ҳам ушбу ижтимоий системани инъикос этирувчи лисоний система занжиридаги бир бўғин сифатида бошқа соҳалар терминологияси билан параллель равишда тараққий этади, улар билан муайян муносабатларга киришади. Баъзан эса бу муносабат шу қадар жипслашиб кетадики, айрим терминларнинг бир нечта соҳа доирасида бирдек фаоллигини кузатиш мумкин. Мазкур ҳолатни қуйидагича изоҳлаш мумкин. Агар юқорида таъкидлаб ўтган лисоний система занжирини ўргимчак тўри деб фараз қилсак, кўп функцияларни бажара олувчи универсал терминлар тўрлар кесишган нуқтада вужудга келадиган соҳавий терминологияларнинг шаффоф чегарасида жойлашади ва улар узра ўтувчи барча соҳаларда ахборот сақловчи ва ташувчи бирлик сифатида фаол бўлади²⁰.

РЕЗЮМЕ. Мақолада ўзбек фольклори терминологияси мустаҳкам миллий тил илдизларига эга ва айни вақтда дунё ҳамжамияти таъсирида хорижий тиллардан сўз ўзлаштириш ҳисобига тараққий этаётган система сифатида олиб қаралади.

РЕЗЮМЕ. В статье терминология узбекского фольклора рассматривается как система, имеющая сильные национальные языковые корни и в то же время как система, которая развивается за счет заимствования слов из иностранных языков под воздействием мирового сообщества.

RESUME. The terminology of Uzbek folklore has strong national language roots and at the same time is a system that is developing under the influence of the world community through the acquisition of words from foreign languages.

Таянч сўз ва иборалар: фольклор, фольклор терминлари, сўз ясалиш усуллари, ички манбалар.

Ключевые слова и выражения: фольклор, фольклорные термины, способы словообразования, внутренние источники

Key words and word expressions: folklore, folklore terms, word formation methods, internal sources.

¹⁸ Алпомиш достонининг изоҳли луғати, 46-бет.

¹⁹ Ўша луғат, 52-бет.

²⁰ Ш и р и н о в а Е. Ўзбек тили банк-молия терминологияси. Филол. фанлари бўйича фалс. Докт. (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2019, 88-бет.

нарсага ярамади), **жапс** (1. жипс, зич; 2. муносиб, маъкул келмоқ) каби терминлар ҳам кўп маънода ишлатилган.

Ўзбек фольклори терминларида гипонимия. Турли соҳа терминологияси тилнинг лексик қатламлари сингари очиқ система ҳисобланиб, унда гипер-гипонимик, партономик, градуономик муносабатлар ўз аксини топган¹³. Терминологик система элементлари орасида гипер-гипонимик муносабатидан фольклор терминлари ҳам мустасно эмас. Ўзбек фольклори терминологиясидаги гипер-гипонимик муносабат қуйидаги мисолларда акс этади:

Инсонларнинг олам, табиат ҳодисалари ва ижтимоий ҳаёт хусусидаги қадимий фантастик тушунчаларини ўзида акс эттирган миф – гипероними ўз ичида қуйидаги гипонимларга бўлинади. 1) **ибтидо ҳақидаги мифлар**; 2) **самовий мифлар**; 3) **антропогеник мифлар**; 4) **культ мифлари**; 5) **тотемистик мифлар**; 7) **ўлиб-тирилувчи табиат культлари ҳақидаги мифлар**; 8) **анимистик мифлар**; 9) **манистик мифлар**; 10) **дуалистик мифлар**; 11) **эсхатологик мифлар**. Лингвистик адабиётларда формал-семантик ҳамда хусусий семантик гипонимик алоқалар ажратилади. Фольклор терминларининг таҳлили мазкур соҳа терминлари орасида асосан формал-семантик гипонимик алоқа мавжудлигини кўрсатди.

Ўзбек фольклори терминларида партономия. Партономия тилда холо-меронимик, яъни бутун-бўлак муносабатини реаллаштирувчи ҳодиса саналиб, у тилнинг лексик-семантик сатҳи, айниқса, терминологик системасида яққол намоён бўлади¹⁴. Ўзбек фольклор терминологиясида ушбу муносабат қуйидаги терминларнинг ўзаро бўлак-қисм муносабатида ойдинлашади. *Халқ оғзаки ижодининг лирик тури* – холоним; *айтишув, мадҳия, лапар, мавриги, терма, айтимчилик (марсия), ё рамазон, қўшиқлар, болалар фольклори* – меронимлардир.

Ўзбек фольклори терминларида градуономия. Лексик-семантик сатҳда кенг ифодасини топган градуономик муносабатлар терминлар системасида ҳам тез-тез воқеланади¹⁵. Жумладан, ушбу муносабат **борса келар – борса гумон – борса келмас** каби воқеалар ривож, хавфини даражалаб кўрсатувчи терминларда яққол намоён бўлади.

Ўзбек фольклори терминларида омонимия. Тилшуносликда лексемалар ўртасида шакл муносабатига кўра амал қилувчи ҳодисалардан бири омонимиядир. Т.Б.Назарова ўз тадқиқотларида омонимларни шакллантирувчи иккита манбани кўрсатиб ўтади: а) турли тил бирликларининг талаффузда ўзаро мос келиб қолиши; б) қачондир бир сўз таркибида мавжуд бўлган кўп маънолилиқнинг йўқолиши (маъно боғлиқлик занжирининг узилиши) натижасида юзага келган шаклий ўхшашлик¹⁶. Ч.Абдуллаеванинг таъкидлашича, “...бир терминологик майдонда термин омонимларининг бўлиши мумкин эмас”¹⁷. Ўзбек фольклори терминологиясида омоним терминлар жуда кам сонни ташкил этади. Қуйидаги сўзларда ушбу муносабатни кузатиш мумкин.

Ит йиқилиш. I дуч келган жойда думалаб ётиш, оёқнинг тагида ўралашиш: *Мажлис кун бўлса, тўрдан жой тегмай, пиёладан чой тегмай ...*

¹³ Д а д а б о е в Х. Ўзбек терминологияси. – Тошкент, 2019, 118-бет.

¹⁴ Ўша лугат, 86-бет.

¹⁵ Ўша ерда.

¹⁶ Қаранг. Н а з а р о в а Т.Б. Филология и семиотика. Современный английский язык. – М.: “Высшая школа”, 1994. – С. 52.

¹⁷ Қаранг. А б д у л л а е в Ч.С. Русско-узбекские параллели в современной экономической терминологии. – С.90.

Ҳолбуки, Юсуфбек ҳожи тунни ўғлининг бошига келган балодан беҳад кўрқуву ташвишда, уни қутқаришга ожизлигидан эзилиб-ўртаниб ўтказган. Бунинг устига, сизга қандай билмадим-у, камина эл-юрт ташвишида яшаган Юсуфбек ҳожининг шаҳар аҳли ғоят оғир кун кечириётган бир пайтда зар чопон кийишни ўзига эп кўришига ишона олмайман. Хуллас, кийим-бошга эътибор берилмаслиги оқибатида бадий ҳақиқатга ҳам, тарихий ҳақиқатга ҳам путур етади, анахронизм ҳолатлари юзага келади.

Шунча гапдан кейин “Хўш, нима қилмоқ керак?” деган саволнинг ўртага тушиши турган гапки, шу ҳақда ҳам икки оғиз. Аввало, “Ўткан кунлар” билан бевосита боғлиқ ҳолда. Романни қабул қилишдаги мавжуд ҳолнинг ечими битта – юқорида кўриб ўтилган каби ўринларини муфассал изоҳлар билан таъминлаш, токи ўқувчи уларни кўз олдига келтира билсин. Албатта, изоҳлар ўзбек миллий либослари тарихи бўйича мутахассислашган этнографлар томонидан тайёрланиши керак. Агар либос номларига ёзилган изоҳларга иллюстрациялар ҳам ишланса, нур устига аъло нур бўлади. Худди шундай муфассал изоҳлар романда тасвирланган давр ҳаёти билан боғлиқ бошқа деталлар (иморатлар, нарса-буюмлар, одатлар ва б.)га ҳам берилиши керак. Зеро, биз кийим-бош мисолида билдирган фикр-мулоҳазалар уларга ҳам тўла тааллуқлидир. Хуллас, “Ўткан кунлар”нинг шундай изоҳ ва шарҳлар билан таъминлаган катта тираждаги нашрларини амалга ошириш керак бўлади. Шоядки, “Ўткан кунлар” шундай нашрлар туркумини бошлаб берса, сабаби ҳозирда бундай туркумга ўткир эҳтиёж етилган. Сизган бўлсангиз, бу ўринда руслар бир пайтлар чоп эттирган “Мақтаб кутубхонаси” туркумининг бугунги кунимиз талаб ва имконлари даражасида такомиллашган кўриниши назарда тутилмоқда.

Масалани ҳал қилишнинг иккинчи муҳим йўналиши оммага тақдим этилаётган тарихий мавзудаги визуал маҳсулот билан боғлиқ. Ҳозирда визуал информациянинг тарқалиш кўлами ва тезлиги эътиборга олинса, аҳамияти жиҳатидан бу йўналишнинг қанчалик муҳимлигини тасаввур қилиш кийин эмас. Бизнингча, энг аввал тарихий ўтмишимизнинг ҳар бир босқичи ҳақида тарихчи, этнограф мутахассислар иштирокида илмий асосланган тасаввурни ишлаб чиқиш, оммага тақдим этилажак визуал материалларда декорация ва костюмлар шунга қатъий мувофиқ тарзда тайёрланишини белгилаб қўйиш керак бўлади. Шу йўл билан тарихимиз ҳақида ўқувчи оммага жонли, деталлаштирилган тасаввур ҳосил қила олсак, тарихий асарлар мутолаасидан олинажак самара ҳам, ҳеч шубҳасиз, ортади.

РЕЗЮМЕ. Мақолада Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романининг ҳозирги кундаги ўқилиши ва ўқилиши билан боғлиқ муаммолар асар қаҳрамонларининг ўша даврдаги кийим-бошлари номларини ойдинлаштириш мисолида таҳлил доирасига тортилади.

РЕЗЮМЕ. В статье анализируются проблемы, связанные с чтением и осмыслением романа Абдуллы Кадыри «Минувшие дни» в настоящее время на примере освещения названий одежды персонажей романа.

RESUME. The article analyzes the problems associated with the current reading and reading of Abdullah Kadiri's novel "The Days gone by" on the example of clarifying the names of the clothes of the heroes of that time.

Таянч сўз ва иборалар: Абдулла Қодирий, “Ўткан кунлар”, роман, қаҳрамон, портрет, деталь, кийим-кечак номлари, изоҳ.

Ключевые слова и выражения: Абдулла Кадыри, «Минувшие дни», роман, герой, портрет, деталь, названия одежды, комментарий.

Key words and word expressions: Abdullah Kadiri, "The Days gone by", novel, hero, portrait, detail, names of clothes, commentary.

АБДУЛЛА ОРИПОВНИНГ ИЛК ЛИРИКАСИДА
РАМЗИЙ-МЕТАФОРИК ОБРАЗЛАР

Ҳар бир давр шеърятининг бетакдорлигини белгилайдиган қатор хусусиятлар мавжуд. Ана шу ўзига хос жиҳатлар кўпроқ лирик қаҳрамон ва эстетик идеал ҳамда поэтик конфликт ва бадий ифода воситалари моҳиятида бўртиб акс этади. Аёнки, ҳар қандай адабий қаҳрамон ва идеал ўзлигини, табиий равишда, бадий конфликт ва ифода воситалари орқали намоён қилади. Демак, муайян давр шеърятининг ғоявий-фалсафий асосларини ва эстетик пафосини тўғри аниқлаш учун биринчи галда бадий конфликт ва инъикос усулига эътиборни қаратиш маъқулроқдир. Худди мана шу нуқтаи назардан олтмишинчи йиллар шоирлари авлоди ижодига ёндашсак, янги лирик қаҳрамоннинг мавжуд воқеликка ўзгача муносабати ҳамда ушбу авлод шеърятини поэтик конфликт ва талкин йўриғининг ўзига хослиги назардиққатни жалб этади. Мазкур муаммоларга аниқлик киритмасдан, уларни илмий жиҳатдан чуқур ёритмасдан туриб, 60-йиллар ёшлар шеърятини ва умуман ўша қаламкашлар плеядаси изланишлари ҳақида узил-кесил фикр айтиш қийин. Айниқса, сўз санъатимизга том маънода янгича назар ва нафас билан кириб келган улкан санъаткоримиз Абдулла Ориповнинг илк лирикаси бу жиҳатдан мушоҳада юритиш ва кузатишлар учун бебаҳо бой манбадир. Дастлабки шеърлариданоқ шоир ижодида ўша йилларда конфликтсизлик иллатларидан зада ва безор бўлган адабиётимиз учун бутунлай янги мазмунли бир конфликт – лирик қаҳрамон идеалига уйғун инсон ва шу идеалдан йироқ одамлар, яъни лирик “мен” билан муайян бир доира, гуруҳ, аниқ муҳит ўртасидаги бадий зиддият намоён бўла бошлади. Бу нарса шеърятимиз билан бирга, умуман, сўз санъатимизнинг инсонни тушуниши ва қамраб олишида, ҳақиқат томон дадил юз буришда, қолаверса, ҳаёт ҳақиқатларининг бадий ҳақиқатларга айланиши жараёнида олдинги ташланган жуда катта кадам эди. Бадий тафаккурнинг реал заминга, инсонга ва ҳаётини муносабатларга яқинлашишида, айтиш мумкинки, кескин бир бурилиш эди.

Мавжуд воқеликни теран таҳлил қилишга мойиллик шеърятни ижтимоий муносабатларнинг янги ва ҳозиргача номаълум бўлиб қолган қирраларини очишга, кашф этишга етаклади. Лирик қаҳрамоннинг ҳаётга ўзига хос нигоҳи унинг ўз муҳитидан, замондошлари турмушидан нималарни излаши, топиши ва қайси чигалликларга, жумбоқларга эътиборни қаратиши билан характерланади. Шоир табиятан ижтимоий реалликдаги ўз бадий идеалига мос келмаган ёки қарама-қарши бўлган ҳолат ва жараёнларни кўришга ва кўрсатишга ўч бўлади. У ўз ичида ва руҳий оламида фақат сўз, санъат одамларигагина хос инжиқ бир ҳассослик билан теварақдаги номутаносибликларни, нарсаларнинг мавжуд номукамал тартибини, дунёнинг идеалга номуносиб, интизомсиз тизимини акс эттиришга узлуксиз бир эҳтиёж сезади. Чинакам поэзия шу асосий вазифани турли йўллар, хилма-хил усуллар воситасида, жумладан, ўз ғоя ва идеали ташувчиси рамзи бўлган

ганг бўлмоқ (айн. гангимоқ), *тараф* (душман, ганим) – *хасм* (рақиб, ганим, душман)⁸ каби терминлар ҳам синонимик жуфтликни ҳосил қилади. Терминларга хос бир маънолик, синонимларнинг мавжуд бўлмаслиги каби ўзига хос белгилар маълум маънода интилиш лозим бўлган етакчи тенденция, қандайдир идеал, реал мавжуд терминлар эса табиий тилнинг лексемалари сингари кўп маъноликка, синонимларга ва бошқа хусусиятларга эга бўлиши мумкин.

Ўзбек фольклори терминларида антонимия. Антонимия тушунчаларо муносабат бўлганлиги учун лексема ва терминга тааллуқли. Шунинг алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, айрим тилшунослар талқинида антонимия ҳодисаси терминологияни система сифатида белгиловчи омилардан биридир⁹. Ўзбек фольклорида антонимия ҳодисаси қуйидаги бирликларда кўзга ташланади: **Бодпо(й)** (елиб тез юрадиган, учкур, чопқир (от, туя) – **ёби** (насли паст, хашаки от)¹⁰, **наҳ урмоқ** (ёмонлаб қадрини пастга урмоқ, ерга урмоқ, камситмоқ) – **алқамоқ** (мақтамоқ), **тулки** – **бўри**, **хўйя**, **(хўйя-хўй)** (ота томонидан айтиладиган алла) – **алла** (она томонидан айтиладиган алла), **борса келмас** (борган одам қайтиб кела олмайдиган, жуда хатарли афсонавий жой) – **борса келар** (борган одам қайтиб кела оладиган афсонавий жой). Антонимия ҳодисаси инсон ижтимоий ва ақлий фаолияти натижаси сифатида тил бирликлари орасидаги энг фаол муносабатлардан биридир.

Ўзбек фольклори терминларида полисемия. Биргина терминнинг бир нечта маънога эга бўлишини айни вақтда терминологик системанинг интенсив ривожини билан изоҳлаш мумкин. С.Усмонов “Термин ҳамма вақт – гапда ҳам, гапдан ташқарида ҳам бир маъноли бўлади. Унинг бир маъноли бўлиши маълум фан ёки махсус соҳадагина қўлланиш хусусияти орқали юзага келади”¹¹ деган фикрни қайд этади. Лекин соҳага оид бир қанча луғатларда, жумладан “Алпомиш достонининг изоҳли луғати”да кўриш мумкинки, бир қанча соф фольклор терминлари умумий интеграл сема остида бир қанча маънолар англатиб келган. Жумладан,

Анг – 1. Овланадиган ёввойи ҳайвонлар, мавжудотлар:

*Кўрмайсанми жониворнинг тангини,
Мерганлар овлайди қўлнинг зангини.*

2. Онг, содда.

*Бул бекларни эргаштириб жўнади,
Анг ўзбеклар била кетиб боради*¹².

Шунга ўхшаш характердаги полисемантик терминларни мисол тариқасида жуда кўп келтириш мумкин. Шунингдек, **бой** (1. бадавлат киши; 2. эр, турмуш ўртоқ), **бўлмоқ** (1. бирга бўлмоқ; 2. урушмоқ), **гачча** (1. ғалча, ўзга тилни, гапни тушунмайдиган; 2. ғаним, рақиб), **гўр** (1. қабр; 2. ҳеч бир

⁸ Ўша луғат; Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1–5-жилдлар. – Тошкент, 2020.

⁹ Қаранг. Ш е т л е Т.В. Англоязычная терминология банковского дела в языковой системе и речевой практике. ҚД. – М., 2010. – С. 106.

¹⁰ Алпомиш достонининг изоҳли луғати. Т.Мирзаев ва б. – Тошкент: “Элмус-Пресс-медиа”, 2007, 10-бет

¹¹ У с м о н о в С. Ўзбек терминологиясининг баъзи масалалари. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1968, 7-бет.

¹² Алпомиш достонининг изоҳли луғати, 10-бет.

Нигора БОЙНАЗАРОВА

ФОЛЬКЛОР ТЕРМИНЛАРИ ЎРТАСИДАГИ СЕМАНТИК МУНОСАБАТЛАР

Тил системалари таркибидаги моддий-коммуникатив бирликлар муайян қоидалар асосида ўзаро зарурий алоқага, муносабатга киришадилар, муайян гуруҳларни (парадигмаларни) тузадилар, нутқ бирликлари – ҳосилаларини яратадилар. Бу алоқа, муносабатлар мутлақо мантиқий, объектив, ижтимоий бўлиб, икки йўналишда – парадигматик ва синтагматик боғланишларда кузатилади, реаллашади, ушбу аспектларда тадқиқ ва таҳлил қилинади, ўрганилади¹. Парадигматика тил бирликлари тил системасининг элементлари ҳамда структурал бирликларнинг жами сифатида текшириш аспектидир². Парадигматик муносабатлар терминологияда ҳам кузатилади. Фольклор терминлари ўртасида кузатиладиган синонимия, антонимия, полисемия каби ҳодисаларда ҳам маълум маънода парадигматик муносабат мавжуд. Қуйида ана шу лисоний ҳодисаларнинг фольклор терминларида намоён бўлишини кўриб чиқамиз.

Ўзбек фольклори терминларида синонимия. А.А.Реформатский синонимлар сирасига бир предметни айни вақтда ўша предметнинг турли хусусиятларини ёритиб берувчи турли тушунчалар билан номловчи сўзларни киритади³. Мазкур таъриф лексемаларда амал қилса-да, терминологияда ҳам шундай, дейиш мушкул. Чунончи, терминологияда синонимлар бир предмет ва тушунчаларни ифодалаши билан ўзаро мос келади, бироқ ҳар доим ҳам унинг айрим хусусиятларини ифодаламайди⁴. В.П.Даниленко терминологияда синонимларнинг пайдо бўлиш сабабларини терминларни шакллантирувчи манбаларнинг хилма-хиллигида деб билади⁵. Ушбу фикрнинг бевосита исботи сифатида **айтимчилик** ва **марсия** терминларини мисол тариқасида келтириш мумкин. **Марсия** сўзи араб тилидан ўзлашган бўлиб, унинг ўзбек тилидаги соф ўзбекча варианты **айтимчилик**дир.

Марсия – арабча мотам шеъри. Бирор шахснинг вафоти муносабати билан унинг хотирасига бағишлаб ёзилган мотам шеъри. Фольклор жанрларидан бири⁶. **Айтимчилик** – айн. **марсия**. Хоразмда тарқалган мотам кўшиқларининг номи⁷. Кўринадики, **айтимчилик** ва **марсия** терминларига турли луғатларда берилган изоҳлар ифода услуби жиҳатидангина фарқ қилади, мазмунан эса деярли тенг. Шунингдек, **эртақ**, **ушук** (Бухородаги номи), **матал** (Сурхон, Самарқанд, Фарғонадаги номи), **варсаки** (Хоразмдаги номи), **чўпчак** (Тошкент вилоятидаги номи) терминлари ҳам ўзаро бир синонимик қаторни ташкил этади. Қолаверса, **халқ оғзаки ижоди** – **фольклор**, **магия** – **сехр-жоду**, **ангда қолди** (*сезмай қолди, англамай қолди*) –

образлар, яъни идеал-образлар ёки рамз-образларнинг ҳаёт тарзини, тақдири ва моҳиятини реал тасвирлаш, ҳаққоний гавдалантириш орқали бажаради.

А.Орипов шеърини адабиётимизда, бутун собиқ шўро адабиётида бўлганидай, узоқ вақт ҳукмронлик қилган конфликтсизлик “назарияси” ва иллатларига тубдан қарама-қарши бир қудратли эстетик ҳодиса, яъни кучли бадий акс муносабат сифатида рўёбга чиққанди. Айни шу боис ижодининг бошланғичида шоирни ҳаётдаги қарама-қаршиликларни кузатиш ва кўрсатиш кўпроқ қизиқтиради. Муаллиф воқеликдан олган ва танлаган конкрет, таъсирчан зиддиятларни маҳорат билан умумлашган поэтик контрастларга ўгиради, шулар орқали ҳаётнинг табиий ва мураккаб образини яратишга интилади. Бунда шоир қарши тарафларнинг, ижобий ва салбий қутбларнинг ўзаро муносабатига махсус урғу беради. Уларни умумлашма номлар билан аташ ва рамзлаштириш орқали поэтик маъно қамровини кенгайтиришга эришади. Унинг олтмишинчи йиллар бошларида битилган “Гиёҳ”, “Булоқ”, “Булут”, “Милтирайди митти юлдуз”, “Бургут”, “Дорбоз” сингари рамзий мундарижали шеърлари ва айни номдаги машҳур рамзий образлари шу тариқа вужудга келганди.

Жажжигина “Гиёҳ” шеърида ғоят таъсирчан бир манзара чизилган: “Улуғвор бир қудрат билан чайқалади чўнг денгиз. Қанча оғир харсанг тошлар тубда унга чўккан тиз. Аммо мўъжаз, нозик гиёҳ ўша тубсиз ўлкада кўкка ўсар, ҳа, денгизни кўтарганча елкада”. Мазкур мисраларда инсон умрининг меҳнат ва машаққатлардан иборат эканлигига кучли бир ишора бор. Шоир ҳаётнинг маъносини очиш ва аниқ гавдалантириш учун ажойиб ҳамда қутилмаган бир ҳолат танлаган. Илк қарашда шеърдаги фавқуллодда тазод сал нотабиийроқ туюлади: не-не улкан тоғлар, азим қоялару “харсанг тошлар”ни бўйсундирган баҳри муҳит, тубсиз ўлка ва ўжар, мағрур, руҳан енгилмас, ўз кучига ишонган нозик ва нафис бир гиёҳ!.. Қарама-қарши кучларнинг моҳияти ва нисбатига эътибор беринг; ҳа, бу ҳайратомуз тазод беихтиёр қалбингизни энтиктиради – улуғвор денгиз ва мўъжаз гиёҳни узоқ вақт унутиб бўлмайд. Бироқ бу – шеърдаги ягона конфликт эмас. Унда яна бир бадий зиддият мавжуд. Бу конфликтнинг қарши қутбларини эса денгизни ўз зариф елкаларида кўтарганча кўкка, юксакликка бўй чўзаётган гиёҳ ва ўша тубсиз ўлкада “тиз чўкиб, тақдирга тан бериб ётган” оғир харсанг тошлар” ташкил этишади.

Агар таъбир жоиз бўлса, ушбу “иккиёклама” конфликт шеърдаги марказий образ қирраларини очишга ёрдам берган. Хусусан, гиёҳнинг ҳаёт тарзи ва яшаш фалсафаси билан ижодкор табиати, интилишлари ўртасида қандайдир теран бир уйғунлик бор. Денгиз тубларидан осмонга, ёруғликка сари интилаётган гиёҳ тасвирида йўл бошида турган ёш қаламкаш қисматига ишора борлигига шак-шубҳа йўқ. Табиийки, у билан бевосита муаллифнинг тақдири орасида ҳам рамзий эшлик ва ҳамоҳанглик бўртиб назарга ташланади. Дарҳақиқат, мўъжазгина ва эркесвар гиёҳ ёш шоирнинг умид ва орзуларини ўзида мужассам этувчи тўнгич рамзий образлардан бири сифатида туғилганди.

¹ Р а с у л о в Р. Умумий тилшунослик. – Тошкент: “Фан ва технология”, 2007, 238-бет.

² А х м а н о в а О.С. Словарь лингвистических терминов. – М., 1969. – С. 310.

³ Р е ф о р м а т с к и й А.А. Введение в языковедение. – М.: “Просвещение”, 1967. – С. 91.

⁴ А б д у л л а е в а Ч.С. Русско-узбекские параллели в современной экономической терминологии. ҚД.. – Тошкент, 2000. – С.77.

⁵ Д а н и л е н к о В.П. Русская терминология. Опыт лингвистического описания. – М.: “Наука”, 1977. – С. 73.

⁶ Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 2-жилд. – Тошкент, 2020, 547–548-бетлар.

⁷ Р ў з и м б о е в С., Р ў з м е т о в Х. Фольклор атамалари қисқача луғати. – Урганч, 2007, 5-бет

Бадий ижодда табиийлик ва самимиятни белгиловчи бир қанча жиҳатлар мавжуд. Шулардан бири, эҳтимол, энг ишончлиси, муаллифнинг асарлари, қаҳрамонлари билан унинг ўз ҳаёт йўли ва таржимаи ҳолининг ўзаро чамбарчас боғлиқлигидир. Айниқса, шеърятда бундай узвий алоқа ва жондошлик бекиёс аҳамият касб этади. А.Ориповнинг бутун шеърятда худди шундай яқинлик сезилади. Шоирнинг дастлабки тажрибаларидан бири – “Булоқ”да ҳам ўша узвий оҳангдошликни кузатиш мумкин: *Қутлуг бир саҳарда кўз очди булоқ, Йўл солди дарёлар сари адашиб. Унга раҳм этмоқчи одамлар шу чоғ Тоғу тошлар аро яқин йўл очиб. Одамлар, тегмангиз, майли, тошсин у. Майлига, тоғни ҳам кўрсин йўлида. Кўйинг, ўз йўлини ўзи очсин у, Завқланолсин у ҳам кураш сўнгида.* Ҳақиқатан ҳам, эндигина кўз очган янги булоқ билан буюк ҳаёт остонасида турган ёш қаламкашнинг ҳолат-вазиятларида табиий бир ўхшашлик бор. Ҳар иккаласининг олдида турган энг муҳим вазифа бу – ҳаётда ўзига йўл очиш. Мақсадга етиш учун эса қанчадан-қанча йўлларни босиб ўтиш, довлонлардан, тоғу тошлардан ошиб ўтиш зарур. Ихчамгина воқеабанд шеърнинг замиридаги фикр – рамзий маъноси шундан иборатки, ҳаёт асло роҳат-фароғат эмас, аксинча, меҳнату азобларга тўла синов майдонидир. Умрнинг маъноси – ҳаётнинг сирли ҳикматлари ўша заҳмат ва уқубатларни ўз гарданида синаб кўришда, бевосита кўриш-кечиришдадир. Айни шу сабабли муаллиф ёш булоққа “раҳм этмоқчи одамлар”га “Кўйинг, ўз йўлини ўзи очсин у, Завқланолсин у ҳам кўриш сўнгида” дея эътироз билдиради. Булоқда ҳам биринчи, асосий қарама-қаршилик булоқ билан тоғу тошлар, иккинчи нисбатан пассивроқ зиддият эса булоқ ва “раҳмдил” одамлар ўртасида мавжуд. Аён бўладики, шеърдаги булоқ – бу рамзий образ. Бу образ замирида ҳаёт ҳақидаги безовта, беҳаловат ўйлар ётибди. Шоир инсон ва унинг мураккаб ҳаёт йўли тўғрисида фикр юритади. Шеър бизга бераётган муҳим сабоқ эса шуки, инсон туғилганидан, дунёга кўз очганидаёқ тўғри тарбияланиши, ёлғон-яшиқ тасаввурлар билан эмас, ҳаққоний қаноат ва ишончларга суянган ҳолда катта катта ҳаёт остонасидан ҳатлаши керак. Зеро, нореал умид ва орзулар, алдамчи ва хом ҳаёллар оғушида ҳаётга қадам қўйиш инсонга изтироб ва кулфатлар келтириши муқаррардир.

А.Ориповнинг “Булут” ва “Милтирайди митти юлдуз” шеърларида янада мураккаброқ ва фожиалироқ қисматлар, айни чоғда, аёвсизроқ зиддиятлар ёритилган. “Булут”да адашиб изтироблари, алданиш оқибатлари ҳаққоний очиб берилган: *Тиниқ кўл бағридан нарча оқ булут Сузиб чиқди бир вақт мовий осмонга Шамол қанотида йўл олди хушнуд Ошёнидан узоқ-узоқ томонга... Қайларга шошарди?! Билмас эди у Ошиб ўтди чўллар, тоғлардан йироқ. Ва бир кун кезишлар жонга тегди-ю, Қайтмоқ бўлди шунда ортига, бироқ, Бироқ ... йўл бермади шамоллар ҳайдаб Йиглаб битди булут, сел бўлди кўз ёш. Сўнг ирмоқ бўлди-ю, билмайди қайда... Маконин ахтариб олиб кетди бош.* Ушбу трагик-лирик киссадан қандай ибратомуз хулосалар чиқариш мумкин? “Булут”да, табиийки, ўз даври нуқтаи назаридан қайси муҳим ва янги қарашлар олға сурилган? “Шамол қанотида ошёнидан узоқ-узоқларга йўл олган, аммо қайларга шошилганини билмай, чўллар, тоғлардан ўтиб,

оид дарслик ва луғатларда ҳам кўплаб учратамиз. Масалан, “маскировка” сўзи “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “... *ҳарб.* Қўшинлар ва ҳарбий иншоотларни душман кўзидан паналаш, кўринмайдиган, билинмайдиган қилиб яшириш ва шу йўл билан душманни алдаш...” тарзида ҳарбий соҳа термини сифатида изоҳланган⁵. Бошқа манбаларда “маскировка” айнан “ниқоблаш” деб номланиб, телекоммуникация термини сифатида изоҳланади: “Ниқоблаш (маскировка) – ахборотлари криптографик йўл билан яшириб ҳимоялаш усули. Ҳимоялашнинг бу усули чет элларда ахборотларга ишлов беришда ҳам, сақлашда ҳам, шунингдек, дискетларда ҳам бирдек кенг қўлланилади. Ахборотларни алоқа каналлари бўйича узоқ (катта) масофаларга узатишда бу энг ишончли усулдир”⁶. “Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли луғати”да эса мазкур сўз “1 Ваколатсиз субъект томонидан тизим ёки объектдан фойдаланиш ёки бошқа ҳаракатларни бажариш. У маълум ҳаракатларни бажаришга ваколатлари бўлмаган ҳолда, ўзини бундай ваколатларга эга бўлган шахс қилиб кўрсатади. 2 Глобал ва корпоратив тармоқларнинг ўзаро ишлаш пайтида тармоқ манзилларни ўзгартириш воситаси. Бунда корпоратив тармоқнинг барча тугунлари ташқи дунё учун биттагина манзил бўлиб кўринади. Ахборот оқимини назорат қилиш вазифасини бажаришдан ташқари, бу, шунингдек, Интернет тармоғининг манзил маконини тежаш ва зарурият туғилганда ички тугунлардан ташқаридан фойдаланиш рухсатини бериш имконини яратиб беради”. шаклида тавсифланган. Кўрилганидек, бу термин уч манбада уч хил дефиницияда намоён бўлмоқда. Шу биргина мисолнинг ўзиёқ телекоммуникация терминологиясини тартибга солишда ўз ечимини кутаётган масалаларнинг талайгина эканлигини исботлайди. Бинобарин, телекоммуникация терминларининг лингвистик тадқиқини амалга ошириш тилшунослигимизнинг кечиктириб бўлмайдиган вазифаларидан биридир.

РЕЗЮМЕ. Мақолада телекоммуникация терминлари мавзу жиҳатидан гуруҳларга ажратилиб, мазкур терминологик тизимга оид айрим масалалар хусусида мулоҳазалар юритилган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье телекоммуникационные термины классифицированы по тематике и рассмотрены некоторые вопросы, связанные с данной терминологической системой.

RESUME. The article divides the telecommunication terms into thematic groups and discusses some issues related to this terminological system.

Таянч сўз ва иборалар: ахборот технологиялари, телекоммуникация терминлари, глобал ахборот, коммуникация воситалари, дастурий таъминот, лексик-семантик гуруҳ.

Ключевые слова и выражения: информационные технологии, телекоммуникационные термины, глобальная информация, средства коммуникации, программное обеспечение, лексико-семантическая группа.

Key words and word expressions: information technology, telecommunication terms, global information, means of communication, software, lexical-semantic group.

⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд, 550-бет.

⁶ К е н ж а б а е в М.М. ва б. Ахборот коммуникация технологиялари. – Тошкент, 2017, 98-бет.

маълумотлар қабул қилиш; веб-ахборот ва бошқа интернет хизматлари ўзаро таъсирини қамраб олади.

Юқоридагиларнинг барчасини умумлаштириб турувчи жиҳатларни ҳисобга олиб, телекоммуникация терминларини уч кичик гуруҳга ажратишимиз мумкин:

Ахборот ва унинг турлари билан боғлиқ терминлар: *белги, сатҳ, юклама, маркер, матн, маълумотлар, маълумотлар базаси, масс-медиа, мижоз.*

Коммуникация техникаси воситалари билан боғлиқ терминлар: *динамик қувват, ўзгармас ток, маълумотларни узатиш қурилмаси, планшет, смартфон.*

Дастурий таъминот ва протоколлар номлари билан боғлиқ терминлар: *антивирус, дастурлаш тили, интернет хизматлари провайдер, линк, логин, локал тармоқ.*

Соҳа терминларининг мавзуй гуруҳларини белгилашда уларнинг тезкор ахборот олиш, уни қайта ишлаш, узатиш жараёнларида ва меъёрий ҳужжатларнинг барча турларида фаол қўлланилиши, ҳажми каби мезонларга таянилади.

Терминларни мавзуй гуруҳларга ажратишда ушбу терминологик системада ҳам уларнинг маъносига ва номинацион (аташ) функциясига кўра ўхшаш қаторларни жамлаш назарда тутилади.

Телекоммуникациянинг таркибий қисмларидан бири бўлган интернет терминлари тавсифланганда, у билан боғлиқ қуйидаги тушунчалар қайд этилди: *маълумотларни топиш; электрон почта хизмати; файлларни узатиш (ftp); мулоқот қилиш (чат, форум, видеоконференция); маълумотларни тарқатиш; электрон кутубхоналар; масофадан ўқитиш; телемедицина; электрон тижорат; электрон офис.* Д.Саидқодированинг хулосасига кўра, “Интернет терминларининг мавзуй белгиси бўйича қуйидагича таснифни амалга ошириш мақсадга мувофиқ: 1. Гиперилвалар номлари. 2. Ҳисоб ёзувлари номлари. 3. Компьютер вируслари номлари. 4. Интернет хизмат турлари номлари. 5. Манзил номлари ва доменлари номлари. 6. Интернет хизмат турлари номлари. 7. Интернет протоколлари номлари. 8. Тармоқдаги алоқа номлари. 9. Компьютер мосламалари номлари. 10. Дастурий ва аппарат таъминоти номлари”⁴.

Яна эътиборлиси, умумфан тили терминлари ҳам борки, бу терминлар барча соҳалар учун бирдек тааллуқли. Бундай терминлар ҳар бир фаннинг ўрганилиш объектидан келиб чиқиб, соҳа терминологик тизими бирлиги сифатида ўз хусусиятини намоён этади: *анализ, диаграмма, категория, критерий(мезон), информация, схема, элемент, форма, функция, гистограмма, метод, объект, процедура, ресурс, статус, структура, символ, система, вариант.* Санаб ўтилган терминлар телекоммуникация соҳаси доирасида ўз таърифига эга. Шунингдек, айрим терминлар ўзбек тилидаги муқобили билан тенг истеъмолда бўлиб келмоқдаки, уларни соҳага

йўлини йўқотган булут шоир қалбида теран мазмунга ва дадил умумлашмаларга тўла ассоциациялар кўзғайди”, деб ёзган эди Озод Шарафиддинов бу шеър ҳақида. Чиндан ҳам, булутнинг кўрган-кечирганлари ўқувчини ўйларга толдиради, жиддий мулоҳазалар уйғотади. “Тиёҳ” ва “Булоқ”қа қиёсан “Булут” шеърида ижтимоий тус ва пафос анча-мунча кучайган. Булутнинг софлиги ва соддалиги, шамолларнинг шумлиги ва шафқатсизлиги қалбингизни ларзага солади. “Тиниқ кўл бағридан” сузиб чиққан “парча оқ булут” фожиаси, юқорида тилга олиб ўтилган шеърлар маъносига ҳамоҳанг равишда, дастлаб қуйидаги фикр ва мулоҳазаларга туртки беради: оқ булут оппоқ тасаввурлар, беғубор орзулар, ширин хаёллар қанотида инсоний муомала-муносабатлар оламига кириб келганлар ва ҳаёт билан илк бор юзма-юз келишдаёқ енгилганлар тақдирига бир ишора эмасмикин?! Муаллиф мустабид жамият ҳаётини идеаллаштирувчи, сафсатабоз вулгар социологлар ва “конфликтсизлик” назариясига кўр-кўрона сиғинувчилар билан мунозарасини мазкур шеърда ҳам давом эттиради. Булут ва шамоллар қарама-қаршилиги орқали шеърда худди шундай эстетик мавқе ва муносабат таъкидланади. Рамзий образ замирида иккинчи бир маъно қатлами ҳам мавжуд. Шеърнинг бошланишида, хусусан, “Шамол қанотида йўл олди хушнуд Ошёнидан узоқ-узоқ томонга...”¹ деган сатрларда мана шунга имо-ишора бор.

“Ошён” тушунчаси образнинг маъно кўламини кенгайтиришга ва янги эстетик талқин йўналишининг пайдо бўлишига йўл очган. Аён бўладик, “Булут” шеърида ҳаётда шунчаки адашиш ёки алданиш тўғрисидагина гап кетмаяпти. Ва булут фожиаси битта ёки яқка шахс фожиасигина эмас. Айни пайтда, умуман, ўз ошёнидан ва маънавий заминидан жудо бўлганлар фожиаси ҳамдир. Анъанавий ва азалий маънавий маскан-муҳитдан йироқлашиш, аслий миллий илдизлардан узилиш ақл бовар қилмас ҳалокатларга, моҳиятнинг инқирозига, яъни эврилишга, миллий ўзликни йўқотишга олиб келишини шоир қуюнчаклик билан ифодалаганди.

Мазкур рамзий образ замирида ётган иккинчи маъно қатлами, яъни миллий-маънавий заминдан жудолик фожиалари “Милтирайди митти юлдуз” шеърида кучайтирилган шакл-шамойилда тақдим этилган. “Булут”дан фарқли равишда бунда ҳалокат ва фожиа бошқа бир кўринишда – абадий азоб, узлуксиз ва сўнгсиз изтироблар шаклида намоён бўлади: *Кўк гумбазин бир четида Бўшлиқларга уриб бош, Милтирайди митти юлдуз, Танҳоликдан тўкиб ёш. Атрофида на бир юлдуз, На булут бор, на туман. Юлдузларга термилиб у Титраб турар шамсимон. Эҳ бечора, яшаи нечун, Порламасанг, кулмасанг. Ўз тўдандан нега учдинг. Қайтиш йўлин билмасанг?! Хушёр шеърхон дарров сезади: “Тиниқ кўл бағридан” сузиб чиқиб, шамоллар қанотида роса юрган, охир-оқибатда ортига – ўз маконига қайта олмай*

¹ Орипов А. Муножот. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1992, 43-бет. Шоир шеърларидан келтирилдиган кейинги иқтибослар ҳам шу нашрдан олинди, саҳифаси қавс ичида кўрсатилади. – Я.Қ.

⁴ Саидқодирова Д. Инглиз ва ўзбек тилларида интернет терминларининг лингвистик тадқиқи, 42-бет.

йўқолган, ирмоққа айланган “оқ булут” билан ўз тўдасидан олислар сари учиб, бироқ орқага қайта олмаган, туғилган масканидан жудаям йироқда – кўк гумбазин бир четида умрбод кўз ёшлари тўкиб милтирашга мажбур бўлган “митти юлдуз” қисматдош образлардир. Дарҳақиқат, ушбу трагик образлар шоирнинг бадиий ниятини аниқ гавдалантиради: ҳаёл ва ҳаёт, истак ва имконият, тасаввур ва ҳақиқат ўртасидаги мутаносибликнинг бузилиши, бир-бирига тўғри келмаслиги ҳалокатга олиб келиши турган гап. “Митти юлдуз” ва “оқ булут” ўз умр йўлининг бошланишидаёқ адашган ва хато қилганларнинг, ҳаёт синовига бардош беролмаганларнинг, яшаш илмини ва кураш санъатини эгаллай олмаганлар, хуллас, ҳаёт номли мактабдан ўтолмаганлар, илк қадамданок енгилганлар қисматининг рамзий ва умумлашган инъикосидир. “Митти юлдуз” ва “оқ булут” образларининг моҳиятан янада яқинлигини уларда акс этган иккинчи маъновий йўналиш – янада чуқурроқ рамзий қатлам ҳам тасдиқлайди. Агар “оқ булут”нинг омадсизлиги ўз “ошён”дан жудо бўлиши билан изоҳланса, “митти юлдуз”нинг бахтсизлиги эса ўз “тўдаси”дан айрилиб қолишидадир. Ҳар иккала шеърда маънавий маскан – азалий туғишган маконга чамбарчас боғлиқликка алоҳида урғу берилади. Демак, шоир ушбу шеърларда маҳорат билан ифодалаган нафақат биринчи – дастлабки поэтик фикр йўналиши билан, айти пайтда, иккинчи маъно қатлами орқали ҳам замоннинг етакчи эътиқод ва ақидаларига қарши чиқади. Конкрет трагик тақдирлар, омадсиз қисматлар талқини мисолида шоир ўз замондошларини миллий-маънавий қадриятларни, она Ватанни қадрлашга, унутиб юбормасликка ва табиийки, руҳан уйғоқликка, ҳушёрликка чорлайди.

Юқоридаги қисқача таҳлиллардан кўриниб турибдики, шоир ҳаётдаги муайян нарса ва воқеаларни тасвирлаш орқали ўзининг ўй ва кечинмаларини, инсонга ва ижтимоий воқеликка муносабатини бадиийлаштиришга интилади. Яъни бадиий ижодда, айниқса, лирикада тасвир объектининг ўзи бирдан-бир мақсад эмас ва унчалик муҳим аҳамият касб этмайди. Дарҳақиқат, воқеабанд лирик асарларда, Гегель айтганидай, тасвирланаётган “воқеанинг ўзи эмас, балки унда акс этган қалб ҳолатлари”² муҳимдир.

А.Ориповнинг айти йўналишдаги лирик асарлари ҳақида О.Шарафиддинов айтган қуйидаги мулоҳазалар ҳам эътиборга лойиқ: “Поэзия ҳам санъатнинг бошқа турлари каби образли фикрлаш демакдир. А.Орипов лирикаси ҳамиша ёрқин, тўлақонли, маъноси кенг ва теран образлар асосига қурилган. Шоир ҳаётни кузатар экан, минглаб турли-туман воқеаларнинг, ҳар хил ҳодисаларнинг гувоҳи бўлади. Булар шоир хотирасида изсиз йўқолиб кетмайди. Аксинча, улар турли ассоциациялар кўзгайди, янги фикрлар ва ҳисларни уйғотади ҳамда шоирга ҳаёт ҳақида, инсоннинг моҳияти тўғрисида мулоҳаза юритишга имкон беради. А.Орипов ижодининг жозибаси шундай, у ўзига қадар бошқа шоирлар томонидан кўплаб марта қаламга олинган ҳодисалар ва предметлардан ҳам ҳаққоний шеърят учқунини чиқара олади. Натижада, бу ҳодисалар ва предметлар бизнинг нигоҳимиз қаршисида

² Гегель. Лекции по эстетике. Т.14. – М., 1958. – С. 294.

Д.Қодирбекованинг қиёсий-типологик аспектдаги тадқиқотида қисман муносабат билдирилган¹. Мазкур мавзуга бевосита алоқадор иш сифатида Д.Саидқодированинг инглиз ва ўзбек тилларидаги интернет терминларининг лингвистик тадқиқини амалга оширган тадқиқотини² қайд этиш мумкин. Шунга қарамасдан, ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бораётган ва шиддат билан ривожланаётган мазкур соҳа терминларини тадқиқ қилиш ўзбек тилшунослигида етарли даражада ўрганилган деб бўлмайди.

Ўзбек тилшунослигида соҳа терминологиясини ўрганишга бағишланган кўпгина ишларда мавзуй гуруҳларни алоҳида тадқиқ этишга эътибор қаратилади. Зеро, терминларни ўзаро алоқадорликда гуруҳларга ажратиб таҳлил этиш муҳим муайян соҳа терминларининг семантик хусусиятларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Телекоммуникация терминларини гуруҳларга ажратиб таснифлаш, авваламбор, соҳанинг таркибий қисмлари ва ресурсларига оид тушунчалар билан боғлиқ.

Бугунги босқичда телекоммуникация олтита асосий йўналишга ажралади:

1. Телеграф – ёзилган хабарларни электр тармоқлари орқали жўнатиш тизими.

2. Телефон – масофадаги абонентларнинг жонли мулоқотини таъминловчи тизим. У телефон станцияларини, узатиш тизимларини ва абонент боғловчи воситаларнинг техник ва дастурий боғланишини таъминлайди.

3. Телевидение – предмет тасвирини частота тўлқинлари орқали нуқтали ва чизиқли кўринишда узатишни таъминлаш усуллари ва техник жараёнларни ўзида бирлаштиради.

4. Радиоузатув – маълум бир частота тўлқинларида овозли хабарни жўнатувчи тизим.

5. Почта жўнатмаларни етказиб бериш тизими.

6. Глобал информатсион тизимлар (интернет) ёки миллий маълумотлар узатиш тизимлари³.

Шунингдек, тадқиқотларда ушбу турлар доирасида глобал телекоммуникация тармоқларини такомиллаштириш мақсадида параллель равишда доимий интеграциялашув жараёнлари содир бўлиши ва экстралингвистик вазиятнинг юзага келиши таъкидланади. Жараёнлардан кўзланган асосий мақсад эса юқори тезликда маълумотларни узатиш; мобил алоқа тармоқлари кўрсатадиган хизматларни бирлаштириш; маҳаллий, минтақавий ва глобал уяли алоқа тармоқлари томонидан тақдим этиладиган хизматларнинг интеграциялашуви, шу жумладан, глобал роуминг ва глобал сунъий йўлдош алоқа тармоқларига киришни таъминлаш; видео, аудио

¹ Қ а д и р б е к о в а Д. Инглизча-ўзбекча ахборот технологиялари терминологияси ва лексикографик муаммолари. ДД. – Тошкент, 2017.

² С а и д қ о д и р о в а Д. Инглиз ва ўзбек тилларида интернет терминларининг лингвистик тадқиқи. ДД. – Тошкент, 2018

³ К р у п е н ё в а В.П. Экранные термины пользовательского интерфейса в теоретическом прикладном рассмотрении: на материале английского языка. КД. – Смоленск, 2012.

ёрдамида боғланади. Масалан: *үшини шахс пайдасына дүзилген шартнама, жынаят процесинде көрсетпе бериуден бас тартыў, туўыў ямаса балаларды тәрбиялаў дем алысы* ва бошқалар.

Умуман, ҳозирги қорақалпоқ тилида компонентли юридик терминлар асосан икки, уч, тўрт ва ундан ортиқ компонентлардан иборат бўлади. Улар таркибидаги сўзлар бошқарув, битишув ва мослашув (изофа) усулида тобе боғланиб, ўзаро келишиқ кўшимчалари, сўз тартиби ва ёрдамчи сўзлар воситасида грамматик боғланади. Қорақалпоқ тилида юридик терминларнинг битишув, мослашув (изофа), бошқарув каби тобе боғланиши грамматик воситалар орқали боғланиб келиши билан зич боғлиқ.

РЕЗЮМЕ. Қорақалпоқ тилидаги компонентли юридик терминларнинг тобе боғланиш хусусиятлари таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ. В статье проанализированы подчинительные особенности компонентных юридических терминов в каракалпакском языке.

RESUME. Subordinate features of component legal terms in the Karakalpak language are analyzed.

Таянч сўз ва иборалар: юридика, термин, бошқарув, битишув, мослашув (изофа), кўшимча, сўз тартиби, ёрдамчи сўз, компонент.

Ключевые слова и выражения: правоведение, терминология, управление, примыкание, согласование (изафеты), окончание, порядок слов, вспомогательное слово, компонент.

Key words and word expressions: jurisprudence, terminology, management, adhesion, adaptation, affix, word order, auxiliary word, component.

НИЛУФАР МАҲМУДОВА

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕРМИНЛАРИНИНГ МАВЗУИЙ ГУРУҲЛАРИ

Маълумки, телекоммуникация ахборот технологиясининг асосий соҳалари бўлган ахборот хавфсизлиги, радио, мобил алоқа, телевидение тармоқлари орасидаги маълум жараён ҳисобланади. Телекоммуникация технологияси маълумотларнинг радио, телевидение, телефон, космик алоқа каналлари ёрдамида узатилишини таъминлайди. Коммуникацион воситалар, элементлар, алоқа каналлари, қурилмалари каби қисмлардан ташкил топган телекоммуникация тизимининг мақсади алоқа каналларини ўзаро боғлаш ва маълумот алмашинувини таъминлашдан иборатдир.

Жаҳон тилшунослигида телекоммуникация соҳаси бўйича қатор изланишлар олиб борилган. Илмий-техникавий тараққиёт ва халқаро иктисодий ҳамкорликнинг ўсиб бораётгани терминологик янгиланишларнинг ролини оширмоқда. Шу нуқтаи назардан терминологиянинг ҳозирги ҳолатини, ривожланиш тенденциясини, кундалиқ нутқ ва адабий тил билан ўзаро тасирини ўрганиш зарурати сезилади.

Мамлакатимизда телекоммуникация тармоқларининг тадрижий ривожланиши алоқа тармоқларини рақамлашган тизимга ўтказиш бўйича босқичма-босқич амалга оширилаётган кенг кўламли лойиҳалар билан чамбарчас боғлиқ. Ҳозиргача телекоммуникация терминлари ўзбек тилшунослигида махсус монографик тадқиқот объекти бўлмаган. Унга

янги қирралари билан намоён бўлиб, бизни ҳаёт ҳақида жиддий ўйлашга ундайди”³. Айни шундай нуқтаи назарнинг ўзига хос бадийий тасдиғи сифатида А.Ориповнинг “Дорбоз” шеъри диққатни жалб этади. Шеърда тасвирланган воқеанинг акс садоси – ажиб кечинмалар узоқ вақт қалбингизни тарқ этмайди: *Булутларга ёндош, осмон остида Киприкдаги ёшдай турибди дорбоз. Одамлар, одамлар, уни олқишланг, Қаранг, у нақадар энчил ва ўктам. Биз-чи, эҳ...баъзи бир кўзи очиқлар. Эплаб юролмаймиз катта йўлда ҳам (60)*. “Дорбоз”даги контраст ўзгача тарздадир. Бунда қарама-қарши қутблар – баландлик ва пастликдир. Бошқача айтганда, “булутларга ёндош” дорбоз ва “пастда қолган нобакор хилқат” лирик конфликтнинг асосий тарафларидир. Лирик қаҳрамон томошабин “одамлар”ни дорбознинг жасорат ва шижоатидан ҳайратланишга чорлайди. Зора уларнинг, катта йўлда эплаб юролмайдиганларнинг ҳам қалбида маънавий юксалиш, рухий кўтарилиш, самовий юксалиқ орзуси уйғонса!.. Агар гиёҳ ва булоқ образлари ҳаётсеварлик, курашчанлик ва енгилмаслик рамзи сифатида талқин қилинса, Дорбоз маънавий юксалиқ ва ғолибият тимсоли каби гавдаланади. Айни пайтда, шеърни синчиклаб ўқиш жараёнида “Дорбоз”даги “одамлар” билан “Гиёҳ”даги “Харсанг тошлар”, “Булоқ”даги “одамлар” ўртасида моҳиятан кучли бир ўхшашлик борлигини пайқайсиз. Тўғри, зоҳиран, ташқи жиҳатдан “Булоқ”даги “одамлар” “Дорбоз”да тасвирланган оломонга нисбатан бирмунча фарқли кўринади. Айтайлик, йўлидан адашган жажжи булоққа ёрдам бермоқчи бўлган, илк қарашдагина “раҳмдил”, “хайрихоҳ”, “марҳаматли” одамлар билан (нисбатан ташаббускор, фаол) “Дорбоз” шеъридаги ҳиссиз, қалбсиз “одамлар” – дорбоз жасоратини тузукроқ англаб етмаган, бефарқ ва лоқайд, текис йўлда ҳам қоқиладиган кўзи очик “кўрлар” орасида қандай ўхшашлик бор, дея эътироз билдиришингиз мумкин. Лекин шулар бари атиги ташқи белги ва тафсилотлар, шунчаки ҳолат ва вазиятлардаги фарқлардир, холос. Аслида улар бир хил қарашли, айни гуруҳдан ва “қавмдан” бўлган, “қондош” ва “қариндош” образлардир. Шоир ҳар қандай шарт-шароит ва муҳитда ҳам ўзлигини ва ўз моҳиятини йўқотмаган яқка, ёрқин қудрат ва кучлар тимсолида одамзод шон-шавкатини, енгилмас ва ғолиб инсоний руҳни улуғлайди.

Олтмишинчи йиллар ўзбек шеърятининг рамзий образлари силсиласида “Бургут” шеърининг ҳам ўзига хос ўрни бор. А.Орипов янги лирик конфликт яратиш борасидаги ва умуман, бадийий-фалсафий изланишларини мазкур шеърида муваффақият билан давом эттиради. “Бургут”да акс этган конфликт ўз йўналишига ва эстетик мазмунига кўра юкорида кўриб ўтганимиз шеърларидагидан жиддий фарқ қилади: *Ёш бургут учмоқда кўкда шиддаткор, Кумуш булутларнинг тўзғитиб парин. Учмоқда, қалбида мағрур ишонч бор. Қақшаган қоялар, чўққилар сари (42)*. Муаллиф бургутнинг парвозидаги шиддаткорликни, “мағрур ишонч”ни алоҳида таъкидлайди. Бироқ шоир бургутнинг ҳайратомуз куч-қудратини шунчаки тасвирлаб қўя қолганида эди, табиийки, ўзига хос поэтик образ яратишга эриша олмаган бўларди. Шу боис у ёш бургут парвозининг сабаблари,

³ Ш а р а ф и д д и н о в О. Ҳаёт билан ҳамнафас. – Тошкент: “Ёш гвардия”, 1983, 166-бет..

улуғвор шиддатининг маънавий манбалари тўғрисида бош қотиради ва бизни ҳам ўйлашга ундайди: *Учмоқда! Қаерга? Чўққига! Нечун! Бургутнинг шиддатин уйғотган нима? Бўронли даргоҳида не қутар уни, Қудратли қанотин қўзғатган нима?* Ва мазкур саволлардан кейингина биз шеърдаги лирик зиддиятни ҳис қила бошлаймиз. Шеърда бургутнинг ҳавасни уйғотадиган парвози тасвири ва таъкидли поэтик саволларининг ёнма-ён келиши лирик конфликт ҳамда рамзий талқин моҳиятини тушунишга ёрдам беради: *Ўйноқи шамоллар ила басма-бас, Ана, қўнди бургут энг юксак жойга! Чўққи узра мағрур турди-ю бирпас, Яна бўрон мисол қўзғалди. Қайга?..* Олдинги шеърлардан фарқли равишда “Бургут”да конфликт бевосита образнинг ўзида мужассамлашган, яъни ёш бургутнинг буюк шиддати ва улуғвор қудратининг мақсадсизлиги лирик конфликтнинг асосий қутбларидир. Бургут образининг ана шу қирраларига эътиборни қаратиб, О.Шарафиддинов қуйидагиларни таъкидлаб ўтган эди: “Ана шу “қайга?” деган савол шоирни бургутга янгича қарашга ундайди. Ва у ҳар қандай шиддатнинг, мағрур қудратнинг, бўрон мисол парвознинг замирида улкан мақсад бўлиши зарурлиги ҳақидаги ҳукмни китобхонга ҳавола қилади:

*Ахир, не бўларди берсанг, табиат,
Шу буюк шиддатга яраша мақсад.*

Бургутнинг қудратли ва лекин бемақсад парвози ҳақидаги афсус-надомат бизни инсон учун муҳим, фойдали, юксак мақсаднинг зарурлиги ҳақида ўйлашга даъват этади”.

Абдулла Ориповнинг лирик рамзий образлар яратиш борасидаги дастлабки изланишлари кейинчалик “Тилла балиқча”, “Жаннат”, “Номаълум одам”, “Учинчи одам”, “Жаннатга йўл” ва бошқалари каби чуқур рамзий мазмун билан йўғрилган ўлмас асарлари туғилишига туртки берган муҳим бадиий-эстетик босқич сифатида жиддий аҳамиятга моликдир.

РЕЗЮМЕ. Мақолада XX аср янги ўзбек шеъриятининг ёрқин намояндаларидан бири Абдулла Ориповнинг 60-йиллар бошида – ижодининг илк босқичида ёзилган қатор рамзий метафорик шеърлари таҳлили мисолида муҳим маънавий-эстетик жараёнлар ривожига қўриб чиқилади.

РЕЗЮМЕ. В статье рассматриваются вопросы развития важных духовно-эстетических процессов на примере анализа ряда символических метафорических стихотворений, написанных на ранних этапах творчества Абдуллы Арипова, одного из ярких представителей новой узбекской поэзии XX века.

RESUME. The article examines the important development of spiritual and aesthetic processes at the early stages of the work of Abdulla Aripov, one of the brightest representatives of the new Uzbek poetry of the 20 th century. A number of symbolic metaphorical poems written by the young poet in the early 1960s deserve special attention.

Таянч сўз ва иборалар: шеърият, лирик қахрамон, эстетик идеал, поэтик конфликт, бадиий ифода, давр, таҳлил, тасвир, рамзий образ.

Ключевые слова выражения: поэзия, лирический герой, эстетический идеал, поэтический конфликт, художественное выражение, период, анализ, изображение,

Key words and word expressions: poetry, lyrical hero, aesthetic ideal, poetic conflict, literary expression, period, analysis, image, symbolic image.

1. Мослашув усулида боғланадиган синтактик конструкциялар фақат икки компонентли бўлиб қолмасдан, улар кўп компонентли ҳам бўлади¹¹. Мослашув усулида ҳосил бўлган юридик терминлар қаратқич келишиги кўшимчалари билан грамматик муносабатга киришади. а) уч компонентли юридик терминларнинг биринчи компоненти қаратқич келишиги кўшимчасини қабул қилиб, кейинги сўзлар билан грамматик жиҳатдан мослашув усулида тобе боғланади. Масалан: *жынаяттың объектив тәрепи, жынаяттың субъектив тәрепи, некениң ҳуқықы емеслиги, пуқараның ҳуқықы жәғдайы* – биринчи компоненти қаратқич келишиги билан қўлланиб, грамматик муносабатга киришган; б) уч компонентли юридик терминларнинг иккинчи компоненти қаратқич келишиги кўшимчасини қабул қилиб, мослашув усулида тобе боғланади. Масалан: *жынаят ислериниң бирлестирилиўи* – иккинчи компонентида қаратқич келишиги белгили қўлланиб, грамматик муносабатга киришган; биринчи ва иккинчи компонентларида қаратқич келишиги белгисиз шаклда қўлланиши орқали мослашув усулида тобе боғланади – *конституция ҳәм ыызам үстинлиги* ва шу кабилар.

2. Бошқарув усулида боғланган уч компонентли юридик терминлар: а) уч компонентли юридик терминларнинг биринчи компоненти тушум, чиқиш, ўрин келишиги кўшимчаларини қабул қилиб, грамматик муносабатга киришиши орқали бошқарув усулида боғланади. Масалан: *жазаны ауырластырыўшы жәғдайлар, жазаны жеңиллестириўшы жәғдайлар, мәмлекетти бошқарув формасы, шәртнаманы бийкар етиў* – биринчи компоненти тушум келишиги билан қўлланиб, бошқарув усулида тобе боғланган; *бағыўшысынан айрылғанлық пенсиясы* – биринчи компоненти чиқиш келишигида келиб, бошқарув усулида тобе боғланган; *судта қатнасыў ҳуқықы, сайлаўда даўыс беріў* – биринчи компонентига ўрин келишиги аффикси кўшилиши орқали бошқарув усулида тобе боғланган; в) уч компонентли юридик терминларнинг иккинчи компоненти жўналиш, тушум, чиқиш келишиги кўшимчаларини қабул қилган ҳолда ўзаро грамматик муносабатга кириши натижасида бошқарув усулида тобе боғланади. Масалан: *интизамлық бөлиmine жиберіў* – иккинчи компоненти жўналиш келишиги шаклини олиб, бошқарув усулида тобе боғланган; *венерик кеселликлерди тарқатыў, дене жарақатын жеткеріў, ҳуқықы мәдениятты жетилистириў* – иккинчи компоненти тушум келишиги шаклида бошқарув усулида тобе боғланган; *белгили ҳуқықтан айырыў, өмирлик еркинен айырыў* – иккинчи компоненти чиқиш келишигида келиб, бошқарув усулида тобе боғланган.

III. Тўрт, беш ва ундан ортиқ компонентга эга юридик терминлар таркибида бошқарув, битишув, мослашув усулида тобе боғланиш турлари иштирок этади: а) битишув усулида сўз тартиби орқали боғланган юридик терминлар: бунда барча сўзлар келишик кўшимчасисиз ва ёрдамчи сўзларсиз бош келишик шаклида боғланади. Масалан: *басқа ҳуқықы тәсир шарасы, бир қанша муғдардағы зыян, ис ҳақы сақланбаған ҳалда дем алыс* ва шу кабилар; б) битишув, мослашув (изофа), бошқарув усулидаги тобе боғланишлар биргаликда келиб, сўз тартиби, келишик кўшимчалари

¹¹ Ҳазирги қарақалпақ тили. Синтаксис. – Нөкис: “Қарақалпақстан”, 1986, 15-бет.

қўшимчаси белгисиз қўлланган бошқарув усулида боғланган юридик терминлар: *адвокат жаллаў, арза бериў* ва бошқалар;

3. Бошқарув усулидаги юридик терминлар ўрин келишиги қўшимчалари ёрдамида ҳам боғланади. Ўрин келишиги қўшимчасини олган сўз нарса ёки ҳаракатнинг бажарилаётган ўрнини билдириб келади. 1) Қорақалпоқ тилида ўрин келишиги воситасида боғланган юридик терминлар кам миқдорда учрайди. Масалан: *жынаятта қатнасыўшылық, судта қаралыў, судта қатнасыў, тергеўде анықланыў* ва шу кабилар. Ҳозирги қорақалпоқ тилида ёрдамчи сўзлар воситасида бошқарув усулидаги тобе боғланишни ҳосил қилган юридик терминлар кўп учрамайди. 2) Битишув усулида ҳосил қилинган юридик терминлар сўз тартиби орқали боғланиб келади. Сўз тартиби сўзларни боғловчи грамматик воситалардан бири бўлиб, айтилмоқчи бўлган фикрнинг тўғри ифодаланишига ва сўзларнинг ўзаро грамматик жиҳатдан ўз ўрнида муносабатга киришишида катта таъсир кўрсатади. Бу қорақалпоқ тилида компонентли, айниқса, икки компонентли юридик терминларнинг ясалишида сермахсул ҳисобланади. Юридик терминлар таркибидаги компонентлар бир-бири билан ҳеч қандай грамматик аффиксларсиз ва ёрдамчи сўзларсиз тартибига кўра маъно жиҳатдан боғланиб, битишув орқали боғланиб келади⁹. Уларнинг тартибини ўзгартириш ўша юридик термин маъносини ифодалайдиган икки компонентли сўзнинг шу маънони англатмасдан, бошқа маънога ўзгаришига сабаб бўлади. Ҳозирги қорақалпоқ тилида икки компонентли юридик терминларнинг сўз тартиби орқали битишув усулида ҳосил қилиниши унумли бўлиб, бир қанча юридик терминлар ясалишига асос бўлган. Масалан: *аудиторлық хызмет, аўыр жынаят, басланғыш шөлкем, жеке мүлк, конституциялық суд, миллий суверенитет, нуқаралық ҳуқық, юридик акт* ва шу кабилар. Икки компонентли ажратиб ёзиладиган қўшма юридик терминларнинг биринчи компоненти шакл жиҳатдан бош келишикда бўлади. Бош келишикдаги сўзлардан иборат бўлган ажратиб ёзиладиган қўшма терминлар асосан аниқловчи муносабатида бўлади¹⁰. Бундай битишувли аниқловчи муносабатида бўлиши иккинчи компоненти исмлардан ташкил топган юридик терминларда учрайди. Масалан: *сиясий баспана, регресс даўа, ҳәкимшилик жаза, нуқаралық ҳуқық* ва ҳоказо. Икки компонентли юридик терминларнинг иккинчи компоненти феъл билан ифодаланиб, биринчи компоненти бош келишик шаклини қабул қилса-да, улар аниқловчи муносабатига киришмайди ва ҳол бўлиб келади. Масалан: *бийдәрек жоғалыў, адил судлаў* ва бошқалар.

II. Уч компонентли юридик терминлар ҳам битишув, мослашув (изофа) ва бошқарув каби тобе боғланади. Бунда қўшимча, сўз тартиби ва ёрдамчи сўзлар воситасида грамматик боғланган бўлади. Қорақалпоқ тилида уч компонентли юридик терминларни компонентларининг грамматик боғланишига кўра қуйидаги турларга ажратамиз.

⁹ Ҳазирги қарақалпақ тили. Синтаксис. – Нөкис: “Билим”, 1996, 18-бет.

¹⁰ Муратов С.Н. Устойчивые словосочетания в тюркских языках. – М.: “Наука”, 1951. С. 67.

ЎЗБЕК ҲАЖВИЙ МАТБУОТИНИНГ ИЛК НАШРЛАРИ

Ўтган асрнинг бошларидан то Россияда большевиклар амалга оширган давлат тўнтаришига қадар мамлакатимиз ижтимоий ва маданий-маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутиб келган ҳамда жамият тараққиётининг тадрижий-маърифий тараққиёти тарафдорлари бўлган жадидлар томонидан чиқарилган матбуот нашрлари орасида 1917–1918 йилларда Тошкентда нашр этилган “Чаён” ҳажвий журнали ҳам алоҳида ўрин тутди. Шуни айтиш керакки, ҳар қандай публицистика турининг, шу жумладан ҳажвий публицистиканинг марказини журнал ташкил этади. Яъни журнал асосий вазифаси ижтимоий информация тарқатишдан иборат бўлган газетадан фарқли ўлароқ, қайси хил публицистика бўлмасин, ўзини ҳар тарафлама, бутун қирралари билан намоён бўлиши учун етарли майдон, имконият яратади. Ижтимоий-сиёсий журналда ижтимоий ҳаёт, адабий журналда адабиёт масалалари кенг, ҳар тарафлама, шу билан бирликда энг муҳим масалалари ўз аксини топгани каби фақат ҳажвий журналдагина ҳажвий публицистиканинг барча томонлари, жанрлари ўрин олиши, асосий эътибор ҳажвий танқид – ижтимоий кулгига қаратилиши мумкин. Иккинчи томондан ижтимоий ҳаётни кулги танқиди – сатира ва юмор нуқтаи назаридан ёритувчи ҳажвий журнал бошқа – умумижтимоий нашрларга қараганда оммага кучлироқ таъсир қилиши, жамоатчилик фикрини уйғотишда алоҳида бир туртки бўлиши мумкин. Шу боисдан ҳам ҳар бир миллат ҳаётида кулги журналининг пайдо бўлиши шу миллатнинг маънавий камолотидан далолат беради. Туркистондаги ана шундай илк ҳажвий нашр – 1917 йил июл ойидан эътиборан чиқа бошлаган “Чаён” (журнал муҳарририяти қўйганча “Чаян”) журнали бўлди.

“Бу журнал кулги журнали эди, – деб маълумот беради А.Авлоний ўзининг “Бугунги ўзбек матбуотининг тарихи” мақоласида. Журналнинг масъул муҳаррири Иброҳим Тоҳирий эди. Бу журнал кўбрак ерли халқ масаласига аҳамият бергани учун сув йўқлиги ва тил татарчалигига қарамасдан халқ орасида анчагина эътибор қозонди ва умрида бир қанча уламо ва бойларнинг ярасини тилиб туз тикди”¹. Зиё Саид эса ўзбек матбуоти тарихига оид китобида журнални коммунистик синфий нуқтаи назардан баҳолаб ўтади: “Чаён” 1917 йил июль ойидан бошлаб татар ва ўзбек миллий буржуазиясининг фикр тарқатувчиси бўлиб дунёга келди... Бу журнал большевикларни сўкишдан бўшаган вақтда қорагуруҳ уламоларни ҳам чақиб турди².

Кўриниб турибдики, ҳар икки муаллиф ҳам мазкур журналнинг ҳажвий нашр сифатидаги фойдаланиш кучини тан олмоқдалар. “Чаян” ширкати томонидан нашр этилган ҳамда “Ўн беш кунда бир марта чиқатурғон адабий, сиёсий, ҳажвий, кулги ва расмий журнал” деб аталган бу нашрнинг масъул раҳбарлари Татаристондан келган тараққийпарвар журналистлар Иброҳим Тоҳирий ва Халаф Тўлаковлар эдилар. Улар журналнинг бош мақолаларидан

¹ “Туркистон” газетаси, 1924, 24 июль.

² Саид З. Ўзбек матбуоти тарихидан материаллар \ Танланган асарлар. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974, 58-бет.

бирида айтиб ўтилганидек, “Туркистон туркларидан аввалроқ уянган (уйғонган – М.Х.) Ўрта Русия турклари матбуоти” намояндалари эдилар. Иброҳим Тоҳирий Туркистондаги бошқа матбуот нашрларида, масалан, “Ал-Ислох” журналида туркум мақолалари билан қатнашиб, ўша давр ҳаёти ва ижтимоий муаммоларини яхши билиши, тараққиёт ва ислох тарафдори эканлигини кўрсата олган эди. Ўткир қалам ва салоҳият эгаси бўлган бу журналист ҳажв ва унинг ижтимоий аҳамиятини, дунё ҳажвий адабиёти тарихини яхши биларди:

“Адабиётда, қадимларга фойик миллатларнинг адабиёт тарихларинда ҳажв ва кулги энг биринчи ўрин тутат, – деб ёзади Иброҳим Тоҳирий “Чаён”нинг бир йиллигига бағишланган бош мақолада. – Ўз халқининг етишмаган ёқлариндан кулиб, ҳажв этиб кўрсатадиган матбуотнинг борушина, анинг тараққийсина эътибор этиб ёқти (ёруғ – М.Х.) ва порлоқ кунлари бўлувида ишонганлар”. Адиб жаҳон халқлари тарихида ҳажвнинг тутган аҳамиятли ўрнига тўхталар экан, бу масала турк халқлари тарихида ҳам, турк адабиёти тарихида ҳам асосий жой эгаллаб келганлигини таъкидлайди: “Бизнинг турк адабиётида керак эскиси ва керак янгиси бўлсун кулги, ҳажвсиз қолмаган. Хўжа Насриддин, Девона Машраб асарлари ўз бобинда ҳар бириси бирор кулқу ҳажв журнали эди”³.

Сўнг мақолада Исмоил Гаспринский томонидан нашр этилган “Хо-хо-хо”, Қозон ва бошқа шаҳарларда чиққан “Ов қилар қарчиғай”, “Мулла Насриддин”, “Чўкич”, “Ялт-юлт”, “Қармоқ” каби журналларга тўхталиб, уларнинг “Чириб вайрон бўлувга яқинлашган” ижтимоий ҳаёт иллатларини фош этишдаги хизматларини кўрсатиб ўтади. Мазкур мақолада “Чаён” журналининг ижтимоий дастуруламали ва маслаги ҳам белгилаб берилган. Унда “Чаён”нинг маслаги “Туркистон крайинда фикрий инқилоб ясов, мадрасалар оламида зўр ўзгариш майдонга келтирув, ўқувчиларни матбуот билан дўстлаштирув”, “риёсиз, тарелкасиз (яъни, хушомадсиз – М.Х.) ҳақиқатларни очик кўрсатув”дан иборат эканлиги билдирилади. Журналнинг 1918 йил, 2-сонидан берилган билдирувда ҳам ўқувчиларга мурожаат қилиниб: “Тўғрилиқ ва ҳақиқат ошиқлари! Ҳеч кимга тарелка тутмовчи, кўрқмай ҳақиқатни ёзатурғон “Чаян”га муштарий бўлиш”га чақирилади.

“Чаён” журналининг сақланиб қолган мавжуд сонлари билан танишганимизда унинг юқорида баён этилган йўналишга тўла амал қилганлигига гувоҳ бўламиз. “Чаён” ўша давр ижтимоий иллатлари – жоҳиллик ва мутаассиблик, адолатсизлик ва тараққиётга ғов бўлувчи бошқа ижтимоий камчиликларни аямасдан, ўз сўзи билан айтганда, “риоясиз” фош қилди, бундай иллатларни ташувчиларни “чаён бўлиб чакди”. Журналнинг 1918 йил 19 июлда чиққан 11–12-сонларида “Рамазонда Шайхонтохур мазори” сарлавҳаси остида бир неча материаллар босилган. Унда исломнинг энг муборақ ойи – рамазонда Шайхонтохурга йиғилиб, томошалар кўрувчи, маст-аласт юрувчилар устидан кулинади. Шу сонда берилган “Андижонда Али билан Вали ўртасидаги ҳангома” фельетонида эса халқни алдаб бойлик йиғувчи чойфуруш бойларнинг кирдикорлари очиб ташланган. Журналнинг 1918 йил 13-сонидан босилган “Миллий театр ва оила ислоҳоти” сарлавҳали бош мақолада театр ва унинг оила тарбиясидаги аҳамияти ҳақида сўз борса,

³ “Чаён” журнали, 1918 йил 11-сон.

сўзлар орқали боғланади. Мазкур белгиларига қараб компонентли юридик терминлар таркибидаги сўзлар кўпинча бошқарув, битишув, кам ҳолларда мослашув усулида грамматик муносабатга киришганини кўрамыз.

Ушбу мақолада компонентли юридик терминларнинг синтактик боғланишига тўхталиб ўтамиз. Компонентли юридик терминлар ўз навбатида икки, уч, тўрт, беш ва ундан ортик компонентларга эга бўлади. Бундай компонентли юридик терминларни катта икки гуруҳга ажратамыз. I. Икки компонентли юридик терминлар. II. Кўп компонентли юридик терминлар (уч, тўрт, беш ва ундан ортик).

I. Икки компонентли юридик терминлар таркибидаги сўзлар келишиқ кўшимчаси, сўз тартиби ва ёрдамчи сўзлар орқали грамматик воситалар ёрдамида синтактик боғланиб, бошқарув, битишув, мослашув (изофа) каби тобе боғланишни ҳосил қилади.

1. Келишиқ кўшимчалари ёрдамида боғланган юридик терминлар мослашув (изофа), бошқарув усулида тобе боғланади: а) мослашув (изофа) усулида қаратқич келишиги кўшимчаси воситасида боғланади. Бу боғланиш тури бир томондан тусланишга, иккинчи томондан бошқарувга анча яқин саналади. Мослашувли (изофа) боғланишда юридик терминлардаги қаратқич келишиги кўшимчаси баъзан белгили ва белгисиз қўлланиши мумкин. Масалан: *гуўаның адвокаты, гуўаның көрсетпеси, некениң тамамланыўы* ва бошқалар. Биринчи компоненти кўшимчасиз, кейинги компоненти эгалиқ аффикси ёрдамида боғланади⁷. Унинг белгисиз қўлланиши иккинчи компонентда эгалиқ кўшимчасининг қўлланиши орқали намоён бўлади. Масалан: *депутатлар топары (депутатлардың топары), жынаят излери (жынаяттың излери), суд қарары (судтың қарары), суд ҳүкими (судтың ҳүкими)* ва ҳоказо. б) бошқарув усулидаги юридик терминлар ҳоким сўзнинг талаби билан тобе сўз келишиқ аффикси (жўналиш, тушум, чиқиш, ўрин) ва кўмакчини қабул қилиб, ҳоким (бош) сўз билан боғланади⁸. Бу тобе боғланиш ҳозирги қорақалпоқ адабий тилининг гап тузилишида унумли саналади.

2. Қорақалпоқ тилида бошқарув усулидаги икки компонентли юридик терминларнинг жўналиш келишиги шакли орқали боғланган тури миқдоран кам. Масалан: *азатлыққа шығыў, сайлаўға қатнасыў, жәриймага тартылыў, ыызамға қарсы* ва бошқалар. Жўналиш келишигидаги биринчи компонент кўпинча иш-ҳаракатнинг йўналтирилган объектини билдиради. Қорақалпоқ тилида жўналиш келишиги шаклида боғланган юридик терминларнинг иккинчи компоненти кўп ҳолларда феъл билан ифодаланади. Масалан: *жынаятқа қатнасыў, жазаға тартылыў, намысқа тийиў* ва ҳоказо; 2. Бошқарув усулидаги юридик терминлар тушум келишиги кўшимчаси ёрдамида ҳам боғланади. Тушум келишиги ҳаракатнинг бевосита объектини кўрсатади. Қорақалпоқ тилида тушум келишиги кўшимчаси белгили ва белгисиз қўлланиш имкониятига эга. Тушум келишиги кўшимчаси белгили қўлланган бошқарув усулида боғланган юридик терминлар: *еркинликти шеклеў, жазаны өтеў, жазаны жеңиллетий* ва шу кабилар. Тушум келишиги

⁷ Бердимуратов Е., Дәўлетов А. Тил билимине кириспе. – Нөкис: “Қарақалпақстан”, 1988, 222-бет.

⁸ D á w l e t o v A., D á w l e t o v M., Q u d a y b e r g e n o v M. Házirgi qaraqalpaq ádebiy tili. Sintaksis. – Nókis: “Bilim”, 2009, 17-bet.

ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА КОМПОНЕНТЛИ ЮРИДИК ТЕРМИНЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ

Ҳозирги қорақалпоқ тилида қўшма, айниқса, ажратиб ёзиладиган қўшма юридик терминлар кўпчиликини ташкил қилади. Тузилишига кўра юридик терминлар бир сўз ва бир нечта сўзлардан таркиб топиши мумкин. Қўшма сўзлар, уларнинг турлари, ясашиш йўллари, уларни боғловчи грамматик воситалар бўйича илмий ишларда салмоқли фикрлар билдирилган. Синтактик муносабат сўз бирикмалари компонентлари ўртасида ҳам, шунингдек гап бўлаклари ўртасида ҳам турли шаклларда учрайди¹. Ҳозирги қорақалпоқ тилида қўлланиладиган икки ва кўп компонентли юридик терминлар таркибидаги сўзлар ўзаро грамматик воситалар ёрдамида боғланиб, тобе боғланишнинг бошқарув, мослашув (изофа) ва битишув каби турларини ҳосил қилади. Бундай грамматик воситалар ёрдамида боғланиш ажратиб ёзиладиган қўшма сўзлардан ташқари қўшиб ёзиладиган қўшма сўзлар, жуфт ва бошқа қўшма сўзларда ҳам учрайди. Қорақалпоқ тилида қўшма сўзларнинг бир гуруҳи бўлган жуфт ва такрор сўзлар А.Нажимов томонидан махсус тадқиқ этилди². Қўшма сўзлар ажратиб ёзиладиган қўшма сўзлар, қўшиб ёзиладиган қўшма сўзлар, жуфт, такрор ва қисқартма қўшма турларга ажратиб ўрганилади³. Баъзи илмий адабиётларда сўз ясашишининг бу модели синтетик усулга киритилса⁴, яна бошқаларида сўз ясашишининг морфологик-синтактик усули сифатида қаралади⁵.

Қорақалпоқ тилида сўз қўшиш модели орқали янги маъноли юридик терминлар ясашиши бошқа моделларга нисбатан бир қатор хусусиятлари билан ажралиб туради. Бу модел ёрдамида сўзлар ясалганда бир нечта сўз турли грамматик воситалар орқали боғланиб, компонентлари ўзаро лексик-грамматик бирликда бўлади⁶. Ажратиб ёзиладиган қўшма юридик терминлар компонентлари микдорига кўра икки сўздан – икки компонентли, уч сўздан ясаиб – уч компонентли, тўрт сўздан ясаиб – тўрт компонентли ва ундан ортиқ компонентли бўлади. Уларнинг компонентлари ўзаро турли грамматик воситалар орқали боғланиб, бошқарув, битишув, мослашув каби тобе боғланишни ҳосил қилади. Қорақалпоқ тилидаги компонентли ажратиб ёзиладиган қўшма юридик терминларни ўзаро боғлашда 1) аффикслар (грамматик шакллар), 2) ёрдамчи сўзлар, 3) сўз тартиби, 4) оҳанг каби грамматик воситалар иштирок этади. Баъзи юридик терминлар ёрдамчи

¹ Ҳозирги қарақалпақ адабий тилининг грамматикаси. Синтаксис. – Нөкис: “Билим”, 1992, 14-бет.

² Н а ж и м о в А. Способы образования парных и парно-повторных слов в каракалпакском языке. АКД. – Нукус, 1971.

³ D á w l e t o v A., D á w l e t o v M., Q u d a y b e r g e n o v M. Házirgi qaraqalpaq ádebiy tili. Morfologiya. – Nókis: “Bilim”, 2010.

⁴ Б а с к а к о в Н.А. Каракалпакский язык. Е. II, Ч.1, (фонетика и морфология). – М., 1952.

⁵ Ш а р и п о в а Е. Н. Аффиксальное словообразование имен существительных. Казак тіл білімі мәселелері. – Алматы: “Ғылым”, 1959.

⁶ Ҳ о ж и е в А. Ўзбек тили сўз ясашиши тизими. – Тошкент: “O‘qituvchi”, 2007, 37-бет..

“Халқ дорилфунунидаги комедиялар” деган кичик фельетонда (1918, 12) ўша пайтда ташкил топган Туркистон халқ дорилфунунидаги камчиликлар, бу илк олий ўқув юртига бошлиқ бўлиб олган рус амалдорларининг маҳаллий миллат вакиллари менсимасликлари фош қилинади.

Маълумки, “Чаён” Россияда катта ижтимоий воқеалар юз бераётган, жумладан 1917 йил октябрь ўзгариши бўлиб ўтган бир даврда пайдо бўлган эди. Пролетариат синфи номидан ўтказилган бу ижтимоий тўнтариш 1917 йил февраль инқилобидан кейин Туркистонда юз бераётган жараёнлар – феодал зулм тимсоли бўлган чор подшоси ҳукмронлигидан қутулиб, хурриятга чиқиш, миллий озодликка эришиш ҳаракатига салбий таъсир этиб, ижтимоий ҳаётни тор синфий оқимга буриб, жамиятни бир-бирига қарама-қарши кучларга бўлиб юборган ва ҳалокат ёқасига олиб келиб қўйган эди. Журнал бу воқеаларга ҳам ўзининг салбий муносабатини билдирмай тура олмади, албатта. Миллий озодлик ва мустақиллик ғояларига хизмат қилган “Чаён” журнали “Яшасин Туркистон мухторияти!” – деган шиор остида иш кўрди. Аммо большевиклар томонидан Туркистон миллий озодлик ҳаракатига раҳна солинди, Қўкон мухторияти деб ном олган миллий ҳукумат куч билан тор-мор этилди. Журнал бу воқеаларни ўзининг “Хўқанд фожиалари” деган материалида ўқувчиларга етказди (1918 йил 5-сон). Журналда босилган қатор мақолалар, шеърларда большевикларнинг зўравонликлари, юртга олиб келган даҳшатлари фош этилди. Масалан, Девонаи Машраб имзоли шоирнинг “Ҳозирги большевиклар” шеърида (1918 йил 4-сон) большевиклар “миллат душмани” сифатида фош этилса, “Комиссар Айниддин” сарлавҳали фельетонда (1918 йил 3-сон) эса октябрь ўзгаришидан кейин бир юмалаб комиссар бўлиб олиб, халққа зулм ўтказаётган саводсиз, жоҳил шахс образи берилади. Журналда босилган “Бир комиссар тилидан” деб номланган шеър ҳам юқоридаги мавзуга ҳамоҳангдир. Шеър юқоридаги каби шахслар тилидан баён этилган:

*Комиссар бўлдим, буюк од олдим,
Миллатни сотдим, неча мақталдим.
Қўйруқ бўлдим мен большевикларга
Туркликни-да тамом топтадим⁴.*

“Чаён”нинг ижтимоий ҳаёт иллатларини бундай кескин тарзда фош этиши, айниқса янги тузум тартибларини куч ишлатиш ва зўравонлик билан амалга ошираётган большевикларни танқид қилишга журъат этиши турган гапки, совет ҳукумати идораларига ёқмади. Улар татар социалист ишчилар кўмитаси номидан журнал муҳарририятига: “Бундан сўнг советский властга қарши ёзмасқа ва ёзган чоғда ёпилажагини баён этиб” огоҳлантирувчи хат йўллайди. Бунга жавобан “чаён”чилар заҳарханда билан жавоб мақоласи чиқариб: “Николайнинг жаҳаннамий истибдоди замонида” ҳам айрим ҳажвий журналларнинг чиқиб турганлигини, энди “хуррият келди” деб эълон этилган даврда эса бундай зўравонликка йўл қўйилаётганлигини қаттиқ танқид қилдилар. Аммо, афсуски, бу хилдаги норозилик ва инсофга қақариш нидоси большевикларга кор қилмади, зўравонликка асосланган совет

⁴ “Чаён” журнали, 1918 йил 4-сон.

идоралари “Чаён” журналини ёпиб ташлади, муҳаррири қамоққа олинди. Ўша пайтда чиқиб турган “Улуғ Туркистон” газетаси “Чаян” журнали ёпилгон” деган билдиришида бу тўғрида шундай деб ёзган эди:

“Марказий Туркистон Комитети ҳузуридаги миллий ишлар секциясининг қарори бўйича Тошкентда чиқадургон “Чаян” журноли тўхтатилиб, муҳарририни ҳибсга олурға, мол-мулкларини мусодара қилурға амр берилган... Туркистонда бирдан-бир бу турк-татар мажмуасининг ёпилуви шодликли хабар тугулдир (эмасдир, дейилмоқчи – М.Х.)⁵.

Журнал муҳаррири И.Тоҳирӣ сал кейинроқ бу воқеаларни шарҳлаб, “Чаён”нинг ёпилишига большевикларнинг зўравонликлари билан бир қаторда Туркистон ижтимоӣ ҳаётига хос бўлган ноиттифоқлик, айрим зиёлиларнинг худбинлиги, манфаатпарастлиги ҳам сабаб бўлганини кўрсатиб ўтган эди. У кейинроқ ёзган “Марҳум “Чаян” журнали ҳақида” мақоласида ўша даврдаги айрим зиёлиларнинг ҳажвга, танқидга ноҳолис, худбинларча муносабатда бўлишини танқид қилиб: “Бу кун туркистонлилар учун... маддоҳлик керак, риё керак, нифоқ сотув керак... Шунинг учун-да унинг муҳаррири ҳибсга ҳукм этилди”, деб ёзган эди⁶. Аммо, бир томондан большевиклар зўравонлиги-ю, иккинчи томондан маҳаллий зиёлиларнинг лоқайдликлари боисидан ўз фаолиятларини тўхтатишга мажбур бўлган чаянчилар руҳан таслим бўлмадилар. “Чаён” ёпилиши билан улар “Чўл чаёни” журналини чиқаришга киришдилар. Бу нашр ҳам ўз маслаги ва йўналиши жиҳатидан “Чаён”нинг давомчиси бўлмоғи лозим эди.

“Ғофил кишиларни ғафлатдан уятур учун ҳар турли тишлагич, чакувчи ҳайвонларни яратувчи Оллоҳи азим ҳазратларина чексиз шукрлар бўлсинки, Туркистон мусулмонлари учун ҳаво ва сув даражасинда зарур бўлгон ҳажвий, кулги, расмли “Чўл чаёни” журнали чиқа бошлади”, – деб ёзилади журналнинг 1918 йил 1-сентябрда чиққан биринчи сонидagi дастурий билдиришда ва янги нашрнинг асосий вазифаси “ҳақиқатни майдонга чиқариш”, ўқувчиларга “кимлар ёвуз, кимлар эзгу, кимлар ҳийлакор, кимлар виждонли” эканлигини кўрсатишдан иборатлиги таъкидланади. Шу сонда босилган “Чўл чаён” не учун чиқа?” деб номланган бош мақолада журнал “турк ўғли, турк авлодлигиндан анинг энг буюк вазифаси – “турклик фойдаси” бўлажагини, бир томирдан кетган турк бутокларини айирурга тиришувчи, алар орасина қора мачи (мушук – М.Х) юбурувчи шайтонларнинг нақ виждонларини”, “олим исмини олиб-да илм исминдин турклик инқироизина хизмат этувчи, ёш зиёлиларга қарши туриш даъвоси-ла остроумовчиларга фойда келтирувчи уламоларнинг бурнининг учидан”, “тўра бўлдим”, деб ўз чаботаси (чориғи – М.Х)ни тўрга илган тўраларнинг мўйин томиридан” чақажагини баён қилади. Мазкур мақола ҳажвий журналнинг “усули тарбия-таълимдан хабари йўқ, болаларнинг азиз умрларини зое этувчи оғоч муаллимларнинг қулоғидан чақажаги”ни билдирар экан, миллий тилнинг бузилиш ҳолларига ҳам ўзининг кескин мунсабатини билдириб ўтади: “Чўл чаёни” ўз она тилини ташлаб, Ванка ва

ёзувчининг индивидуал услубини ҳам кўрсатади. Сажъ насрий асарларнинг ритмикаси, интонацияси ва мелодикасини шакллантириш орқали назмга яқинлаштиради.

Кейин, Каюмарс подшо бўлди.

Каюмарс Наврўзни шарафлади, Наврўзни улуглади.

Наврўзни ҳайит қилди!

Шу-шу, Наврўз ўлик-тирик озод кун бўлди.

Наврўз асир-тутқун озод кун бўлди.

Наврўз қирғинбарот тўхтар кун бўлди.

Наврўз кина-кудурат тарқар кун бўлди. (Тоғай Мурод, Ойдинда юрган одамлар, 259-бет)

Ушбу асарнинг таъсирчанлигини оширишда, ўқувчининг ҳиссий муносабатини кучайтиришда, асардаги шароит ва муҳитни тингловчига ёрқин тушунтиришда ёзувчи услубидаги содда ва равонлик билан бирга, сажъ ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Сажъ насрий нутқнинг ифодавийлигини оширади, асарнинг бадий қимматига ижобий таъсир кўрсатади. Поэтик матн ҳақидаги фикрлар, матнга бўлган ёндашув турлича бўлишига қарамай, унинг ҳар қайси турида фонетик бирликларнинг бирламчилиги, фонетик ҳодисаларнинг матннинг таҳлили ва мантиқига таъсири кабилар фонопоэтик тадқиқотнинг муҳимлигидан далолат беради. Поэтик матнни ташкил этувчи фонетик воситалари унинг экспрессив-эмоционал жиҳатдан, пресуппозицион маъноларини ҳам кўрсата олади. Айниқса, герменевтик методда поэтик матннинг тушунилиши, тадқиқи, таҳлили чуқурроқ бўлишига эришиш мумкин.

Насрий нутқнинг фонопоэтик таҳлили қуйидаги хулосаларга олиб келади:

– насрий нутқдаги образлар характерининг очилишида товуш билан боғлиқ фонетик ҳодисалар муҳим роль ўйнайди;

– поэтик мақсад билан товуш тушиши, кўп ҳолларда бўғин тушиши ҳам сўзловчининг тингловчига қандайдир сабаб билан бераётган урғуси ҳисобланади, бунда тингловчи мушоҳадага тортилади. Шуниси муҳимки, бундай ҳолатда фикрлар турличалиги кузатилади. Бу матнни қандай тушуниш ва талқин этишга боғлиқ. Матн талқинининг турличалиги эса асарга ёндашиш ва талабни ўзгартириши мумкин.

– насрий асарлардаги сўзловчи муносабати, кайфияти, руҳияти товушлар ёрдамида юзага келади, яъни фонетик бирликлар ҳам лексик бирликлар каби вазифа бажаради;

– насрий асарда сўзларнинг нотўғри талаффузи ҳам образнинг ўзига хослигини англатади.

РЕЗЮМЕ. Мақолада фонетик воситаларнинг насрий матндаги поэтик хусусиятлари ҳақида фикр юритилади.

РЕЗЮМЕ. В статье рассматриваются поэтические особенности фонетических приемов в прозаическом тексте.

RESUME. The article discusses the poetic features of phonetic devices in the prose text.

Таянч сўз ва иборалар: насрий нутқ, контекст, фонопоэтика, диалог, товуш, талаффуз, эмоционаллик, экспрессивлик, сажъ.

Ключевые слова и выражения: прозаическая речь, контекст, фонопоэтика, диалог, звук, произношение, эмоциональность, экспрессивность, саж.

Key words and word expressions: prose speech, context, phonopoetics, dialogue, sound, pronunciation, emotionality, expressiveness, saj.

⁵ “Улуғ Туркистон” газетаси, 1918 йил 13 август.

⁶ “Чўл чаёни” журнали, 1918 йил 4–6-сонлар.

– *Жандиқ опқолинг, дедим, отахон! Жандиқ!* – деди у афтини бужмайтириб. – *Кампирингиз лағмон чўзиб беради!*

– *Э-э, лағмонга соладими, буни-и ? – чўзилди чол.*

– *Кейин қулоққа осади-и!.. – Ясама ҳиринглади аёл бояги аламидан чиқолмай.* (Х.Дўстмуҳаммад, Бозор, 139-бет)

Сўзловчининг «э-э...» талаффузи таажжуб маъносини, *и* товущининг чўзилиши эса икки хил: сўроқ (чолнинг нутқида), кесатик (аёлни нутқида) маъноларини англатади.

Куйидаги матнда товущни чўзиб талаффуз қилиш кучли руҳий ҳолатни, “эзилганлик, изтироб, алам” каби маъноларни англатишини кўриш мумкин.

– *Во-оҳ-ҳ! – деди кампир инграб.* (Х.Дўстмуҳаммад, Бозор, 58-бет)

Товушларнинг турлича талаффузи сўзловчи ва тингловчининг ўзаро муносабатини ҳам билдиради.

– *И, би-и! Бизди ҳамсояннинг бачаси-ку, бу!..*

Фозилбек лўли хотиннинг муддаосини тушунмади, тушунмади-ю, унинг мулоимлиги, меҳрибонлиги шу қадар ёқдики, азбаройи эти жимирлашиб кетди. (Х.Дўстмуҳаммад, Бозор, 65-бет)

Мисолда *И, би-и* каби ҳайрат оҳангида бир товущни чўзиб талаффуз қилиниши, аввало, индивидуал нуткни кўрсатади, образнинг характерини очишга хизмат қилади ҳамда суҳбатдошда илиқ муносабат уйғотади.

А.Қаҳҳорнинг «Дахшат» ҳикоясида куз тасвири китобхонга қуйроқда қандайдир нохуш, фожиали ҳодиса рўй беришидан далолат беради.

Яқин икки ҳафтадан бери кўз очирмаётган кузак шамоли яйдоқ дарахтлар шохиди чийиллайди, гувиллайди; томларда вишиллайди, ёпиқ эшик ва дарчаларга бош уриб уф тортади.

Бундай кечаларда одамзод қўй мижоз, гуж бўлиб ва ниманидир қутиб жимгина ўтиришни хоҳлаб қолади. (А.Қаҳҳор, Асарлар, Дахшат, 41-бет)

Мазкур матндаги иккита хатбошидан ўқувчига, муайян ассоциация уйғотадиган сўзлар мазмунидан ташқари товушларнинг ўзига хос табиати ҳам мавжуд эканлиги англашилади.

Кузак, гувиламоқ, бош урмоқ, уф, гуж, қутиб сўзларидаги *у* ёки *шамол, шох, вишиллайди, эшик, бош* (уриб) сўзларидаги *ш* товушлари матнда эмоционаллик хусусиятини таъминлайди. Бу худди ўз ўлжаси сари келаётган илоннинг вишиллашига ўхшайди, китобхонда шундай тасаввур уйғотади.

Насрий нутқда фикр ифодалаш нисбатан эркиндир, шунинг учун ҳам сўзловчи турли воситалардан фойдаланиб, эмоционаллик, экспрессивликни ошириши мумкин бўлади. Бу борада товушларнинг оҳанг, тўхтам ва айрим ҳолларда тиниш белгиларининг аҳамиятига алоҳида тўхталиш лозим.

Ҳозирги насрда матннинг айрим ўринлари, хусусан, тасвир предметига эмоционал муносабат куюқ ифодаланувчи лирик чекинишларда, воқеа ривожидидаги ҳаяжонли нукталар ёки персонажлар руҳиятида жунбишга келган кечинмалар тасвирида сажъ санъатида хос хусусиятларни кўриш мумкин:

Учинчи теримда осмон айниб қолади.

Ҳаво совиб-совиб олади.

Ёмғир савалаб-савалаб олади.

Учинчи теримда пахтамини чала-чала очилмиш кўсакдан териб оламан.

Учинчи терим пахтамини тиржайиб-тиржайиб қолмиш кўсакдан териб оламан.

... Учинчи терим пахтаман сап-сариг доғли бўлади.

Кўнғир-кўнғир доғли бўлади. (Тоғай Мурод. Отамдан қолган далалар. 218-бет)

Бадий асарнинг муайян оҳанг ва ритмга асосланишида сажъ санъатининг аҳамияти катта. Сажъ поэтик матнга эмоционал-экспрессивлик ва ритмик изчиллик бериш мақсадида фойдаланиш билан бир каторда,

Васка тили бирла ўрамларда гапириб юрувчи мусулмон қизларнинг тилидан чакажак”⁷.

Туркистонда ягона ҳажвий журнал “Чаён”нинг “Чўл чаёни” номи билан қайтадан чиқиши муҳим маданий-сиёсий воқеа эди. Ўша даврдаги энг нуфузли газета ҳисобланган “Улуғ Туркистон”нинг бу ҳақда берган махсус билдиришида “Тошкентда ҳажвий, кулки, сиёсий ва адабий расмларнинг “Чўл чаён” чиқарилганини, журналнинг маслаҳати “ҳар қандай шахсий ғаразлардан, маъносиз интригалардан соф хабарлар тарқатиш эканлиги айтилади”⁸.

Кўриниб турибдики, “Чўл чаёни” ҳам худди “Чаён” сингари умуминсоний, демократик мақсадларни ўз олдига қўйган. “Чўл чаён”чилар ҳам ўз маслакларини амалга ошириш учун астойдил киришганликларини унинг саҳифаларидан жой олган материаллардан билиб олиш мумкин. Журнал ижтимоий ҳаёт воқеаларини ёритар экан, ундаги иллатларни холис, умуминсоний нуқтаи назардан баҳолайди ва танқид қилади. Масалан, журналнинг 1918 йилда чиққан 4–5 қўшма сонидagi “Йил боши” сарлавҳали бош мақолада авомлик, жаҳолат танқид қилинса, унинг шу йил 2-сонидан жой олган “Хотун бармоғи” сарлавҳали мақола ўша пайтда Москвада бўлиб ўтган воқеалар – сўл эсерлар томонидан большевиклар ҳукумати бошлиғи В.И.Ленинга қилинган суиқасд ҳақида бўлиб, террорчилик, шу жумладан большевиклар террори каттиқ қораланади.

Журналда босилган “Озодлик куни хурмати” сарлавҳали мақолани ўша давр ҳажвий публицистикасининг ёрқин намунаси дейиш мумкин. Муаллифи кўрсатилмаган, аммо услубидан И.Тоҳирийга мансублиги сезилиб турган бу ҳажвий-танқидий мақолада озодлик, эркинлик ҳақида фалсафий мушоҳада юритилади:

“Одамнинг ҳаёти жон билан бўлғони каби жоннинг ҳаёти-да эрк биландир, – деб ёзади муаллиф. – Эрки йўқ жон – жони йўқ тан кабидир. Озодлиг неъматидан маҳрум миллатлардан ҳақиқий кишилар етишмайди”.

Ҳажвчи бўлиб ўтган октябрь ўзгариши барчага ҳуқуқ ва на эрк бера олмганини таъкидлар экан: “Афандилар, сиз унутмангиз: ҳуқуқ берилурга ярамай, олинурга керак”, – деган хулоса чиқаради ҳамда ҳақиқий ҳуқуқ ва эрк учун курашиш лозимлигини таъкидлайди ва ўз мақоласини: “Оҳ, Турон авлоди! Қайда ғойиб этдинг сен аскарлик руҳингни!” – деган аламли мурожаат билан тугаллайди⁹.

Юқоридаги мисоллар “Чўл чаёни” ижтимоий ҳаётнинг муҳим масалалари бўлмиш эрк, озодлик, адолат каби тушунчаларда тўғри, умуминсоний, халқчил нуқтаи назарда турганлигини кўрсатади. Журнал ўз йўналишини амалга ошириш, ҳаётни холис тарзда ёритишда ҳажвий публицистикадан кенг фойдаланди. Турган гапки, “Чўл чаёни”нинг зулм-зўравонликка қарши, эркталаб бундай фикрлари большевиклар ҳукуматига ёқмади, журнал кўп ўтмасдан бутунлай ёпиб ташланди, унинг тўғри фикрли, виждонли ва истеъдодли муҳаррири И.Тоҳирийнинг товущи тамоман ўчирилди.

⁷ “Чўл чаёни” журнали, 1918 йил 1-сон.

⁸ “Улуғ Туркистон” газетаси, 1918 йил 13 август.

⁹ “Чўл чаёни” журнали, 1918 йил 4-5 (қўшма)-сон.

“Чаён” ва “Чўл чаёни” журналлари биринчи татар-ўзбек ҳажвий журналлари сифатида ўша давр ижтимоий ҳаётида муҳим роль ўйнадилар. Тўғри, бу журналлар фаолиятида бир қатор камчиликлар ҳам мавжуд эди. Улар кўпроқ татар матбуоти йўлидан бордилар, ўзбек матбуоти, демократик адабиёт анъаналарига етарли эътибор бермадилар, таниқли шоир ва ёзувчиларни ўзларига жалб эта олмадилар. Аммо улар ўзбек ҳажвий матбуотининг илк нашрлари бўлдилар, кейинги давр ҳажвий публицистикасининг тараққиёти учун бир поғона бўлиб хизмат қилдилар. Энг муҳими, улар ва бу даврда чиққан бошқа вақтли матбуот нашрлари ҳажвий публицистикадан фойдаланар эканлар, тор синфий мақсадларга эмас, умуминсоний ғояларга, эзгуликка, ҳурриятга хизмат қилдилар ва бу юксак маслак учун курашдилар.

РЕЗЮМЕ. Мақолада XX асрнинг бошларида Тошкентда маърифатпарварлик йўналишида нашр этилган “Чаён” ҳажвий журналининг йўналиши, мавзу доиралари ва жанрий хусусиятлари таҳлил этилади.

РЕЗЮМЕ. В статье проанализированы направление, круг тем и жанровые особенности юмористического журнала “Чаён” (“Скорпион”), изданного в Ташкенте в начале XX века в просветительском направлении.

RESUME. This article is devoted to the study of the activities of the satirical magazine "Chayan" ("Scorpio") published in Tashkent at the beginning of the twentieth century. It examines the social direction of the journal, the range of topics and genre features of the journal's materials.

Таянч сўз ва иборалар: матбуот, журнал, ҳажвий публицистика, мақола, шеър, фельетон, танкид.

Ключевые слова и выражения: пресса, журнал, юмористическая публицистика, статья, стихотворение, фельетон, критика.

Key words and word expressions: press, magazine, comic journalism, article, poem, feuilleton, criticism.

ФОНЕТИК ВОСИТАЛАРНИНГ НАСРИЙ МАТНДАГИ ПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Лирик асарлардан фарқли равишда насрий асар марказида инсоннинг оний лаҳзалардаги ҳиссий кечинмаси эмас, воқеа, ривоя туради. Лирика ва наср бадий нутқ тузилишининг асосий иккита тури ҳисобланади. Улар ташқи томондан ритмик тартибланишига кўра фарқланади. Шеърий нутқ ритми муайян бўлакларнинг шаклланишидан ҳосил бўлади. Насрда тасвир предмети бошқачароқ акс этади: қатъий-қонуний тарзда, инсон ҳаётининг манзаралари, ижтимоий ҳаёт лавҳаси, баъзан объективлик даражаси оз ёки кўп сезилиб, кенг ва атрофлича намоён бўлади. Насрда такрор тамойили шеъриятга нисбатан анчайин кам роль ўйнайди. Чунки шеърий нутқ насрий нутққа қиёсланганда мураккаб мазмуний тузилишга эга бўлади. Насрий асар тилининг бадийиёти ўзгача, унга шеърият мезонлари билан ёндашиб бўлмайди. Дейлик, насрий асар тилидаги кўчимлар, турли услубий фигуралар ҳақида гапириш билан чекланас, у ҳолда деярли ҳеч нарса айтмаган бўлиб чиқамиз. Зеро, бадий наср тилининг сеҳри, жозибаси чуқурроқ қатламларда яшириндир. Таассуфки, насрий асар тилининг бадийиётига дахл этувчи нутқий омиллар ва нутқдан ташқари ҳодисалар бизда етарлича ўрганилгани йўқ¹.

Албатта, насрий асарлар тили ҳам мураккаб ва нозик структурали ҳодиса. Хусусан, унинг фонетик жиҳатлари жиддий ўрганишни талаб этади. Насрий нутқ период, гап ва синтагмаларга бўлинади. М.Йўлдошев матнларни ҳажм белгисига кўра ҳамда ифода мақсади ва мазмун белгисига кўра матн типларига ажратади. “Бадий услубда ҳикоя, қисса, роман, эпоея каби йирик ҳажмли асарлар максимал матн ҳисобланади². Муаллиф ҳикоя, қисса, роман, эпоея каби йирик ҳажмли асарларни максимал матн деб белгилайди. Биз ишда насрий нутқнинг фонетик-фонологик хусусиятларини текширганда максимал матнлардан айримларига мурожаат этамиз.

– *Й - ў - ўқ... Ким билсин, ишқилиб шундай экан-да... Ота-онасиз ўсган, тоғасининг қўлида катта бўлган экан. Тагин, ким билади дейсиз, тавба... Ҳеч кимнинг бошига солмасин...* (Х.Дўстмуҳаммад, Бозор, 146-бет)

Мисолдан кўриниб турибдики, матннинг таъсирчанлиги ва оҳангдорлигининг ифодаланиши унлилар уйғунлашуви билан боғлиқ. “И”нинг 18 ўринда, “а”нинг 17, “о”нинг 5, “ў”нинг ҳам 5 (бир сўздаги чўзиқликни ифодаловчи такрори билан), “э”нинг 2 ва “у”нинг 1 марта қўлланилишидан, “и” ҳамда “а” унлиларининг муайян тартибда такрорланишидан матн интонациясидаги изчиллик юзага келади. Бу ўринда “Й - ў - ўқ” сўзидаги чўзиқлик ҳайрат, ноаниқликни ифодалайди. Аслида унлининг чўзилиши, ундошнинг такрори матн табиатидан келиб чиқиб, контекстда турли маъноларни юқори эмоционалликда ифодалашга хизмат қилади.

Насрий асарлар фонопоэтикасида нутқ товушларини чўзиб талаффуз қилиш, бирдан ортиқ ёзиш, фонетик жараёндаги турли ҳодисалар сўзловчининг нутқ вазиятига, воқеликка турли муносабатини билдириш: қувонч, ғазаб, аччиқланиш, афсус, ҳайрат, таажжуб, киноя, пичинг, кесатик, розилик, норозилик, тилак-истак ва ҳоказоларни ифодалашда фонетик бирликлардан фойдаланилади. Насрий нутқда, бундай фонетик воситалар аксарият диалогларда, хусусан персонажлар нутқида қўлланади. Масалан:

¹ Қ у р о н о в Д. Бадий наср тили ҳақида мулоҳазалар \\\ Quronov.narod.ru

² Й ў л д о ш е в М. Бадий матн лингвопоэтикаси. – Тошкент: “Фан”, 2008, 12-; 15-бетлар.

Гипотаксис синтактик идиоматизм белгисига эга⁶. Синтактик идиоматизм деганда, оддий гапларнинг гипотаксис бутунлик ичида янги сифатга, янги тушунчага эга бўлиши тушунилади. Шунинг ҳам таъкидлаш зарурки, автосемантик компонентлар гипотаксис ичида ўзига хос интонацияга эга бўлади.

Структур синсемантия сўзлар тартиби, тобе қисмда ёрдамчи сўзларнинг, ҳоким қисмда эса ҳавола бўлакларнинг иштирокига кўра ифодаланади. Мазмуний синсемантия ҳоким қисм таркибида маълум нутқ феъллари, боғламалар, модал баҳоловчи индикаторлар, олошлар билан асосланади. Шунга кўра қуйидаги гипотаксис моделларни кўрсатишимиз мумкин:

- | | | |
|----------------|----------------|----------------|
| 1. ПА/м +CC/s | 2. CC/м +CC/s | 3. СИ/м +CC/s |
| 4. СИ/ м +ПА/s | 5. АС/ м +CC/s | 6. СИ/ м +СИ/s |

Бу тартибдаги гипотаксис бутунликларни бир семантик ядроли ва икки семантик ядроли турларга бўлишимиз мумкин. Шу тариқа биз гипотаксиснинг 1) коммуникатив вазифасини; 2) умумий мазмун ёки конкрет маъносини; 3) синтактик идиоматизм билан боғлиқ бўлган семантик-синтактик хусусиятини фарқлаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, маъно билдирувчи тил бирликлари автосемантик ва синсемантик белгиларга эга бўлади. Мустақил сўзларнинг автосемантик белгиси уларнинг лексик маъноларида намоён бўлса, синсемантик белгисига эга бўлган гипотаксиснинг грамматик маъноларидан модал маънолар ўсиб чиқади, яъни мустақил сўзларда лексик маънолари биринчи планда турса, синсемантик белгисига эга бўлган гипотаксисда грамматик маънолар биринчи планда туради, чунки бу грамматик маънолардан келиб чиқадиган модал маънолар ҳал қилувчи ролни ўйнайди. Бу модал маънолар турлича бўлиб, улар ўзаро турли семантик гуруҳларга биришади. Демак, гипотаксис бутун ҳолатдагина автосемантик бирлик бўлади, унинг қисмлари эса синсемантик белгисига эга.

РЕЗЮМЕ. Мақолада гипотаксиснинг синсемантик белгиси таҳлил қилинади.

РЕЗЮМЕ. В статье анализируются синсемантические знаки гипотаксиса.

RESUME. The article analyzes synsemantic signs of hypotaxis.

Таянч сўз ва иборалар: гипотаксис, автосемантик, синсемантик, потенциал автосемантик, структур-синсемантик, асемантик.

Ключевые слова и выражения: гипотаксис, автосемантия, синсемантия, потенциальная автосемантия, структур-синсемантия, асемантия.

Key words and word expressions: hypotaxis, autosemancy, synsemancy, potential autosemancy, synsemancy-structures, asemantic

⁶ Москальская О.И. Устойчивые словосочетания с грамматической направленностью // «Вопросы языкознания», 1961, № 5.

ЎЗУВЧИ КЕЧИНМАЛАРИНИНГ БАДИИЙ ИФОДАСИ

Ўзбек халқининг миллатпарвар ўзувчиларидан бири Шукрулло ўзидан жуда катта адабий мерос қолдирди. У адабий турнинг барча жанрларида қалам тебратди. Ўзувчининг насрий битиклари орасида автобиографик жанрга мансублари кўпчиликни ташкил қилади. Аслида, ҳар қандай бадий асар ўзувчи таржимаи ҳолидан олинган бир парчадир. Унинг «Жавоҳирлар сандиғи» (1983) эссеси, қатағон даври даҳшатлари ҳақидаги «Кафансиз кўмилганлар» (1989) автобиографик қиссаси, «Қасосли дунё» (1994) публицистик мақолалар тўплами, Убайдулла Хўжаев тўғрисидаги «Тирик руҳлар» (1999) роман-хроникаси фикримиз далилидир.

Автобиографик жанрнинг ўзига хос талаблари мавжуд, автограф эса буни инобатга олиши лозим бўлади. Биринчидан, муаллиф бадий-хужжатли асарни ёзишда реал ҳаётнинг факт ва рақамларга таянган ҳолда иш кўрмоғи зарур, иккинчидан, жанрда ижодий эркинлик бироз чекланади, тўқимага ўрин берилмайди, учинчидан, автограф асар иштирокчиси сифатида воқеликни ҳикоя қилиб берувчи шахс – ровийга айланади. Ровийдан эса аниқлик ва ҳолислик талаб этилади. Бадий асарда ҳикоя қилувчи ровий ва муаллиф орасида маълум бир мувозанат сақланади. Муаллиф баён қилувчи ровийдан бироз тепада турмоғи, воқеларнинг ичида қолиб кетмаслиги зарур. Шукруллонинг шу йўналишдаги асарларида мана шу мувозанатни сақлаш, ҳолислик мезонида туриш устувор саналади. Энг асосийси, шоир ўзи ҳақидаги воқеаларни яширмасдан, борида айтади. Бу унинг шахсиятидаги ўзига хосликни кўрсатади. Қанчадан-қанча забардаст ўзувчиларимиз ёлғонлар орасида яшади, кун кўрди, тирикчилик қилди. Ҳақиқатга тик бора олмади, бадални охиратга қолдиришди.

Мазкур мақолада шоирнинг икки асарига тўхталиб ўтишни ният қилдик. Дастлаб унинг “Жавоҳирлар сандиғи” мемуар қиссасига тўхталаримиз. Муаллиф асарда бир қанча сюжет чизигини ривожлантириб боради. Биринчиси, шоир бўлиб шаклланиш даври, иккинчиси унга устозлик қилган Ғ.Ғулом, М.Шайхзода, Ойбек, Ҳ.Олимжон каби ижодкорларнинг шахси, дунёқараши каби жиҳатларга ҳам ойдинлик киритиб боради. Энг асосийси, буларнинг барчаси халқнинг донишмандлиги фонида очиб берилади. Асарда Тошкентнинг тарихий маҳаллалари ва ҳаёт тарзи, миллат маънавий қадриятларининг ўзига хос ифодасини кўриш мумкин. Шоир Расул Ҳамзатовнинг “Доғистон” асаридан илҳомланиб “Жавоҳирлар сандиғи”ни ёзганини айтган. Мазкур асарининг композицион қурилмаси “Доғистон”нинг таркибий тузилишига ўхшайди. Шоирнинг отаси томонидан айtilган халқ донолигини акс эттирувчи ривоятлар асарда қолипловчи вазифасини бажариб, ҳар бири ўзига хос бадий мазмунга эга.

“Жавоҳирлар сандиғи” қиссаси ўзбек адабиётшунослигида ижодкор лабораториясини очиб берувчи асарлар сирасига киради. Унда ижод сирини, шоир ким, шеър нима, қандай ёзиш мумкин деган саволлар атрофида баҳс юритилади. Асар иштирокчилари турли даражада кутбланса-да, аммо сўзловчи, воқеларга гувоҳ, бевосита иштирокчи ҳам ягона – муаллиф шахси.

Асарни умуммахражга олиб келувчи мана шу яхлитлик сюжетни тутиб турувчи таянч саналади.

Муаллиф асарда келтирилган лавҳаларни ҳаётий мисоллар билан бойитиб борадики, улар янги мулоҳазаларга чорлайди. Муаллиф ижодга кириб келишидаги қийинчиликлар, чалғишлар, иккиланишларни ортикча бўямасдан дадиллик билан ошкор қилади. Бундай усул асарнинг жонли ва ишончли чиқишида муҳим аҳамият касб этади. У ёзган шеърини ғурурланиб Ғ.Ғуломга ўқиб беради. Шунда Ғ.Ғулом ўрнидан туриб узум ғўрасини олиб келади. Шукрулло сабабини сўраганида, у: “Пишмаган шеърга ғўра билан муҳр қўйилади”, – деб танбеҳ беради. Шоир оғринмайди, маҳорат сирларини ўрганишга ҳаракат қилади, бу билан боғлиқ маълумотларни беради. Шукруллониинг ибратли сўзларини ҳавола қиламиз:

“Ҳақиқий илҳом – шоир ўзи ҳақиқатдан ҳам севган, бир неча вақтдан буён қалбига чўкиб, унда етилаётган фикрларнинг бирон сабаб билан ҳаётдаги воқеаларга тўқнаш келганда пайдо бўлган аланга! Илҳом шунчаки қаланган ўтин эмас, менимча, анча вақтдан бери қизишиб, бир шамол елпиши билан гуруллаб ёнган аланга!” (30)

“Кўринмагани кўриш, айтилмаганини эшитиш шоирликнинг асл вазифаси. Фикр нурдек товланади-ю, уни қамраб, нинадан ўтказган ипдек, воқеага боғлай олиш мушкул иш” (136).

“Мен ҳаёлимга келган фикрни дарров ёзмайман, ўйлаб кўраман, ҳаёлан пиштаман, кейин уни одамларга гапириб бера бошлайман, фикрларга кулоқ тутаман, шундай тарзда синовдан ўтказаман. Гоҳида менга ҳамманинг олдида айтиб бераверма, бировлар илиб кетади дейишади, аммо мен қизганмайман” (146).

Қаҳрамонлик инсоннинг ўзига ўзининг ишончидир. Ҳақиқий талант, бу – сиёсат тазйиқи билан айтиш мумкин бўлмаган ҳақиқатни йўл топиб айта олишда кўринади.

Шукрулло устоз ёзувчиларнинг маҳорат сирлари билан боғлиқ фикрларини ҳам келтириб ўтади. У Ғ.Ғуломдан зийраклиги ва топқирлиги сабабини сўраганида: “Жавоҳир сандиғи халқ ичида. Уни топган билан очиш ҳамманинг қўлидан келавермайди. Топган пайтда бу сандиқни оча билиш ҳам керак. Бу сандиқ одамларнинг қалбида. Унинг қалити эса одамларга меҳр” (126), – деган жавобни олади. Устозининг бу гапларини у ўзига тумор қилиб олади ва халқнинг донолигини ижоднинг жавҳари, яъни асл мазмуни деб ҳисоблайди.

Яна бир эпизодда Ғ.Ғулом, С.Абдулла ва бошқа шоирлар даврасида аруз вазни билан боғлиқ мунозара тасвирланади. Ғ.Ғулом “арузда ёзиш яхши, аммо шаклбозликка берилиб, фикрдан чалғиб кетиши худди қозоқ боланинг қўлига хат бериб юборишга ўхшайди. Чаламулла домлалардан бири боланинг қўлига араб ва форсча сўзлар билан аралаш ёзилган мактубни беради. У қоғозни эгасига олиб боради. У мактубни овоз чиқариб ўқийди. Болакай Қуръон ўқияпти, деб юзига фотиҳа тортиб, “Оллоҳ раҳмат қилсин”, деб ўрнидан туриб кетади. Ҳозирги шоирларнинг ёзгани худди шундай. Шеър ҳаммага бирдай тушунарли бўлиш шарт, Навоий ғазалларини тушунамиз, аммо бугун арузда ёзаётганларни тушуниш қийин – бу нуқсон” эканлигини таъкидлайди (101).

М.Шайхзода: “Шеърга ҳам ҳарорат ва меҳнат керак. Кўп шоирларга мана шу иккиси етишмайди. Ҳарорат ва қалб нури тиниклиги бўлса, шеърлар меҳр офтобида пишиб етилади. Фикрлар пишиб етилиб, юракдан тўлиб

Синсемантик гаплар (СИ) матн, вазият билан боғлиқ ҳолдагина маъно ёки фикр ифодалаш хусусиятига ҳамда бир семантик ядрога эга бўлган гаплардир. Демак, синсемантик гапларда мазмуний синсемантия белгилари мавжуд бўлади. Ҳоким қисмдаги маълум гап бўлаги ўзининг маъно аниқлигини тобе гапда намоён қилади, тобе қисм бош қисмдаги бирор бўлакни аниқлайди ёки тўлдиради. Масалан, *Биласиз-ку, дала одамлари кенгликка ўрганган.* (Э.Усмонов). *Мен ишонаманки, у ҳаммасини тушунади.* Ҳар иккала мисолда ҳам ҳоким қисмдаги маъноси ноаниқ бўлган тўлдирувчи тобе қисмда аниқланаяпти.

Ҳоким қисм синсемантик гапдан СИ/м иборат бўлганда, унинг таркибида нутқ феъллари, ҳис-ҳаяжон билдирувчи отлар бўлади ва уларнинг маънолари СС/s ва ПА/s тобе қисмлар орқали очилади. Биз қуйидаги гап моделларини белгилаб кўрсатишимиз мумкин:

1. СИ/м + СС/s


2. СИ/м + ПА/s

Бу тартибдаги гипотаксис бутунлик компонентларининг ўрнини алмаштириш гипотаксиснинг вариантларини келтириб чиқаради.

СИ/м + СС/s ва СИ/м + ПА/s моделидаги гипотаксис бир мураккаб шаклдаги семантик ядрога эга бўлиб, асосий тушунча СС/s қисми орқали ифодаланади. Шундай қилиб, коммуникатив вазифа тобе қисмга юклатилади.

Асемантик гаплар (АС) фақат ҳоким қисмлар бўлиши мумкин. Бундай ҳоким қисмлар фақат структур элементлардан ёки структур элементлар билан феълнинг алоқасидан ёки умумий тушунчани ифодаладиган номлардан таркиб топади. Бу гапларда ҳам юқоридаги каби асосий тушунча СС/s қисми орқали ифодаланади, коммуникатив вазифа тобе қисмга юклатилади. Бундай гаплар икки вазифани бажаради: 1) гипотаксис бутунлик учун устун вазифасини бажаради; 2) олдинги бутунликлар орқали ифодаланган тушунчалар билан боғлайди. Масалан, *Етарли шароит бўлмаса, турган гапки, ишда унум бўлмайди. Шунга биноан, эътиборни биринчи навбатда етарли шароит яратишига қаратиши керак дейишимиз мумкин.* Бундай асемантик гапларда притикативлик 0 га тенг бўлади.

Потенциал-автосемантик ва структур-синсемантик гапларда тўлиқ предикация мавжуд бўлиб, улар семантик ядро ташувчиси ҳисобланади. Синсемантик гапларда предикация тўлиқ бўлмайди ва семантик ядрони потенциал-автосемантик ва структур-синсемантик гаплар билан боғлиқ ҳолда ифодаланади. Бу гапларда предикациянинг ифодаланишини қуйидагича зинапоё шаклида кўрсатиш мумкин:



автосемантик гаплар. 2. Структур-синсемантик гаплар. 3. Синсемантик гаплар. 4. Асемантик гаплар.⁵

Потенциал автосемантик гаплар (ПА) гап бўлакларининг миқдори ва хусусиятига кўра мустақил гаплар қурилишига мос бўлади, лекин барибир тўлиқ автосемантик бўла олмайди. Бу гаплар автосемантик гапнинг бир қисмини ташкил қилади, холос. Масалан, *Юрагида ҳиссиёт тошиб, Ўктам ҳайкал атрофида анча вақт аста-аста юрди* (О.) *Оқсоқол қанча яширса ҳам, йиғинда гап нима ҳақида бориши кеча кечқуруноқ аён бўлиб қолганди*. Модели: СС+ПА. Бу мисолларда потенциал автосемантик гаплар: *Ўктам ҳайкал атрофида анча вақт аста-аста юрди*. *Йиғинда гап нима ҳақида бориши кеча кечқуруноқ аён бўлиб қолганди*. Биринчи гапдаги ҳоким гапнинг потенциал автосемантикчилигини тасдиқлаш учун тобе гапни олиб ташлаймиз ва ёзувда мустақил гап билан устма-уст тушадиган гап ҳосил бўлганини кўрамиз. Бунда мазмун ўзгармагани билан тобе гап орасидаги муносабат йўқолганлигини, бунинг натижасида тушунча мазмуни қисқарганини (Ўктамнинг қай ҳолатда ҳайкал атрофида айланганлиги ҳақидаги маълумотни) кўрамиз. Гипотаксис бутунликнинг иккинчи қисми “*Юрагида ҳиссиёт тошиб*” структур-синсемантик гап турига киради, чунки бу гапда “*ҳиссиёт тошиб*” деган пропозиция мавжуд.


Структур-синсемантик гапларда (СС) жумлани потенциал ифодалаш хусусиятига эга бўлган бош бўлақлар мавжуд бўлади ва улар семантик ядрони ташкил қилади. Семантик ядро жумланинг асоси ёки минимал мазмундир. Структур-синсемантия сўз тартиби, тобе гапларда ёрдамчи сўзларнинг миқдори ва ҳоким гаплардаги ҳавола бўлақларнинг миқдори билан ҳосил қилинади. Структур-семантик гап турига ҳоким қисм ҳам, тобе қисм ҳам кириши мумкин. Демак, ҳоким қисм семантик ядрога эга бўлса, структур-синсемантик гап бўлади ва аксинча. Масалан, *Лаишкар қанча кучли бўлса, тинчлик шунча мустаҳкам бўлади*. Семантик ядро – *лаишкар кучли, тинчлик мустаҳкам*. Бу гипотаксис бутунликларда икки семантик ядро бўлиб, ҳар бири алоҳида коммуникатив вазифани бажарса-да, гипотаксис бутунликнинг коммуникатив вазифаси ана шу икки семантик ядронинг муносабатини ифодалашдир.

Ҳоким қисмларнинг потенциал автосемантик ва структур-синсемантик турларидаги фарқ шундаки, тобе гап ажратилганда потенциал автосемантик гаплардаги сўз тартиби ўзгармайди. Структур-синсемантик гаплардаги ҳоким қисмни мустақил гапга *тўғрилаш* учун эса гапдаги сўзларнинг тартибини ўзгартиришга тўғри келади. Тобе қисмларнинг структур-синсемантик турлари кўпинча ҳоким қисмга олмош ва равишдошлар орқали боғланади. Нисбий, кишилиқ, кўрсатиш олмошлари гапда гап бўлаги вазифасини бажаради.

Биз юқорида қуйидаги гап моделлари билан танишдик:

1. ПА/m+CC/s 2. СС/m+CC/s

Бунда ПА – потенциал автосемантик гаплар, СС – структур-синсемантик гаплар, m – ҳоким қисм, s – тобе қисм, “/” матнда деган маънони билдиради. График ёзувда қуйидагича ифодалаш мумкин:



⁵ Ўша асар, 20-бет.

чикмасдан асар ёзишга, айниқса, уни нашр этишга шошилиш ўтин қизишмасдан, ҳадеб пуфлайверишдан иборат бўлса, ҳаммаёнинг кул бўлади. Дуди қозондаги таомга ўриб, тутун иси келади”. Шукрулло Шайхзоданинг фикридан келиб чиқиб, ижодкор ёзмокчи бўлган асар авваламбор юракда пишиб этилиши ва табиий ҳолда юзага чиқиши кераклигини агар шошма-шошарлик ва зўракилик бўлса, асар бадииятига жиддий таъсир қилишини қайд этади. У юрак билан эмас, замона мафкурасига эргашиб, шу мазмунда ижод қилиш сўзга хиёнат қилиш билан баробар деб ҳисоблайди.

Ҳ.Олимжон асарнинг замонавийлиги ҳақида гапириб, “шуҳратпарастлик ва олижаноблик доимо тўқнашади, улар қарама-қарши тушунча. Нега қаҳрамонлик деганда Алпомиш ёки Фарҳод эса келади. Нима учун? Асар ўз даври учун замонавий мавзуда ёзилган, аммо орадан вақт ўтса-да, у мақомдан тушмаган. Бунинг сабаби нима?” деган қизик саволларни ўртага ташлайди.

Асарда Ойбекнинг шеърнинг таъсири ҳақидаги фикрлари ёзилган: “Айримлар гўзалликни кўпроқ ташқи кўринишда ҳисоблашади, тасвирга зўр беришади. Бу қоғоздан ясалган гулга ўхшайди. Ҳисга таъсир қилмайди. Кишининг гўзаллиги унинг мазмунида. Навоий эса мана шу гўзалликнинг сирини топа олган, шунинг учун тимсоллари ишончли. Баъзан ўлим ҳақидаги шеърларни эшитасан, таъсир қилмайди. Аммо кўчада тобут кўтариб кетаётган одамларни кўрсанг, у руҳингда қандайдир ўзгариш ясайди”. Ойбек асар ғояси ҳақида шундай дейди: “Тарихий асар ёзсанг, у бугун ва эртанги кун билан боғлиқ бўлиши зарур. Бугуннинг ҳулосаси эртанги кун учундир. Мен яқинда нашр қилинган “Қутлуғ қон” романини бундан ўн беш йил олдин бошлаганман. Аммо ёзиш қийинроқ бўлди. Балки тажрибам, балки йиққан масаллигим етмади. Ёзганларим ўзини ҳам, бошқаларни ҳам тўлқинлантормади, қитиқламади. Шунинг учун ташлаб қўйдим”. Бу гаплар Шукрулло учун қоида, тартибга айланди, асар ёзилиши учун авваламбор, фикр пишиб этилмоғи керак деган ҳулосани пайдо қилган.

Мазкур асарнинг ёзилиши тарихи ҳақида муаллиф шундай фикрларни билдиради. Ш.Рашидов Шукруллони чақириб айтади: “Танқидчилар асарнинг кам-кўсти ҳақида гапиришади-ю, аммо ёзувчининг шахсий ҳаёти, турмуш тарзи, ижтимоий аҳволи ҳақида деярли лом-мим демайди. Вақтинг бўлса, ижодкорлар орасидаги суҳбатлар, адабий жараён ва алоқаларга доир гапларни ёзиб қўйгин. Навоий “Мажолис ун-нафоис”да 100 дан ортиқ шоирлар ҳақида маълумот беради. Хондамир “Макорим ул-ахлоқ”да Навоийнинг ҳаёти, шахси, оиласи ва унинг қарашлари ҳақида маълумот беради. Бу жуда муҳим маълумот, шунинг учун сен ҳам қайд этиб қўйгин” (142).

Юқорида келтирилган фикрларнинг барчаси ижод ва бадиий маҳорат сирларини очиқлашга хизмат қилади. Асарда эътибор қиладиган яна бир жиҳат халқнинг донолигини кўрсатувчи сахналарнинг кўплигидир. Муаллиф маҳалласидаги Расул қори исмли кўзи ожиз киши ҳақида тўхталиб, инсоннинг дидсизлигини ҳам маънавий кўрликка ўхшатади. Кўрликнинг турларига тўхталади. Бедидлик, ҳаддан зиёд мансабпарастлик, яхшилиқни кўра олмаслик, бировни кўра олмаслик ҳақида фикр билдириб, демак, кўз бошқа-ю, узоқни кўра билиш бошқа эканлигини айтади. Кўзи очиқлар орасида эртанги кунини кўра олмайдиган мақсадсиз одамлар борлигига ишора қилади. Кўрликнинг энг ёмони кўрганларидан ҳулоса чиқара олмасликдир (116).

Яна бир ўринда шоирни оддий бир одамнинг куйидаги гапи ҳайрон қолдиради. “Одамнинг юзидан очилган ўрани ҳеч тўлдириб бўлмайди-да” (124). Мана халқнинг санъаткорлиги, инсон танасидаги оғиз бўшлиғини қандай таърифлади, деб изоҳлайди.

Мақолада биз эътибор қаратган яна бир жиҳат Шукрулло ҳаётининг сўнгги йилларида биографик жанрга қайта-қайта мурожаат қилган. Бунинг сабаби нима? Ўзи ҳақида нимадир ёзиб қолдириш, изтиробларини баён этишми... Ёки кўрган фалокатларни айтиб, ўзини бечора кўрсатишми ёки айбдор қидириш истагимиз? Аламзадаликимиз? Бизни шу каби саволлар кўп ўйлатди. Хўп, айтса нима ўзгаради ёки айтмас. Аламдан кутулиш йўлими?

Назаримизда, бу ёзувчининг қалб дафтаридаги оловли изтиробларнинг изидир. Шукруллонинг ҳаётини издан чиқарган кимсалар у билан бир даврда яшаган, баъзан бир давраларда улар билан юзма-юз ўтиришга тўғри келгандир. Уларга мунофиқлик қилиш, ёлғон мулозамат шоирга азоб бергандир, эҳтимол. Шоирни ҳаёти давомида хиёнат ва ёлғоннинг шарпалари таъқиб қилган. Бундан кутулиш имконсиз, сабаби бу изтироблар ёзувчи ҳаётининг ич-ичига сингиб, муқим жойлашиб олган. Энг даҳшатлиси, у ўзига туҳмат қилганларни билган, таниган ва кўриб турган. Аммо бу туйғуларини ичида занжирбанд қилиб сақлашга мажбур бўлган. Замон, давр, вазият бунга йўл бермаган. Шоир ҳаётининг сўнгги йилларидаги бир суҳбатида туҳмат уюштирганларни номма-ном санайди, улардан изоҳ кутиб яшаганини билдиради. Демак, у кутган, сабр қилган. У “Кафансиз кўмилганлар” қиссасини ёзиб ҳам бу дарддан кутула олмади. Кейин “Қасосли дунё” асарини яратди. Ичидаги аламлардан кутулиш йўлида яна шу руҳдаги “Тирик руҳлар” романини ёзди. Ҳар бир асарида миллат тарихидаги аянчли кунлар ва зиёлиларнинг фожиалари тилга олинади. Шоирни умр бўйи хотиралар қийнаган, уни азобга гирифтор қилган айбдорларга таъна қила олмаган, юзига ҳақиқатни айта олмаган – мана шулар унга соядай бўлиб эргашган. Шукруллонинг ёзганларини тадрижан кузатсак, алалоқибат у илоҳий адолатга ишонган, ҳисоб-китобни Яратганга ҳавола қилган. Бир кун келиб инсон ҳар бир сўзига, қилган ишига, ёзганларига албатта жавоб беради ва худди шу ишонч шоирга умид берган. Бугун ҳақни айта олмаслик, вақтинча мағлублик Имон саодати олдида ҳеч эканлигини шоир албатта англаб етган, бунга ишониш лозим. Шоир имонини асраган ва унинг учун ижод нажотга айланган. Ҳақиқатпарвар шоир Имон ҳаловатини тотишини, охирати обод бўлишини сўрашдан бошқа умид йўқ. Шоирнинг ҳаёти ва адабий мероси миллат тарихидаги воқеаларнинг бир парчаси сифатида адабиётшунослар томонидан ҳали кўп ўрганилади.

РЕЗЮМЕ. Мақола таниқли адиб Шукруллонинг автобиографик асарлари, хусусан, “Жавоҳирлар сандиғи” асари таҳлилига бағишланган.

РЕЗЮМЕ. Статья посвящена анализу автобиографических произведений известного писателя Шукрулло, в частности «Шкатулка с драгоценностями».

RESUME. The article is devoted to the analysis of the autobiographical works of the famous writer Shukrullo, in particular, the "Jewel Box".

Таянч сўз ва иборалар: Шукрулло, адабий мерос, автобиографик жанр, автограф, ижодкор лабораторияси, ижод, бадиий маҳорат сирлари.

Ключевые слова и выражения: Шукрулло, литературное наследие, автобиографический жанр, автограф, творческая лаборатория, творчество, секреты художественного мастерства.

Key words and word expressions: Shukrullo, literary heritage, autobiographical genre, autograph, creative laboratory, secrets of creativity, artistic mastery.

мустақил гап белгисидан маҳрум бўлган, фақат "эргаш гапнинг ички конструктив шаклига" эга бўлган гаплар.

Тобеликнинг моҳиятини очиш учун ташқи шакл (форма) етарли эмас, шакл билан маъно биргаликда ўрганилади. Шу сабабдан автосемантия ва синсемантия маъновий ва структур бўлиши мумкин. Структур автосемантия структур тугалликка эга бўлади. Содда, қўшма, эргаш гапли қўшма гаплар мураккаб қўшма гаплар ва барча тўлиқ гаплар мазмуний ва структур автосемантия билан фарқланади. Аммо мазмуний автосемантия нисбий тушунча. Чунки ҳар бир гап ўзининг тўлиқ мазмунини контекстда очади. Умумий ҳақиқатни ифодаловчи гаплар бундан мустасно.

Мазмуний тугаллик ва тушунчани очиш учун бир қатор лексик ва грамматик воситалар, гапда сўзларнинг тартиби ва гапларнинг ўзаро тартиби сабаб бўлади. Ҳавола бўлакка эга бўлган гаплар фақат контекстда аниқланади, ўзидан олдинги гапларга боғланади. Шу сабабдан мустақил гапнинг мазмуний автосемантиклиги нисбийдир.

Структур тугаллик (структур автосемантия) ёки синтактик конструкцияларнинг тугаллиги умумий тилшунослик қоидаларига мос келишидир.

Автосемантия деганда, тил бирликларининг (сўз ёки гап) лексик бирлик, синтактик конструкция, контекст ёки вазият билан боғлиқ бўлмаган ҳолда маъно ёки фикр ифодалаш хусусиятига эга эканлигидир.

Синсемантия деганда, тил бирликларининг бошқа тил бирликлари ёки контекст, вазият билан боғлиқ ҳолдагина маъно ёки фикр ифодалаш хусусиятига эга эканлигидир.

Синсемантик бирликлар бутун гап таркибида бўлганда унинг автосемантик хусусиятига таъсир қилмайди, чунки у олдинги контекст ёки вазиятдан аниқланади. Шу билан бирга, синсемантик бирликларнинг ҳоким ёки тобе гапга киритилиши синсемантияни кучайтиради. Кўринадик, гипотаксис бутунликни ташкил қилувчи эргаш гапли қўшма гап компонентлари автосемантик бўлмайди, чунки улар эргаш гапли қўшма гап составига қиради. Эргаш гапли қўшма гаплар эса бир бутун ҳолатдаги автосемантик синтактик бирлиқдир. Уни айрим содда гапларга ажратишга уриниш эса, унинг мавжудлигини йўқотади. Баъзи ҳолларда ҳоким ва тобе гаплар шундай муносабат ифодалайдики, бу муносабат фақат бир бутун гипотаксис бутунликда ифодаланиши мумкин. Улар миқдор, хусусият ёки ҳоким ва тобе гапнинг жойлашишига кўра баъзан мустақил гапга тенг келиб қолиши мумкин, аммо улар барибир автосемантик гап бўла олмайди.

Мазмуний синсемантия ҳоким гапга киритилган бир қатор синсемантик бирликлар: 1) феъллар ва улардан ясалган очилишини талаб қиладиган отлар; 2) боғламалар; 3) модал баҳоловчи индикаторлар (модал сўздар, фикрни баҳоловчи ёки сўзловчининг муносабатини билдирадиган от билан сифатлар); 4) кўрсатиш олмошлари, равишлар; 5) кўрсатиш сўзлари билан бирга келган отлар; 6) баъзи умумлашма маъно билдирувчи отлар. Мазмуний синсемантия яна бош бўлақларнинг бири йўқлиги билан ажралади. Аммо бу бўлакнинг йўқлиги гапнинг тўлиқсизлигини билдирмайди.

Гипотаксис қисмлари бўлган ҳоким ва тобе гапларни структур ва семантик синсемантия белгисига кўра куйидаги турларга ажратишимиз мумкин: 1. Потенциал

ГИПОТАКСИС ҚИСМЛАРИНИНГ СИНСЕМАНТИК БЕЛГИСИ

Тилшунослик тилни ўрганишда узоқ вақт грамматик тизимнинг энг аввало шаклий хусусиятларига дахлдор бўлган таснифлаш йўлидан борди. Мавжуд грамматикадаги асосий йўл “тил белгисининг шаклидан унинг маъносига” тарзида бўлиб, бу мутлақо семасиологик ёндашувдир, уларда ономасиологик ёндашув йўқ. Она тилини ўрганишда ҳам, иккинчи тилни ўрганишда ҳам семасиологик ёндашув билан бир қаторда ономасиологик ёндашув бўлмас экан, жиддий натижага эришиб бўлмайди.¹ Шунга кўра ушбу мақолада гипотаксис қисмларининг синсемантик белгиларини ономасиологик ёндашув орқали ўрганишни мақсад қилдик.

Н.Маҳмудов ҳавола бўлакли бош гап ҳақида фикр юритиб, қуйидагиларни таъкидлайди: “Ҳавола бўлакли бош гап синсемантик, яъни эргаш гаплардан ажратиб олинганда, мустақил қўллана олмайди, мазмунан чала бўлиб қолади. Ҳавола бўлаксиз бош гаплар эса автосемантик, яъни эргаш гаплардан ажратиб олинганда ҳам мазмунан нисбий мустақиллигини сақлай олади, мазмун чала, нотўлиқ бўлмай қолмайди”². Кўринадики, ҳавола бўлаксиз бош гаплар ажратиб олинганда автосемантик, гипотаксис таркибида эса синсемантик бўлади.

Антон Марти психоллингвистикага оид ишларда ҳамма тил бирликларини автосемантик ва синсемантик бирликларга ажратган.³ Автосемантик бирликлар психологик ҳолатни ифодалайди. Синсемантик бирликларда бундай хусусият йўқ. Автосемантик бирликларга у ҳамма тўлиқ гапларни (содда, қўшма) киритади. Бундай гапларни амалий автосемантик бирликлар деб атайдди. Назарий автосемантик бирликларга предмет номини билдирган бош келишқдаги сўзларни, синсемантик бирликларга эса тўлиқсиз гапларни, эргаш гапли қўшма гапларнинг қисмларини, абстракт отлар, сифатлар, олмошлар, феъл, боғловчи, кўмакчиларни киритади. Олимнинг хизмати шундаки, у бошқа лингвистлардан фарқли равишда эргаш гапнинг бош гапини ҳам синсемантик бирликка киритади. Бошқалар эса бош гапларни мустақил гап деб талқин қилишади. Эргаш гапларга келганда, А.Марти уларни логик жиҳатдан асосланган ва логик жиҳатдан асосланмаган турларга ажратади. Худди шунга ўхшаш ҳолатни В.Бранденштейнда кўришимиз мумкин: у эргаш гапларни чин ва ночин турларга ажратади⁴. Бу турларга ажратишда олим икки нарсга эътибор беради. Биринчиси, эргаш гап турлари ичида шундайлари борки, улар ташқи томондан тобеланганлик белгисига эга бўлмаса ҳам, мазмунан синсемантик белгига эга бўлади. Масалан, *Юз кўр, ҳол сўр*. Иккинчиси, тобеликнинг синсемантик белгисига эга бўлган, аммо

¹ Маҳмудов Н., Нурмонов. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1995, 160-бет.

² Нурманов А., Маҳмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент: “Фан”, 1992, 244-бет; Маҳмудов Н., Нурмонов. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1995, 173-бет.

³ Marty A. Satz und Wort. – Bern, 1956. – S. 18

⁴ Гулыга Е.В. Теория сложноподчиненного предложения в современном немецком языке. – М.: “Высшая школа”, 1971. – С. 13.

ШУКРУЛЛО ҲАЁТИ ВА ИЖОДИНИНГ ЎЗБЕК ВАТУРК АДАБИЁТШУНОСЛИКЛАРИДА ЎРГАНИЛИШИ

Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Шукрулло узоқ умр кўрган, аммо шу узун умри давомида кўп оғир синовларни ҳам бошидан ўтказган ижодкорларимиздан биридир. Чунки, барчага маълум, Шукрулло 1951 йилда миллатчилик ва советларга қарши тарғиботда айбланиб, 25 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинган, Сталин вафотидан кейин 1955 йилда озод этилган. Адиб ана шу оғир қисмат, қатағон қурбонларининг сургундаги қора кунлари ҳақида “Кафансиз кўмилганлар” номли автобиографик асар ёзди.

Шукрулло ўзбек адабиёти хазинасини ўзининг ўнлаб шеърый тўпламлари – «Биринчи дафтар» (1949), «Қалб кўшиқлари» (1949), «Ҳаёт илҳомлари» (1959), «Умрим борича» (1960), «Инсон ва яхшилик» (1961), «Инсон – инсон учун» (1964), «Зарралар» (1973), «Суянчиқ» (1977), «Яшагим келади» (1978), «Сенинг бахтинг» (1988), «Тўкилган дардларим» (2001) кабилар билан бойитди. Шунингдек, адиб замонавий ўзбек дostonчилиги тараққиётига ҳам улкан ҳисса қўшди. Бу ўринда «Чоллар» (1948), «Россия» (1956), «Икки қоя» (1964), «26-тонг отари» (1966), «Гул ва оташ» (1972), «Кўнгил чироғи» (1975), «Аср баҳси» (1985) дostonларини эслаш мумкин. Шукруллонинг болаларга бағишланган шеър ва эртаклари ҳам талайгина. «Хатарли йўл» (1962), «Табассум ўғрилари» (1964), «Тўйдан кейин томоша» (1980), «Ўғрини қароқчи урди» (1982), устоз ёзувчиларнинг ижодий тажрибалари тўғрисида баҳс юритувчи «Жавохирлар сандиғи» (1983) эссеси, қатағон даври даҳшатлари ҳақидаги «Кафансиз кўмилганлар» (1989) автобиографик қиссаси, «Қасосли дунё» (1994) публицистик мақолалар тўплами, Убайдулла Хўжаев тўғрисидаги «Тирик руҳлар» (1999) роман-хроникаси ҳам ўзбек бадиий-публицистикаси тарихида алоҳида зарварақлардир. Таржимон сифатида Шукрулло Карло Готссининг «Бахтиёр гадолар» пьесаси, Ш.Петефи, Т.Шевченко, Қ.Қулиев ва бошқа шоирларнинг шеърларини ўзбек тилига таржима қилди. Бир сўз билан айтганда, Шукрулло ўзбек адабиёти тарихида ўзининг шеърйати, дostonлари, ҳужжатли мемуаристикаси, таржималари билан чуқур из қолдирди.

Шукруллонинг турли адабий тур ва жанрларида олиб борган изланишлари адабиётшуносларимиз томонидан тадқиқ этилди. Жумладан, М.Қўшжонов, Н.Каримов, С.Мирзаев, Б.Назаров, С.Мирвалиев, Н.Раҳимжонов, И.Ғафуров каби олимларимизнинг тадқиқотларида шоир ҳамда носирнинг серқирра ижоди таҳлил ва тадқиқ этилди. Албатта, бир мақола доирасида Шукрулло ҳаёти ва ижодини тадқиқ этган ўнлаб олимларнинг илмий ишларига тўхталиш имкондан ташқари иш. Шу боис шулар орасидан ўзбек олими филология фанлари доктори, профессор Нуъмонжон Раҳимжоновнинг “Шоир ва давр. Шукрулло ижоди ҳақида ўйлар” монографиясига ҳамда турк олими, филология фанлари доктори,

профессор Шуайиб Қорақошнинг “Ўзбек адабиёти тадқиқотлари” номли китобига кирган “Шукрулло Юсуф ўғли ва асарлари ҳақида” номли мақоласига тўхталамиз.

Н.Раҳимжоновнинг “Шоир ва давр” монографияси гарчанд шўро даврида яратилган бўлса ҳам, Шукрулло ижодига холис баҳо бериши, шоир шеъриятидаги асосий поэтик образлар ҳамда унинг муҳим бадиий хусусиятларини таҳлил этиши билан аҳамиятга молик. Мазкур монографияда Н.Раҳимжонов Шукрулло лирикасини “Муқаддима сўз” билан ҳисоблаганда, жами еттита фаслда ўрганади. Жумладан, улар “Кўм-кўк анҳор”, “Куёшдан таъм олиш иштиёқида”, “Сўздан ранглар ажратди у, рангдан оҳанглар”, “Шоир талқинида яхшилик”, “Қалб ва фалсафа”, “Давр ва қаҳрамон”, “Индивидуал услуб қирралари” деб номланган. Олим Шукруллонинг шеърятга ихлоси онасидан ўтганини, XX аср ўзбек шеърятининг катта дарғаларидан бири Ғафур Ғулом устозлигида Шукрулло ажойиб лирик шоир бўлиб етишганини алоҳида таъкидлаб кўрсатади. Бундан ташқари олим Шукруллонинг ўзбек шеъряти майдонида ўз ўрни ва овозини топиш учун даврининг йирик шоир ва ёзувчилари Ойбек, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Уйғунларнинг маслаҳатлари, кўрсатмалари ҳам муҳим бўлганини ниҳоятда изчилликда ўрганади. Шунингдек, Н.Раҳимжонов Шукрулло шеърятда кўп мурожаат қилинган пейзаж-манзара шеърлар, куёш, она Ватан, вақт, инсон ва яхшилик, севги, ишқ-муҳаббат каби образлар ва мавзуларнинг баъзан маромига етказиб ишлангани, баъзан эса схематик қолипларга тушиб қолгани ҳақида холис тадқиқот ўтказади. У Шукрулло шеърятда ижтимоий давр билан боғлиқ бўлган мана шундай календарь шеърлар хусусиятини ҳам ўрганади, қолаверса, шоир ижодида йилдан-йилга кўриниш бераётган сюжетли шеърлар, лирик миниатюраларга ҳам алоҳида мурожаат этиб, ўзбек шўро лирикасида янгиланиш қилганини алоҳида таъкидлайди: “... шоирнинг сўнгги йиллар лирикасининг асосий қисми (хусусан, “Суянчик”, “Яшагим келади” тўпламлари мундарижасини белгиллаган шеърларининг аксарияти) сюжетли шеърлардан иборат; лирик миниатюралар эса бу давр шоир шеърятда озчиликни ташкил этади. Шу боисдан бўлса керак, Шукрулло кейинги йилларда миниатюраларга, лирик-миниатюра формаларига кўп мурожаат этмаяпти; унинг давр ва одамлар, давр ва воқелик ҳақидаги ўй-мушоҳадлари, кечинмалари кўпроқ лиро-эпик формаларга солинаётганлигини кўришимиз мумкин”¹.

Олим Шукруллонинг 70-йиллар лирикасида “воқеа-ҳодисаларни, инсон ҳаёти ва тақдирини фалсафий жиҳатдан идрок этиш ва умумлашма чиқариш майли кучай”ганини алоҳида урғулаб кўрсатади. Шукрулло шеърятдаги фалсафийлик деганда, боқий масалаларнинг бадиий талқинини назарда тутди. “Шукруллонинг фалсафий лирикаси маънавий-фалсафий проблематик характери инсон ва табиат, яхшилик ва разиллик, гўзаллик ва хунуклик, ҳаёт ва ўлим, муҳаббат ва садоқат сингари боқий мавзуларни

Кўринадики, ижодкорнинг ўзига хос кўнгил олами поэтик тафаккур табиати билан ҳамоҳангликда шеър шакли ва ифода йўналишини белгилаб берган.

С.Воҳидовнинг “Саккизликлар”га кирган кўплаб шеърлари одамзод фитратида мавжуд бўлган хусусиятлар ҳақида. Улардан бирида шоир инсоннинг доим ўзида бўлмаган нарсаларни орзу қилиб яшашига ишора қилади. Ўзида бор бўлган нарсаларнинг қадрига етиш керак, деган хулоса эса шеър матнидан англашилиб туради. Лирик қаҳрамон самодаги юлдузга ҳавас қилиб, ерга кўкдан кўз ташлашни орзу қилиб тураркан, юлдуз бунга жавобан шундай дейди:

*У милтираб дер: “Инсон,
Наҳот сен шунча содда?
Мен Ер дардида сарсон,
Сенинг ишқинг самода...”*

Кўринадики, муаллиф кичик ҳажмда фикрни тўла-тўқис ва яхлит ифода этишда образлардан унумли фойдаланиш билан бирга, интоқ шеърый санъатини ҳам қўллайди. Ўқувчини хулоса чиқаришга олиб боровчи йўлни образлар тилидан баён этади. С.Воҳидов саккизликларининг ғоявий мазмуни бир-бирига жуда яқин. Бу алоқадорлик, асосан уларда ифодланаётган фикрлар муштараклигида ва бу фикрларни ифода этиш усулида яққол кўзга ташланади.

С.Воҳидов саккизликларининг ифода йўсинини шартли равишда икки қисмга ажратиш мумкин. Бири образларнинг табиий жараёндаги бадиий тасвири бўлса, иккинчиси шу образларнинг поэтик тасвирига сабаб бўлган кечинмалар, фикр мулоҳазалар ифодасидир. Шу билан бирга, у содир бўлаётган жараёнга ўз муносабатини образлар тилидан баён қилади. У сўзамоллик қилишдан қочади, бу билан ўқувчисини зериктириб қўйишдан тийилади. Китобхонни образлар нутқи орқали ҳаёт ҳақиқатларидан хабардор этади. Айни жиҳатлар унинг саккизлик шеърый шакллари яратишдаги ўзига хослигини белгилайди.

РЕЗЮМЕ. Мақолада истеъдодли шоир Самандар Воҳидовнинг саккизлик яратишдаги маҳорати ҳақида фикр юритилади.

РЕЗЮМЕ. В статье речь идет о мастерство талантливого поэта Самандара Вахидова в создании восьмистиший.

RESUME. The article discusses the skill of the talented poet Samandar Vahidov in creating the octave.

Таянч сўз ва иборалар: саккизлик, маҳорат, шоир, поэтик изланишлар, лирик образ.

Ключевые слова и выражения: восьмистишие, мастерство, поэт, поэтические поиски, лирический образ.

Key words and word expressions: octave, mastery, poet, poetic pursuits, lyrical image.

¹ Раҳимжонов Н. Шоир ва давр. Шукрулло ижоди ҳақида ўйлар. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983, 68-бет.

ҳолда уни ерга мустаҳкам ўрнашишга, кучли бўлишга ўргатмоқда. Шоир айтмоқчи бўлган асосий фикр ҳам мана шу. Ҳаётнинг турфа синовлари кўплиги, яхшилик ва ёмонликнинг ҳамиша ҳамқадам юриши ва алалоқибат эзгуликнинг ғалаба қозонишини шамол ва ниҳол образлари орқали ёрқин ифодалаган. С.Воҳидов саккизликларида шамол образи орзуларга тўсиқ, бахтни йўққа чиқармоққа шай инсонлар ёки тақдирнинг азалий синовлари маъносида ифодаланади. Унинг бахтига кўз олайтириб турган ҳам шу шамол. У бахтга жуда оҳорли таъриф беради: *“Бахтим – қалқиб турган бир қатра шабнам, Умринг гунчасида қўниб титрар у. У юлдуз бағридан оққан қатра нам, У – оининг лабидан тўкилган кулгу”*, дейди шоир. Шабнам – бутун борлиқни ўзида акс эттириб турган покизалик, тиникликдир. Умрининг гунчаси – ёшлик палласи. Гўё шабнамда акси кўриниб турган оламни гунча ўз кўзлари билан кўришга ошиқаётгандек, бахтга етишишга интилаётгандек. Нега шабнам – бахт титрамоқда? Саккизликнинг дастлабки бандида келтирилган ташбеҳлар кейинги бандда изоҳланади.

*Шамоллар интилар уни тўкмоққа,
У сенга сингмоқни айлар ихтиёр.
Фақат сен қодирсан уни тутмоққа,
Тутсанг, боқийдир у, йўқса – беқарор.*

Шоир ўз бахти ҳақида сўз бошлаб туриб, уни “сен” дея давом эттиради. Бу ўринда ҳам аслида лирик қаҳрамон ўзини назарда тутди. Бу ҳам шоирнинг ўзига хос ифода усулларида бири. Бахт ва ўзи ўртасидаги ҳолатни четдан туриб кузатади. Бу бахтнинг фақат ўзига аталганлигига ишонади, чунки бахт уники бўлишни истамоқда. Баъзан ҳаётда тайин бўлиб турган бахт ҳам “шамоллар” сабаб йўқликка юз тутди. Мана шундай синовли дамларда дадиллик билан бахтни тутиб тура олишга ундайди шоир. Шоирнинг бир нечта шеърда шамол образи бир умумий мазмунда ифодаланган. Бу фикр ифодасидаги такрорийликми? Ёки ҳар бир шеърда, албатта, бир янги фикр айтилиши керакми? Муаллиф ёки лирик қаҳрамон атрофни кузатар экан, ҳар бир ҳодисани ўз руҳий ҳолатига ҳамоҳанг сезади. Тиним билмас шамолнинг ҳаракатида тинчлигини бузишга, оромини ўғирлашга ҳаракат қилаётган кишиларни кўради. Шундай бўлса-да, якунида оптимистик кайфиятни пайдо қилади. Агар муаллиф саккизликларининг яратилган йилларига эътибор берадиган бўлсак, айни мазмуннинг кўп бора ёритилиши сабабларидан бири ойдинлашгандек бўлади. Унинг бу шакл ва мазмундаги шеърлари асосан, XX асрнинг 60–70-йилларида, яъни ижодкорнинг ижод оламига эндигина дадил қадамлар билан кириб кела бошлаган йилларда ёзилган. Ижодкор сифатида бўй кўрсата бошлаган кишининг ижод намуналарини атрофдагилар турлича қабул қилишади. Улар орасида ўзининг кескин танқидий фикрларини айтиб олгувчилар ҳам бўлади. Эҳтимол, шу боисдан шоир ўзига берилган бахтни – истеъдодни асрашга, забардаст дарахтга айлантиришга бел боғлайди.

камраб олиши жиҳатидан устоз ижодкорлар шеърятига эш”², – деб хулоса чиқаради.

Шукрулло поэмаларига ҳам алоҳида эътибор қаратиб, хусусан, шоирнинг “Чоллар”, “Россия”, “Икки қоя”, “26-тонг отар”, “Оташ ва гул” поэмаларини XX аср ўзбек поэмачилиги тизимида таҳлил этиб беради. Жумладан, олимнинг “Чоллар” поэмаси ҳақидаги муҳим илмий тезисларига тўхталамиз: “Чоллар” асари Шукруллонинг ижодкор сифатида шаклланишининг бир белгиси сифатида майдонга келди”; “Шоир чоллар характерини ниҳоятда конкрет белгилар билан индивидуаллаштира олган. Бу нарсаси, албатта, шоирнинг ҳаётда мўйсафидларнинг феъл-атворини, табиатини синчковлик билан ўрганиши оқибатидир”; “Чоллар” поэмасида кекса ўзбек пахтакорларининг ватанпарварлик туйғулари манзарасини, мазмунини акс эттириш орқали урушдан кейинги ўзбек кишлоқлари ҳаётини ва шу асосда, ўзбек халқи ҳаётининг бир қиррасини, халқимиз қалбидаги туйғулар тўлкинини маълум даражада акс эттиришга муваффақ бўлинган”. Кузатиб турганимиздек, Н.Раҳимжонов Шукрулло ижодида “Чоллар” поэмасининг алоҳида босқич бўлгани, поэмадаги муваффақиятларни теран фикрлар билан изоҳлаб бера олган. Умуман олганда, олим ўзбек поэмачилиги таракқиётида Шукрулло поэмаларининг улкан аҳамиятини шундай белгилайди: “Шукруллонинг асарлари (“26-тонг отар”, “Кўнгил чироғи”, “Оташ ва гул”) поэмачилигимизда фикр ва ҳиссиётнинг яхлит синтезига эришишда, фалсафийликнинг теранлашувида, публицистик руҳ билан психологик анализнинг ўзига хос омехталигининг юзага келишида муносиб улушини қўшиб келмоқда”³.

Муҳими, Н.Раҳимжонов Шукрулло ҳаёти ва ижодига доир ушбу монографиясида адиб услубини характерловчи муҳим белгиларни ажратиб кўрсатади. Унинг ўзига хос ижодкор сифатидаги шахсиятини теран ва батафсил ўрганишга муваффақ бўлган.

Туркиялик йирик ўзбекшунос олим Шуайиб Қорақош Шукрулло ҳаёти ва ижодини ўрганишда адибнинг ўз қўли билан ёзган “Ўзим ҳақимда” таржимаи ҳолига, ёзувчининг автобиографик, хужжатли-мемуар характердаги “Қасосли дунё”, “Жавоҳирлар сандиғи” асарларига, шунингдек, замондошлари томонидан яратилган “Умрбоқийлик. Шукрулло ижодининг турфа қирралари” тўпламига кирган хотира-мақолалардаги шоир таржимаи ҳоли ва ижоди ҳақидаги маълумот ва фактларга суянади. Шукруллонинг Тошкентда туғилиши, ота-онаси ҳақида ҳам маълумотлар келтиради. Отасининг қизамиқ, сувчечак, вабо каби юкумли касалликларни даволовчи диндор табиб бўлиб ўтганини алоҳида таъкидлаб кўрсатган. Онаси Зайнаб хонимнинг маҳалла болаларига ўқиш ва ёзишни ўргатган, хатли-саводли аёл бўлгани ҳақида турк китобхонларига маълумотлар етказди. Шунингдек, Шукруллонинг адабиёт майдонига шеър билан кириб келгани, сўнгра бошқа жанрларда ҳам баракали ижод этганини ўрганади: *“İlk gençlik yıllarından itibaren ilgelenen Şukrullah, edebî hayata şiir yazarak başlamış, daha sonra tiatro*

² Ўша монография, 79-бет.

³ Ўша монография, 162-бет.

eserlere ve romanlarda kaleme almıştır. Kısaca temas etmek gerekirse, Özbek pamuk çiftçisinin yeni tarım alanları açmak için gösterdiği gayretlerin konu edildiği Çallar adlı eseri, modern Özbek destançılığına katkıda bulunan bir eser olarak kabul edelir”⁴.

Ш.Қорақош ҳам Н.Раҳимжонов сингари Шукрулло ижодида “Чоллар” достонининг алоҳида аҳамиятини таъкидлаб кўрсатади, аммо чуқур таҳлилларга киришмайди. Шукруллонинг ҳужжатли мемуар асарлари таҳлиliga кўпроқ ўрин ажратади. Хусуан, адибнинг “Кафансиз кўмилганлар” ҳамда “Тирик руҳлар” асарларига диққат қаратади. Чунки, у Шукрулло яшаган ва босиб ўтган сталинизм қатағони йилларини, адиб шахсияти ва ижодий лабораториясига кириш учун шу икки асарни очқич калит сифатида танлайди. Мақолани шундай хулоса билан якунлайди: *“Özbek şair ve yazar Şukrullah Yusufoglu, Kefensiz Kömilgenler adlı eserinde, Aleksandr Soljenitsen'den farklı olarak kendi başına gelen felaketlerden hareketle diğer milletlere mensup zavallılarda beraber Türk asıllı mahkumların facialarla dolu hikayesini anlatır. 1990 yılında Özbekistan'da yayımlandığı zaman büyük bir alaka ile karşılanan Kefensiz Kömilgenler adlı roman, 2005 yılında D.Ahsen Batur tarafından Türkiye'de de yayımlanmıştır”⁵.*

Хулоса қилиб айтганда, Ш.Қорақошнинг Шукрулло ҳаёти ва ижоди ҳақидаги мақоласи янги давр руҳи ва янги давр адабиётшунослиги мезонлари асосида яратилган. Шукруллонинг айниқса, “Кафансиз кўмилганлар” ҳужжатли мемуар асари нафақат ўзбек адабиётида, балки туркий халқлар адабиётида ҳам катта воқеа бўлди. Чунки, адиб бу асарида сталинизм қатағонларини, ўзи шахсан бошидан кечирган реал тарихий ҳужжатлар асосида очиб бергани боис бу асар ўзининг улкан аҳамиятга эгаллиги билан ажралиб туради.

Кейинги даврда турк, озарбайжон, қозоқ, қирғиз каби туркий тилли халқлар, шунингдек, рус-европа адабиётшунослигида Шукрулло ҳаёти ва ижодини ўрганиш ва тарғиб этиш, адиб асарларини таржима қилиш ишлари кундан-кунга кучаймоқда.

РЕЗЮМЕ. Мақола ўзбек адабиётшуноси Нуъмонжон Раҳимжоновнинг “Шоир ва давр. Шукрулло ижоди ҳақида ўйлар” монографияси ҳамда турк олими Шуайиб Қорақошнинг “Шукрулло Юсуф ўғли ва асарлари ҳақида” номли мақоласи таҳлиliga бағишланган.

РЕЗЮМЕ. Статья посвящена изучению монографии узбекского литературоведа Нуманджана Рахимджанова «Поэт и эпоха. Мысли о творчестве Шукрулло» и анализу статьи турецкого ученого Шуайиба Каракаша «О Шукрулле, сыне Юсуфа и его произведениях».

RESUME. The article is based on the Uzbek literary critic Numonjon Rakhimjanov's “Poet and period. Thoughts on the works of Shukrullo” and the analysis of the article of the Turkish scholar Shuayib Karakash “On the son and works of Shukrullo Yusuf”.

Таянч сўз ва иборалар: Шукрулло, монография, мақола, ижод, шеърият, достон, публицистика, мемуаристика.

Ключевые слова и выражения: Шукрулло, монография, статья, творчество, поэзия, дастан, публицистика, мемуаристика.

Key words and word expressions: Shukrullo, monograph, article, creativity, poetry, epic, journalism, memoir.

⁴ K a r a k a ş Ş. Özbek edebiyatı Yazıları. – Ankara: Kurgan edebiyat, 2012. – S. 426.

⁵ Ўша асар, 432-бет.

таъсирида ва натижаси ўлароқ ўзида пайдо бўлган тугал ҳукмни поэтик образлар воситасида баён қилишни афзал кўради. Ўзини изтиробга солган воқеа-ҳодисаларни сўзлаб ўтирмайди. Бундай ҳолатда ўқувчи муаллиф туйғуларига алоқадор воқеани ўз ҳаётидан топади ва улар хусусида мулоҳаза юрита бошлайди. Шу нуқтаи назардан моҳиятнинг кичик ҳажмда ифодаланиши ижодкордан алоҳида маҳорат талаб қилади.

Саккизлик шеърий шаклидаги шеърларни шоирнинг дастлабки тўпламларидагина учратиш мумкин. Унинг 80-йилларгача бўлган ижодида бу шеърий шакл алоҳида ўринга эгаллигини ва етакчилик қилганлигини кўришимиз мумкин. Самандар Воҳидов саккизликларида уч олам яшайди гўё. Бири ҳар қандай синовларга дош беришга тайёр, курашга бел боғлаган инсон, ўз-ўзига далда, куч беришга-да қодир инсон, иккинчиси эса, шу курашчан инсонни мадҳ этмоқни истаган куч; яна бири бўлса, эзгулик ва ёвузликнинг кураш майдони бўлиб келган дунё, тақдири азалдир. Дунёнинг ҳам ҳеч ўзгартириб бўлмас мезонлари мавжуд. Унинг эзгулик йўлидаги инсонга ҳам, ёмонлик йўлидаги инсонга ҳам тайёрлаб қўйган синовлари бор. Унинг ҳукми қаршисида бўйсунмаслик имконсиз.

*Синдирмоқ қасдида нотанти шамол,
Бир мурғак ниҳолни қийнар беомон.
Бўйсунмоқ истамас қайсар навниҳол,
Орада жанг қизир...Пасаймас ҳамон.*

*Ниҳол кучга тўлар курашган сари,
Шамол бор қудратин сарфлар тутақиб, –
Билмаски, курашга ўргатиб уни,
Ўзига тайёрлар забардаст рақиб³.*

Шоир “нотанти шамол”, “мурғак ниҳол”, “қайсар навниҳол” сифатлашларини ўз ўрнида қўллаб олган. “Танти” сўзи 1. “Ўзгаларга ёрдам, сарф ва хизматини аямайдиган, мард, кўнгли ва қўли очик; 2. Алдам-қалдам, фирромлиги йўқ, ўзаро муносабат, беллашув ва ш.к. ларда ҳалол”⁴, деган маъноларни англатади. Форс-тожик тилидан ўзлашган *но*- олд қўшимчаси бўлса, сўз ўзагида мавжуд бўлган маънога эга эмаслик тушунчаларини беради. Инсонларга хос хусусиятни англатувчи бу сўзни шоир кўчма маънода шамолнинг ҳаракатига нисбатан қўлламоқда, уни номард деб атамоқда. Бундай аташ ҳам сабабсиз эмас. Чунки у янги ўсиб чиққан, ҳали қувватга кирмаган ниҳолни синдирмоқ илинжида. Ҳар иккисининг ҳам чекинғиси йўқ. Аммо ниҳол ниҳоллигича қолиб кетавермайди. Аслида шамол ўзи сезмаган

³ Воҳидов С. Айланадир бу дунё. Сайланма. 1-жилд. – Бухоро, 2003, 18-бет. Шоир шеърларидан келтириладиган кейинги мисоллар ҳам шу нашрдан олинди, саҳифаси қавс ичида кўрсатилади. – Г.З.

⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. - Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 668 бет.

САККИЗЛИК ЖАНРИНИНГ ИФОДА ИМКОНИЯТЛАРИ

XX асрнинг сўнгги чораги нафақат жаҳон поэзиясида, балки, ўзбек шеърятининг ҳам бадиий-эстетик тафаккурида янгилашлар кузатишлар билан бир давр бўлганлиги, бу ўзгаришлар эса, аввало, лириканинг жанр табиатида ўзини намоён эта бошлаганлиги ва шеърятдаги бундай шаклий ўзгаришларнинг назарий асослари: юзага келиш сабаблари, тараққиёт босқичлари, шу билан бирга, бу жараённинг миллий бадииятимиздан мустақкам ўрин олган эстетик ҳодиса эканлиги адабиётшунослар томонидан ўрганилган ва ҳануз ўрганилмоқда. Хусусан, тўртлик, саккизлик, поэтик шакллар, шеъринг туркум кабилар ўзига хос мазмуний ва шаклий бир бутунлик ҳосил қилаётганлиги аҳамиятлидир. Бадиий фикр ифодасида саккизликлар энг мақбул поэтик шакл сифатида эътироф этилаётир. “...Саккизлик мавжуд воқелик ҳамда инсон руҳиятини рамзий образлар, мажозий-тимсолий талқинлар ва бадиий шартлиликка таянган ҳолда реалистик идрок ва ифода этишнинг ўзига хос имкониятларидан бири сифатида лирика жанрлари ва поэтик шакллари оиласидан собит ўрин эгаллади”¹. Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Жамол Камол каби етук шоирларимиз ижодида фалсафий мазмун билан йўғрилган, умумлашма фикрларга бой сара ижод намуналари пайдо бўлди. Уларга изма-из эргашиб ижод оламига кириб келган Самандар Воҳидов шеърларининг ҳам дастлабки намуналариданок унинг шаклий изланишларга киришганлигини кўришимиз мумкин. Айниқса, унинг “Саккизликлар” номи остида берилган шеърларида бир қарашда оддий бўлиб кўринган воқеа-ҳодисалар ҳам кўнгилда кечаётган тизгинсиз ғалаёнлар ҳақида сўзлайди. Аристотель: “Ҳажм асарнинг моҳиятидан келиб чиқади. Ҳар доим яхшироқ тушуниладиган нарса ҳажман (яъни шаклан) ҳам гўзалроқ бўлади”², – дейди. Шоир саккизликлари ҳам шу каби талаблар қаршисида ўз бадиий тафаккури тақозосига кўра юзага келган поэтик шаклдир. Шеър шакли ва ҳажми шоирнинг воқеликка нисбатан нуқтаи назаридир. Албатта, фикрнинг шаклий баёни, унинг ҳажми мазмуннинг таъсир кучини ҳам белгилаб беради. Баъзан тугал хулосага эришиш учун ҳажмга эргашилган тўғри келади. Чунки ҳаётда содир бўлган воқеалар, инсоннинг кўрган-кечирганлари охир-оқибат унинг бир умумий хулосага келишига сабаб бўлади. Ва муаллиф ўз ҳаётининг концепциясига ўқувчини эргаштириш ва ишонтириш учун ҳам уларни кенгрок ифодалаш йўлидан боради. Ана шундагина мақсадига эришади. Аммо баъзан муаллиф нима, қачон, қасрда, қандай воқеа содир бўлганлигини эмас, балки уларнинг

¹ А л д а ш е в а Ш. 70–90-йиллар ўзбек лирикасида тўртлик, саккизлик ва шеъринг туркум табиати. Филол. фанлари бўйича фалс.докторлик диссертацияси. – Тошкент, 2019, 87-бет.

² А р и с т о т е л ь. Поэтика. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980, 72-бет.

“ЛИСОН УТ-ТАЙР” РУС ШАРҚШУНОСЛАРИ ТАЛҚИНИДА

Алишер Навоий ижодиёти ўтган асрнинг аввалидан бошлаб жаҳон адабиётшунослигининг доимий тадқиқот объектига айланди. Бу борада рус шарқшуносларининг ҳам муайян хизматлар бор. Биз мақоламизда дoston билан махсус шуғулланган Е.Э.Бертельс (1890–1957), С.Н.Иванов (1922–1999) ва асар бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган А.Н.Малехова (1938–2007) тадқиқотлари юзасидан айрим фикр-мулоҳазалар билан ўртоқлашмоқчимиз. Сабаби, бу олимлар ўз вақтида кун тартибига асосли равишда қўйган, далиллар билан исботлаб кўрсатган қатор илмий муаммолар бугун ҳам ўз долзарблигини заррача бўлса-да йўқотмаган. Қолаверса, орадан бирмунча вақт ўтиб бажарилган тадқиқотларга бир кур назар ташланганда, уни янги билимлар мажмуидан келиб чиқиб баҳолаганда ҳамиша бирор-бир янги сўз айтишга эҳтиёж пайдо бўлади ва айни шу жиҳат мазкур йўналишдаги ишларни олға силжишига замин ҳозирлайди.

Шарқ халқлари маданияти ва адабиётининг беназир билимдони, XX асрнинг форс-тожик адабиёти тарихи бўйича йирик тадқиқотчиси Е.Э.Бертельс навоийшунослик тараққиётига ҳам муносиб ҳисса қўшган. Унинг “Навоий ва Аттор” мақоласи эса (1928) Шарқ адабиётига ёндашувнинг классик намунасидир. Аллома туркий халқлар адабиётини, жумладан, Алишер Навоий ижодини тадқиқ этган европалик олимлар уни форс-тожик адабиёти намуналарига тақлид деб ғайриилмий хулоса чиқарганларига диққатни қаратиб ёзади: “Шу фактга асосланиб, айрим Ғарб туркийшунослари исломий маданият доирасига кирувчи *туркий халқлар адабиёти норасо адабиёт* деган хулосага келганлар, уни форс муаллифларининг мумтоз адабиётига тақлид сифатида баҳолаганлар, унинг асл адабиёт эканлигига бўлган ҳар қандай даъвои йўққа чиқаришга интилганлар ва бу билан уни ўрганишни жуда кечиктириб юборганлар. Бундай фикрни тўғри деб эътироф этиш эҳтимолдан жуда узоқ, чунки у англашилмовчилик ҳосиласи ўларок пайдо бўлган: *шарқшунослар Шарқ адабиётининг таҳлилида Ғарб бадиий асарларини баҳолашда қўлланилган ўлчовлардан фойдаланганлар*”¹. Демак, туркий халқлар адабиётига ўрта асрлар адабий қонун-қоидаларини (адабий канон) қўлламасдан, унинг специфик хусусиятларини инкор этиб, адабий анъананинг тутган мақеини ҳисобга олмаган ҳолда ёндашиш бирёклама хулосаларга олиб келган.

Шарқшунос ҳар икки дoston – “Лисон ут-тайр” ва “Мантик ут-тайр”ни синчиклаб, бобма-боб таҳлил этиб, гарчи Алишер Навоий адабий анъана доирасида иш кўрган бўлса ҳам, оригинал асар яратганлигини мисоллар билан исботлаб кўрсатди. Дoston таркибидан ўрин олган ҳикоятларни қиёсий чоғиштириб, уларнинг аксарияти Навоийнинг узоқ йиллар давомида давлат арбоби сифатидаги кузатишларининг маҳсули, реал ҳаёт воқеаларига нисбатан яқинлигини ҳамда айни жиҳатлари билан салафи Фаридиддин

¹ Б е р т е л ь с Е.Э. Навоий ва Аттор (И.Мирзаев таржимаси). – Тошкент, 2005, 6-бет.

Аттор (1145–1221) ҳикоятларидан фарқланишини алоҳида таъкидлайди. Бугина эмас, асар гоявий концепцияси Аттор достонидан бутунлай ўзгачалигини Е.Бертельс зукко адабиётшунос сифатида жуда нозик илғаган ва шоирнинг тасаввуфга муносабатини ҳам аниқ белгилаган: *“Навоий сўзнинг зоҳирий маъносидаги сўфий бўлмаган, бироқ у бу тушунчадан анча юқорида турган. “Лисон ут-тайр”ни ўрганиш Навоийнинг берилган материалдан оригинал асар яратишга қодир улкан санъаткор, йирик сўз устаси бўлганлигини кўрсатади. Аммо, шу бадий истеъдод билан бирга, биз Навоий сиймосида ўта билимдон, қизиқишлари ранг-баранг, улкан ҳаётий тажрибага эга ва биз учун яна азиброги – катта қалб соҳиби, кишиларга нисбатан муҳаббати лиммо-лим тошган ва шу муҳаббат ҳаққи уларнинг камчиликларини унутишга ва кечирришга қодир кишини ҳам кўрамиз”*². Бугунги кунда айрим олимларимиз шарқшуноснинг бу сўзларини негадир инобатга олмаяптилар ҳамда шоирнинг “фалон байти” Шайх Саъдий ёхуд Камол Хўжандийнинг “фалон байтини эсга солади” ёки бўлмасам “моҳият эътибори билан эса бу икки достон бир-бирига ниҳоятда яқин асарлар ҳисобланади” қабилдаги фикрлар билан бир қадар мураккаб бўлган адабий таъсир ходисасини ўта жўн талқин қилмоқдалар. Ҳолбуки, Шарқ адабиёти намуналарига ёндашганда мавзулар қўламининг чекланганини, адабий анъананинг тутган мавқеини ёдда тутиб, икки асарни солиштирганда эса Е.Бертельс сингари байтма-байт чоғиштиришгина ижодкорнинг адабий анъанага бўлган муносабатини аниқ-тиниқ кўрсатади³.

Е.Бертельс нозиктаъб адабиётшунос сифатида Алишер Навоий ижодиётининг бутун моҳиятини ва шоирнинг инсонларга нисбатан меҳр билан тўлиқ буюк қалб соҳиби эканлигини дақиқ илғаган ҳамда мисоллар билан бир мақола доирасида ёрқин кўрсата олган. Қизиғи шундаки, бугунги кунда шоир ижодий мероси мунтазам ва кенг қўламда нафақат ўзбек адабиётшунослигида ўрганилмоқда, балки жаҳон адабиёт илмининг доимий тадқиқот объектига айланиб улгурган ҳамда бир қатор монографиялар чоп этилганига қарамай, унинг ижодига нисбатан айрим эскича қарашларнинг ҳамон “сақланиб қолгани” кишини ҳайратга солади. Масалан, рус шарқшуноси Б.В.Норик бирламчи манбаларга асосланган монографиясида шундай ёзади: “Навоийнинг ўзи форс адабиётига нисбатан тақлидчи (шубҳасиз, гениал) эди. Кейинги авлод шоирларининг аксарият қисми эса “буюк амирга” тақлидчи бўлганлар”⁴. Биз ушбу монографияни минтақа адабиёти тарихининг энг кам тадқиқ этилган саҳифаларига оидлигини ҳамда бир қатор аввал номаълум бўлган ижодкорлар ҳақидаги янги маълумотларни илмий истифодага киритилганлигини ниҳоятда қадрлаймиз, бироқ *“Навоий ва унинг издошлари тақлидчи”* деган фикрга қўшилмаймиз. Ўйлашимизча, Б.В.Норикнинг филолог эмас, балки ихтисослиги бўйича тарихчи эканлиги унинг бундай қарашига сабаб бўлган.

² Ўша ерда, 75-бет. Мақоладаги барча таъкидлар бизники – А.Э.

³ Бу ҳақда қаранг: О л и м С. “Лисон ут-тайр”: ҳақиқат ва мажоз синтези \ “Ўзбек тили ва адабиёти”, 2020, 3-сон, 22-бет.

⁴ Н о р и к Б.В. Биобиблиографический словарь среднеазиатской поэзии (XVI – первая треть XVII). – М., 2011. – С. 34 Аникликни сақлаш мақсадида аслиятни келтирдик: “Сам Наваи был подражателем (безусловно, гениальным) по отношению к персидской литературе.(?) Последующие поколения поэтов по большей части явились подражателями самому “великому амиру”.

*Қора қўрқинч тун узра икки кўзим,
Телмуриб ҳар томон боқар эрди,
Гоҳ-гоҳ қолмагонда сабр-тўзим,
Ёшларим тинмайин оқар эрди.*

*Қайғу, қўрқинч, борин тугатмак учун,
Ёндуруб қўйдим, келтуриб бир шам,
Ёриди кулбам, кетди кулфат, ғам,
Кулди дунё менга боқиб бул дам.*

*Шодлигимдан чироқ томон боқдим,
Эҳ эссиз, борлигимга ўт ёқдим,
Шам ёниб ёғдулар сочар эрди,
Кўксини ғам сари очар эрди.*

Шоир қоп-қоронғи тунда, ҳаёт синовларига сабри етмай, кўзларидан ёш оқиб турган пайтда қайғу ва қўрқинчга барҳам бериш учун бир шам ёқади. Шам ёғдусидан унинг кулбаси ёриб, қалбидаги кулфату ғами арийди. Дунё унга кулиб-бокқандек туюлади. Шодлигидан шамга қараган эди, афсус, борлигида ўт ёнди. Чунки шам атрофга ёғду сочгани сайин, ўзи эриб битар, ғам сари кўнглин очиб, йўқолиб борар эди. Албатта, шеърдаги шам рамзий маънода қўлланган бўлиб, бунда ижодкорнинг ўз ҳаёти, машаққатли кечмиши назарда тугилади. Ушбу шеър “Маориф ва ўқитғувчи” журналининг 1925–1926 йиллардаги 11–12-сониде босилганига қараганда ўша йилларда ёзилган. Шеърнинг тагида санаси кўрсатилмаган. Элбек деб тахаллус қўйилган, холос. Шеърда бироз умидсизлик ва ишончсизлик устунлик қилади. Бу умидсизлик ва тушқунлик жамият тақдири билан боғлиқ, албатта. Чунки шоирнинг бирон куни йўқки, халқ дардини ўйламаган, у ҳақида қайғурмаган бўлса.

Умуман олганда, туркум асарларида халқ дардини куйлаш, унинг муаммоси билан яшаш Элбек учун бир бахт эди. Шоир бу йўлда вақтини ҳам, сармоясини ҳам, ҳаттоки ўзини ҳам аямади. Элбекнинг “Шам” шеъридаги шамдек ёниб-ёниб ўзи яшаётган жамиятга нур сочди-ю, эриб кетди. Элбекнинг мустабид тузум замонида қатағонга учрашининг сабаби ҳам ватанига содиқлиги, унга меҳр-муҳаббатининг юксаклиги эди.

РЕЗЮМЕ. Мақолада Элбекнинг “Маориф ва ўқитғувчи” журналининг 1925 йилги сонларида нашр этилган туркум асарлари тасниф ва таҳлил қилинади.

РЕЗЮМЕ. В статье анализируется и классифицируется цикл произведений Эльбека, опубликованные в номерах 1925 года журнала “Маориф ва ўқитғувчи” (“Образование и учитель”)

RESUME. The article classifies and analyzes a series of works by Elbek, published in the 1925 issue of the magazine "Education and Teacher".

Таянч сўз ва иборалар: журнал, хикоя, шеър, мавзу, тасниф, таҳлил.

Ключевые слова и выражения: журнал, рассказ, стихотворение, тема, классификация, анализ.

Key words and word expressions: journal, story, poem, subject, classification, analysis.

(2-сон), “Келгусининг қуёши” (9–10-сонлар) номли ҳикоялари, “Кўклам чоғида япроқлар” (2-сон), “Сирдарё” (3-сон), “Бибиҳоним мадрасаси” (4-сон), “Эй хотун” (7–8-сонлар), “Шам” (11–12-сонлар) сингари шеърлари нашр этилган.

“Қишлоққа саёҳат” ҳикоясида шоир болалиги ўтган қишлоққа қилган саёҳатини ва ундан олган таассуротини ҳикоя қилади. Ёшликдаги хотиралар билан кўкламда қишлоғига саёҳатга чиқади. Оппоқ қорли тоғлар, кўм-кўк ўрмон, ўрмон ичидан оқиб келгучи шаркироқ дарё, меҳнаткаш одамлар бирма-бир кўз ўнгидан ўтади. Аммо қишлоққа боргач, у ердаги хору зорликни, қолоқликни кўриб, сўзлашга сўз топа олмайди. Биринчи бўлиб уни тоғлар кутиб олади ва унга шундай дейди: ”Мана, болам, биз сени кўп кутдик, белларимиз букилиб, мункайиб қолдик. Бизда куч қолмади, мана энди юртингни ўзинг сақла!” Кейин дарё эркаланиб югуриб келиб, бир нималарни шивирлайди. 1919 йил воқеалариними ёки эркин турмушини мактайдими билмайди. Бинолар емирилган хароба, кишилар кўзида умидсизлик, ҳаётдан бешиш, очлик ҳукм суради. Булар шоирни қаттиқ ўйга толдиради. Бу ҳолнинг сабабини қуйидагича изоҳлайди: “Бунга сабаб ялқовлик, билимсизлик, яшамок йўлларини ўрганмаганлик ва ўргатмаганликдир”. “Кузатишда” ҳикоясида эса узоқ йўлга боласини кузатишда ота-онанинг чеккан изтироблари гавдалантирилган. Ҳикоя қаҳрамони Тош бобо мунтазам сафарда юриб, ота-онасини кўп изтиробга қўйганини, буни ўз ўғлини сафарга жўнатаётиб тушунганини тасвирлайди. Ҳикояда қизиқ бир ўрин бор, Тош бобо биттаю битта ўғли ўқиган жадид мактабига салбий фикр билдиради, аммо кун келиб ўғлининг узоқ шаҳарда ўқиётганлигидан фахр ҳиссини туяди.

“Келгусининг қуёши” ҳикоясида илм-маърифат тараннум этилади: қоронғи ярим кечада, ҳамма уйкуга кетган пайтда, фақат бир хонадонда чирок ўчмаган эди. Учта жой солинган, бирида одам йўқ эди. Онаси эса ухлолмасдан боласини ётишини кутарди. Бу пайтда кечани ёритгучи шам ёғдуси билан келажакни ёритгучи келгусининг қуёши ёғдуси бирлашган эди. Муаллиф кечаси шам ёғдусида китоб ўқиб ўтирган болани “Келгусининг қуёши” деб атайди. Ҳикоя орқали ҳар бир киши илм ўрганиши, айниқса, ёшларнинг билимли бўлиши келажакда эркин ва фаровон умр кечириш учун муҳим эканлигига ишора қилади.

Учала ҳикояда ҳам ялқовликни енгиб, илм ўрганиш, яшаш йўлларини ўрганиш ва ўргатиш ғоялари илгари сурилади. Шеърларида эса табиат тасвири, ўзига бўлган ишончни кучайтириш, илм-маърифат ила ўзгаларга зиё таратиш каби фикрлар асосий ўрин тутади.

“Маориф ва ўқитғувчи” журналининг адабий материаллар матни устида ишлар эканмиз, янги ўзбек адабиёти ривожига Элбекнинг алоҳида ўрни, овози борлигига яна бир бор гувоҳ бўлдик. Мустақилликдан сўнг шоир шеърлари асосида Ҳайдарали Узоқов, Ортиқбой Абдуллаев, Улуғмурод Амоновлар томонидан нашр этирилган тўпламларида¹ учрамайдиган “Шам”² номли шеърига дуч келдик:

¹ Э л б е к. Мунгли қушим. – Тошкент: “Халқ мероси”, 1999; Э л б е к. Танланган асарлар. – Тошкент: “Шарқ”, 1999; Э л б е к. Армуғон ёлқинлар. – Тошкент: “Турон замин зиё”, 2017.

² Э л б е к. Шам \ “Маориф ва ўқитғувчи”, 1925–1926 йил, январь, 75-бет.

Таниқли таржимон ва олим С.Н.Иванов шоир лирик асарларини (ғазал, рубоий, туюқ, мухаммас каби), кўплаб ўзбек мумтоз адабиёти вакиллари шеърлари ҳамда “Лисон ут-тайр”ни рус тилига ўтирган моҳир мутаржимдир. У ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб то умр шомига қадар ушбу йўналишда изчил меҳнат қилди ва рус китобхонларини мумтоз меросимиз билан танишувида салмоқли ишларни амалга оширди. Биз унинг “Лисон ут-тайр”нинг рус тилига таржимаси юзасидан айрим фикр-мулоҳаларига тўхталишни лозим топдик.

Олимнинг адабий муаммолар ва таржима таҳлиliga доир “Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достони (Таржимоннинг асл нусхани шарҳлаш тажрибаси)” номли мақоласи таржимашуносликда ўзига хос ўрин тутади⁵. Мана, унинг қуйидаги сўзларига қулоқ тутинг: “Буюк мутафаккир яратган шеърий асарлар таржимасига камарбаста бўлган киши ҳам мазмунан, ҳам шаклан ўзига хос ва қутилмаган улкан шеърият дунёсига қиради. У дунёни англай олиши, унга қира билиши, матнни тушунмоғи ва унинг оҳангига қулоқ тутмоғи Навоий шеърий услуби ва тасвирий воситаларининг рус тилидаги эквивалентини топмоғи лозим бўлади”⁶. Демак, шоир шеъриятини ўзга тилда жаранглата олиш, унинг бегона адабий муҳитга кириб боришини тўлиқ таъминлаш учун таржимон ижодкор “бадий оламни англай олиши, унга қира билиши, оҳангига қулоқ тутмоғи Навоий шеърий услуби ва тасвирий воситаларини рус тилидаги эквивалентини топмоғи” шартдир. Мана шундагина бегона адабий муҳитда буюк шоир асарларининг “**иккинчи умри**” барқарор ва бардавом бўлади.

Олимнинг фикрича, юқоридагилардан ташқари яна бир муҳим нуқта борки, усиз бадий асарни тушуниш, уни қабул қилиш, англаш қийин кечади: “Кўриб чиқилиши мумкин бўлган кўпдан-кўп муаммоларнинг ҳаммаси орасидан мен биттасини – **таржимоннинг матн шарҳчиси** сифатидаги масалани алоҳида ажратиб кўрсатмоқчиман... Асарнинг бадий таржимасига **матннинг бадий шарҳи сифатида қараш мумкин**: модомики, таржимон матнни тушуниши керак экан, унинг матн шарҳловчиси бўлмаслиги мумкин эмас, модомики, таржимон матнни қайта яратиши лозим экан, унинг матнни қайта шарҳловчиси бўлмаслиги ҳам мумкин эмас”⁷. Таржимон асарни аслиятга мувофиқ, шоир ижодий ғоясини имкон қадар сақлаган ҳолда ўтириши мумкин. Бироқ бу беш юз йил аввал битилган асарни бугунги китобхон тушунишида орадаги давр билан боғлиқ қатор мураккабликлар мавжуд. Айни муаммоларни имкон қадар бартараф этиш мақсадида таржима билан ёнма-ён изоҳ, шарҳлар, албатта, бўлиши зарур. Шарқшунос “**матн шарҳловчиси**” деганда айнан шуни назарда тутган.

У Шарқ шеъриятининг билимдони, туркийшунос олим сифатида “Лисон ут-тайр” достони таржимасига киришган ҳамда мутахассислар эътирофига кўра уни муваффақиятли тугатган. Бу ҳақда таниқли таржимашунос Н.Владимирова шоир асарларининг ўн жилдлик рус тилида чоп этилган таржимаси (“Лисон ут-тайр”нинг С.Иванов ўтирган таржимаси 8-жилддан жой олган) юзасидан ёзган “Улкан адабий-тарихий воқеа” номли тақризида шундай дейди: “Лисон ут-тайр” таржимасида С.Иванов матнни

⁵ Таржима санъати (Мақолалар тўплами). 4-китоб. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1978, 195–224-бетлар.

⁶ Ўша ерда, 196-бет.

⁷ Ўша ерда.

теран тушунгани ва таҳлил қила олгани якқол сезилиб туради. У асарни рус китобхонига етказиш учун зарур воситаларни, эквивалентларни, сўзларни кидириб топади. Бу борада ҳам таржимонга, аввало, унинг Алишер Навоий дунёқараши, тили ва услубининг ўзига хос хусусиятларини чуқур билиши ёрдам берган”⁸. Таржимон иш жараёнида шеърнинг зарурий унсурлари бўлмиш банд, образ, қофия ва радифни ўзга тилда қай тарзда акс эттириш юзасидан эътиборга молик қатор мулоҳазаларни айтадики, бугунги кунда улуғ шоир асарлари таржимасига киришганлар буни инобатга олишлари лозим. Булардан ташқари, мутаржим Шарқ шеърятини англаш, идрок этиш ва ўзга тилда жаранглатиш учун *шеър интонациясини* билиш зарурлиги хусусида шундай ёзади: “Шарқ шоирлари ашъори интонациясини тушуниш билан боғлиқ масалалар фавқулдда муҳимдир. Интонацияни аниқлашнинг фақат биргина йўли бор, бу – “ўзи учун” аввалданок тушунарли бўлган, шарҳланган матннинг шеър тузилишини, ритмини, оҳангини зўр бериб ўрганиш ҳамда *мазкур муаллиф шеърятининг руҳи ва у мансуб бўлган халқ шеърини ижодининг анъаналарини тушунишдир*”⁹. Достон таржимаси жараёнида С.Иванов ўзи дуч келган мураккаб байтлар, омоним сўзлар, матн табидада йўл қўйилган айрим нокисликларни бартараф этиш бўйича таржиманинг муҳаррири, мумтоз адабиётимиз билимдони **Раҳмат Мажидий** (1906–1986) билан ҳамкорлиги ҳақида илиқ сўзларни битган: “Шунга ўхшаш ҳолатлар ва бошқа ғалатликларни бартараф этишда таржиманинг **тайёр матни устида** муҳаррир Раҳмат Мажидий билан ишлашим менга катта ёрдам берди. Таржима маъносини аниқлаш борасида бизнинг ҳамкорликда олиб борган ишимизда турли вазиятлар юзага келган эди: баъзи ҳолларда мен муҳаррир таклиф этган нисбатан тўғри ўқиш вариантыга сўзсиз кўнар, бошқа бир ҳолатда ўз вариантимида қаттиқ туриб олар эдим, учинчи ҳолатда эса, достон матнининг дақиқ парчаларини англаш имкониятларини биргалашиб излар эдик”¹⁰. Демак, кўриниб турибдики, таржимон ўз тадқиқот объекти бўйича ҳар қанча зарур билимлар захирасига эга бўлмасин, ўзга тилни қанчалик мукамал билмасин, асар таржимасида, мураккаб вазиятларда *тил соҳибига* (ўша маданий муҳитга мансуб кишига) мурожаат қилган ва бу ҳолат бугунги мутаржимлар учун ўзига хос намунадир.

Достон бўйича номзодлик ишини ҳимоя қилган шарқшунос А.Н Малехованинг асар структураси, композицион қурилиши, бадий концепциясига доир проблематик мақолалари совет даврида нашр қилинган бўлиб, илмий жамоатчиликнинг эътирофига сазовор бўлган эди¹¹. Олиманинг “Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достони” номли мақоласи кўп йиллик изланишларнинг натижаси ўлароқ юзага келган қатор янги ғоялар илгари сурилгани билан эътиборга лойиқ¹². У буюк шоир адабий мероси жаҳон адабиётининг узвий, ажралмас таркибий қисми эканлигини таъкидлагани ҳолда, уни жаҳон адабиётшунослиги сатҳида кенг кўламда тадқиқ қилиш ишлари қониқарли эмаслигини эслатади: “Алишер Навоий ижодиёти етарли

⁸ Ўша ерда, 121-бет.

⁹ Ўша ерда, 205-бет.

¹⁰ Ўша ерда, 204-бет.

¹¹ Малехова А.Н. Поэма Алишера Навои “Лисон ут-тайр” (“Язык птиц”): поэтика композиционных и образных средств. АКД. – Т., 1978. – 26 с.

¹² Алишер Навои. Язык птиц. Российская Академия наук. Литературные памятники. Санкт-Петербург: “Наука” 1993. Отв.ред. А.Н.Болдырев. Пер. С.Н.Иванов. Бу нашр достоннинг рус тилига тўла таржимаси, изоҳ, шарҳ билан тўлиқ таъминланган.

*Бог қўйнида икки дарахт –
Бир-бирига интизор.
Сен – бир дарахт,
Мен – бир дарахт,
Куйиб-куйиб ўтдик ёр.*

Шеър таҳлилидан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Шеър бадий жихатдан юксак савияда ёзилган.
2. Шоир фалсафий фикрларини ифодалаш учун дарахтга хос хусусиятлардан унумли фойдаланган.
3. Шеърдаги ҳар бир сўз ўзининг мустақкам ўрнига ва залворига эга.
4. Шеърда гарчи ўкинч, пушаймонлик ҳислари мавжуд бўлса-да, ўқувчини умрни беҳуда ўтказмасликка, ўз бахти учун курашишга чақиради.

РЕЗЮМЕ. Мақола Усмон Азимнинг “Хаёт кўшиғи” шеърдаги рамз, тасвир ва ўкинч ифодасини ёритишга бағишланган.

РЕЗЮМЕ. Статья посвящена освещению символики, образа и выражения досады в стихотворении Усмана Азима “Песнь жизни”.

RESUME. The article is devoted to the symbolism, image and expression of regret in the poem "Song of Life" by Usmon Azim,

Таянч сўз ва иборалар: Усмон Азим, шеър, образ, рамз, дарахт, маҳорат, бадий санъатлар.

Ключевые слова и выражения: Усман Азим, поэзия, образ, символ, дерево, мастерство, художественные средства изображения.

Key words and word expressions: Usman Azim, poetry, image, symbol, tree, skill, fine arts.

Гулзода СОАТОВА

“МАОРИФ ВА ЎҚИТЎВЧИ” ЖУРНАЛИ ВА ЭЛБЕК ИЖОДИ

Элбек тахаллуси билан танилган шоир, адиб, таржимон Машрик Юнусов бутун ҳаётини эл хизматида бағишлаган эди. Фитратни ўзига устоз деб билган, Чўлпон шеърятига эргашиб туркум шеърлар битган истеъдодли адиб янги ўзбек адабиёти саҳифаларини ёниқ шеърлари, маҳзун руҳдаги ҳикоялари ва бир неча достонлари билан бойитди. У ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, ислохотчи педагог сифатида ҳам алоҳида ҳурмат ва эътирофга сазовор бўлган эди. Бироқ унинг фаолияти 39 ёшида фожиали равишда барбод бўлди. Элбек ўз сафдошлари Чўлпон, Боту, Ғулом Зафарий, Рафиқ Мўмин, Ғози Юнус каби қатор илғор зиёлилар билан бирга қатагон қурбони бўлди.

XX аср адабий жараёни муаммоларини ўрганишда “Маориф ва ўқитғувчи” журнали алоҳида ўрин тутди. Журнал ўзбек тили ва адабиётининг илмий муаммолари, адабий-танқидий мақолалар, бадий асарлар таҳлили, таржимашунослик муаммолари ҳақида долзарб материалларни мунтазам ёритиб борди. Ойда бир марта чоп этилган журнал кўпроқ жадид ижодкорлари асарларига эътибор қаратган. Журналнинг 1925 йилги сонларида Элбекнинг “Қишлоққа саёҳат” (1-сон), “Кузатишда”

Дарахтлар бир-биридан узоқда ва бир-бирига интизор. Дардларини ўз тилларида (гул-япроқлар тилида) фақатгина шамолга айта олишади. Маъшуқа эса ел ёрдамида ўз дил изҳорларини ошиққа етказди ва ошиқ уни ҳали-ҳамон ўз дилида асрамоқда. Бу ерда шоир томонидан сўзларга юклатилган залворли маъноларга диққатимизни қаратмоғимиз лозим. Ошиқ маъшуқага етказиш учун ўз дардини шамолга ёрган. Шамол – тез, учқур, қайсар. Бу образ ошиқ дардларини етказиш воситаси учун жуда яхши танланган. Маъшуқа шивирларини эса ел ўз кафтида олиб келган. Таъбир жоиз бўлса, “ел” тимсоли воситасида аёл майинлиги, мулойимлиги ўз ифодасини топмоқда. Бу тасвирдан сўнг шоир яна надоматли хулосасига ўтади:

*Аммо баҳор келганида
Очилиш керак экан,
Гулу мева хазон тўкиб
Сочилиш керак экан.*

Энди бу мисраларга янада кўпроқ маънолар юкланган. Яъни ҳар бир жон вақтдан унумли фойдаланиши лозимлиги, бўлишини хоҳлаган ишини орқага қолдириб, ҳосилдан бебаҳра қолмаслик. Шоир “очилиб, гулу мева, хазон тўкиб сочила” олмаганлиги сабабини кейинги мисраларда ифодалайди:

*Ерга боғлаб қўйилганман,
Илдизим ер остида.
Кечалари шовуллайман,
Боқиб бўйи-бастингга.*

Ушбу мисралар воситасида шоир маъшуқасига етиша олмаганлиги сабабини айтиш учун яна дарахтга хос хусусиятлардан маҳорат билан фойдаланган. Мисрадаги тасвирларни инсон ҳаётига кўчирадиган бўлсак, ошиқнинг ноиложлиги, маъшуқасини жону дилидан ортиқ кўрса-да, унинг олдига бора олмаслиги, бунинг учун қандайдир сабаб борлиги, фақатгина ёрнинг бўйи-бастига боқиб юраклари ўртанишини ҳис қиламиз. Кейинги мисраларда шоир айтади:

*Аммо яшаш керак экан,
Очилмоқ керак экан.
Гулу мева хазон тўкиб
Сочилмоқ керак экан.*

Ушбу мисралар нимани ифодалайди? Нима, шоир яшамаяптими? Яшаяпти, лекин гап бошқа ёқда. Шоир севган ёри билан, муҳаббати билан яшаш лозимлигини таъкидламоқда. Ишқсиз, ёхуд ким биландир муҳаббатсиз ҳолда яшашни яшамасликка, умрни беҳуда совуришга қиёсламоқда.

даражада тадқиқ қилинмаган. Уни ва бошқа Шарқ адабиёти классиклари ижодини ўрганишни, Ғарб адабиёти классиклари – Шекспир, Данте, Байрон, Мольер ва бошқалар ижодини ўрганиш билан умуман таққослаб бўлмайди.

Навоийни жаҳон адабиёти классиклари қаторига қўшиш аниқ далилларга асосланган баҳони талаб қилади... Айни шу маънода “Лисон ут-тайр”ни ўрганиш Навоийни жаҳон адабиётига дахлдор ижодкор сифатида кўрсатиш учун қатор янги билимлар мажмуини тақдим қилади”¹³. Олима ўрта асрлар Шарқ адабиётида устувор метод саналмиш назира-татаббуга атрофлича тўхталади, унинг воқе бўлиш сабабларини изоҳлайди ва бу ҳолат давр кишининг дунёни англаши билан бевосита боғлиқлигини кўрсатади: “Ушбу методнинг кенг тарқалгани ва яшовчанлиги ўрта аср кишининг **оламни англаши** билан чамбарчас алоқадор бўлиб, у замонда *мавжуд воқеликнинг ўзгарувчанлиги* ғояси кишилар онгидан мустаҳкам жой олмаган”¹⁴. Шу билан бирга, у Шарқ адабиётида бадий сўзнинг тутган мавқеи хусусида сўз юритиб, уни ҳисобга олмаслик (XX аср бошида айрим Ғарб олимларининг шоир ижодига бўлган муносабатини эсланг – А.Э.) бирёқлама хулосаларга сабаб бўлишини айтади ва мулоҳазаларининг исботи сифатида Е.Э.Бертельсдан кўчирма келтиради: “Биз бу ерда бадий сўзнинг шарқона баҳоси талабларимизга мутлақо мос келмаслиги фактига дуч келамиз. Шарқ муаллифида биринчи ўринда *сўз маданияти* туради, ўринли бир қиёслаш, дабдабали бир метафора ҳақи мавзуга янги эпизод олиб киради, сюжетни у ёки бу томонга буриб юборади. Сюжет – бу асос, шоир ўзининг сархил нақшларини туширадиган тўр. Агар биз унинг ижодини лозим бўлган тарзда баҳолашни истайдиган бўлсак, у ҳолда шу нақшдан келиб чиқиб иш кўришимизга, ислом мамлакатлари адабий ҳаётининг шу асосий факти билан ҳисоблашмоғимизга тўғри келади”¹⁵.

Шарқшунос олима дostonнинг шоир адабий меросида тутган ўрни, қиймати, ҳаёт сўқмоқларида бетиним изланишларининг самараси, кундалик турмушдан аччиқ тажриба ҳамда *ижодининг чўққиси* эканлигини ўринли таъкидлайди: “Навоий достони – бу формал жиҳатдан фақат ҳаётий тажриба маҳсулигина (асар шоир ҳаётининг шомида битилган) эмас, **балки ўз умри, ижоди ҳақидаги ўзига хос бир ҳисоботдир**. Бу ўз ижодий ишларининг аҳамиятини, қийматини тўлиқ идрок этиш, бу – ўзлигини топиш мақсадида ҳаёт сўқмоқларида тинимсиз изланишларининг натижаси, амалиётда эса юксак инсоний қувончларнинг – мангуликка дахлдор яратикларининг ҳар хил майда-чуйда ташвишлардан юқори туриши, бу – абадий қолажак ижодий мероснинг кундалик турмуш муаммолари устидан қозонилган муқаррар ғалабасидир”¹⁶.

Тадқиқотчи янги давр адабиётида муҳим ўрин эгаллаган *Ижодкор шахсияти* хусусида ҳам талай мулоҳазаларни баён қиладики, улардан хабардорлик ўзбек адабиётшунослиги, хусусан унинг навоийшунослик йўналишини назарий жиҳатдан бойитади: “Маълумки, ўрта асрлар адабиётида (нафақат Шарқда, балки Ғарбда ҳам – А.Э.) муаллиф шахсияти янги давр адабиётига нисбатан заифроқ акс этган. Бунинг сабаби, ўрта аср адабий этикети ва анъана автор индивидуаллигини минималлаштирган. У ёки

¹³ Ўша ерда, 268-бет.

¹⁴ Ўша ерда, 269-бет.

¹⁵ Б е р т е л ь с Е.Э Навоий ва Аттор, 9-бет.

¹⁶ М а л е х о в а А.Н. Кўрсатилган автореферат, 274-бет.

бу жанр учун хос бўлган бадиий методнинг хусусиятлари муаллифнинг индивидуал майлларини чеклаган. Муаллиф эса жанр анъаналарига эргашган”¹⁷. Бироқ олиманинг эътирофи этишчи, шоирнинг барча асарлари орасида айнан “Лисон ут-тайр”да *ижодкор шахсияти* бўртиб туради, кабарик, ёрқин акс этган. Чунки азалдан маълум иборага кўра адабиётни шахслар янгилайди. Дарҳақиқат, асар шоир ҳаётининг сўнги йиллари ёзилган ва унда шоир болалик чоғларини эслайди, ўзини мафтун қилган асар – “Мантиқ ут-тайр” ҳақида мароқ билан ҳикоя қилади ҳамда бутун умри давомида узлуксиз интиланган гоёлари хусусида батафсил тўхталади.

Шарқшунос олима Алишер Навоий ушбу асари орқали жаҳон адабиёти тарихида ўз номини мангуликка муҳраганини қайта-қайта таъкидлар экан, айти пайтда бу ҳолатни аниқ далиллар билан дунё адабиёт илми олдида исботлаш лозимлигини ҳам уқтиради. Шу ўринда таникли шарқшунос-навоийшунос М.Имомназаровнинг қуйидаги мулоҳазаларига диққатни қаратамиз:” Навоий охириги достони “Лисон ут-тайр”да Симурғ тимсоли орқали ўзининг **асрий орзусини, улуғ ва қимматли ижтимоий гоёни ифодалади**. Унинг талқинидаги Симурғ – камолотнинг олий босқичи – тавҳидий тафаккур босқичига кўтарилиб етган ўттиз қуш (“си мурғ”) нинг бирлиги – *маънавий ягоналик ҳосил қила олган инсонлар жамоаси, яхлит инсоният*. Ушбу уйғунликка эришувнинг ягона йўли эса инсонларнинг бир-бирига *Ҳақ ризолиги йўлидаги пок ва самимий меҳридор*”¹⁸.

Демак, улуғ шоир “инсониятнинг маънавий камолоти уйғунлиги”ни бош гоё сифатида асари бағрига сингдирган экан, биз бугун буни жаҳон адабиётшунослиги сатҳида кўрсата олишимиз керак. Бунинг учун эса навоийшуносликда яратилган дунё филология илми талабларига жавоб берадиган тадқиқотларни хорижий тилларга таржима қилиш заруратга айланади ва фақат шу йўл билан буюк шоирнинг жаҳон адабиётида тутган мавқеи тайин бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, шоир адабий меросини, хусусан, “Лисон ут-тайр”ни ўрганишда рус шарқшунослари улкан ишларни амалга оширдилар ва бугун уларга таянган, суянган, айти пайтда танқидий қараган ҳамда янги билимлар мажмуидан келиб чиққан ҳолда янада илгарилашни замон тақозо этмоқда.

РЕЗЮМЕ. Мақолада рус шарқшунослари “Лисон ут-тайр”ни қай тарзда тадқиқ этганлари хусусида сўз боради.

РЕЗЮМЕ. В статье речь идёт о том, как было исследовано произведение Алишера Навои “Лисон ут-тайр” (“Язык птиц”) русскими востоковедами.

RESUME. The article discusses how Russian orientalists studied “Lison ut-tayr”.

Таянч сўз ва иборалар: матн талқини, қиёс, таржима, шарҳ.

Ключевые слова и выражения: интерпретация текста, сравнение, перевод, комментарий.

Key words and word expressions: text interpretation, comparison, translation, commentary.

¹⁷ Ўша ерда, 321-бет.

¹⁸ Бу ҳақда қаранг: И м о м н а з а р о в М. Маънавий камолот эҳтиёжи ёхуд инсоният маънавий такомиллида Алишер Навоий назарий қарашларининг аҳамияти \\\ Алишер Навоий ижоди дунё шарқшунослари нигоҳида мавзуидаги халқаро конференция илмий тўплами. – Тошкент, 2021, 414–424-бетлар.

УСМОН АЗИМ ШЕЪРЛАРИДА РАМЗИЙ ТАСВИР

Усмон Азим шеърини образли ифодаларга бойлиги, халқ орзу-умидларини ёрқин рангларда ифодалаши, жозибадорлиги, туйғуларнинг самимий тасвири ва бошқа ўзига хос хусусиятлари билан алоҳида ажралиб туради. Жумладан, “Ҳаёт кўшиғи” шеърида инсон, унинг орзу, армон ва ўқинчларини ифодалаш учун дарахт тимсолидан жуда ўринли фойдаланилган:

*Боғ қўйнида икки дарахт –
Бир-бирига интизор.
Сен – бир дарахт,
Мен – бир дарахт,
Куйиб-куйиб ўтдик ёр¹.*

Боғ – олам, дунё. Икки дарахт – икки шахс – маъшуқа ва ошиқ. Шоир буни “Сен – бир дарахт, Мен – бир дарахт” мисралари воситасида акс эттиради. Аммо бу ошиқ-маъшук куйиб ўтган. Нима учун? Шеърнинг кейинги мисраларида ифодаланган лирик қаҳрамоннинг ўқинчли хулосасидан образлар ифодалаган маъноларни кўриб чиқайлик:

*Аммо баҳор келганида
Очилиш керак экан,
Гулу мева, хазон бўлиб,
Сочилиш керак экан.*

Биламизки, ҳар баҳор келганида ҳар қандай дарахт гуллайди, япроқ ёзади, мева солади ва ўз вазифаларини бажаргач, кузга келиб япроқлари хазонга айланади. Энди буни инсон ҳаёти мисолида кўриб чиқсак. Одатда, инсон умрининг ёшлик даврини баҳорга қиёслашади. “Очилиш” – айти шу ёшлик даврида инсон ўз ҳис-туйғуларини кўнглига ёққан ёрига айта олиш. Ёрнинг кўнглини олиб, васлидан баҳраманд бўлиш ва “гулу мева, хазон бўлиб сочилиш”. Бу ўринда “гул”, “мева”, “хазон” ва “сочилиш” сўзлари ўзига хос маъно ташимоқда. “Гул” – фарзанд, “мева” – набира, “хазон” – инсон умри поёни ва “сочилиш” – авлодларнинг кўпайиши ва тарқалиши. Шоир бу шеърида ўз фикрини айтиш учун дарахтга хос хусусиятлардан фойдаланмоқда.

*Шамолларга дилим ёрдим,
Гул-япроқлар тилида.
Ел кафтида олиб келган
Ҳар шивиринг дилимда.*

¹ А з и м У. Сайланма. – Тошкент: “Шарқ”, 1995, 118-бет.

Ваҳоланки, оғир, машаққату укубатлар сўқмоғи бошланажак мана шу кафтдеккина нишаб яланглик кўндалангига, нари борса, олти-етти одимдан ошмас, кўзга кўриниб турган эса-да, қарийб ҳар сафар шу йўл бошидаги эмин-эркинликдан туғилган шодмонлик Сизифни гўдакларча кўзини кўр, аклини кемтик қилиб кўярди. Инсоннинг яшаш ибтидоси ўша олти-етти одимлик хурсандчилик (болалик) Ахир, олти-етти одимдан сўнг тик қиялик бошланади. Бу эса инсонни интиҳо сари етаклаши. Лекин у йўлнинг – харсанг тош чўққи сари чиқавериш-чўққига етар-етмас пастга думалаб тушавериш очган сўқмоқнинг нақадар машаққат сўқмоғи эканини беш қўлда биллади. Инсон ўзи учун шундай яшаш тарзини маъкул деб билган.

Одат кўникмага ёинки кўникма одатга айландими, унинг заррача оғирлиги сезилмайди, инсоннинг ҳар бир босган қадами унинг тақдири учун сабаб бўлади. Бугунги биринчи қадам одатга, эртанги қадам эса унинг характериға, индинги қадам у учун тақдир эканига кўниктиради. Биз буни Сизиф образида ҳам кўришимиз мумкин. Н.Эшонкулнинг “Тўрўғли” романида эса бунинг аксидек Н образи доим ўзлиги учун курашда тинмайди доимий равишда рухий изтироблар исканжасида қолаверади. Азал-оқибат эса унинг куч-қудрати тугайди. Ва ўз жонига қасд қилиши билан якун топади. Бу борада асарда абсурд устуворлик қилгандек. Сизифда эса бошқача – Сизиф ҳали йўлнинг бошланишида эмасми, шундан унинг билаклари, елкалари, биқини, тиззалари кучга тўлиб турган бўлади, ўзи чарчоқ нима эканини билмайди, бир умр экан-у, то абад шу машғулотга андармон бўлишга-да қурбим-қурбатим етади деб ўз-ўзига ишонади. Ҳеч бир урф-одат ўзига ихлос қўйган инсоннинг имкониятлари билан ҳисоблашмайди. Аксинча, унинг ҳатто машаққату укубатлари (Худди Сизиф ёки ошиқ бўлган инсон сингари. – Ю.Б.) ўша инсонларга роҳат, адоқсиз роҳат-фароғат бағишлайди. Одатланиш жуда катта имкониятларга эришишга сабаб бўлади. Албатта, агар у одатлар умуминсоният манфаатларига хизмат қилсагина.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ижобий, идеал, салбий ва шу каби адабиётшуносликда қўлланилиб келаётган образларда асосий эътиборни адиблар ўқувчига эстетик завқ бағишлаш учун бу образларнинг ташқи оламига – унинг юриш-туриши, маънавий олами ва дунёқарашига таянади. Шу билан ўқувчини асар дунёсига олиб киради ва унинг ҳурматиға, эътиборига эришади. Психологик образда эса асосий эътибор унинг ботиний оламиға, онг оқимида содир бўлаётган, онг ости оқимида ва хотирада пайдо бўладиган ассоциатив ҳолатларга қаратилади.

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақола бадиий асарда образ ва психологик образнинг таҳлили масалаларига бағишланган.

РЕЗЮМЕ. Данная статья посвящена анализу образа и психологического образа в художественном произведении.

RESUME. The article is devoted to the analysis of the image and psychological image in the artistic work.

Таянч сўз ва иборалар: адабий тасвир, адабий қахрамон, психологик тасвир, характер, образ, психологик образ.

Ключевые слова и выражения: литературное изображение, литературный герой, психологическое изображение, характер, образ, психологический образ.

Key words and word expressions: literary image, literary hero, psychological image, character, image, psychological image.

ДОРО ВА ИСКАНДАР МОЖАРОСИ ТАСВИРИНИНГ ГЕНЕЗИСИ

Алишер Навоий Искандар қилган ишларнинг барчасини ёзиб тугатишни осон ҳам, зарур ҳам эмас деб ҳисоблаган. Шу боис, дастлаб, Искандар тарихини *ижмол тариқида* – умумий баён қилиб, сўнгра у ҳақдаги қисса ва тарихларни қиёслаб, энг асосий нуқталарғагина эътибор қаратган. Навоий келтирган феҳрист – хронология Низомий, Хусрав дostonлари ва бошқа Искандар қиссалари мундарижасининг қоришиқ кўриниши бўлиб, Навоий бу орқали Искандарнинг умумий тарихини эслатиб ўтгач, мазкур тарихға ўз ёндашувини қуйидагича изоҳлайди:

*Умурида улча гаройибдурур –
Ки, ул ишта кўпрак ажойибдурур.
Жудо айлабон кизб олойишин,
Анга айласам назм оройишин¹.*

Ушбу принцип асосида “Садди Искандарий” дostonи сюжети кўздан кечирилса, асарнинг оригиналлиги ва Навоийнинг ижодкор сифатида ўзига хослиги яққол намоён бўлади. Шу тариқа Навоий Искандарнинг бутун тарихидан ўз асарида тасвирлаш учун қуйидаги асосий сюжет линиялари (ёки эпизодлар)ни танлаб олган: 1) Искандарнинг Румда подшо бўлиши; 2) Искандар ва Доро тўқнашуви; 3) Искандарнинг Кашмирга юриши; 4) Искандарнинг Ҳиндга юриши; 5) Искандарнинг Чинга юриши; 6) Искандарнинг Мағрибга юриши; 7) Искандарнинг Яъжужларга қарши кураши; 8) Искандарнинг денгизга сафари; 9) Искандарнинг вафоти.

Навоий салафлари, жумладан, Низомий каби Искандар ва Доро муносабатлари тасвирига кенг (3 боб) ўрин ажратган. Ушбу сюжет тасвирида, аввало, Доро ва Искандар ўртасидаги жангни келтириб чиқарган омиллар хусусида тўхталиш керак. Шарқдаги аксарият тарихий асарларда Искандар ва Доро муҳолифатининг сабаби сифатида бож кўрсатилади. Табарий уч хил омилни қайд этган: бири – хирож, иккинчиси – Искандарнинг ташаббуси², яъни Искандар Рум тахтига ўтиргач, Мағрибга юриш қилиб, у ерни ўзига тобе қилади, натижада, ўзини қудратли ҳис эта бошлайди ва Дороға қарши жанг қилиш пайига тушади. Айни шу омил асосий сабаб – хирож бермасликни келтириб чиқарган. Учинчиси – мамлакат халқи Доро зулмидан безган эди, шу боис уларнинг бир қисми Искандар томонга ўтиб, Доронинг сирларини айтиб бериш орқали Доро зулмидан халос бўлишни исташган³. Бундай маълумотларнинг айримлари «Садди Искандарий»га ҳам кўчиб ўтган,

¹ Алишер Навоий. Садди Искандарий \ Мукамал асарлар тўплами, XX жилдлик, 11-жилд. – Тошкент: “Фан”, 1993, 127-бет.

² طبری محمد بن جریر. تاریخ طبری. ترجمه ابوالقاسم پاینده. ج. ۲. – تهران: اساطیر، ۱۳۶۲. ص. ۴۹۲-۴۸۹.

³ Ўша асар, 488 – 489-бетлар.

масалан, паҳлавон Бориқи Барбарийнинг Доро зулмидан бешиб, Искандар томонга қочиб ўтиши тасвири шу сирага мансуб.

Низомий «Искандарнома»га мана шу омилнинг бироз ўзгарган вариантини асос қилиб олган. Унга кўра, Искандар зангийларни енгиб Румга қайтгач, қўлга киритилган ўлжалардан бир қисмини Дорога юборади, кимматбаҳо ҳадялар туфайли Доронинг ҳасади келиб, Искандарга итик сўзлар битилган, ҳақоратли нома йўллаб, Искандарни ранжитади ва унинг Эронга юриш қилишига замин ҳозирлаб беради⁴. Ибн Балхий Искандар ва Доро ўртасидаги тўқнашувга сабаб бўлган омилларни шундай умумлаштирган: «Искандарнинг форсга келишига уч нарса сабаб бўлган: бири Доро бин Доронинг «ота-боболаринг юборган хирожни юбор, йўқса Румни яксон қиламиз» дея юборган қўпол хабарининг Искандарга оғир ботиши. Иккинчиси – отасининг вазири бўлган Раштиннинг Доро бин Дородан ранжиши ва унинг айб-у нуқсонларини айтиб, Искандарга ёрдам бериши. Учинчиси – Доро бин Доро ва унинг вазири бадсийрату бадрой эди. Ҳамма лашкар ва раият ундан нафратланар эди»⁵. Мирхонд «Равзат ус-сафо»да Файлақуснинг Доро хазинасига ҳар йили вазни қирқ мисқолга тенг минг олтин байза (тухум шаклидаги тилла) юборгани, зиддиятнинг келиб чиқишига шу хирожнинг тўланмай қолиши сабаб бўлганини айтади⁶. Навоий «Садди Искандарий»да Низомий каби хирож масаласини асос қилиб олган ва унга оид фактлар Мирхонд маълумотлари билан айнан бўлса-да, «Тарихи мулуки Ажам»да кейинги икки қараш хусусида ҳам ёзади.

Искандар ва Доро муносабати тасвирида элчилар воситасида қилинган мунозара эпизоди ҳам муҳим ўрин тутати. Искандар дастлаб хирож талаб қилиб келган элчига панд бериб, *тухумларни туғувчи қуш учиб кетди* деб жавоб бериб юборади. Мазкур жавоб Шарқдаги манбаларда турлича келади. Иккинчи бор келган Доро расули ўзи билан *гўй, чавгон ва кунжут* олиб келади. «Садди Искандарий»да Низомий «Искандарнома»сидаги деталлар деярли такрорланади, фақат Низомий асарида Искандар ҳам Дорога жавобан кунжут ўрнига сипандон – исирик уруғини юборади⁷. Низомий вариантга яқин талқин Табарийда мавжуд, фақат Искандар Дорога жавобан хардал – жуда майда сариқ рангли, аччиқ дона (уруғ) юборади⁸. Навоий достонида бўлгани каби кўпгина тарихий манбалар Дородан гўй, чавгон ва кунжут келгани борасида яқдил, бироқ Дорога жавобан Искандар юборган предметлар борасида фикрлар турлича⁹. Мазкур ҳолат эпизоднинг «Садди Искандарий»га киритилмаслигига сабаб бўлган бўлиши керак.

Хирож масаласидаги иккинчи бир жиҳат *гўй, чавгон, кунжут, қуш* ёки *парранда* деталларининг исқандарномаларга келиб қўшилишидир. Тарихда

каттиқ чарчаш ёки руҳий изтироблар исқандарномада қолган одамларда юз беради.

Х.Дўстмуҳаммаднинг «Донишманд Сизиф» романи дастлаб табиат тасвири билан инсон портрети уйғунлиги орқали инсон вужудида абадий қолиб кетган руҳий азоб туйғусини бот-бот эслаши орқали бошланади. «Зўрнинг тоши қирга қараб юмалар... Тақир ерда узоқ ўтирган Сизиф ўзи ҳам тўла англамаган аллақандай маънода бошини бир сермаб қўйди-да, оғир кўзгалди. Асли у новча – дарозгина эди, лекин узлуксиз оғир ва қора меҳнат оқибатида тарашадек қотиб кетган қад-қомати хийла букилиб қолганидан олдинга осилиб турган узун-узун қўллари тиззасига тегай-тегай дер, нафақат қад-қомати, балки дийдаси ҳам қотиб кетган, унча-мунча гап-сўзга таъсирланавермас ҳам эди. Ваҳоланки, бу гапни кўп эслайди у, бир пайтлар ёдига тушган заҳоти чехрасида беозор-беғубор табассум пайдо бўларди, буткул қисматим мужассам, бу ҳикматда деб ҳайратланар, баъзан рўпарасида қад ростлаган тоғу тошнинг, айниқса, ёнгинасида қўққайиб турган харсанг тошнинг қулоғига етиб борармикан деган умидда уни баъзан баралла – овозининг борича бақириб-ҳайкириб, баъзан эса шивирлаб айтарди. Қалб тубидан чиққан ёхуд астойдил ҳайкириб айтилган гап бетаъсир қолмас деб ўйларди. Кейинчалик эса, эслашга эслайди, айтишга айтади-ю, на кулади, на куяди, на пинагини бузади...»³.

Инсоннинг узоқ вақт ёлғизликда умр кечириши реал ҳаёт воқелиги билан ҳаёлот олами ўртасидаги мувозанатнинг бузилишига олиб келади. Бу психологияда галлюцинация ҳолатининг келиб чиқишига сабаб бўлади. Масалан: «– Ҳой, Сизи-иф, ялқовликни бас қил, қара, харсанг интизор сенга, харсанг тош!..»⁴

У оҳиста бош кўтариб, овоз эгасини топмоқчи бўлди. Овоз жуда-жуда таниш эди, афсус, таниш чехра ўрнида унинг рўпарасида ҳайҳотдай харсанг тош кўр тўкиб турар – харсангдан бошқа нима ҳам овоз чиқара оларди бу биёбонда?! – яқин-яқиндан у тилга қирадиган одат чиқарди ва Сизифга кадрдон аллақимнинг жуда-жуда таниш товушида тўсатдан сас-садо таратадиган бўлиб қолди. Сизиф хўп ўйлади-хўп уринди – эслолмади, илло унинг ишончи комил – дийдаси метинга айланиб кетган харсанг шу туришича ҳамишадагидек яна ва яна Сизифни навбатдаги муҳорабага, олишувга чорлаётган эди.

Инсон ҳаёти тўхтовсиз ҳаракатда ва қарама-қаршиликлардан иборатлиги барчага маълум. Сизиф бу қарама-қаршиликлардан, тинимсиз азоб-укубатлардан ҳам жисмонан, ҳам руҳан эзилган бўлса-да, вақт ўтиши билан бу кунлик қилаётган самарасиз ишидан роҳат олишга ўрганади. Масалан, «Сизиф қарсак чалиб юборди, харсанг тош ёнида ўзи ҳам думалаб-ўмбалоқ ошиб, ирғишлаб, қийқириб, шодлигини ким билан баҳам кўришини билмай... харсангтошни қучоқлаб олди, баракалло, дея унинг елкасига шাপатилаб қокди, уни силаб-сийпалади, юмалоққинам, думалоққинам, бақалоққинам дея, дуч келган жойига бетини босиб, онасининг момик бағрига сингиб кетаётган пишакчадек тантиғланди-эрқаланди»⁵.

³ Д ў с т м у ҳ а м м а д Х. Донишманд Сизиф. – Тошкент: «O'zbekiston», 2016, 250-бет.

⁴ Ўша ерда.

⁵ Ўша асар, 254-бет.

⁴ Н и з о м и и Г а н ж а в и й. Ҳамса: Искандарнома. – Душанбе: «Адиб», 2012. – С. 72–73.

⁵ ابن بلخی. فارسنامه. – تهران: اساطير، ۱۳۸۴. ص. ۵۷.

⁶ ميرخواند محمد بن خاوندشاه. روضت الصفا. ج. ۱. – تهران: پيروز، ۱۳۳۸. ص. ۶۴۷.

⁷ Н и з о м и и Г а н ж а в и й. Ҳамса: Искандарнома. – С. 83–84.

⁸ طبری محمد بن جریر. تاریخ طبری. ترجمه ابوالقاسم پاینده. ج. ۲. – تهران: اساطير، ۱۳۶۲. ص. ۴۹۰.

⁹ بنگکتی. تاریخ بنگکتی. – تهران: داورپناه، ۱۳۴۸. ص. ۴۳.

образлар тизими орқали ҳал қилинади. Ҳаёт борки, инсон бор, ёки аксинча. Бу икки тушунчани адабиётшунослик назариясидаги шакл ва мазмун бирлиги каби тушунмоқ керак. Аниқроғи, инсоннинг жамиятга таъсири ва аксинча, жамиятнинг инсонга таъсири натижасида ҳосил бўладиган ҳолатлар, энг аввало, инсон руҳиятида кечади. Чунки инсоннинг ҳайрати ва нафрати дастлаб унинг ботинида юз бериб, сўнгра зоҳирига кўчади. Шубҳасиз, ҳеч бир таъсир ботинсиз зоҳирга кўчмайди. Шунинг учун ҳам инсоннинг руҳий олами унинг руҳий ҳолатини ифодалайди. Мана шу ифодани ёритиш **психологик образ** тушунчасини келтириб чиқаради. Психологик образ, яъни қаҳрамон асар воқеалари ривожига жараёнида доимий равишда руҳий ҳолат исқандарасида бўлади. Демак, **психологик образ** асарнинг бошланишидан то унинг ечими, баъзан эса хотимагача бўлган ораликдаги руҳий ҳолатлар тафсилоти билан белгиланади. Масалан, Н.Эшонкулнинг “Гўрғули” романидаги Н образи, Х. Дўстмуҳаммаднинг “Донишманд Сизиф” романидаги Сизиф образи асарнинг бошланишидан то охиригача руҳий изтироблар куршовида тасвирланади.

Биз бадиий асар сюжетида психологик тасвир усулларини кенг қўллаш натижасида яратиладиган образга нисбатан психологик образ атамасини қўллашни тўғри деб биламиз. Чунки бунда асар ғоясининг асосини ташкил этган сюжет воқеаларининг ривожига ва бадиий ғоянинг ечим топишида психологик унсурлар орқали ниҳояланиши, шунингдек, қаҳрамоннинг руҳий ҳолати асар давомида етакчилик қилиши, воқеликнинг ривожига ва якуни, руҳият билан тўлиқ боғлиқлиги асарда психологик усулларнинг етакчилиги қаҳрамон ички дунёсидаги динамик ҳолат диалектикасининг ташқи олам билан уйғунлиги натижасида юзага келади. Асар қаҳрамонининг мақсад сари интилишида унинг характер қирраларининг очилиши учун асос вазифасини ўтовчи руҳият билан боғлиқ воқеликнинг берилиши адибнинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларининг тўлиқ ечимига эришиши **психологик образнинг** асарда етакчи образ эканини кўрсатади. Шу сабабли юқорида Т.Бобоев образ хусусиятларининг тўрт шаклини беради. Биз бунга қўшимча равишда бешинчи, яъни психоаналитик хусусиятини ҳам айтиб ўтмоқчимиз.

Психологик тасвир орқали психоаналитик образ яратиш психологик элементларни жамлаш, эслаш, хотирлаш, ёд олиш, галлюцинация, туш кўриш ва бошқа шу каби психика билан боғлиқ ҳолатлар туфайли юзага келади. Масалан, А.Аъзам “Рўё ёхуд Ғулистонга сафар” асарига танланган эпиграфдан ҳам маълумки, асар воқеликнинг рамзий ва метафорик тасвирларга бойлиги билан ажралиб туради (Еттинчи жавоб: бу қиссамизнинг аввали ҳам туш, ўртаси ҳам туш, охири ҳам тушдур. “Юсуф алайҳиссалом қиссаси”). Асар психологик ҳолатнинг туш кўриш усули орқали бошланади. Масалан, “Кечкурунлари безовталанаман. Калламда шовқин туради. Айниқса, эл ухлаб, ҳаммаёқ тинчигандан кейин кучаяди. Ётолмайман, босиқ ғовур, аллақандай шивир-шивир, узук-юлуқ сурнай куйи, жуда олисда қизиган бир бозорнинг ғала-ғовури келади. Шу ерда ётганим кўйи яна аллақандай издиҳомга аралашиб юргандек бўламан. Кундузги шовқин худди тошқин сувдек калламга кириб, ўтиб кетаётганда унинг ҳар жой-ҳар жойдаги чуқурчоқларида қолиб кетган-у, энди шу лойқа кўлмаклар шилпиллаётганга ўхшайди. Кечалари кундуз давом этаётгандек...”. Кўринадики, асар ровийнинг ҳикояси сингари ёзилган. Асарнинг бошланишидаёқ биз қаҳрамоннинг, яъни ровийнинг туш, реал ҳаёт ва уйку оралиғида инсон вужудининг кўчиб юриши тасвирига дуч келамиз. Бундай ҳолат кўпинча

айрим шунга ўхшаш маълумотлар сақланиб қолган, масалан, қадимги форс ҳукмдорлари вассаллардан тобелик белгиси сифатида сув ва тупроқ талаб қилишган¹⁰. Искандарномалар бош қаҳрамонининг прототиби Александр Македонский тарихан Александр II деб юритилади, чунки ундан илгари Македонияда подшо Аминтанинг ўғли Александр I ҳам ўтган. Аминта ҳукмдорлиги даврида Доро I нинг 7 нафар элчиси сув ва тупроқ сўраб боради ва бу ташрифда Александр I фаол иштирок этади. У ўз ташаббуси билан зиёфатда элчиларнинг кўнглини олиб, уларнинг талабларини бажаради¹¹. Хамсанависликда акс этган Доронинг Искандардан бож талаб қилиш воқеаси ўша Аминта ўғли Александр I замони билан алоқадор бўлиб, Александр II дан Доро II талаб қилган бож ана ўша замонда қабул қилинган итоат натижаси эди. Хирожа қиссасига гўй, чавгон, кунжут каби элементларнинг қўшилиши ҳам тарихий чалкашлик ёки фольклор аънавалари таъсири натижасидир¹².

Доронинг ўлими атрофидаги тафсилотлар эса тарихий, адабий манбаларда кўп учрайди. «Садди Искандарий»да тасвирланган мазкур воқеликда уч асосий жиҳат мавжуд: 1) Искандарнинг какликлар воситасида жанг натижасига ишора кўриши; 2) Дорога суиқасд; 3) Доронинг васиятлари.

Искандарнинг ишларини фол орқали башорат қилиш ёшлик йилларидан бошланади, умуман, исқандарномаларда фол мотиви алоҳида ўрин тутаяди. Масалан, Ровандий Искандар юришларининг фол мотиви билан алоқадор қизиқ жиҳатларини баён қилган: «Искандар илм талаб қилиб юрган пайтларда Аристотелни ҳузурига чорлади. Арастунинг отаси Накумоҳис «Ғолиб ва мағлубликни олдиндан аниқлаш жадвали»ни бериб, ўғлини Искандар хизматига юборди. Искандарнинг исми жадвалнинг устига, мамлакатлар жадвалнинг остига ёзилади. Унда Искандарнинг бутун оламга фармонраво бўлиши ва олам мулкани забт этиши битилган бўлиб, жадвал Искандарга дастуруламал бўлади»¹³. Мазкур деталь Низомий достонига ҳам ўтган. Навоий бу детал ҳақида ёзмаса-да, Низомий сингари Накумоҳисни астролог сифатида ҳам кўрсатади.

Дорога қарши уруш натижасининг Искандар томонидан какликлар жанги воситасида башорат қилиниши эпизоди эса «Садди Искандарий»га Низомий «Искандарнома»сидан ўтган. Тарихий асарларда унга ўхшаш қайдлар мавжуд, яъни Искандар ҳақидаги қиссаларнинг баъзиларида Доро билан жангдан олдин Искандарнинг бирор предмет билан боғлиқ ҳолда фол йўйиш мотиви учрайди¹⁴. Низомий какликлар ва саволга жавоб қайтарувчи тоғ билан боғлиқ фоллар ҳақида «*шунидамки*», яъни «эшитишимча» дейди, шунга қараганда у бу вариантларни оғзаки ривоят ва афсоналардан олган бўлиши керак¹⁵. Забехулло Сафо ҳам Низомийнинг «Шарафнома» ва «Иқболнома»ни ёзишда мавзуга доир шубҳали тарихий нақллардан манба

¹⁰ Геродот. История в девяти книгах. – Л.: “Наука”, 1972. – С. 242.

¹¹ Ўша асар, 243-бет.

¹² Ўша асар, 220-бет.

¹³ راوندی محمد بن علی. راحة الصدور و آية السرور. – تهران: اساطیر، ۱۳۸۵. ص. ۴۴۸-۴۴۷.

¹⁴ ثعالبی عبدالملک بن محمد. تاریخ ثعالبی. ترجمه محمد فضائلی. – تهران: نقره، ۱۳۶۸. ص. ۵۲۰.

¹⁵ Низомий Ганжавий. Хамса: Искандарнома. – С. 75–76.

сифатида фойдаланганини қайд этади¹⁶. Инсон табиатига хос бундай йўйимлар бошқа машҳур саркардалар, хусусан, Амир Темурда¹⁷ ҳам бўлган¹⁸.

Икки ноиб ва Доронинг ўлдирилиши эса манбаларда турлича изоҳланади. Табарий бу масалада икки хил қараш борлигини кўрсатган. Бири – Доронинг золимлиги сабаб кўпгина форс раҳнаомлари Искандар томонга ўтиб, Доронинг сирларини унга етказиб туришган. Жанг маҳали Искандарнинг буйруғи билан Доронинг хос одамлари унинг бошини Искандар хузурига олиб боришган. Иккинчиси – Доронинг ҳамадонлик икки нигоҳбони Искандар хузурида эътибор топиш учун Дорони ўлдирган¹⁹. Мазкур икки қараш кейинги манбаларда такрорланади²⁰. Масалан, Муставфий ва Мирхонд Искандарнинг Доро қотиллари билан алоқаси борлиги масаласига қўшилмайди²¹. Навоий ҳам Искандарнинг Доро қотиллари билан алоқаси бўлган эмас деб ҳисоблайди. Бунда у Табарийга таянган кўринади, чунки Навоий тасвирлаган Искандарнинг Доро хузурига бориши эпизоди Табарий тарихи билан жуда ўхшаш²².

Доронинг Искандарга васияти борасида ҳам манбаларда турли қарашлар мавжуд. Табарий бу масалада икки хил фикр борлигини айтади: 1. Доро Искандарга иккита васият қилган: қизи Равшанакка уйланиш ва шоҳ авлодларига ситам қилмаслик²³. 2. Қизи Равшанакка уйланиш ва икки қотилдан интиқом олиш²⁴. Ҳамидуллоҳ Муставфий Искандар Доронинг васиятига кўра Равшанакка уйланганини таъкидлайди²⁵, холос. Мирхонднинг қайд этишича, Доро Искандардан оила аъзоларини ҳурмат қилиш ва Равшанакка уйланишни илтимос қилади²⁶. «Форснома» васият борасидаги фикрларни умумлаштириши ва Навоийнинг бу борадаги фикрларига тўла мувофиқлиги билан эътиборга молик²⁷.

Фирдавсий Доронинг ўлими олдида Искандарга қаратилган иккита насихатномасини (дунёнинг моҳияти, давлат ишлари ва Равшанакка уйланиш, туғилажак фарзанднинг зардуштийликни ривожлантириши

صفا ذبیح الله. حماسه سرایی در ایران. – تهران: پیروز، ۱۳۳۳. ص. ۷۶ - ۷۵.

¹⁷ Темур тузуклари. – Тошкент: F.Фуллом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991, 17–18-бетлар.

¹⁸ Кароматов Х. Ўзбек адабиётида Қуръон мавзулари. ДД. – Тошкент, 1993. – 281 б.

طبری محمد بن جریر. تاریخ طبری. ترجمه ابوالقاسم پاینده. ج. ۲. – تهران: اساطیر، ۱۳۶۲. ص. ۴۹۰ - ۴۸۸.

²⁰ Абулқосими Фирдавсий. Шоҳнома. Ибрат аз 9 жилд. Жилди 6. – Душанбе: “Адиб”, 1989. – С. 533–534.

اصفہانی حمزه. تاریخ پیامبران و شاحان. ترجمه جعفر شعار. – تهران: خواجه، ۱۳۴۶. ص. ۳۹.

Абу Райхон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Асарлар. Беш жилдлик. Т.1. – Тошкент: “Фан”, 1968, 73-бет.

ابن اثیر علی بن محمد. تاریخ کامل. ج. ۱. – تهران: اساطیر، ۱۳۷۰. ص. ۳۲۹.

گردیزی عبدالحی بن ضحاک. زین الاخبار. – تهران: ارمغان، ۱۳۶۱. ص. ۵۵ - ۵۴.

²¹ مستوفی حمدالله. تاریخ گزیده. – تهران: امیر کبیر، ۱۳۳۹. ص. ۱۲۵.

میرخواند محمد بن خاوندشاه. روضت الصفا. ج. ۱. – تهران: پیروز، ۱۳۳۸. ص. ۶۵۲.

طبری محمد بن جریر. تاریخ طبری. ترجمه ابوالقاسم پاینده. ج. ۲. – تهران: اساطیر، ۱۳۶۲. ص. ۴۹۱.

²³ Ўша асар, 491-бет.

²⁴ Ўша асар, 492-бет.

مستوفی حمدالله. تاریخ گزیده. – تهران: امیر کبیر، ۱۳۳۹. ص. ۱۲۵.

میرخواند محمد بن خاوندشاه. روضت الصفا. ج. ۱. – تهران: پیروز، ۱۳۳۸. ص. ۶۵۲.

²⁷ ابن بلخی. فارسنامه. – تهران: اساطیر، ۱۳۸۴. ص. ۵۶.

XX асрнинг охирларига келиб, аниқроғи, XXI асрнинг бошларидан қисман образ яратишнинг турлари, янги усуллари пайдо бўла бошлади. Турлари дейилганда. яъни ижодий оқимларга ва адабий йўналишларга хос бўлган модернизм, сентиментализм, экспрессионизм, экзистенциализм каби янги йўналишдаги янги тасвир объектидаги образлар тизими адабий жараёнга кириб кела бошлаганлигини тушуниш мумкин. Бу ижодкорларнинг инсонни қайта кашф қила бошлаганидан далолат беради. Ушбу ҳаракат ўз-ўзидан адабиётда руҳият илмининг бадиият илми билан боғлиқлигини кўрсатади. Шубҳасиз, бу ижодий ва ижобий жараён адабиётшуносликда психологик ёзувчи, психологик роман, психологик драма каби терминларнинг кенг қўламда ишлатилишига ва **психологик образ образнинг асоси** хатти-ҳаракатлар. Аниқроғи, инсон қалбидаги турли хил фазилятлар ва турли даражадаги кучлар тўқнашуви натижасидир.

Бадиий адабиётнинг юксалиши ва айниқса, адибларнинг адабиётшунослик соҳасидаги илмий салоҳиятининг ўсиб бориши адабий жараённинг мураккаблашишига, тасвир объектининг кенг қўламли бўлишига, инсон шахсининг ботиний оламида кашф этишга бўлган саъй-ҳаракати ҳамда таърифлаш ва тавсифлашга бўлган интилиши ўз-ўзидан образлар тизимини бойитишга олиб келди. Ёзувчилар бир образнинг ўзида бадиий вақтни, замонни ва маконни етарлича тасвир этиш маҳоратига эришиш имкониятига эга бўлиб бормоқда. Кейинги даврларда ўзбек адабиётида ҳам ҳаётнинг кичик бир деталини улкан воқеа сифатида таъриф этиш анъанага айланмоқда. Бунга мисол XX асрнинг 70–80-йилларидан бошланган ҳаёт воқелигини кенг тасвир объектига бир образ орқали олиб кирилишидир. Бадиий адабиётда XX аср бошларида инқилобни ёритиш, куйлаш бош масала бўлган бўлса, 30–40-йилларда колхозлаштириш масаласи бутун собиқ совет халқлари адабиётини қамраб олди. XX асрнинг 50–60-йилларига келиб партия топшириғига асосан конфликтсиз асарлар яратилган. Асарларда яратилган ижобий образ эталон вазифасини ўтаган. Унда идеал қаҳрамон яратиш биринчи ўринга қўтарилди. XX асрнинг 70–80-йилларига келиб мафкуравий тазйикларнинг бироз юмшаши натижасида қардош халқлар адабиёти билан бир қаторда ўзбек адабиётида ҳам тарихий шахсларнинг образи, айниқса, эпик асарларда қайта яратила бошланди. Шу даврлардан бошлаб адабиётимизда психологизм билан боғлиқ тасвир усули ва қаҳрамон руҳияти каби тушунчалар кириб келди. Тарихий шахслар сиймоси бундан мустасно эмас. Чунки тарихий шахсларнинг руҳиятида кечган эврилишларни тарихий давр шароитига мос равишда сингдирилиши керак эди. Буни биз XX асрнинг сўнги чорагидаги романнавислар ижодида яққол кўришимиз мумкин. Шуни ҳам тан олиб айтиш керакки, бизда қаҳрамон руҳияти билан боғлиқ таҳлил ва талқин масаласи анчагина орқада эди. Бунга З.Фрейд, Ж.Жойс, Ж.П.Сартр, А.Камю, Ф.Кафка ва шу каби модернизм адабиётининг вакиллари яратган илмий-назарий қарашларининг етарли даражада ўрганилмагани сабаб бўлса, ажаб эмас.

Ижодкор санъатнинг қайси соҳасида ижод қилишидан қатъи назар, у ҳаёт воқелигини кузатишдан тўхтамайди. Кузатишларининг натижасида ўз тафаккурини бойитиб боради, ўзини қизиқтирган ва ўзига керакли бўлган сабоқни олади. Маълум маънода унинг асарлари китобхонга ҳаёт ташвишлари ва жумбоқларига ечим топишга туртки беради. Бунинг барчаси

АДАБИЙ АСАРДА ПСИХОЛОГИК ОБРАЗ
ТАСВИРИ

Воқеликнинг бадий тасвири образларда ўз аксини топади. Чунки ёзувчи асарда турли персонажларни иштирок эттириши воқеликнинг ҳаётийлигини таъминлаш билан бирга қаҳрамон руҳий ҳолатини, характери, индивидуаллигини тўлалигича очишга ёрдам беради. “Адабиёт бадий образларнинг мураккаб системаси орқали инсон туйғулари, эҳтироси, психологияси ва онгининг жамият, давлат, тарих ва табиат билан боғлиқлик даражасини очиб беради”¹. Шу сабабли бадий адабиётда инсон тасвирининг берилиши реал ҳаётий воқеликнинг ўқувчи кўз ўнгидан гавдаланиши демакдир.

“Характер, шахс, инсон тушунчалари ўртасида бирор тафовут борми? Бор, албатта. Характер инсоннинг кўпроқ табиатдан олган руҳий ва жисмоний хусусиятлари мажмуасидир. Инсон шахсида эса жамиятнинг социал моҳияти акс этади. Инсон шахси муҳит таъсири остида ўз характери имкониятлари доирасида ўзгаради. Кучли ва собит характерлар ўткинчи муҳит таъсирига ҳадеганда тушавермайдилар. Муҳитга қаршилиқ кўрсатиш туйғуси уларда кучли ривожланган бўлади”². Масалан, Н.Эшонқулнинг “Тўрўғли” романидаги Н образи дастлаб ўткинчи муҳит таъсири остида бўлган бўлса, кейинчалик шу муҳитга кескин қаршилиқ кўрсатади. Мулоим характерли кишилар муҳитнинг таъсирига тез тушади. Чунки уларда курашувчанлик қобилияти туғма шаклланмаган, қисман шаклланган бўлса ҳам етарли даражада эмас. Бундай характерли одамлар бўйсунувчан бўлади. Айтайлик, Х.Дўстмуҳаммаднинг “Донишманд Сизиф” асаридаги Сизиф образи маъбудлар маъбуди Зевснинг қарорини индамасдан қабул қилади, унга қарши бирор-бир сўз айтмасдан, бир умрга катта харсанг тошни чўққи сари юмалатиш жазосига кўниқди. Бу кўникиш унинг ноиложлигидан ҳам бўлиши мумкин. Балки Зевс қудрати чексизлигини инобатга олган ҳолда ҳам шундай йўл тутгандир. Баъзи бир кимсалар ўзига хос оригиналликка ва индивидуалликка эга эмаслиги туфайли худди инглиз романтизм адабиётидаги “Кўл мактаби” вакиллари каби ўзлари яшаётган муҳитнинг ўртача ҳисобланган нормаларига мослашадилар. Масалан, А.Аъзамнинг “Рўё ёхуд Ғулистонга сафар” асаридаги занжир таққан ғулийлар ва баъзи ўринларда ҳикоячи муаллифнинг ўзи ҳам бундан мустасно эмас.

Тушуниш ақл билан, ҳис қилиш эса вужуд билан боғлиқ. Ижодкор образ яратишда ҳар қандай ижтимоий шароит ва даврда умуминсоний ғояларни асосий эътибор даражасига кўтарса, яратган образининг ўша давр учун ҳам, кейинги даврлар учун ҳам умри боқийлигини таъминлайди. Ҳар қандай образнинг ўзига хослиги ва бетакрорлиги унинг индивидуаллигини билдирса, типик шароитда типиклик намунасига айланади. Ижодкор бу борада ўтган ёки иштирок этаётган жамиятнинг ҳаракати ёки ҳаракатланишини инкор ёинки тасдиқ этишида кўринади. Шу асосда образ ижодкорнинг юқорида қайд этилган хислатларини ўзида мужассам этади.

¹ Адабиёт назарияси, 1-жилд. – Тошкент: “Фан”, 1978, 158-бет.

² Ўша ерда, 153-бет.

тўғрисида) келтирган²⁸. Саолибий ҳам Фирдавсийга яқин фикрларни қайд этган: 1. Равшанакка уйланиш. 2. Форсларнинг улуғларига эҳтиром кўрсатиш. 3. Оташқадаларни вайрон қилмаслик. 4. Икки қотилдан хун олиш²⁹.

Доронинг васияти сирасига зардуштийлик масаласининг келиб қўшилиши уларнинг паҳлавий манбаларга дахлдорлигини кўрсатади. Искандар ҳақидаги қиссаларга бу каби фактлар муаллифлар томонидан онгли равишда олиб кирилган бўлиб, унда ислом таълимотига қарши мафкура акс этган. Форс манбалари ва тарихларидаги айтиш шу каби мафкуравий ёндашувлар кейинчалик исломпараст тарихчи ва ижодкорлар томонидан Искандарнинг улуғланишига туртки берган. Натижада, Искандарни нафақат зардуштийлик кушандаси, балки унинг давоми ўлароқ ислом тарғиботчиси сифатида эътироф этиш ҳам авж олган.

Низомий ҳам Доронинг зардуштийлик борасида васият қилгани масаласига қўшилган эмас³⁰, аммо Р.Азаде негадир Низомий мазкур эпизодда Фирдавсийдан таъсирлангани ҳақида ёзади³¹. Навоий «Садди Искандарий»ни ёзишда таянган муҳим манбалардан бири «Низом ут-таворих»да ҳам Доронинг уч васияти (1) хоинларни жазолаш; 2) Равшанакка уйланиш; 3) форс маликлари авлодини хор тутмаслик) қайд этилган³². Кўриниб турибдики, Навоий тўғри деб билган мазкур вариант тарихан Табарий қайд этган икки хил қарашнинг қўшилишидан ҳосил бўлган.

РЕЗЮМЕ. Мақолада Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достонида муҳим ўрин тутувчи Доро ва Искандар можаросига оид тасвирларнинг Шарқдаги манбалари тадқиқ этилган. Мазкур сюжетга тааллуқли образ, мотив ва деталлар кийсий-тарихий аспектда ўрганилган.

РЕЗЮМЕ. В статье рассматриваются восточные источники описаний конфликта между Доро и Искандера, который имеет важную место в дастане "Стена Искандера" Алишера Навои. Образы, мотивы и детали данного сюжета изучены в сравнительно-историческом аспекте.

RESUME. The article examines the eastern sources of images of the conflict between Darius and Alexander, which play an important role in Alisher Navoi's epic "Saddi Iskandariy". The image, motif and details of the subject are studied from a comparative-historical point of view.

Таянч сўз ва иборалар: Алишер Навоий, генезис, сюжет, мотив, образ, Доро, Искандар.

Ключевые слова выражения: Алишер Навои, генезис, сюжет, мотив, образ, Доро, Искандер.

Key words and word expressions: Alisher Navoi, genesis, plot, motive, image, Darius, Iskandar.

²⁸ Абулқосими Фирдавсий. Шохнома. Иборат аз 9 жилд. Жилди 6. – Душанбе: “Адиб”, 1989. – С. 534–541.

²⁹ ثعالی عبدالملک بن محمد. تاریخ ثعالی. ترجمه محمد فضائی. – تهران: نشر، ۱۳۶۸. ص. ۲۵۵.

³⁰ Низомий Ганжавий. Хамса: Искандарнома. – Душанбе: “Адиб”, 2012. – С. 115–116.

³¹ Азаде Р. Низами ва онун поезија сәләфләри. – Бакы: “Елм”, 1999. 143-с.

³² بیضاوی عبدالله بن عمر. نظام التواریخ. – تهران: بنیاد، ۱۳۸۲. ص. ۴۳.

ФИТРАТНИНГ “МУНОЗАРА” АСАРИДА
ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ

Абдурауф Фитратнинг илмий ва бадиий-публицистик меросига назар ташлар эканмиз, унда муаллиф қалбини ўртаган маърифатпарварлик ғоялари давр кўзгусида акс этган сиёсий ва ҳуқуқий муаммолар билан уйғунлашиб кетганининг гувоҳи бўламиз. Ёзувчининг "Мунозара" асари фикримизнинг далили бўла олади. Асарнинг тўла номи “Ҳиндистонда бир фаранги ила бухороли мударриснинг жадида мактаблари хусусинда қилган МУНОЗАРАси”дир. Китобнинг биринчи нашрида сарлавҳадан кейин: ”Ҳақиқат фикрлар алмашувининг оқибатидир”, деган сўзлар ёзилган. Гарчанд, баъзи манбаларда “Мунозара”нинг 1909 йилда нашр этилгани қайд этилган бўлса-да, унинг биринчи нашри, фитратшунос Ҳ.Болтабоевнинг аниқлашича, 1911 йили Истанбулда “Исломия” матбааси томонидан амалга оширилган. Асар 1912 йилда “Туркистон вилоятининг газети”да, кейинчалик алоҳида китобча шаклида Ҳожи Муин таржимасида ўзбек тилида чоп этилган.

Фитрат жадидчилик ҳаракатининг бош ғояси бўлмиш инсон ҳуқуқлари ҳақида мушоҳада юритар экан, биринчи навбатда, инсоннинг дунёга келиб, илм олиш ҳуқуқига эгаллиги ва шу ҳуқуқдан фойдаланиши лозим эканлигини таъкидлайди. Унинг бу ҳуқуқи Пайғамбар ҳикматлари ва Куръон сураларига уйғун бўлишига қарамай, жамиятдаги фикри қотиб қолган кимсаларнинг қаршилигига учраб, оёқости қилиниши унда кучли эътироз уйғотади. Умуман, “Мунозара”да ана шу руҳ – уламолар тутган позицияга, улар эгаллаб турган маррага қарши исён кўтариш, норозилик кайфиятини ифодалаш пафос даражасига кўтарилади. Агар инсоннинг илм олиш ё олмаслик ҳуқуқи фақат унинг ўзига, тақдирига таъсир этганида, бу у қадар катта фожиа бўлмаслиги мумкин. Лекин, модомики, жамият кишилар йиғиндиси ва бирлигидан иборат бўлиб, Бухоро амирлигидаги халқ оммаси эса илм ва маърифатдан узоқда яшаётган экан, бу нарсанинг амирликдаги ижтимоий-сиёсий тузум ва маданий шароитга таъсир этмаслиги мумкин эмас. Шунинг учун ҳам дин олимларининг, амирликдаги реакцион гуруҳнинг ғайриилмий ҳаракати оқибатида амирлик ижтимоий тузум сифатида чириди, халқ оммаси эса жаҳолат ботқоғига ботди. Бинобарин, Фитратнинг жадид сифатида, янги усулдаги мактабларни ҳимоя қилиши, ёшларнинг мадрасаларда йиллаб ижтимоий ҳаёт учун муҳим бўлмаган “фан”лар ўрнига ҳаётий зарур дунёвий фанларни эгаллаши лозимлиги тўғрисида жон куйдириши – бу халқнинг, ўзбек давлатчилигининг эртанги куни тўғрисида қайғуриши эди.

Жадидларнинг диққат марказларини доим эгаллаб турган масалалардан бири – аёллар масаласи. Фитрат кейинчалик “Оила” деган махсус рисола ҳам ёзиб, аёллар масаласига оид қарашларини анчагина кенг баён қилган. Аммо бу масала Фитрат ижодида биринчи бор "Мунозара" асарида кўтарилган. Ёзувчи Бухородаги аёллар масаласини, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, жамиятда тутган ўрни масаласини ҳам шубҳасиз, мактаб билан ўзаро боғлиқ ҳолда қўйган. Шунинг учун унинг бу борадаги қарашларини маълум бир яқунга эга, деб бўлмайди. Асарнинг ана шу масала баён қилинган қуйидаги лавҳасига эътибор берайлик:

“*Фаранги*: ...Энди айтинг-чи, Бухорода аёллар ҳам таҳсил оладиларми ёки йўқ?

Мударрис: Йўқ, аёллар таҳсил кўрмайдилар.

Али, Мирак Наққош, Дўст Муҳаммад ва Маҳмуд Музаҳҳиблар мўйқаламига мансубдир.

Альбомга киритилган расмлар Алишер Навоийнинг 1485 йили Бадиуззамон учун Ҳиротда кўчирилган “Хамса” кўлёмаси (Оксфорд дорилфунунининг Бодлеян кутубхонаси), 1525–1527 йиллар ўртасида Ҳиротда кўчирилган Навоий “Куллиёт”и (Париж миллий кутубхонаси) ва XVI асрнинг биринчи ярмида кўчирилган алоҳида дostonлар (Оксфорд дорилфунунининг Бодлеян кутубхонаси № 318, 340, Париж Миллий кутубхонаси, Suppl. Terc 996, Виндзор сарой кутубхонаси MS 65) кўлёмаларидан олинди”. Қуйида альбомга киритилган расмлар рўйхатини ҳавола қиламиз:

1. Оксфорд дорилфунунининг Бодлеян кутубхонасида сақланувчи кўлёмма нусхаларига 24 та миниатюра киритилган бўлиб, уларнинг ҳар бири номланган.

2. Виндзор сарой кутубхонасида сақланувчи кўлёмма нусхасига 1 та миниатюра киритилган.

3. Париж миллий кутубхонасида сақланувчи кўлёмма нусхасига 4 та миниатюра киритилган.

Шарқ мумтоз адабиётида миниатюра ва уни ўрганиш муҳим саналади. Чунки Шарқда аксарият дoston ва асарларга мазмунга мослаб миниатюра чизиш анъана тусини олган. Шу аснода кўлёммаларни бойитиш учун миниатюра санъати шакллланган. Миниатюра санъати, айниқса, “Хамса” дostonларини безашда алоҳида аҳамият касб этди ва ўзгача йўналиш сифатида тараққий этиб борди.

РЕЗЮМЕ. Мақолада “Ҳайрат ул-аброр” дostonидаги “Шоҳнинг имом билан суҳбати” ҳикоятига ҳамда “Фарҳод ва Ширин” дostonидаги “Золи маккора Фарҳодга Шириннинг ўлими ҳақида хабар бермоқда” воқеасига ишланган миниатюралар илмий таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ. В статье проведен научный анализ миниатюр, написанных для рассказа “Беседа Шаха с имамом” в поэме “Смятение праведных” и рассказа “Золи маккора сообщает Фархаду о смерти Ширин” в поэме “Фархад и Ширин”.

RESUME. The article a scientific analysis of a miniature entitled “Conversation of the Shah with the Imam” written for the poem “Confusion of the Righteous” and a miniature titled “Zoli Makkora Announces the Death of Shirin Farhod” written for the poem “Farhad and Shirin” is conducted.

Таянч сўз ва иборалар: миниатюра, санъат, безак, наққош, лаввоҳ, музаҳҳиб, хаттот, мусаввир, қоғозрез, китобат, анъана.

Ключевые слова и выражения: миниатюра, искусство, украшение, художник, ремесленник, каллиграф, бумагорез, книгопечатанье, традиция.

Key words and word expressions: miniature, art, decoration, clerk, artist, craftsman, book printing, tradition.

килдилар. Устоз Беҳзод ва Шоҳ Музаффар тасвирда бекнинг саъй ва эҳтимоми била мундоқ машхур ва маъруф бўлдилар”¹¹.

Навоий асарлари қўлёзмаларига ишланган миниатюралар бир қанча бўлиб, дунё қўлёзма фондларида учраб туради. 1591 йил кўчирилган Навоий “Хамса”сида бир неча миниатюра учрайди, лекин улар анча жўн ишланган¹². Шунга қарамай, “Хамса”нинг ёзилиш даврига нисбатан яқинлиги ва ноанъанавий лавҳаларга ишланганлиги билан аҳамиятлидирлар¹³. Қўқон хони Амир Умархон фармони билан 1824 йилда кўчирилган Навоий “Хамса”си қўлёзмасининг “Фарҳод ва Ширин” достонига – Хусравнинг булоқ сувида чўмилаётган Ширинни кўриб тургани тасвирланган миниатюра ҳам берилган¹⁴. Шарқда бадий асарларни миниатюралар билан “иллюстрация қилишда расмнинг асар матнига мувофиқ келиши муҳим саналмаган. Бу ҳолат стереотип композициялар шаклланган адабий анъанани кенгрок ифодалай олиши билан боғланса керак”¹⁵.

1983 йилда Ҳ.Сулаймонов номидаги қўлёзмалар институти фонди (ҳозирда ЎзРФАШИ таркибида) асосида М.Ҳакимов “Навоий асарлари қўлёзмалари тавсифи” номли китобида фондда мавжуд Навоий достонларининг миниатюра билан зийнатланган учта қўлёзмаси мавжудлигини қайд этади. Жумладан, 2630-І инвентарь рақамли «Хамса» қўлёзмасида ўн саккизта миниатюра бор. Суратларда мусаввирнинг имзоси йўқ. Қўлёзманинг палеографияси ва миниатюраларнинг ишланиш усулига қараганда XVI аср Бухоро миниатюра мактабининг маҳсулидир¹⁶. Асарнинг нафис хаттотлик, китобат ва миниатюра санъати билан зийнатланган ноёб нусхаси. “Хамса” достонлари тугагандан кейин “Лисон ут-тайр” ҳам қўшиб кўчирилган ва нусхадаги ҳар бир достон охирида кўчирилиш тарихи қайд этилган. Нусхада достонларнинг сюжетиға мос ҳолда 18 та миниатюра ишланган¹⁷.

Ҳ.Сулаймон томонидан тузилган альбом таркибидаги Алишер Навоий достонларига ишланган расмлар XV ва XVI асрнинг биринчи ярмида Хуросон ва Ўрта Осиёда юқори тараққиёти босқичига кўтарилган темурийлар даври расм санъатининг мумтоз намуналаридандир. “Ҳайрат ул-аброр”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабаи сайёр”, “Садди Искандарий” ва “Лисон ут-тайр” достонлари учун иллюстрация сифатида яратилган мазкур расмлар Ҳирот рассомлик мактабининг асосчиси, Шарқнинг буюк мусаввири Камолiddин Беҳзод ва унинг шогирдлари Қосим

¹¹ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: “Шарк”, 2002, 132–133-бетлар.

¹² Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-3, № 2752.

¹³ Эркинов А. Алишер Навоий “Хамса”си талкини манбалари, 236-бет.

¹⁴ Алишер Навоий. Хамса. ЎРШИ-3, № 23/2; Алишер Навоий достонларига ишланган расмлар (альбом). Тузувчи Ҳ.Сулаймон. – Тошкент: “Фан”, 1970, 275-бет.

¹⁵ Додхудоева Л. Поэмы Низами в средневековой миниатюрной живописи. – С. 29

¹⁶ Ҳакимов М. Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи. – Тошкент: “Фан”, 1983, 9-бет.

¹⁷ Ўша ерда, 118-бет.

Фаранги: Нега уларни таҳсилдан бебаҳра қолдирганлар? Аёл ақли таълим ва тарбия хусусида эркакдан камроқ бўлмаса керак. Бизнинг ҳакамлардан бири айтадики: “Биз Америка ва Франсиё аёлларининг ихтиролари мушоҳадасини кейин билдикки, аёлнинг тушуниш даражаси эркакниқидан кам эмасдир”. Ва Сизларнинг Пайғамбарингиз ҳам буюрадики,... “Илм олиш ҳар бир мусулмон эркак ва аёлга фарздир”. Аёлларнинг тарбияти фойдали бўлиб,... “Кимки яхшилик келтирса, унга ўн баравар...” оятининг ҳукмига қўра, яхши амалларга эга бўлишлик вожибдир. Негаки, яхши амаллар яхши ахлоқсиз мумкин бўлмайди... Бизнинг биринчи тарбиямиз оналаримиз тарафидандир, уларнинг ўзлари тарбия кўрмаган бўлсалар, биз ҳам уларнинг ёмон тарбиясидан ҳамиша ёмон ахлоқ эгаси бўламиз. Шу сабабли донолар бизнинг оламни инсоният доирасидан ташқарида, деб биладилар. Юртнинг бахтсизлиги заминнинг саодатсизлиғидирки, аёллар у ерни таълим ва тарбия шарафидан маҳрум қиладилар”¹.

Шубҳасиз, Мударрис жонли тимсоли бўлган мусулмон уламоларининг аёлларга бўлган, уларнинг жамиятдаги ўрнига бўлган муносабати Фарангининг бундай қарашиға зиддир. Уларнинг фикрича, аёл туғиш ва насл қолдириш учунгина Оллоҳ томонидан яратилган:

“Мударрис: Ажаб одам экансиз. Беҳуда ишларнинг ташвишини қияпсиз. Аёлларнинг яратилишидаги ҳикмат “таволуд ва таносул” (туғиш ва насл қолдириш)дир. Мен аввалдан арз қилдимки, бизда таҳсил 37 ёшда тамом бўлади. Бу суратда агар аёлларни ҳам таҳсил эттирсак, уни тугатгандан сўнг, ёши 37 га борганда, ҳеч бир эркак уларга рағбат қилмайди ва у вақтда “силсилаи таносул” (кетма-кет насл қолдириш) узилган бўлади” (59).

Мударрис усули жадид мактабининг, эски мактаб ва мадрасадек, узок чўзилмаслигини эшитганида ҳам ўз билганидан қолмай, “сайраши”да давом этади:

“Мударрис: Фаранги биродар, бўлмайди, асло бўлмайди. Сиз осон бўлган таҳсил усулини қабул қилганимизда ҳам яна бўлмайдики, қизларни илм таҳсили учун кўчага чиқариб юборсак. Негаки, эркакларимизни ахлоқи бузукдир. Тездан уларнинг таҳсилини фасодға йўлуқтиради” (59–60).

Баҳснинг давомидан маълум бўлишича, эркаклар ахлоқининг бузук бўлиши ҳам шариятдаги маълум бир нозикликларга боғлиқ; демак, эркаклар ахлоқининг бузилиши, хотин-қизларнинг умумий таълим тизимидан маълум даражада четда ишлаб турилишиға боис ҳам эски таълим усулларию бу усулларнинг суянчи бўлган уламолар экан. Шундай қилиб, Фитрат Фаранги билан Мударриснинг баҳси орқали ўз даврининг ички зиддиятларини, жамиятни ҳаракатға келтирувчи кучлар ўртасидаги курашни, ўзбек халқининг ханузга қадар феодал тузум шароитида, жаҳолат оғушида яшаётганлиги сабабларини очиқ ташлайди. Бошқача айтганда, XX аср бошларидаги ўзбек жамиятининг анатомиясини бизга, жарроҳ ўлароқ очиқ, унинг яллиғланган ва чириган томонларини рўй-рост кўрсатиб беради.

Фаранги Мударриснинг усули жадида мактабига бўлган барча эътирозларини ўз далиллари билан бартараф этар экан, бундай мактабларнинг нафақат Истанбул, Бағдод, Нўғойистон ва Кавказда, балки Мадинаи мунавварада – ислом динининг марказида ҳам очилгани ҳақида маълумот беради ва бу мактаблар “аввалгидан олимроқ, мутадаийинроқ ва

¹ Фитрат А. Танланган асарлар, 1-жилд. – Тошкент: “Маънавият”, 1998, 58–59-бетлар. Бундан кейин “Мунозара”дан олинган кўчирмалар манбаи матндан кейин қавс ичида кўрсатиб борилади.

ватанпарварроқ” шогирдларни етиштириб чиқараётганини айтади. Чамаси, худди шу ўринда Фитрат “ватанпарвар” сўзини биз тушунган маънода биринчи марта қўллайди. Фитрат талқинидаги усули жадида мактабининг эски мактабдан фарқи шундаки, “болани олти ёшлигидан мактабга юборадилар, у ўн тўққиз ёшида олим, мутадайн, ватанпарвар, диндўст, миллатпараст, сиддик, одил, тамом исломий амрларга мутеъ, бутун инсоний шартларга муштамал бир шахс бўлади. Демак мактаби қадим ва мадрасалардаги усули қадим билан бирга ўттиз йил, таҳсили жадида муддати эса ўн уч йилдир” (83–84).

Таҳсилнинг жадидлар ишлаб чиққан бу усули хотин-қизларнинг ҳам тўлақонли илм олишларига имкон туғдиради; бинобарин, “усули жадидага кўра, осонлик билан аёллар ҳам, эркалар ҳам олим бўладилар” (85), “Таҳсили жадида, – дейди Фитрат ўз қаҳрамони тилидан, – қизни олти ёшлигидан мактабга берадилар, агар хоҳласалар, ўн саккиз, аксарият ўн тўрт йил ўқитиб, тафсирхон ва ҳадисхон олима қилиб куёвга берадилар” (84). Фитрат хотин-қизларнинг эркалар билан баравар илмдан баҳраманд бўлмаслиги жамият ва халқ тақдирига салбий таъсир кўрсатиб келгани ва ҳозир ҳам кўрсатаётганини алоҳида таъкидлайди. Худди шу масала ёзувчининг ижтимоий ва ҳуқуқий қарашларида марказий ўринлардан бирига чиқади.

Фаранги жадид мактабини очишни тақозо этаётган масалаларни бирма-бир қайд этиб, Мударрисга дейди:

“*Фаранги*:...Биринчи: Сизларнинг мактаб ва мадрасангиз таҳсил усули ғоят узоқдир, шу сабабдан бечора аёллар улар учун ҳам фарзи айн бўлган илм ва ирфон шарафини қўлга киритишдан маҳрум қолмоқдалар. Иккинчи: улар илмсиз қолмоқдалар, ҳар (бир) илмсиз тарбиясиз бўлгани каби, улар ҳам тарбиясиз бўлиб қоладилар. Маълумдурки, ким тарбиясизнинг қўлида катта бўлса, у тарбиясиз ўсади. Бинобарин, Сиз ҳаммангиз тарбиясиз қолмоқдасиз, чунончи, қолгансиз ҳам...” (90).

Фаранги ўзининг бу сўзлари билан Мударрисни ҳам жамиятнинг тарбия кўрмаган аъзоси, деб тушунади ва бу фикрни унинг юзига дангал айтади. Мударрисни бундай аташнинг боиси шундаки, унинг онаси илмсиз бўлган; бинобарин, ўз фарзандларини, чунончи, Мударрисни ҳам тарбия қила олмаган. Ўз навбатида, Мударриснинг хотини-да илмсиз улғайгани учун уларнинг фарзандлари ҳам тарбиясиз бўлиб ўсди.

Фитрат тарбия деганда ўқимишли одамни назарда тутди. Тарбиянинг асосий унсурларидан бири, унинг фикрича, илм. Бинобарин, адиб талқинида, ота-она тарбияси илм билан қўшилган бўлиши, аниқроғи, фарзанд мактаб кўрган, маълумотли, жаҳолатдан йироқ ота-она томонидан тарбияланиши лозим. Агар шу Мударриснинг ўзини мисолга оладиган бўлсак, у ва унинг ўзига ўхшаш, фикрий даражаси тубан хотини фарзандларини қандай тарбия қилишлари мумкин? Агар жамият шу Мударрисга ўхшаш кишилардангина иборат бўлса, бу жамиятнинг таназзулга юз тутиши, жаҳолат ботқоғига ботиши шубҳасиз. XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистонни рус истилочилари қўлига тилла патнисда топширган кишилар шу Мударриснинг оталари эмасми? Бир пайтлар жаҳонни титратган қудратли давлатни ҳалокат ёқасига олиб келган шу Мударриснинг боболари эмасми?

Фитрат гарчанд Фаранги тили билан тарихий жараённи ана шундай таҳлил этувчи сўзларни айтмаса-да, улар ўз-ўзидан бизнинг миямизда пайдо бўлади. Фитрат шу нарсаларни билади. Шунинг учун ҳам жадид мактабини очиш зарурлигининг ижтимоий сабабларини кўрсатишда давом этади:

беради⁵. Шарқ миниатюрасида бадий асар ғоясини умумлаштириш, уни рамзийлик воситасида ифодалаш устувор аҳамият касб этади. Бунинг натижасида шоир ва рассомларнинг “маъно ортидан қувишлари” кучайган⁶. Масалан, Хусрав Дехлавийнинг “Мажнун ва Лайли” достонида Мажнун отаси билан чўлда учрашади. Рассом эса миниатюрасида бу учрашувни боғда тасвирлаган⁷.

Шарқ шеъриятида икки қаҳрамон сурат орқали бир-бирларини таниши ёки севиб қолиши адабий усул сифатида бизга яхши таниш. Фирдавсийнинг Фарҳод, Ширин, Баҳром Гўр, Сом каби қаҳрамонлари, Низомий, Амир Хусрав Дехлавий, Алишер Навоийнинг қаҳрамонлари ҳам жонли қиёфадан /натурадан/ кўчирилган сурат орқали таниб ёки севиб қоладилар⁸.

Шарқда энг кўп миниатюра ва сурат чизилган “Хамса” дostonлари Низомий Ганжавийга тегишлидир. Бундан кўринадики, Низомий Ганжавий “Хамса”си қайси даврда бўлишидан қатъи назар, энг оммабоп асарлардан ҳисобланган. 1446–1447 йилларда Низомийнинг “Хамса”сига ишланган миниатюралар турли мавзулар ечимида, сарой ичи, табиат манзаралари, инсон ва ҳайвонлар тасвирининг талқинида Самарқанд мактабининг тутган йўли ҳақида кенг тасаввур беради⁹. Ундаги 5 сурат “Хусрав ва Ширин” достонини, 3 миниатюра “Лайли ва Мажнун”, 7 миниатюра “Ҳафт пайкар”, 3 сурат “Искандарнома” дostonларини беаган. Низомийнинг “Хамса”сига ишланган миниатюраларга хос сеvimли мавзу “Хусравнинг чўмилаётган Ширинни кўриши”, “Лайли ва Мажнун қабилалари жанги”, “Мажнун саҳродаги ҳайвонлар орасида”, “Баҳром гўзаллардан бири билан саройда”, “Искандар дарвиш зиёратида”, “Искандар ва сув парилари” ва шу қабилар¹⁰. Низомий “Хамса”сининг суратлар билан безатилган барча нусхаларида юқоридаги мавзуларда ишланган миниатюралар учрайди.

Шарқ адабиёти намуналарига тегишли тарихий қўлёзма асарларни ўрганиш жараёнидан шуни англаб етиш мумкинки, Хирот малакали усталар, хунармандлар, меъморлар, хаттотлар, наққошлар, номлари ҳалигача тарихда қолган улуг шахслар маконига айланган. Хиротнинг шу даражага кўтарилишига раҳнамолик қилган шахс Алишер Навоий эди. Бу ҳақда “Бобурнома”да жуда адолатли сўзлар айтилган: “Аҳли фазл ва аҳли хунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай. Устоз Қулмуҳаммад ва Шайхи Нойи ва Хусайн Удийким, созда саромад эдилар, бекнинг тарбият ва тақвияти била мунча тараққий ва шуҳрат

⁵ А ш р а ф и й М. Темур ва Улуғбек даври Самарқанд миниатюраси. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1996, 50-бет.

⁶ Э р к и н о в А. Алишер Навоий “Хамса”си талқини манбалари, 231-бет.

⁷ Ш у к у р о в Ш. Искусство срадневекового Ирана. – М.: “Наука”, 1989. – С. 170.

⁸ А ш р а ф и й М. Темур ва Улуғбек даври Самарқанд миниатюраси, 37-бет.

⁹ Ўша ерда, 48-бет.

¹⁰ Ўша ерда, 49-бет.

НАВОИЙ “ХАМСА”СИГА ИШЛАНГАН МИНИАТЮРАЛАР ҲАҚИДА

Шарқ мумтоз адабиётини миниатюраларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Қўлғезмани асар мазмунига мос миниатюралар билан безаш Шарқ адабиётида анъана тусини олган. Бадиий асарларга ишланган миниатюраларда асар воқеалари тасвир воситасида изоҳланган, талқин этилган¹. Миниатюралар чизилган даврга қараб, биз ўша давр маданияти ва адабиётга эътибор қандай бўлганлигини ҳам билиб олишимиз мумкин. Ҳар бир миллатнинг ўзига хос маданиятини акс эттирадиган миниатюра мактаблари мавжуд. Бунга Араб, Эрон, Турк, Озарбайжон, Ҳиндистон ва Ҳирот миниатюра мактабларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Миниатюра ўрта асрга келиб Эрон тасвирий санъатининг асосий жанрларидан бирига айланди. Шарқ адабиётида хамсанавислик анъанаси вужудга келиши билан уларга миниатюра ишлаш ҳам анъанага айланди². Булар Низомий “Хамса”сидан бошлаб давом этиб келаётган миниатюралардир. Низомий бешлигидан ўрин олган бир воқеа ёки лавҳага баъзан бир нечта миниатюра ишланган ва шу тахлит муайян анъана шаклланган³. Масалан, Низомийнинг “Хусрав ва Ширин” достонида Хусравнинг булоқ сувида чўмилаётган Ширинни кўриб турган лавҳасига 1384 йилдан XIX аср бошигача 126 та миниатюра ишланган⁴. Ҳар бир мусаввирнинг услубий фарқларидан қатъи назар, бу миниатюралар учун мажбурий бўлган қуйидаги жиҳатлар мавжуд:

- Хусравнинг от устидаги маълум бир ҳолати, қўлнинг албатта юз томон бориб, бармоқларини лабга теккизиб туриши;
- Шириннинг сув ичида ўлтирганча ташлаб юборилган сочларини тароклаб туриш ҳолати;
- Шундоқ нарида Ширин отининг ўтлаб юриши;
- Камон ва ўқларга тўла садоқ осилган дарахт;
- Шириннинг сув ёқасида тахлаб қўйилган либослари, қалпоғи ва этиги.

Қайси шаҳарда яратилганлигидан қатъи назар, иштирокчиларнинг ана шу тарзда такрорланиб туриши уларнинг айни бир хил мавзу бўйича композицион қурилиш анъаналари шаклланиб бўлганлигидан далолат

¹ Oriental miniatures. Vol.III: The 19th-20th centuries. Madraimov Abdumajid, Musayev Shahnizayaz and Ismailova Elvira(eds.). – Tashkent, 2004.

² Э р к и н о в А. Алишер Навоий “Хамса”си талқини манбалари (XV–XX аср боши). – Тошкент: “Тамаддун”, 2018, 231-бет.

³ Ўша ерда, 236-бет.

⁴ Д о д х у д о е в а Л. Поэмы Низами в средневековой миниатюрной живописи. – М.: ИВЛ, 1985. – С. 127–133.

“*Фаранги*:...Учинчи: Сиз насронийлар устингиздан ғалаба қилиб, номингизни олам саҳифаларидан ўчириб юборишга восита бўлган илмларни таҳсил олмоғингиз лозим...

...Насроний давлатлар ҳарбий аскар, оловли ҳарб қуролилари: тўп, милтик, динамит, бомба сингари, лашкарни сафарбар этмоқ учун эса, кема ва бронепоездларга эга. Мусулмонларнинг ҳам мазкур асбобга энг мукамал тарзда эга бўлиши лозимми? Ё уларнинг муқобилида ўзининг номунтазам лашкарини таёқ, пичоқ, ханжару эгри шамшир, тийру камон билан қуролланиб, от-аробаларда йўлга тушиб, ҳеч қандай қаршилиқсиз ўзини кофирларга мағлуб ва исломнинг йўқ бўлишига маҳкум этадиларми?..

Насроний давлатлар ишлатаётган қурол-яроғлари одамнинг бир неча минг йиллик илм ва ижтиҳодининг натижасидир. Асрлар ўтмоқдаки, ҳануз бирор нафар мусулмон улардан бирор намунасини ясаганини эшитмадик. Ва аминмизки, бундан кейин ҳам ясамасалар керак. Магар вақти етдики, ҳозирги кунда таҳсил билан умумни комилликка етказса” (90–92).

Фитрат ана шу тарзда ўз фикрини ривожлантира бориб, нафақат усули жадида мактабини очиш, балки яқин келажакда насронийлар ихтиёрида бўлганидек ҳарб қуролиларини ясашга ёрдам берадиган илмларни ҳам ўрганиш лозимлигини таъкидлаб кўрсатади.

Жадидчиликни қоралаш авж олган Совет ҳокимияти йилларида бу оқимнинг ўз олдига фақат маърифат масаласини, мактаб тизимини ислоҳ этиш масаласини қўйгани айтилар ва шу билан жадидчиликнинг чегараланганлиги ҳақида оғиз тўлдириб гапирилар эди. Фитратнинг 1909 йилда ёзган “Мунозара”сиёқ бу фикрнинг ўта сохта эканини исботлаб турибди. Жадидлар, хусусан Фитрат яқин келажакда илм-фанни ривожлантириш орқасида ҳатто ҳарбий қуролиларни ишлаб чиқариш ва мустақиллик учун курашишни ҳам орзу қилганлар. У ўз “Мунозара”си билан мадраса таълимининг даврдан орқада қолганини, уни тубдан ислоҳ этиш зарурлигини исботлаб берди.

Фитрат Мударриснинг пўпанак босган фикрларини бирма-бир рад этиб, ниҳоят, унинг сўнгги далили – Амир Темур, Махмуд Ғазнавий, Нодиршоҳ Эронийларнинг “тараққиёт замонлари”да машҳур бўлган мусулмонларнинг ана шу мадрасада чикқанликлари масаласига тўхтаб, унга сўнгги қакшатқич зарба беради:

“*Фаранги*: Қайси замонни айтяпсиз? Бу подшоҳларнинг тараққиёт замони қачон бўлган?... Улар эгаллаган оламлар қаёққа кетди? Амир Темур ҳодисаларининг ахбори бир кечада Ҳиндга етиб боради, деб қачон гумон қилган? Бир нафар одам йўлнинг икки минг қадамидан бир соатда эллик кишини тортиб кетиши Нодиршоҳнинг хотиридан ўтганми?... Бу подшоҳлардан ҳар бири Ҳиндни Чинга қадар қабзайи тасарруфиға олганига шубҳа йўқ, лекин улар ўтиши билан ўша шаҳарлар ҳам аввалги ҳолатиға қайтган, уларнинг тараққиёти муваққат, ўша шахсларнинггина ҳаётига боғлиқ эди. Оврупа давлатларининг тараққиёти эса доимийдир...” (93).

Ана шу тарзда Фаранги билим ва мантиқ кучи билан ўзини менсимамай, ҳатто сенлаб қўпол муомала қилган Мударрисни мот қилади ва Мударрис баҳс охирида унинг “хийла донишмандлиги”ни тан олиб, сизлашга ўтади.

Фитрат ўз ижодининг тонгида ёзилган бу асари билан 1909 йилда – 23 ёшидаёқ диний масалалар бўйича ҳам, замонавий фан ва техника бўйича ҳам катта билим ва баҳслашиш маданиятига эга шахс бўлганини намоиш этди. Унинг бу асарида олға сурилган ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари жадидчилик қирғоғига яқинлашиб келаётган ёшлар сафини кўпайтириб, уларни рухий, маънавий ва илмий жиҳатдан том маънода қуроллантирди.

Фитрат Туркияга борган пайтда “Ёш усмонлилар”нинг инкилобий ҳаракати бу ўлкани ларзага келтирган, бинобарин, унинг бу ҳаракат натижаларидан сабоқ олгани, ташаббускорлари билан мулоқотда бўлгани шубҳасиздир. Шунинг учун ҳам мазкур асар “Ёш усмонлилар” ҳаракати таъсирида ёзилган, десак хато бўлмайди. Хорижда нашр этилган “Миллий Туркистон” (1952 йил 80–81-сонлар) журналида ёзилишича, Фитрат Истанбулдаги муаллимлар гимназиясида ўқиётган пайтда “Ёш усмонлилар” фаолияти билан яқиндан қизиққан ва уларнинг ҳаракат усуллари диққат билан ўрганган. Шу билан бир қаторда, у Туркияда нашр этилган “Турк юрду”, “Сирот ул-мустақим” ва “Таърифи муслимин” сингари газета ва журналларни ҳам мунтазам равишда кузатиб борган ва бу нашрларда эълон қилинган мақолалар уни “Мунозара”ни ёзишга илҳомлантирган. Хорижий муаллифнинг бу фикри шу билан тасдиқланадики, Фитрат ушбу нашрлардан бири “Таъриф муслимин” орқали Бухоро вазири Насруллоҳбек Парвоначига “очиқ хат” йўллаб, унда, жумладан, “Мунозара”даги фикрлари билан ҳамоҳанг бўлган қуйидаги сўзларни ёзган: “Ҳар қанча кўз ва қулоғингизни беркитсангиз ҳам, бу қадимий ислом миллатининг фарёди ва муқаддас ватанимизнинг хароблигига ачинмай тура олмайсиз... Миллатимиз ва юртимизни шу ҳолга келтириб қўйдикки, дунёнинг бурчагида энг қийин кунларда ташвиш чекиб яшаётган одамлар ҳам бизнинг аҳволимизга қон йиғламоқдалар”².

Фитрат Бухоро вазирига “очиқ хат” ёзибгина қолмай, “Мунозара”нинг хотима қисмида бевосита амирнинг ўзига ҳам мурожаат этади. Аммо унинг бу мурожаати бошқа мақсадни, яъни “Мунозара”да баён этилган танқидий фикрлар амирга эмас, балки амирликдаги мутаассиб кишиларга қаратилганини айтиш ва унинг ғзаб оловини уларга қаратишни кўзда тутган. Шу билан бирга, у китобхонларга ҳам мурожаат этиб, Фаранги номидан айтилган фикрларини яна бир карра улар хотирасига қуйишга интилан.

“Мунозара” ўз вақтида ёзилган ва кейинги жадидчилик ҳаракатига катта таъсир кўрсатган асар эди. Унинг ана шу таъсир кўрсатиш қудратини сезган самарқандлик драматург Ҳожи Муин уни форс-тожик тилидан ўзбек тилига пьеса тарзида таржима этди ва бу икки пардали асар Самарқанд ва Тошкент саҳналарида муваффақият билан қўйилди. Ҳожи Муиннинг “Эски мактаб ёки Янги мактаб” (1916), Хуршиднинг “Жадид ва қадим” (1919) пьесалари Фитратнинг “Мунозара”си таъсирида майдонга келди. “Мунозара”нинг бундай катта акс садо касб этиши унда катта маҳорат билан ифодаланган Фитратнинг фалсафий, тарихий, сиёсий, ижтимоий ва ҳуқуқий қарашларидир.

РЕЗЮМЕ. Мақолада Абдурауф Фитратнинг “Мунозара” асарида ифодаланган фалсафий, тарихий, сиёсий, ижтимоий ва ҳуқуқий қарашлари таҳлилга тортилади.

РЕЗЮМЕ. В статье проанализированы философские, исторические, политические, социальные и правовые взгляды Абдурауфа Фитрата в произведении «Мунозара».

RESUME. The article analyzes the philosophical, historical, political, social and legal views expressed by Abdurauf Fitrat in his book "Discussion".

Таянч сўз ва иборалар: Абдурауф Фитрат, "Мунозара", жадидлар, усули жадид, таҳсил, тарбия, таҳлил, ҳуқуқий қарашлар.

Ключевые слова и выражения: Абдурауф Фитрат, "Мунозара", джадиды, усули джадид, образование, воспитание, анализ, правовые взгляды.

Key words and word expressions: Abdurauf Fitrat, "Discussion", Jadids, Method Jadid, Education, Upbringing, Analysis, Legal Views.

² Кўчирма Ҳ.Болтабоевнинг Фитрат “Танланган асарлари”нинг 1-жилдига ёзилган сўзбошисидан олинди, 9-бет.

сифатларга сафар айлаб, хулқий комилликка етишишни назарда тутишган. Халқдан Ҳаққа сафар деб ҳам қаралган ва одамни ҳою ҳавас, шахват ва тубан орзулардан буткул халос қиладиган ушбу сайри саёҳатга “сафари сано” ҳам дейилган.

*Дамингдин йироқ тутмагил ҳушини,
Ки юзланмагай ҳар дам офат санга (1,709), –*

байти “хуш дар дам” тушунчасининг бадиий талқинига бағишланган. Хуш – ақл, дам – нафас. Агар инсон ҳар бир нафасини ақл-идрок билан бошқариб, ғафлатдан муҳофаза эта билса, у ўзини ҳар турли офатдан асрай олади. Хусусан, ошиқ учун нафас назорати зарур бўлган, бўлмаса, ишқ шиддатига тоқат қилолмай паришон бўлади, деб ҳисобланилган. Бундан ташқари, тариқатда нафас билан бирликнинг камоли тажрид ва тафрид ҳолида деб қаралган.

*Эй Навоий, англаким, хуш оламедур фардлик,
Гар қуёш васлин тиларсен, фард бўл зарротдин.
Ул эмастур фардликким, жуфтдин фард ўлғасен,
Фард улдурким, мужаррад бўлғай ҳар зотдин (6,513).*

Оллоҳ дийдорига талабгор киши ҳар заррадан йироқлаша олиши лозим. Бироқ бу оила қуришдан кечиб, жуфтликдан ҳам қочиш дегани эмас. Тасаввуф истилоҳида “тафрид мамлук бўлмоқ, яъни Ҳақнинг шаънига мос келмайдиган сифатлардан кечиш ва Уни тоқ, қиёсиз Тангри ўлароқ кўришдир”².

Хуллас, Навоийнинг тасаввуфга муносабати ва қизиқиши адабий жанрларнинг ғоявий-бадиий талаб, имкон, назарий қонун-қоидаларига ҳам алоқадор бўлганлигини унинг қитъалари мисолида ҳам кузатиш мумкин. Навоий қайси жанрда, қандай маънони ёритмасин, ҳамиша мажозни ҳақиқатга хизмат эттирган ва охиратни бу дунёга қарши қўймаган.

РЕЗЮМЕ. Мақолада Алишер Навоий қитъаларидаги тасаввуфий истилоҳлар таҳлилга тортилган.

РЕЗЮМЕ. В статье проанализированы суфийские термины в стихах Алишера Навои.

RESUME. The article analyzes the mystical terms of Alisher Navoi's kit'a.

Таянч сўз ва иборалар: қитъа, тасаввуф, истилоҳ, фано, фард, ориф.

Ключевые слова и выражения: қитъа, суфизм, термин, *фана, фард, ориф.*

Key words and word expressions: kit'a, mysticism, terminology, fano, fard, orif.

² G o'z a l A. Ahmad Yassaviy “Faqrnoma”si. – Toshkent, 72-bet.

Ўзликдин кечиб маънавий ҳурлик ва комиллик мақомига кўтарилиш ўз-ўзидан ёки осон эришиладиган иш эмас. Бу йўлда, энг аввало, истеъдод ва зўр билимга эга муршиди комилнинг раҳнамолиги зарур:

*Эй кўнгул, тан тахтасин бу қаъри йўқ гирдобдин
Истасанг соҳилга чекмак, билки, бу осон эмас,
Пиру истеъдоду тавфиқ ўлмаса бўлмас бу иш,
Кимдурурким бағри бу ҳасратдин онинг қон эмас? (1,707)*

Ишқ ва маърифатда зўр ютуқларни қўлга киритганлар айна пайтда илоҳий файзга соҳиб зотлар ҳисобланиб, уларга ориф дейилган. Тасаввуфга бағишланган асарларда ҳам, тасаввуфий адабиётда ҳам ориф тўғрисида такрор-такрор сўз юритилган. Навоий эса орифга бағишланган қитъасида уни денгизга ўхшатар экан, унинг бир муҳим хусусияти – сукут соҳиби эканлигини алоҳида таъкидлайди:

*Эрур орифқа ганжи файз етса,
Иши дам урмайин ани ёшурмоқ.
Қуёш акси тушиб дарё ичинда,
Не мумкиндур анинг суйин тошурмоқ (2,687).*

Ўзи мансуб бўлган нақшбандийлик йўлини Навоий “Қаноат нақшининг ифшою нақшбандия тариқининг адоси” деб номлаган қитъасида “қаноат тариқи”, дея таърифлайди ва унинг таълим-тарбия тизими шартларини бирма-бир изоҳлаб беради. Ушбу қитъа қатор устоз навоийшунослар, жумладан, академик А.Қаюмов, фан докторлари О.Усмонов, Н.Комилов, И.Ҳаққул, С.Олим кабилар қатори бир неча хорижлик тадқиқотчилар томонидан ҳам шарҳланган ва талқин қилинган. Унда бошданок маънавийни моддийдан (фано шуъласида ёшур жисмни керак бўлса, зарбофт хилъат санга), моддийни маънавий ҳолатдан устун қўйиб (Етар лола буткан қоя қулласи мурод ўлса гулгул ҳашмат санга), нақшбандийликнинг тўрт асосий шарт ва талабларининг шарҳланиши ўқувчини байтларнинг ҳам зоҳирий, ҳам ботиний маънолари устида кенг мулоҳаза юритишга рағбатлантиради. Жумладан:

*Ватан ичра сокин бўлиб, сойир ўл,
Сафардин агар бўлса меҳнат санга (1,708).*

Албатта, инсон бошқа юртларга сафар қилганда ҳар турли қийинчилик, оғир ё енгил машаққатларга дуч келади. Шунинг учун нақшбандийликда фақат моддий манфаат, дунёвий ҳузур-ҳаловатларни кўзлаб сафарга отланиш унча қўллаб-қувватланмаган. Нақшбандийлар сафар дар ватан дейилганда инсоннинг ёмон хулқ, башарий сифатлардан гўзал ахлоқ ва малакий

“МАЖОЛИС УН-НАФОИС”ДА МАДАНИЙ МУҲИТ ТАСВИРИ

Темурийлар Уйғониш даврининг буюк мутафаккири Алишер Навоий ўзининг ўттиздан зиёд ҳам лирик, ҳам насрий ёки адабий, илмий, тарихий характердаги асарларида темурийлар Ренессанси даври маданияти, ички ва ташқи маданий алоқалари, бадий адабиёти, санъати, илм-фани ва унинг мумтоз вакиллари билан боғлиқ бир-биридан қимматли, муҳим, кизиқарли, ибратли воқеа-ҳодисаларни ҳам ёзиб қолдирган. Мазкур ҳолат ва жараёнлар унинг “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида ҳам яхши ёритиб берилган.

Маълумки, Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” асари темурийлар Уйғониш даврининг адабий маҳсули ҳисобланади. Ушбу тазкира Ўзбекистон Қаҳрамони Суйима Ғаниева томонидан маромида ўрганилган ҳамда олима ўқувчига осон бўлиши учун бу тазкирада тилга олинган 459 нафар қалам аҳлига бағишланган фикралар матнини юзлаб зарур изоҳлар билан таъминлаган.

Алишер Навоий ўз тазкирасида “... ҳар байти бошдин-оёқ ул замоннинг бир тарихидир” деб эътироф қилган 459 нафар шоир, адиб, муаррих, мунший, қози, вазир, ҳаким ҳақида қисқа, лекин ҳаққоний маълумотларни битиб қолдирган. Шунингдек, тазкиранинг муқаддимаси ёки саккиз мажлисда берилган қалам аҳли ва маданий муҳит тўғрисидаги маълумотлар бўладими – уларнинг барчасида маълум маънода ўз даврининг муҳим янгиликларини, маданий кўтарилишларини, бунёдкорлик ишларини, ибратли ўзгаришларини ҳам баён қилган.

Алишер Навоий тазкиранинг 7-мажлисида Соҳибқирон Амир Темур¹ ва адабиёт, санъатга иштиёқманд бўлган ҳамда ҳомийлик қилган 21 нафар темурийзодаларга алоҳида фикралар бағишлаган бўлса, 8-мажлисда эса у Султон Ҳусайн Бойқаронинг ижоди, девони, “Рисола”си, унинг адабий мажлислардаги иштироки билан боғлиқ ёки Навоийнинг ижодига бўлган кизиқиши, диққати ҳақида бир-биридан қимматли маълумотлар, эслатмалар, хабарлар битган. Лекин темурийзодалар ёки Султон Ҳусайн Бойқаро ҳақидаги айрим маълумотлар мазкур мажлислардан ташқари бошқа мажлисларда битилган фикраларда ҳам учрайдики, бу ҳолат, биринчидан, тазкиранинг қимматини оширган бўлса, иккинчидан эса китобхонни темурийлар Уйғониш даврига оид маданий муҳит, адабий услуб ва манзаралардан хабардор қилади. Айниқса, асардан Шохрух Мирзо ва унинг катта хотини малика Гавҳаршодбегим ва уларнинг Улуғбек Мирзо, Муҳаммад Бойсунғур Мирзо, Жўги Мирзо, Искандар Мирзо каби ўғиллари ҳақида ҳам тарихий характердаги қўллаб маълумотларни ўқишимиз мумкин. Бу каби маълумотларнинг аксари ижобий бўёқдорликка эга бўлиб, аммо тазкирада улар билан боғлиқ бўлган турли важ ва сабаблар, даъволар талқини ҳам йўқ эмас. Жумладан, Амир Қосим Анвор билан боғлиқ фикрада подшоҳи замон, яъни Шохрух Мирзо ҳукми билан унинг Ҳиротдан ихрож қилингани ҳақидаги изоҳни афсус билан ўқисак, Мавлоно Ҳусайн Хоразмий ҳақидаги фикрада Шохрух Мирзонинг ушбу шоир шахси, шеърларига бўлган ихлоси, эътирофи хусусидаги марокли хабаридан кўнглимиз ёришади. Чунончи: “Ва Мавлоно Шохрух Мирзо замонида бир ғазал учун такфир қилиб, Хоразмдин

¹ Р а ж а б о в а Б. Навоий ижодида Амир Темур сиймоси.–Тошкент: “Мухаррир”, 2019.–80 б.

Ҳирийға келтурдилар. Чун донишманд ва истилоҳ билур киши эрди, ҳеч нима собит қила олмадилар. Қайтиб яна ўз мулкига кетди. Ва ул ғазалнинг матлаъи будурким:

*Эй дар ҳамин олам пинҳон туву пайдо ту.
Ҳам дарди дили ошиқ, ҳам асли мудово ту².*

Таржимаси: “Эй бу оламда яширин ҳам, ошкора ҳам ўзингсан, Ошиқ юрагининг дарди ҳам, асл давоси ҳам ўзингсан”.

Шоҳрух Мирзо давлат ишларидан ортиб, адабиёт, санъат билан ҳам маълум маънода шуғулланган. Тадқиқотчиларнинг ёзишича, Темурбекнинг юрти бўлган Хуросон пойтахти Ҳиротнинг Ренессанс шаҳар сифатида кўтарилишида Шоҳрух Мирзо, катта хотини Гавҳаршодбегим ва ўғилларининг хизмати катта бўлган³. Навоий келтирган маълумотдан билиш мумкинки, демак, у хоразмлик машҳур шоир Мавлоно Ҳусайн Хоразмийнинг форс тилида битган бир ғазалини ўқиган, ушбу ғазал ҳукмдорнинг нозик таъбига жуда маъкул тушган, ғазал муаллифи билан кўришишни истаган ва у кўхна Хоразм адабий муҳитида самарали ижод қилаётган шоирни пойтахт Ҳиротга чақиртирган. У билан адабий суҳбатлар қурган, ўзининг ихлосини билдирган. Аммо, хабарда ёзилишича, шоир Мавлоно Ҳусайн Хоразмий маданий кўтарилиши юксак бўлган Ҳиротда муқим яшаб қолишни истамаган ва маълум вақт яшаб, кейин эса ҳукмдордан рухсат сўраб, ўз хоҳиши билан туғилиб ўсган Хоразм мулкига қайтган.

Тазкирада темурийлар Уйғониш даври маданий муҳитида мусиқа санъатининг ривожига оид лавҳа билан биз “Мавлоно Соҳиб Балхий” фикрасида танишамиз. Алишер Навоий айтган маълумотларга кўра, Мавлоно Соҳиб Балхий ўзи ёзган фасоҳатли ғазалларига ўзи созанда сифатида маҳорат билан куйлар басталар экан, айниқса, унинг “Чаҳоргоҳ” амали (куй)да яратган куйи машҳур бўлиб кетган, ҳатто, мазкур куй Жўги Мирзога жуда маъкул келган. Унинг ёзишича, шаҳзода ўзи тузган адабий мажлисларида ушбу куйни тинглашни жуда хуш кўрган: “...Ўз ғазалларини ўз амалларига боғлабдурким, анинг фазойилига далолат қилғай. Ул жумладин “Чаҳоргоҳ” амалидирким, машҳурдур. Дерларким, Жўги Мирзо мажолисида ул амалдин ўзга нима айттурмас экандурки, бу ғазалга боғлабдур:

*Ҳамчу субҳ аз меҳри рўят мезадам дамҳои сард,
То расам рўзе ба қўят дил басте шабгир қард (20).*

Таржимаси: “Юзинг меҳри (қуёши)дан тонг сингари совуқ дамлар, охлар ураман; бирор кун кўйинг (висол)га етишим учун дил кўп саргардон қилди”.

Тазкирада битилган маданий муҳит тўғрисидаги маълумотларни мақола мавзуси доирасида мароқ билан ўқиб-ўрганар эканмиз, диққатимизни “Мавлоно Муҳаммад Олим” номли фикра ўзига тортди. Фикрада Алишер Навоий Ренессанс шаҳар Самарқанд адабий муҳитининг вакили Мавлоно Муҳаммад Олим Амир Темурдан кейин темурийлар Уйғониш даври маданий, илмий муҳитнинг “Самарқанд услуби”ни кўтарган донишманд ҳукмдор

² Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис \ Мукаммал асарлар тўплами, XX жилдлик, 13-жилд. – Тошкент: “Фан”, 1997, 14-бет. Бундан кейин мазкур нашрга мурожаат қилинганда саҳифаси қавс ичида кўрсатилади. – Б.Р.

³ Темурийлар бунёдкорлиги давр манбаларида. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1997, 168-бет.

НАВОИЙ ҚИТЪАЛАРИДАГИ БАЪЗИ ТАСАВВУФИЙ ТУШУНЧАЛАР ҲАҚИДА

Алишер Навоийнинг қатор қитъаларида тасаввуфий тушунча ва ҳақиқатлар ёритилган. Маълумки, тасаввуф ва сўфиёна ҳаётнинг асосий, аини пайтда мураккаб масаласи фанодир. Қуйидаги қитъа шу ҳақда:

*Кимки ўзлук иморатин бузди,
Бўлди нақди фано анинг музди,
Ул иморатни бузмайин солиқ
Бўла олмас бу нақдга молик¹.*

Бу сатрлар орқали тариқат йўлчиси, яъни солиқ эришиши зарур бўлган натижа – “ўзлик иморати”ни бузишга даъват этилган. Ўша “иморат”ни вайрон этиш эса нафсни енгиш ва тубдан ислоҳ қилишдир. Сайри сулук сирларидан хабардор кишилар бунини яхши англашган. Шунингдек, тариқат тажрибаларидан воқиф толиб ё мурид “фонийи мутлак”лик ва “мақсади кулл” – катта мақсадга тегишли қуйидаги фикр мазмунини ҳам осон англаган:

*Фонийи мутлак ўлмайин солиқ,
Анга йўқтур умиди мақсади кулл.
Қора туфроқга синмаган қатра,
Андин имкони йўқ очилмоқ гул (1,706).*

Фано ва фановашликнинг бир қатъий талаби тарқ ҳолига етишиш, яъни мосиводан кечишдирки, тариқат тили билан бунга касби камол дейилган. Фақри фано кашфи эса Оллоҳга қуллик мақомига юксалишдирки, касби камолнинг даражаси мана шудир. Бунда ора йўлда қолиш – ботинан мосиводан тўла-тўқис фориғ бўлмасликни шоир ҳаммомга кириб нопок чиқишга қиёслайди:

*Камол эт касбким, олам уйидин
Сенга фарз ўлмагай гамнок чиқмоқ.
Жаҳондин нотамом ўтмак биайниҳ,
Ерур ҳаммомдин нопок чиқмоқ (1,710).*

¹ Alisher Navoiy. To'la asarlar to'plami. 10 jildlik, 1-jild. G'aro'yib us-sig'ar. – Toshkent: G.G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2013, 719-bet. Кейинги мисоллар ҳам шу нашрдан олинди, саҳифаси қавс ичида кўрсатилди. – М.Х.

Бу тузум опа-сингилларга шафқат қилмади. Опажон ва сингилжонларнинг тоғдай таянчи бўлган ака ва укаларини ноҳақ жазолаб, уларни зор-зор йиғлатди, қалбларини ғамгин, бошларини эгик қилиб қўйди.

Оналар, оталар, опа-сингиллар ва хўрланган, ҳақоратланган маҳбуслар қарғишига қолган бу тузумнинг бузилиб барбод бўлганини бизлар кўрмасак ҳам, балки, сизлар кўрарсизлар. Ўшанда бизларни ҳам яхши сўзлар билан ёдга олгайсизлар. Ватан ва халқ бизларни унутмайди, чунки биз ватан ва халқни ҳеч қачон унутмадик. Биз халқ душмани эмасмиз, биз чин қалбдан халқнинг дўстларимиз. Шунин билсаларингиз, шу бизга улкан бахтдир.

Ассалом, эй озод ва бахтиёр замонлар!”

Шухрат ака мактубнинг тарихи: йил, ой, кунини эслай олмади. Аксинча, лаблари пир-пир учиб, қўллари титраб, кўзлари ёшланиб, ҳикояни шу жойда тўхтатди”⁷.

Кўриниб турганидек, бу мактуб кўлзмадагидан биров фарқ қилади. Бироқ биров қисқартириш ва “тузатиш”ларига қарамасдан, бу иккала мактуб моҳиятан бир-биридан унчалик узоқ эмас. Шухрат романни ёзар экан, мактубнинг матнига биров таҳрир киритиб, уни давр сиғдирган даражада силлиқлайди, аммо ёзувчининг бу “замонасоз”лигидан кейин ҳам мактуб матни цензуранинг чангалидан ўта олмади. Натижада мактуб матни роман нашридан тушириб қолдирилди.

М.Кенжабек “Озод қалб. Ёзувчи Шухратнинг ҳибсдаги ҳаёти” қиссасини ёзар экан: “Бу қиссани ҳужжатли асар деб даъво қилолмайман. Чунки бу оғзаки нақлга асосланган. Шухрат аканинг сўзларини баъзи мавжуд маълумотлар, сафдошларининг суҳбатлари билан қиёслаб, изоҳлар баён этсам-да, инсон ожиз банда, унутиши, қўшимча ва муболағалар қилиши мумкин. Шунинг учун китобхонлар мендан тарихий далиллар талаб қилмаслар, деб умид қиламан”⁸, – деб қиссага “Котиб иловаси”ни киритади.

Биз эса ёзувчининг кундалигидаги қайдлар, ўғли Б.Алимовнинг хотиралари ва М.Кенжабекнинг юқорида номи зикр этилган қиссасидаги маълумотларни романнинг китоб ва кўлзма вариантларига солиштириб, бу хат (Келажак авлодларга мактуб) ҳақиқатдан ҳам ёзилган эди, дегимиз келади.

РЕЗЮМЕ. Мақола Шухратнинг “Олтин зангламас” романидаги мактублар таснифи, хусусан, ундаги “Келажакка мактублар” таҳлилига бағишланган.

РЕЗЮМЕ. Статья посвящена классификации писем в романе Шухрата “Олтин зангламас” (“Золото не заржавеет”), в частности, анализу «Письма в будущее».

RESUME. The article is devoted to the classification of letters in Shuhrat's novel "Golden Stainless", in particular, the analysis of "Letters to the Future".

Таянч сўз ва иборалар: Шухрат, “Олтин зангламас”, роман, мактуб, кўлзма, вариант, прототип, қисса.

Ключевые слова и выражения: Шухрат, “Олтин зангламас” (“Золото не заржавеет”), роман, письмо, рукопись, вариант, прототип, рассказ.

Key words and word expressions: Fame, “Golden Stainless”, novel, letter, manuscript, variant, prototype, short story.

⁷ Ўша қисса.

⁸ Ўша қисса.

Мирзо Улуғбек билан мадрасада бирга ўқигани ва унинг мусоҳиби бўлгани, аммо гоҳида ўз иззатини билмай, мажлисларда ҳукмдор шаънини, кадр-қимматини ҳисобга олмай айтган айрим гап-сўзлари сабаб Самарқанддан Ҳиротга ихрож қилингани ҳақида маълумот беради: “Мавлоно Муҳаммад Олим – Самарқанд уламосидин Улуғбек Мирзо билан ҳамсабоқ ва мусоҳиб эрди. Аммо бағоят далер ва шўхтаб ва хийра киши эрди. Баҳсда кўп густохона сўзлар ва жавоблар айтур эрди. Салтанати азим уш-шаъни таҳаммул қила олмади. Самарқанддин анга ихрож ҳукми бўлуб, Ҳирийга келди ...” (19).

Муаллиф қалам аҳлининг қайси темурий ҳукмдор саройида фаолият олиб боргани, давлат мулозими сифатида ҳукмдорга қанчалик яқинлиги борасида ҳам гапириб ўтган. Масалан, китобнинг “Мавлоно Али Шихоб” номли фикрасида сарбадорлар ҳаракати фаоли бўлган туршезлик шоирнинг миниатюра санъати бўйича академия ташкил қилган ва Фирдавсий “Шоҳнома”сининг қирқдан ортиқ нусхалари асосида муҳташам асарнинг мукамал матнининг яратилишга муқаввий бўлган Султон Муҳаммад Бойсунғурнинг мулозими эканлиги ҳақидаги маълумотдан хабардор бўламиз. “Мавлоно Али Шихоб – туршезликдир. Султон Муҳаммад Бойсунғур мулозими экандур, ҳам равон, ҳам пухта айтур экандур”. Ёки асарда шоир Мир Шоҳий тўғрисида ҳам шунга яқин маълумотга кўзимиз тушади: “Мир Шоҳий – сабзаворликдур. Асли сарбадорлардин бўлур. Бойсунғур Мирзо мулозиматида бўлиб эрди. Оти Мир Оқмаликдур. Фароғатдўст ва хушбош киши эрди” (28). А.Ҳайитметов Навоийнинг Мир Шоҳий билан бўлган ёзишмалари хусусида “Навоийнинг сарбадорларга муносабати”⁴ номли ўқишли мақоласида яхши таҳлил ва талқин қилган.

Тазкирада бунёдкор темурий малика Гавҳаршодбегим ҳақида битилган маълумотлар ҳам диққатга сазовор – ушбу қимматли маълумотларда темурий маликанинг бунёдкорлик ишларидан ва даҳо шоирнинг унга бўлган эътирофидан хабардор бўламиз. Гавҳаршодбегим, Гавҳаршодхотун⁵ (1379–1457) – бунёдкор темурий малика, Шоҳрух Мирзонинг катта хотини, “Зиҳ”нинг муаллифи бўлган донишманд ҳукмдор Улуғбек Мирзо ва темурийлар Уйғониш даврида миниатюра санъати бўйича академия ташкил қилган Бойсунғур Мирзо каби ўта иқтидорли темурийзодаларнинг онаси. Амир Гиёсиддин Тархоннинг қизи. Унинг оқила, ғайратли, бир сўзли, тадбиркор, ҳусн бобида ҳам беназир малика бўлганлиги ва Ҳирот маданий ҳаётига сезиларли ижобий таъсир кўрсатганлиги ҳақида кўплаб тарихий ва адабий манбаларда маълумотлар сақланиб қолган. Ўз даврининг ҳассос шоираси Мехри Ҳиравий унинг надимаси бўлган. У темурийлар Уйғониш даврининг мураббий ва муқаввийларидан бири сифатида Ҳирот ва Машҳад шаҳарларида мадраса, Жомеъ масжиди, хонақоҳ каби кўплаб ижтимоий характердаги иншоотлар қурдирган. Шоҳрух Мирзо вафотидан сўнг темурий шаҳзодалар ўртасидаги тожу тахт талашиши билан боғлиқ бўлган сиёсий

⁴ Ҳ а й и т м е т о в А. Навоийнинг сарбадорларга муносабати - Навоийхонлик суҳбатлари. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1993, 106–121- бетлар. Бу ҳақда яна қаранг: О ч и л о в Э. Алишер Навоий ва Шоҳий Сабзаворий \ “Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни” мавзуидаги 2-анъанавий халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2018, 310–318-бетлар.

⁵ Энциклопедияи миллии тожик. Жилди 4. – Душанбе, 2011–2017; Ф а й з и е в Т. Темурий маликалар. – Тошкент: “Фан”, 1995, 19–28-бетлар; Н о р қ у л о в Н. Темурийлар даври маданияти тарихидан лавҳалар. – Урганч: “Хоразм” нашриёти, 1996. 37–38-бетлар; З а х и р и д д и н М у х а м м а д Б о б у р. Бобурнома. – Тошкент: “Шарқ”, 2002, 142-бет.

можароларга аралашган ва оқибатда малика саксон ёшида фожтали тарзда ўлим топган.

“Мажолис ун-нафоис” тазкирасининг Мавлоно Савсаний, Мавлоно Маъсуд, Мавлоно Хожа, Мавлоно Абдураззоққа бағишланган фикраларида эса Гавҳаршодбегим номи, у курдирган “Гавҳаршодбегим” мадрасаси ва у Машҳадда 1412 йилда курдирган Жомеъ масжиди тилга олинган. Чунончи: “Мавлоно Маъсуд — Ширвондиндур. Ҳоло Маҳди улъё “Гавҳаршодбегим” мадрасасида ва яна баъзи мадорисда мударрисдур”. Ёки: “Мавлоно Хожа – Машҳадда имом Али Мусо ар-Ризо равзасида имом ва муаррифдур ва “Гавҳаршодбегим” масжиди Жомеъида хатибдур”.

“Гавҳаршодбегим” Жомеъ масжиди биносининг икки ўрнида – бири кумушранг эшикнинг юқори қисмида, иккинчиси эса жанубий айвон деворида маликанинг шарафли номи ўғли Бойсунғур Мирзо кўли билан нақшинкор кошнлар ёрдамида маҳорат билан битилган. Масжид меҳроби ҳам жуда гўзал бўлиб, мрамартошдан қурилган. Ушбу муҳташам тарихий обида “Темурийлар услуби”да меъмор Устод Қавомиддин Шерозий томонидан барпо этилган.

Навоий Гавҳаршодбегимни “Вақфия” асарида *Маҳди улъё* ва *Билқиси узмо*⁶ деган юксак эътироф билан тилга олган.

Бобур “Бобурнома”да Гавҳаршодбегимнинг мадраса ва мақбарасини Ҳиротдаги машҳур тарихий обидалар қаторида, Ойбек эса “Навоий” тарихий романида тилга олган. П.Қодиров Гавҳаршодбегимни *она лочин* деб шарафлаб, сифатлаб, малика ҳақида “Она лочин видоси” (Тўлдирилган иккинчи нашри “Шоҳрух ва Гавҳаршод”⁷ деб номланган – Б.Р.) номли алоҳида тарихий роман ёзган.

Гавҳаршодбегим ҳақида илк пухта мухтасар тадқиқотни мамлакатимизда таниқли тарихчи олим Турғун Файзиев амалга оширган ва уни “Темурий маликалар” китобига киритган. Бу мақоласида Гавҳаршодхотуннинг насаби ва ҳасаби билан боғлиқ маълумотларни ҳам баён қилган. Наим Норкулов “Темурийлар даври маданияти тарихидан лавҳалар” китобида ҳам малика ҳақида қимматли хабарлар ёзган.

Гавҳаршодбегимнинг Маказий Осиё тамаддунига қўшган ҳиссасини ёритиш учун қўшни Афғонистон билан ҳамкорликда мамлакатимиз олимлари томонидан Амир Темур давлат тарихи музейида 2018 йил 14 декабрда “Темурий малика Гавҳаршодбегимнинг ҳаёти ва фаолияти” мавзусида халқаро симпозиум ташкил қилинган. Симпозиумда маликанинг сиёсатчи, етук олима, шоира каби олмос қирралари ҳам ёритилган. Айниқса, “Гавҳаршодбегим Шарқ тамаддуни ва Уйғониш даври маликаси” мавзусида афғонистонлик олима, яъни Афғонистон Президенти Марказий Осиё давлатлари бўйича махсус вакили идорасининг масъул ходими Фарзия Орол Ҳабибий маъруза қилган⁸. Бошқа маърузаларда ҳам Гавҳаршодбегимнинг фаолияти билан боғлиқ масалалар ёритилган.

Яна Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис”да шоир Мавлоно Бурундукнинг Султон Бойқаро бинни Умаршайхнинг мулозими сифатида хизмат олиб боргани ҳақида ҳам хабар берган (24). Ёки асарида бухоролик машҳур шоир Хожа Исматуллонинг Халил Султон билан ўзаро дўстона

⁶ Алишер Навоий. Вақфия \ Мукамал асарлар тўплами, 15-жилд. – Тошкент: “Фан”, 1999, 259-бет.

⁷ Қодиров П. Шоҳрух ва Гавҳаршод. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2009, 254-бетлар.

⁸ 2003 йилда Кобулда қизлар учун Гавҳаршодбегим номидаги таълим маскани очилган.

қунаридаги дўсти Микола Богун образларига прототип бўлган деб айта оламиз. Ўтиборли жихати, лагерда битилган “Келажакка мактуб”нинг муаллифларидан бири ҳам айнан Микола Богун эди. Ўз-ўзидан ҳақли савол туғилади: Содиқ билан Богуннинг учинчи шериги Журменекнинг прототиби ҳам ҳаётдан олинганмиди?

М.Кенжабекнинг ўтган асрнинг саксонинчи йиллари охирида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шухрат оғзидан ёзиб олиб нашрга тайёрланган “Озод қалб. Ёзувчи Шухратнинг ҳибсдаги ҳаёти” қиссасида туркман йигити Журменек бахши ҳақида шундай хотиралар келтирилган:

“Туркменистонлик Журменек бахши менга шерик бўлиб олди... Журменек бахши Москвадаги Плеханов институтида ўқиган, ўрискани яхши биларди... 1968 ёки 1969 йили Туркменистонда ўзбек адабиёти декадаси бўлди. Ўзбек адиблари орасида мен ҳам бор эдим. Бизнинг Ашхободга келганимизни эшитиб, Журменек бахши саҳродан мени йўқлаб келди. Ашхободдаги уйига таклиф қилди”⁶. Бундан ташқари, Журменек бахши ҳақида ёзувчининг ўғли Б.Алимов ҳам “у Тошкентга – бизникига бир неча маротаба меҳмонга келган эди”, – деб хотирлайди.

Демак, “Олтин зангламас” романидаги келажакка ёзилган ҳар иккала мактубнинг ҳам муаллифлари адиб ҳаётида бўлган. Лекин бизни яна бир масала қизиқтиради, Шухрат ҳақиқатдан ҳам лагерда дўстлари билан юқоридаги хатни ёзганмиди? Бу хатнинг матни роман қўлёзмасидегидеки, ёки бошқачароқмиди? Бу саволларга жавоб топиш учун биз яна Шухратнинг хотираларига қулоқ тутамиз:

“Мис бойитиш комбинати энди қурилаётган эди, шунинг учун маҳбуслар аҳволини баён этиб, бошимизга тушган зулмларни билдириб, келажак авлодларга таъсирчан мактуб ёзиб, иншоот пойдевори остига кўмдик. Бир замонлар келиб, қандай хўрликлар кўрган аждодларининг ҳаётдан келажак насллар хабардор бўлсинлар... Мактубнинг мазмуни куйидагича эди:

“Салом сизларга, эй озод қалбли инсонлар! Йигирманчи асрнинг 50-йилларида туҳматга қолиб, қамалган, хўрланган ва ҳақоратланган маҳбуслар сизларга муражаат қилади. Аждодлар хотирасини унутмангизлар. Вақти келиб, зулм иморати бузилиб, пойдевор остидан жун матога ўралган ушбу мактуб топилади ва қўлларингизга етади, деб умид қиламиз.

Билингизларки, бизлар эзгулик, озодлик ва бахт-саодат тарафдорларимиз. Бизлар, кўп озод халқлар ва республикалар бирлашиб, дўстлашиб, ҳақиқий тенг ҳуқуқли эркин иттифоқ қуришларига асло норози эмасмиз. Бизлар сохтакорликка, миллий, диний, ҳар қандай инсоний ҳуқуқлар топталиб, оёқости бўлишига, хўрлик ва ҳақорат, репрессия ҳаддан ошганига қаршимиз ва норозимиз.

Билингизларки, бу мустабид тузум оналарга шафқат қилмади. Онажонларнинг азоб-уқубат билан туғиб, боқиб улғайтирган жондан азиз фарзандларини ноҳақ қамоқларга тикди, осди, отди, қийноқларга дучор қилди.

Бу тузум оталарга шафқат қилмади. Оталарнинг ўрнини босадиган фарзандларини ноҳақ азобларга гирифтор қилиб, отажонларнинг белини букди, кўзларидан пинҳон ёшлар оқизди.

⁶ Кенжабек М. Озод қалб. Ёзувчи Шухратнинг ҳибсдаги ҳаёти // “Маҳалла” газетаси, 2013 йил, № 51

Гитлер концлагерларидан кам бўлмаганлигини рамзлар орқали тасвирлайди. Шу сабабданми, Содиқ ва унинг дўстлари томонидан битилган мактубнинг матни роман нашридан тушириб қолдирилган.

Ҳақли савол туғилади: бу мактублар (келажакка мактублар) ўзининг ҳаётий асосига эгами ёки улар ёзувчи фантазияси маҳсулими? Бу саволга жавобни ёзувчи биографиясига оид материаллар орасидан излаб қўрамиз.

Шухрат Шўро ҳукуматининг авжи “гуллаган” пайтида яшаб ижод қилди. Бу пайтда эса мустабид тузумнинг қонхўр тегирмони “одам ютиб” ҳеч тўйи демасди. Бу “тегирмон”га бир илинган одамнинг ундан омон қолиши эса даргумон эди. Бунинг устига, Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши бир томондан дард устига чипқон бўлган бўлса, бошқа томондан эса, бу тарихий жараён “қизил тегирмон”нинг мурватларини сал бўшаштирди. Урушнинг СССР ғалабаси билан тугаши Сталинчи жаллодларнинг иштаҳасини қайтадан очиб юборди. Ана шундай мураккаб бир даврда, қаҳрамон ёзувчимиз Саид Аҳмад таъбири билан айтадиган бўлсак, “ҳаёт ҳамма(миз)дан кўра Шухратни кўпроқ ва кескинроқ синади”³. Лекин бу “синов”лар беиз кетмади. Таъбир жоиз бўлса, бу синовлар адибга бир неча романга етарли материал берди. Шу сабабли Шухрат асарларига прототипларни чор тарафдан излаб ўтирмаган бўлса ажабмас. Унинг қаҳрамонлари “ўзи(м) кўрган, билган одамлар”⁴ эди. Биз диққатимизни ёзувчининг шахсий кундалигидаги қуйидаги хотираларига қаратамиз:

“Мен Бокудаги ҳарбий мактабда курсант эдим. Микола Зубенко деган курсдошим бор эди. Ўзи иқтисодчи, лекин жуда кўп шеърларни ёд биларди... Бир куни у мендан:

– Сенда шоирлар кўп ўтганми, – деб сўраб қолди. Мен билганимни айтдим. Шунда Микола ўзига хос майин ва ёқимли товуш билан қисқагина бир шеър ўқиди. Кейин:

– Леся Украинка, – деди.

Гарчанд тушунмаган бўлсам ҳам, бу шеър нимаси биландир мени мафтун қилиб қўйган эди... Овчаренко деган украин дўсти ҳам унинг шеъридан ўқиб берди. Билдимки, шоира жуда машҳур экан”⁵.

Бу хотирадаги иккита исм – Микола Зубенко ва Овчаренко исмлари бизнинг диққатимизни тортди. Булар ёзувчининг қуролдош дўстлари бўлиб, бу исмлар беихтиёр “Олтин зангламас” романи персонажларининг номларини ёдимизга солади. Овчаренко – бу ўлими олдидан қони билан хат ёзиб, девор ковагига тиқиб кетган марҳум аскарнинг фамилияси. Урушда бундай типдаги видолашув хатларининг кўплаб ёзилгани бор гап. Шухратнинг хотираларида Овчаренконинг немисларга асир тушгани ҳақида маълумот йўқ. Биз ўша хатни айнан Шухратнинг қуролдош дўсти Овчаренко ёзган дея олмаймиз. Лекин факт шуки, адиб қуролдош дўстининг фамилиясидан ўринли фойдаланган.

Энди иккинчи исм – Микола Зубенко номи ҳақда. Зубенко – бу Содиқ хизмат қилган полк командири. Микола эса Содиқнинг оғир кунларда – лагерда топган дўсти. Ёзувчи бу дўстининг исм-фамилиясини иккита персонажга берган ёки, аксинча, Шухратнинг қуролдош дўсти Микола Зубенко иккита персонажга – ҳам полк командирига, ҳам Содиқнинг оғир

³ Шухрат замондошлари хотирасида. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2008, 13-бет.

⁴ Ш у х р а т. Ўзим ҳақимда икки оғиз сўз \ Танланган асарлар. Уч жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1969, 9-бет.

⁵ Ёзувчи Шухратнинг кундалигидан. Бу кундалик ёзувчининг уйида сақланади.

яқинлиги ва унинг номига бир қатор яхши қасидалар битгани ҳақида муҳим маълумотлар ёзиб қолдиргани таҳсинга лойиқ. “Мир Ислон Ғаззолий” номли фикрасида унинг Алоуддавла Мирзо мадҳида ёзган шеърлари хусусида ҳам гап боради: “Маълум бўлурким, Алоуддавла Мирзо мадҳида айтибдурким, ҳар байти бошдин-оёқ ул замоннинг бир тарихидир” (18). Мир Ислон Ғаззолийнинг оламдан ўтган санаси Султон Абусаид Мирзо даврида рўй берганини ёзар экан, темурий ҳукмдор Султон Абусаид Мирзо номини ҳам тилга олган.

“Мажолис ун-нафоис”да зикр қилган ягона шоира, темурийлар Уйғониш даврининг истеъдодли вакиласи Меҳри Ҳиравий – XV асрнинг биринчи ярмида Хиротда яшаб ижод қилган. Унинг эри Хожа Абдулазиз Ҳаким Шохрух Мирзонинг сарой табибларидан бири бўлган. Меҳри юксак истеъдоди ва фазилатлари сабабли малика Гавҳаршодбегимнинг дилга яқин суҳбатдоши – надимаси экан. Алишер Навоий тазкиранинг темурий ҳукмдор Абулкосим Бобурнинг мулозими бўлган Мавлоно Сулаймонийга бағишланган “Мавлоно Сулаймоний” номли фикрасида шоиранинг номи билан боғлиқ муҳим хабар битган: “Ва машҳур мундоқдурким, бу абёт Мавлоно Ҳаким табибнинг хотуни Меҳринингдур” (26).

Тоҷик ва ўзбек адабиётшунослигида биринчилардан бўлиб шоиралар ҳаёти ва ижодини тадқиқ қилган олим Тожи Усмоновдир⁹. У ўзининг “Бисти се адиба” номли китобида шоира Меҳри Ҳиравий ижодига тўхталган. Малика Гавҳаршодбегим билан унинг ўртасида бўлиб ўтган мунозарага йўғрилган суҳбатни ҳам тамсил қилган. Эргаш Очилов унинг рубоийларидан намуналар таржима қилган¹⁰.

Хулоса шуки, биринчидан, Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис”да юксак эътироф билан “... ҳам равон, ҳам пухта айтур экандур” ёки “... ҳар байти бошдин-оёқ ул замоннинг бир тарихидир” деб ёдга олган қалам аҳлига темурий ҳукмдорларнинг қизиқиши билан боғлиқ лавҳалар таҳлил қилинди. Иккинчидан, улар сабаб темурийлар Уйғониш даври маданий, адабий муҳити, шаҳарсозлик маданияти билан танишдик. Учунчидан эса темурий ҳукмдорларнинг айрим бунёдкорлик фаолиятидан хабардор бўлдик.

РЕЗЮМЕ. Мақолада Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида ёритилган темурийлар даври маданий-адабий муҳити хусусида фикр юритилиб, бу муҳитнинг баъзи намояндалари фаолиятига назар ташланади.

РЕЗЮМЕ. В статье речь идет о культурно-литературной среде эпохи тимуридов, описанной в произведении “Маджалис ун-нафоис” Алишера Навои, а также деятельности некоторых представителей данной литературной среды.

RESUME. The article considers the cultural and literary environment of the Timurid period, described in Alisher Navoi's "Majlis un-nafois", and looks at the activities of some representatives of this environment.

Таянч сўз ва иборалар: Алишер Навоий, “Мажолис ун-нафоис”, маданий-адабий муҳит, темурийлар Уйғониш даври.

Ключевые слова и выражения: Алишер Навои, «Меджлис ун-нафоис», культурно-литературная среда, Возрождение Тимуридов.

Key words and word expressions: Alisher Navoi, “Majlis un-nafois”, cultural and literary environment, Timurids Renaissance.

⁹ Бу ҳақда қаранг: Т о ж и У с м о н. Бисту се адиба. – Душанбе, 1957. – С. 51–55; Ф а х р и и Ҳ и р а в и й. Жаҳоҳиру-л-аҷоиб. – Хўҷанд: “Ношир”, 2007. – С. 54–58.

¹⁰ М е х р и Ҳ и р о т и й. Рубоийлар \ Минг бир рубоий (Форс-тоҷик тилидан Э.Очилов таржималари). – Тошкент: “Фан”, 2009, 174–175-бетлар.

ҒАФУР ҒУЛОМ ШЕЪРИЯТИДА ҚУЁШ ОБРАЗИНИНГ МАЪНО ҚИРРАЛАРИ

Адабиётда ўз овози, оҳанг йўли, бадий ифода услубига эга ҳар бир шоир шеъриятида муайян поэтик образларга алоҳида урғу берилганига, у ёки бу сўз турли шакл ва кўринишларда мунтазам қайтарилганига гувоҳ бўламиз. Бу ҳолат шунчаки тасодифми ёки шоир руҳияти, табиати, дунёқараши ва яна биз билмаган бошқа ижод сирлари билан боғлиқ адабий қонуниятми? Шуниси аниқки, аксарият шоирлар шеъриятида ўзига хос анъана шаклига кирган, ўзи хуш кўрган поэтик образлар мавжуд. Масалан, Чўлпон ижодида юлдуз, Ойбекда ой бот-бот қайтарилса, Ғафур Ғулом шеъриятида қуёш, тонг, сахарни фаол поэтик образлар сифатида кўрсатиш мумкин. Фикримизни қуйидаги статистик маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Шоирнинг 10 жилдлик асарларининг дастлабки 4 жилдига 540 та шеър жамланган. Шулардан 251 тасида қуёш ва унга синоним бўлган офтоб, хуршид, кун образлари қўлланилганлигини кузатдик. Бу шеърларнинг 430 ўрнида қуёш ва унинг синонимлари ишлатилган. Бу шунчаки рақамлар, аслида эса поэтик матнда келувчи ҳар бир сўзнинг ўзига хос бадий мазмун ташиши барчага аён. Худди шунингдек, Ғ.Ғулом шеъриятида қуёш образи шоирнинг борлиқни поэтик идрок этиб, ўй-фикрлари, туйғу, кечинмаларини ифодалашида муҳим ўрин тутди ва янги-янги маъно қирраларини намоён этиб келади.

Ғ.Ғулом ижодида қуёш қандай поэтик маъно ифодалайди, деган савол туғилади. Қўйилган саволга шоир шеъриятидаги қуёш образининг ҳар бир ўринда келган маъно қамровини аниқлаб, умумий махражга келтириш орқали аниқ жавоб топиш мумкин.

Бу ўринда, аввало, бир фактга тўхталиш лозим. Ғ.Ғулом 1929 йилнинг 5 апрелида “Қизил Ўзбекистон” газетасида “Кўса” имзоси билан “Валаху айзан” (арабчада “яна ўшандай” мавзунинг такрорланишига киноя маъносида) шеърини чоп этган. Шоир шеърга “...адабиёт саҳифасига баҳор тўғрисида келган шеърларнинг жуда кўпи қуёшни қуп-қуруқ макташдан иборат” (1,39)¹ деган изоҳ билан бу хил шеърларга киноя қилаётганлигини билдирган. Биз учун масаланинг бошқа жиҳати муҳим. Шеър ва изоҳ шоирнинг шеърий асарда образ қандай вазифа бажариши лозимлиги ҳақидаги бадий-эстетик қарашини ҳам маълум қилади. Ғ.Ғуломнинг шеърий асардаги образга, айнан қуёшга диққат қаратиши бежиз эмас. Шоир образнинг, жумладан, қуёшнинг шунчаки табиат тасвири ва мақтовидан иборат бўлиб қолиши шеъриятнинг эстетик қонунларига зид эканлигини таъкидлаган ва бу масалага диққат қаратган. Ўзи эса бу жўн йўлдан бориш хатолигини, шеърий асардаги ҳар бир образ муҳим фалсафий мазмунни ифодалашга хизмат қилиши кераклигини чуқур англаб етган, ўз ижодида ушбу ақидага қатъий амал қилган.

¹ Ғ у л о м Ғ. Асарлар, 10 жилдлик, 1-жилд (Шеърлар). – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1970; Ғ у л о м Ғ. Асарлар, 10 жилдлик, 2-жилд (Шеърлар). – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. Шоир шеърларидан келтирилган мисоллар шу икки жилддан олинди, жилди ва саҳифаси қавс ичида кўрсатилади. – Р.М.

тегди. Камера деворларини “томоша” қилаётиб, бирдан чумчуқ кўзидек ковакдан бир нарсанинг чиқиб турганини пайқаб қолди. Гавҳарга йўлиққан гадодек энтиқиб, уни тортиб олди. У ҳимарилган қоғоз эди. Бу кафтдек қоғозга хат ёзилганини ёруққа солгандагина билди ва ўқиди:

“Бу ерда сиёҳ йўқлигидан қоним билан гугурт чўпида ёзяман. Мен оддий совет кишисиман. Маслагим йўлида ҳалок бўляман. Қалбим тинч. Хайр, дўстлар: Биз енгамиз! А. Овчаренко”.

Бу хат унга бир олам куч-қувват бахш этди¹.

“Келажак” кишиларига атаб ёзилган яна бир мактуб эса, романнинг “Олижаноблик” деб номланган йигирма бешинчи бобида берилган бўлиб, бу мактубнинг матни маълум сабабларга кўра роман нашридан тушириб қолдирилган. Унда фақатгина Содиқнинг украин дўсти Микола Богун ва туркман ошнаси Журменеклар билан “бетонлаштирилиш пайтида атайин қолдирилган ковакка жойлаб, устидан ғишт териб юборилган”и (211) айтилади. Шу сабабли биз романнинг Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейи Ёзувчи ва шоирлар архиви фондида сақланаётган асл қўлёзмасидаги ўша хат ёзилган эпизодга диққатимизни қаратамиз:

“Уч ўртоқ бир хилватга ўтиб, бино остига бостириб юборадиган “келажакка хатлар”ни маслаҳатлашиб ёзишди... Текстда шундай дейилган эди:

“Келажак кишилари! Биз сизга мурожаат этамиз. Бу фабрика ва биноларни сиёсий маҳбуслар курганини балки ўқиб билурсиз ва бизни нафратланиб тилга олурсиз. Агар шундай қилсангиз, хатога йўл қўйган бўласиз. Тўғри, биз маҳбуслармиз, лекин жиноятчилар эмасмиз. Бизнинг кўпчилигимиз ноҳақлик қурбонимиз. Биз ҳам сиз келажак – коммунизм кишиларини жондан севардик, сизлар учун инқилоб қилган, ёзувчи синфни йўқотган ватанпарварлар эдик. Ана шу йўлда ҳалоллик билан жон фидо этмоқчи эдик, лекин, минг афсуски, тухмат ва ҳаромдан ҳазар қилмайдиган махлуқсимон кишилар балосига қолиб, манглайимизга сиёсий маҳбус – халқ душмани тамғаси босилди. Ишонтириб айтамикки, биз “халқ душмани” эмасмиз. Бизни тўғри тушунинг ва ёмонлаб ёд этманг.

Гарчанд маҳбус бўлсак ҳам қалбимиз ва ниятимиз поклигига онт ичиб, сиз коммунизм кишиларига – башарият тарихининг энг бахтли кишиларига алангали салом йўллаймиз.

Бу хат сизларнинг қўлларингизга тушганда балки бизларнинг кўпчилигимиз номи пок бўлиб, катта ҳаёт рўйхатига қайта қўшилган бўлармиз. Шундай бўлса ҳам, бир ёдгор, ўтмишнинг лавҳаси сифатида бу хатни сизларга қолдирдик”².

Ҳар иккала мактуб ҳам озодликка ташна кишилар томонидан, юксак пафосда ёзилган бўлиб, агар А.Овчаренконинг хати карцерга “наказание” учун ташланган Қодирнинг деярли тугаб бораётган сабрига сабр қўшган, юрагига жасорат бахш этган бўлса, Содиқ ва унинг дўстлари томонидан ёзилган мактуб унинг муаллифларига инсон бардош бериши мушкул бўлган “жаҳаннам”да маҳбусларга катта далда бўлиши билан биргаликда, яхши кунларнинг келишига умид берганлигини ҳам кўришимиз мумкин. Адиб романда бу иккала мактубни контрастда қўллаб, Сталин қатлгоҳларининг

¹ Ш у х р а т. Олтин зангламас. – Тошкент: “Шарқ”. 1999, 361–362-бетлар. Асардан келтирилган кейинги мисоларнинг саҳифаси қавс ичида кўрсатилади. – М.Ё.

² ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейи. Ёзувчилар архиви. Ф.16.37–38 инвентарь рақамли ҳужжат. “Олтин зангламас” романининг қўлёзмаси, 397-бет.

“ОЛТИН ЗАНГЛАМАС” РОМАНИДАГИ МАКТУБЛАР

Бадий адабиётда мактублардан фойдаланиш анъанавий усул бўлиб, фольклор асарларида ҳам, мумтоз адабиёт намуналарида ҳам кенг қўлланилган. XX асрга келиб ёзувчилар ўз асарларида мактублардан нафақат фойдаландилар, балки бутун бошли асарни ҳам мактуб асосига қурганлар ҳам бўлди (Ў.Ҳошимовнинг “Чўл ҳавоси” қиссаси, Н.Боқийнинг “Изҳори дил” ҳикояси шулар жумласидандир). Шуҳратнинг “Олтин зангламас” романида ҳам мактублардан унумли фойдаланилган. Романдаги мактубларни ўз хусусиятига кўра бир нечта турга бўлиш мумкин:

1. Расмий хатлар (Содиқнинг бош прокуратурага ёзган хатлари ва у портлашдан сақлаб қолган мактаб ўқувчиларининг Маратга йўллаган мактуби).

2. Сиёсий-ташвиқот йўналишидаги хатлар (Немис авиация қўшинларининг совет жангчилари устига самолётдан ташлаган ташвиқот варақалари. (Бу варақалар романда “хат” деб номланмаганига қарамасдан, шартли равишда мактубларга қўшиб санадик).

3. Маиший йўналишдаги хатлар (Содиқ билан Жаннат ўртасидаги ёзишмалар, Қодирнинг Азизага ёзган хатлари ва Мирсалимнинг савдо шерикларидан олган хати (Бу хатнинг фақат мазмуни берилган).

4. Юмалоқ-чакув хатлари (Мирсалимнинг Шукуров билан биргаликда Содиқнинг устидан ёзган хати ва Мирсалимнинг Қодирни ўқишдан ҳайдатиш учун институт директориға ёзган хати).

5. Сохта мактублар (Мирсалимнинг аслида йўқ укаси Миркомил номидан ўзининг ўлими ҳақидаги Рашидахонга ёзган хати (бу хатнинг матни қўлёзмада мавжуд бўлиб, маълум сабабларга кўра роман нашридан тушириб қолдирилган) ва Мирсалимнинг Қодир устидан органга ёзган хати (Бу хат Мирсалим номидан орган ходимлари томонидан ёзилган).

6. Келажакка мактублар (Содиқнинг лагердаги қисматдошлари билан биргаликда ёзиб, деворга қўшиб уриб юборган мактуби ва А.Овчаренконинг ўлими олдида ўз қони билан ёзиб, девор ковагига тиқиб кетган хати).

Умуман, “Олтин зангламас” романида жами ўн еттита хат бўлиб, биз ушбу мақолада, асосан, “келажакка ёзилган” мактублар ҳақида сўз юритамиз.

Романнинг иккита жойида келажак кишиларига қарата мурожаатнома – мактуб битилган. Ҳар иккала мактуб ҳам маҳбуслар томонидан ёзилган бўлиб, уларнинг биринчиси Сталин лагеридан бирида тутқунда бўлган Содиқ ва унинг қамоқдаги дўстлари томонидан битилган бўлса, иккинчи мактуб Гитлерчилар концлагерида А.Овчаренко томонидан ёзиб қолдирилган. Иккинчи мактуб романнинг “Синов дақиқалари” деб номланган ўттиз еттинчи бобида берилган бўлиб, бу хатни немислар томонидан “жазо” сифатида қарцерга “тиқилган” Қодир топиб олади. “... Қодирнинг унга раҳми келиб, ўз тақдирдан ваҳимага тушди: мен ҳам жинни бўлиб қолмасам!

Эртасига бу даҳшатли ваҳимадан қутулиб, камерага “қўниккан”дек бўлди. Уни кўздан кечирди: аввалгисидан сал ёруғ. Ташқаридан сал-пал товуш ҳам эшитилади. Бу товуш қулоғига илк бор кирганда бағрини тилиб кетди: инсон товушининг бунчалик ҳаётбахш эканини энди туйгандек эди. Чанқоқ киши сувга ёпишгандек қўлини ҳовуч қилиб, ташқарига қулоқ солди, лекин товуш келарди-ю, уни англаб бўлмас эди. Бу ҳам бора-бора жонига

Поэтик санъатлар мезони билан қаралса, шоир шеъриятида қуёш образи турли тасвирий воситалар – ўхшатиш, сифатлаш, истиора, муболаға, рамз ва бошқа кўринишларда намоён бўлишини қайд этиш мумкин. Биз асосан қуёш образида ифодаланган поэтик маъно ва мазмунга ўз диққатимизни қаратдик ва уларни қуйидаги гуруҳларга ажратиб тасниф этдик. Бу ўринда ифоданинг икки ҳолати мавжуд: биринчи ҳолатда қуёш воқеликни кенг маънода аниқлаштирувчи бўлса, иккинчи ҳолатда аксинча, воқелик қуёшга нисбат, аниқловчи вазифани ўтайди. Биринчи ҳолатда Қуёш образи ифодаловчи маъноларни қуйидагича умумлаштириб, тасниф этиш мумкин:

1. Қуёш – борлик, ҳаёт манбаи, мазмуни, мезони, тириклик ва ҳаётга гувоҳ, заррадан Юпитергача мураббий, олам подшоҳи, ҳимоячи, яратувчи куч, бунёдкор, ишончли суянчиқ, қувват берувчи, барча ҳодисаларга гувоҳ ва ҳакам. Жумладан:

*Зўр қарвон йўлида етим бўтадек,
Интизор кўзларда ҳалқа-ҳалқа ёш.
Энг кичик заррадан Юпитергача
Ўзинг мураббийсан, хабар бер, Қуёш! (2,36)*

2. Қуёш – вақт, умр, давр, боқийлик, ҳаёт завқу шавқи, инсон эрки, озодлиги, шодлик, бахту толе, тўқинлик, бағрикенглик, ҳалоллик, мардлик, қудрат, гўзаллик, бунёдкорликларнинг мезони, ўлчами, баҳоси сифатида келган ҳолатлар.

*Ҳаёт шаробидан бир қултум ютай,
Дамлар ганиматдир, умрзоқ соқий.
Қуёш-ку фалакда кезиб юрибди,
Умримиз боқийдир, умримиз боқий (2,67).*

3. Қуёш – ватан ва она, хонаи хуршид.

*Сен етим эмассан,
Тинчлан, жигарим,
Қуёшдай меҳрибон
Ватанинг – онанг,.. (2,30)*

4. Қуёш – билим, маърифат, ҳикмат, ҳаёт фалсафаси, илҳом манбаи, илму ижод, улуғ ғоя, олий мақсад.

*Не-не тарихларни бошдан ўтказиб,
Талай жафоларни тортган эски Шарқ –
Не-не даҳоларни тарбият қилиб,
Офтобдай жаҳонни нурга қилди ғарқ (2,59).*

5. Куёш – бахт, иқбол, бахтли ҳаёт, бахт манзили, шукронага ифода воситаси, ўлкадаги қувончга меҳрибон, ҳомий.

*Туш кўриб, келибсан, ўғлим, йўяйми,
Ёмғур барокату қуту нишона.
Камалак кўрибсан, бунинг таъбири –
Етти ранг қуёш*у қутлуг пешона.

*Ёмғир-қу кўрибсан – халқнинг қудрати,
Шундай баракали, енгилмас, ботир.
Камалак кўрибсан, ўзбек элининг
Икки қош ўртаси бир қуёш* ётур (2,144).

6. Куёш – улуг куч, қудрат манбаи, барча ишларга қодир, зимистонни қувувчи, халқ иродаси, қуввати, эзгулик манбаи, ёмонликка қарши қурашувчи қудратнинг ўтли шамшири, адолат ва эзгулик палласида ҳозир нозир, тантана гувоҳи, раҳнамози, тинчлик қудрати, янгиланиш, озодлик қуввати, яшариш, қувонч манбаи, севги қудрати.

*Ҳимматинг қанчалар бор, олтин юзли офтоб?
Болаларнинг бошидан аямай зарингни соч,
Энди кулиш арғанун, қаҳқаҳалардир рубоб,
Бугун чин арафадир* (2,71).

7. Куёш – шонли меҳнатга мақтов, меҳнат роҳати, бахтининг қуввати, тантанаси, нашъасининг шукронаси, ҳалол меҳнат қадри, ўлчови.

*Янги кун уйғонди, улуг халқимга
Тонготар муборак офтобидек.
Шарафли меҳнатнинг субҳидамида
Ери юз минг йиллик ўз китобидек.*

*Ердан ўз кетмонда кўчган ҳар тупроқ
Ота юрт илмидан гўё бир варақ,
Тонготар меҳнатин айтганда бироқ,
Қуёшнинг тигидек ҳар дам ялтироқ.*

*Яшагил, кетмоним, қуёшим, ноним,
Бошимга олтиндан қўйдинг чамбарак.
Яшагил, меҳнатим, қувватим, жоним,
Илк тонг саҳардан беролдинг дарак* (2,148).

8. Куёш – эрк, озодлик, тенглик, тинчлик, шодлик ва байрамга қиёс.

*Инсон чин инсон бўлур, умид, умтилиш билан,
Бўғовларни парчалаш унинг хоҳиши, иши
Не ажасб, букун-эрта олам даричасидан
Озодлик қуёшининг нурга тўлиб, кулиши* (2,171).

9. Куёш инсон бунёдкорлиги олдида ҳайратда, бунёдкорликни олқишловчи, бунёдкорлик куёшни жиловлай олади.

*Кўрқ, қуёш. Яқиндир сени юганлаш,
Миллион йил ўзбошимга кезувинг етар.
Биз тунлар душмани; бизнинг ўлкага –
Ёппа қундуз учун бўлдинг сафарбар* (1,159).

Иккинчи ҳолатга қуйидаги ифода шакллари мисол бўлиши мумкин: шоир куёш инсон дағдағасидан коптокдай юмалаб кетди (инсон куч-қуввати куёшдан зўр деб айтилган муболаға), куёш бахт ўлкасида қолмоқчи, ватан тутмоқчи, куёшни киши бахти учун садқа қилмоқчи, куёшнинг қонталашлиги, мазлумлик сифати, белгиси кабилар.

Келтирилган тасниф натижалари шоир шеърлятида куёш образи қайси мазмунда фаол қўллаганлиги ва бу маънонинг туб асоси қандай тасаввур, дунёқарашларга боғланишини, образнинг поэтик маъно қатламлари қандай эканлигини аниқлаш имконини беради. Тасниф мундарижасини чиқарадиган бўлсак, шоир куёш образига: Куёш ва узлуксиз вақт, Куёш ва бунёдкор одам, Куёш ва эркин замон бирлигида ўзаро узвий боғлиқ улкан фалсафий мазмун юклаганини англаймиз. Ғ.Ғулом шеърлятидаги барча куёш образларининг маънолари қайси шеърда, қайси муддатда, қайси мавзуда ижод қилинган бўлмасин, нафақат бир шеър, балки барча шеърларга билвосита тегишли ягона мазмунга жамлаган. Бу эса шоирнинг олам, одам, замонни англаб фикр билдиришида яхлит тизимли фалсафий билим, дунёқараш, бадий тафаккурга эга шахс бўлганлигидан далолат беради.

Шоир ижодида тонг куёши муҳим ўрин тутди. Умуман, шеърларда Вақт ўлчаи асосан саҳар ва тонг деб олинади. Бу ҳолатнинг табиий асослари бўлиш билан бир қаторда шоир саҳар, тонг, куёш бирлигига ҳам алоҳида поэтик мазмун беради. Энг муҳим жиҳати – бу маъно турли талқинларда келишидан қатъи назар, улар моҳиятан бир умумий мазмунга келиб, шоирнинг Куёш образининг яхлит поэтик маъносини аниқлаш имконини беради.

Маълумки халқимизнинг куёш билан боғлиқ тасаввурлари бор. Айни пайтда мумтоз адабиётда куёш образининг ўзига хос маъно қатламлари мавжуд. Ғ.Ғулом шеърлятидаги куёш бевосита ана шу асосларга таяниб, янги воқеликнинг ўзига хос ифодадай олган поэтик образга айланди.

РЕЗЮМЕ. Мақола Ғафур Ғулом шеърлятида асосий ўрин тутган куёш образи ва унинг маъно кирралари таснифи ва таҳлилига бағишланган.

РЕЗЮМЕ. Статья посвящена классификации и анализу образа солнца и его смысловых аспектов, играющих ключевую роль в поэзии Гафура Гулама.

RESUME. The article is devoted to the classification and analysis of the image of the sun and its semantic aspects, which play a key role in the poetry of Ghafur Ghulam.

Таянч сўз ва иборалар: шоир, шеърлят, поэтика, образ, анъана, куёш, синоним, мазмун, тасниф.

Ключевые слова и выражения: поэт, поэзия, поэтика, образ, традиция, солнце, синоним, содержание, классификация.

Key words and word expressions: poet, poetry, poetic, image, tradition, sun, synonym, art, content, classification.